| И11 | 1.3 | 17 | 36 | - | - | - | - | 15 | 28 |
| И12 | 1.4 | 15 | 36 | - | - | - | - | 13 | 27 |
| И13 | 1.8 | 18 | 35 | - | - | - | - | 14 | 26 |
| И14 | 1.9 | 20 | 34 | - | - | - | 23 | 16 | 22 |
| И15 | 1.7 | 21 | 35 | - | - | - | 21 | 16 | 22 |
| И16 | 1.8 | 23 | 37 | - | - | - | 19 | 18 | 23 |
| И17 | 2.0 | 25 | 39 | - | - | - | 16 | 22 | 24 |
| И18 | 1.5 | 24 | 40 | - | - | - | 17 | 20 | 25 |
| И19 | 16 | 25 | 42 | - | - | - | 15 | 18 | 27 |
| И20 | 1.7 | 27 | 47 | - | - | - | 14 | 16 | 29 |
| И21 | 1.9 | 29 | 50 | - | - | - | 17 | 15 | 32 |
| И22 | 1.8 | - | - | - | - | 29 | 14 | 30 | 14 |
| И23 | 1.7 | - | - | - | - | 26 | 16 | 32 | 18 |
| И24 | 1.6 | - | - | - | - | 27 | 24 | 36 | 21 |
| И25 | 1.7 | - | - | - | 29 | 28 | 18 | 31 | 15 |
| И26 | 1.8 | - | - | 28 | 26 | 27 | 22 | - | 16 |
| И27 | 2.0 | - | - | 25 | 25 | 30 | - | - | 17 |
| И28 | 2.1 | - | - | 23 | 21 | 32 | - | - | 19 |
| И29 | 2.0 | - | - | 27 | 25 | 35 | - | - | 23 |
| И30 | 1.9 | - | - | - | 14 | 14 | | - | 33 |
| И31 | 1.4 | - | - | - | 12 | 13 | - | - | - |
| И32 | 1.6 | - | - | - | 14 | 13 | - | - | - |
| И33 | 1.9 | - | - | - | 16 | 15 | - | - | - |
| И34 | 2.0 | - | 37 | 19 | 25 | 27 | - | - | 15 |
| И35 | 2.1 | - | 33 | 16 | 29 | 30 | - | - | 14 |

1-2 – жадваллардаги “-” белгиси қўйилган катакчаларда жуда катта ҳаражат пайдо бўлади ёки электр тармоғини тортиш имконсиз.

Масалани ечиш алгоритмлари учун Python 3 дастурлаш тилида дастурий таъминот ишлаб чиқилди.

**Дастурий таъминот тузилиши.** Дастурий таъминот маълумотларни киритиш, ҳисоблаш ва натижаларни чиқариш блокларидан иборат (2-расм).




***2-расм.** Дастурий таъминот тузилиши.*

Ҳисоблашларни амалга ошириш учун дастурни ишга туширганимиздан сўнг «**Файл**» менюсидан «**Киритиш**» буйруғини танлаймиз (3-расм).




***3-расм.** «Файл» менюси.*

Натижада мулоқат ойна очилади ва ушбу ойна орқали олдиндан ёзилган “xlsx” форматли файлни очамиз ва 4-расмда кўрсатилганидек маълумотларни оламиз. Ушбу маълумотлар олдиндан Microsoft Excel дастурида яратилган “xlsx” форматли файлларда сақланади.




| | Подстанциялар | Захира қуввати (МВт) |
|---|---|---|
| 1 | Подстанция 1 | 30 |
| 2 | Подстанция 2 | 35 |
| 3 | Подстанция 3 | 30 |

| | Трансформаторлар | Захира қуввати (МВт) |
|---|---|---|
| 1 | Трансформатор 1 | 12 |
| 2 | Трансформатор 2 | 14 |
| 3 | Трансформатор 3 | 11 |
| 4 | Трансформатор 4 | 13 |
| 5 | Трансформатор 5 | 10 |
| 6 | Трансформатор 6 | 11 |
| 7 | Трансформатор 7 | 13 |
| 8 | Трансформатор 8 | 11 |

| | Истеъмолчилар | Талаб (МВт) |
|---|---|---|
| 1 | Истеъмолчилар 1 | 1.3 |
| 2 | Истеъмолчилар 2 | 1.2 |
| 3 | Истеъмолчилар 3 | 1.8 |
| 4 | Истеъмолчилар 4 | 1.4 |
| 5 | Истеъмолчилар 5 | 1.5 |
| 6 | Истеъмолчилар 6 | 1.6 |
| 7 | Истеъмолчилар 7 | 1.4 |
| 8 | Истеъмолчилар 8 | 1.9 |
| 9 | Истеъмолчилар 9 | 1.5 |
| 10 | Истеъмолчилар 10 | 1.6 |

***4-расм.** Кирувчи маълумотларни файлдан ўқитиш.*

Ҳисоблашларни амалга ошириш учун «**Ҳисоблаш**» менюсидан «**Бажариш**» буйруғини танлаймиз. «**Натижа**» бўлимига бориб 5-расмдаги натижага эга бўламиз.




| | | Истеъмолчилар 1 : 1.3 | Истеъмолчилар 2 : 1.2 | Истеъмолчилар 3 : 1.8 | Истеъмолчилар 4 : 1.4 | Истеъмолчилар 5 : 1.5 | Истеъмолчилар 6 : 1.6 | Истеъмолчилар 7 : 1.4 | Истеъмолчилар 8 : 1.9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Трансформатор 1 : 12 | 1.3[25] | 0.0[24] | 0.0[22] | 1.4[18] | 0.0[36] | 0.0[42] | 0.0[44] | 0.0[45] |
| 2 | Трансформатор 2 : 14 | 0.0[23] | 1.2[16] | 1.8[16] | 0.0[17] | 1.5[17] | 0.0[18] | 0.0[17] | 0.0[16] |
| 3 | Трансформатор 3 : 11 | 0.0[53] | 0.0[52] | 0.0[50] | 0.0[48] | 0.0[32] | 1.6[20] | 1.4[16] | 1.9[16] |
| 4 | Трансформатор 4 : 13 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0.0[55] | 0.0[58] |
| 5 | Трансформатор 5 : 10 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6 | Трансформатор 6 : 11 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7 | Трансформатор 7 : 13 | 0.0[50] | 0.0[48] | 0.0[46] | 0.0[45] | 0.0[46] | 0.0[51] | 0 | 0 |
| 8 | Трансформатор 8 : 11 | 0.0[51] | 0.0[48] | 0.0[47] | 0.0[45] | 0.0[15] | 0.0[16] | 0.0[18] | 0.0[21] |
| 9 | Жами | 1078.50000000000... | None | None | None | None | None | None | None |

| | | Трансформатор 1 : 12 | Трансформатор 2 : 14 | Трансформатор 3 : 11 | Трансформатор 4 : 13 | Трансформатор 5 : 10 | Трансформатор 6 : 11 | Трансформатор 7 : 13 | Трансформатор 8 : 11 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Подстанция 1 : 30 | 7.2[30] | 5.6[35] | 0.0[51] | 0 | 0 | 0.0[49] | 8.3[34] | 0.0[46] |
| 2 | Подстанция 2 : 35 | 0 | 0.0[55] | 11.0[28] | 13.0[28] | 0.0[39] | 0 | 0 | 0.0[44] |
| 3 | Подстанция 3 : 30 | 0.0[60] | 0 | 0 | 0.0[47] | 3.3[29] | 11.0[28] | 0.0[40] | 0.0[45] |
| 4 | Жами: | 1769.9 | None | None | None | None | None | None | None |

***5-расм.** Оптимал ечимни аниқлаш.*

Масаланинг оптимал ечими 3-4-жадвалларда келтирилган.

**3-жадвал.** Подстанциялардан трансформаторларга узатилувчи электр қуввати.

| Подстанциялар | Захира қуввати (МВт) | Трансформаторларнинг қуввати (МВт) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Т1 | Т2 | Т3 | Т4 | Т5 | Т6 | Т7 | Т8 |
| | | 12 | 14 | 11 | 13 | 10 | 11 | 13 | 11 |
| | | 1 МВт электр энергиясини подстанциядан трансформаторларга узатишда сарфланадиган харажатлар (минг сўм) | | | | | | | |
| П1 | 30 | 7.2(30) | 5.6(35) | - | - | - | - | 8.3(34) | - |
| П2 | 35 | - | - | 11(28) | 13(28) | - | - | - | - |
| П3 | 30 | - | - | - | - | 3.3(29) | 11(28) | - | - |

**4-жадвал.** Трансформаторлардан истеъмолчиларга узатилувчи электр қуввати.

| Транс-форматор | Истеъ-молчи | Электр қуввати | Транс-форматор | Истеъ-молчи | Электр қуввати | Транс-форматор | Истеъ-молчи | Электр қуввати | Транс-форматор | Истеъ-молчи | Электр қуввати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т1 | И1 | 1.3 | Т3 | И7 | 1.4 | Т4 | И30 | 1.9 | Т6 | И22 | 1.8 |
| Т1 | И4 | 1.4 | Т3 | И8 | 1.9 | Т4 | И31 | 1.4 | Т6 | И23 | 1.7 |
| Т1 | И11 | 1.3 | Т3 | И9 | 1.5 | Т4 | И32 | 1.6 | Т6 | И25 | 1.7 |
| Т1 | И12 | 1.4 | Т3 | И10 | 0.5 | Т4 | И33 | 0.2 | Т7 | И14 | 1.9 |
| Т1 | И13 | 1.8 | Т3 | И34 | 2.0 | Т5 | И24 | 1.6 | Т7 | И15 | 1.7 |
| Т2 | И2 | 1.2 | Т3 | И35 | 2.1 | Т5 | И33 | 1.7 | Т7 | И16 | 1.8 |
| Т2 | И3 | 1.8 | Т4 | И26 | 1.8 | Т6 | И17 | 2.0 | Т7 | И20 | 1.0 |
| Т2 | И5 | 1.5 | Т4 | И27 | 2.0 | Т6 | И18 | 1.5 | Т7 | И21 | 1.9 |
| Т2 | И10 | 1.1 | Т4 | И28 | 2.1 | Т6 | И19 | 1.6 | | | |
| Т3 | И6 | 1.6 | Т4 | И29 | 2.0 | Т6 | И20 | 0.7 | | | |

Оптимал ечимга мос электр тармоқлари схемаси 6-расмда берилган.




***6-расм.** Электр тармоқларининг оптимал схемаси.*

6-расмдаги электр тармоғи бўйича истеъмолчиларга электр энергиясини узатиш учун жами: 2848400 сўм харажат сарфланади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, подстанциялардан истеъмолчиларига электр қуввати энг кам харажатлар сарфланадиган электр тармоқларинининг математик модели тузилди. Ушбу моделга мос сонли мисол келтирилди ва Python дастурлаш тилидан фойдаланиб дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва натижалар олинди.

## Адабиётлар

1. Герасименко А.А., Педин В.Т. Передача и распределение электрической энергии: учебное пособие. 4-е изд., стер. –М.: «Кнорус», 2014. –С. 648.

2. Утеулиев Н.У., Бурханов Ш.А., Орынбаев А.Б. Соотношения двойственности и условия оптимальности для одной оптимизационной задачи электроэнергетики. Международной научно-практической конференции “Статистика и её применения”. – Наманган: 19-20 октября 2022 г. –С. 298-300.

3. Костин В.Н. Оптимизационные задачи электроэнергетики: учебное пособие. -СПб.: СЗТУ, 2003. –С. 120.

4. Frederic Babonneau, Michael Caramanis, Alain Haurie, Applied Energy. A linear programming model for power distribution with demand response and variable renewable energy. Volume 181, 1 November 2016. –P. 83-95.

5. Данциг Д. Б. Линейное программирование, его применение и обобщение. –Москва: «Прогресс», 1966. –С. 600.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола электр энергиясини тақсимлаш масаласининг математик моделини ва ечиш алгоритмлари учун Python дастурлаш тилида дастурий таъминот ишлаб чиқишга бағишланган. Дастурий таъминот ёрдамида сонли тажрибалар ўтказилган ва оптимал ечим олинган.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена разработке математической модели задачи распределения электроэнергии и разработке программного обеспечения на языке программирования Python для решения алгоритмов. С помощью программы были проведены численные эксперименты и найдено оптимальное решение.

**SUMMARY.** The article is devoted to the development of a mathematical model for the problem of power distribution and the development of software in the Python programming language for solving algorithms. With the help of the program was found, numerical experiments which carried out and the optimal solution.

**УДК 621.315.592**

# ЕВРОПИЙ КИРИШМА АТОМЛАРИ КИРИТИЛГАН КРЕМНИЙГА МАГНИТ МАЙДОН ТАЪСИРИ

**Н.Ф.Зикриллаев –** *физика-математика фанлари доктори, профессор*
*Тошкент давлат техника университети*
**Л.Трабзон** *– физика-математика фанлари доктори, профессор*
*Истамбул техника университети*
**Қ.А.Исмаилов –** *физика-математика фанлари доктори, профессор*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*
**Ғ.Ҳ.Мавлонов –** *физика-математика фанлари доктори, профессор*
**Й.А.Абдуғаниев –** *мақсадли таянч докторант*
*Тошкент давлат техника университети*
**О.С.Неъматов –** *таянч докторант*
*Самарқанд давлат университети*
**Т.Б.Исмаилов –** *таянч докторант*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар**: AFM, XRD, Брагг-Брентано, рентген нурлари, панжара доимийси, миллер индекси, брегг бурчаги.
**Ключевые слова:** Брэгг-Брентано, рентгеновские лучи, решетка постоянная, индекс Миллера, угол Брэгга.
**Key words:** AFM, XRD, Bragg-Brentano, X-rays, lattice constant, Miller index, Bragg angle.

**Кириш.** Лантаноид гуруҳига кирувчи элементларнинг бирикмаларини кремний монокристаллида шакллантириш бўйича олимлар ва мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида замонавий датчиклар ва магнитэлектрон қурилмаларни яратиш мумкин бўлган янги материалларни олиш имкониятлари кўрсатиб берилган [1-4]. Бу соҳага бўлган қизиқишнинг сабаби нафақат янги

материалларнинг олиш технологиясини яратиш шу билан бирга уларнинг асосий физик хусусиятларини ўрганиш яримўтказгичлар физикасида долзарб масала ҳисобланади. Адабиётларнинг илмий таҳлили асосида лантоноид элементларнинг киришма атомлари киритилган кремнийда ферромагнитизм ҳолатининг кузатилиши киришма атомларнинг магнит моментларини қаттиқ ҳажмида ўзаро пареллел тартибланиши билан изоҳланган. Металларда электронларнинг концентрацияси кўп бўлганлиги учун уларнинг спинларини бошқариш нисбатан осон бўлади. Яримўтказгич материаллар, хусусан, кремний диамагнетик материал ҳисобланади. Кремнийга юқори спин тартибланиш хусусиятига эга лантаноид гуруҳига мансуб элементларнинг киришма атомларини киритиш орқали бошланғич кремнийнинг магнит хоссасини ўзгартириш мумкинлиги [5] ишда кўрсатиб берилган. Олинган натижалар яримўтказгич кремний материалини спинтроникада магнит датчикларни яратишда фойдаланиш имкониятини беради, масалан, спин транзисторларни ишлаб чиқаришда. 4f- гуруҳ элементларининг киришма атомларини кремнийга киритиб, унинг магнит хусусиятларини бошқаришга қизиқиш ортиб бормоқда. Eu атомларининг ташқи электрон қобиқларидаги $4f^7$ электронлар спини S=7/2 га тенг. Eu ва киришма атомларининг кремнийга киритиб унинг магнит хусуситяларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади

**Тадқиқот натижалари.** Киришма атомлари сифатида танлаб олинган 99,999% (Hebei Suoyi New Material Technology Co., Lt заводидан олинган) кимёвий тоза бўлган европий (Eu) металл элементининг киришма атомлари бошланғич n-турдаги кремнийга газ ҳолатдан диффузия қилинди. Бунда бошланғич кремнийнинг солиштирма қаршилиги ρ=6; 40; 60 ва 80 Ом·см танлаб олинди ва геометрик ўлчамлари $8\times4\times1$мм$^3$ да қилиб тайёрланди. MG17-60/300 русмли турбкали электрпечда T=1200˚÷1350 ˚C ҳарорат ва t=6÷15 соат оралиғида киришма атомлар кремнийга газ ҳолатидан диффузия қилинди. Диффузиядан сўнг кремний намуналари секин совитиш йўли билан совутиб олинди. Европий киришма атомларининг диффузия коэффициенти кичиклигини ҳисобига киришма атомларни кремнийга кириш чуқурлиги кичик қийматларида бўлди. Бунда, киришма атомларни кремний монокристаллининг кристал панжарасидаги асосий кремний атомларини ўрнига панжара тугунида жойлашиши аниқланди [6]. Диффузиядан сўнг олинган кремний намуналарининг электрофизик параметрлари ECOPIA HALL HMS-3000 русмли қурилма ёрдамида ўрганди. Тадқиқотни асосий мақсади, кремний сиртида киришма атомларнинг бирикмасидан ташкил топган кластерларнинг концентрациясини ҳосил қилиш ва кўпайтиришдан иборат эди. Чунки, кремний сиртида киришма атомларнинг кластерларни сони қанча кўп бўлса, намунанинг магнит сезгирлик хусусияти шунга катта бўлади. Европий киришма атомларининг кремнийдаги максимал эрувчанлик концентратцияси $N=10^{18}\div10^{19}$ см$^{-3}$ оралиғида бўлади [7]. Тажриба натижасида европий киришма атомларининг кремнийдаги концентратциясининг тақсимоти олинди (1-расм).

$$C(x,t) = C_0 erfc(\frac{x}{2\sqrt{Dt}}) \quad (1)$$




*Расм.1. Европий киришма атомларини кремний сирти ва сирт олди қатламидаги концентратциясининг тақсимоти.*

Кремний монокристаллига европий киришма атомларини диффузиясидан кейинги электрофизик параметрлари ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда берилди.

1-жадвал.

| Намуна-лар | Ўтказув-чанлик тури | Бошланғич материланинг солиштирма қаршилиги, ρ, Ом·см | Заряд ташувчи-ларнинг ҳаракатчан-лиги, μ, $см^2/В\cdot с$ | Ток ташув-чиларнинг концентратция миқдори, N, $см^{-3}$ |
|---|---|---|---|---|
| КЭФ-80 | *n* | 73 | 1077 | $7{,}9\cdot10^{13}$ |
| КЭФ-40 | *n* | 38,6 | 978 | $1{,}65\cdot10^{14}$ |
| КЭФ-6 | *n* | 6,93 | 571 | $1{,}1\cdot10^{15}$ |
| Si<Eu> КЭФ-80 | *p* | 0,018 | 191 | $1{,}8\cdot10^{18}$ |
| Si<Eu> КЭФ-40 | *p* | 0,0136 | 204 | $2{,}24\cdot10^{18}$ |
| Si<Eu> КЭФ-6 | *p* | 0,12 | 309 | $1{,}26\cdot10^{17}$ |

Европий киришма атомлари билан легирланган кремний намуналарнинг сиртидаги атомларнинг ҳолатини ўрганиш EGE университетида (Туркия, Измир) ўрнатилган атом кучлари микроскопи (АКМ)дан фойдаланиб амалга оширилди. АКМ материалнинг сиртидаги атомларнинг ҳолати ҳақида маълумотларни ва тасвирларни беради АКМда ўтказувчан сирт потенциалини электр майдони магнит доменларни ўлчаш имконини беради. АКМда олинган тасвирларда атомлар заряд ҳолатини баландлигини ўлчашда учта асосий усул мавжуд, гистограмма таҳлили, сирт тузилишининг юқори ва пастки қисмидаги битта нуқта ва унинг юқори ва пастки қисмига мос келадиган чизиқ [9-10].







*2-расм. Si<P,Eu> намуналарининг сирт ҳолатини АКМ да олинган тасвирлар*




*3-расм. Si<P,Eu> намунаси АКМда 0÷25µm узунлик оралиғида киришма атомлар ҳосил қилган чўққилар.*

АКМдан фойдаланиб, европий киришма атомлари билан легирланган кремний намунасининг сиртидаги кичик контроллер сканерлаш орқали олинган АКМ тасвирларни таҳлил қилишнинг яна бир қизиқарли усули, ҳосил бўлган чўққилардаги атомларнинг сони ҳақида маълумот беради. АКМ олинган тасвирда кремнийнинг сирт қисмида 12,5µm спектрда кузатилган чўққига мос бўлган кластердаги атомлар сони $1{,}6{\cdot}10^4$ тани ташкил қилди (4-расм).






a) b)




c)




d)

*4-расм. Si<P,Eu> намунасининг АКМ да олинган натижаларни gwyddion дастурий таҳлили асосида аниқланган маълумотлар.*

a) намуна сиртининг морфологияси, b) намунанинг 3D тасвири, c) намуна сиртининг текстураси, d) намуна сиртининг ғадирбудирлик даражаси.

Илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра европийнинг кристалл стуруктураси R- симон, панжара доимийси 5,144 Å га тенглиги аниқланди [11]. Диффузиядан сўнг олинган кремний намуналарининг панжара доимийсини текшириш XRD русумидаги рентген нурларининг дифракциясидан фойдаланиб амалга оширилди.




a)




*5-расм. Рентген нурларининг дифракцияси (XRD)*
*a) Si,<P> намунасининг дифрактограммаси*
*b) европий киришма атомлари билан легирланган кремнийни дифрактограммаси.*

Рентген нурларининг диффракцияси ёрдамида атом шкалаларда даврий тартибланган тузилмаларни ўрганиш мумкин. XRD усули монокристалл ёки поликристалл материалларнинг структурасини ўрганишда фойдаланилади. Бу усулда ҳосил бўлган рентген нурларининг диффракцияси асосида кремний кристалл панжарасидаги структуравий ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Рентген трубкасидан тарқалган нурлар кремний намунаси орқали ўтиб экранда акс этади ва детекторга тушади. Тарқалган рентген нурлари конструктив равишда бир-бирига қўшилади. Бу қўшилишда ҳосил бўлган дифракцион тасвир Брагг-Брентано қонуни ёрдамида материалларнинг структуравий тузилишларини аниқлашда фойдаланилади [12]. Кристалл панжарадаги масофани Брагг қонуни ёрдамида хисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$n\lambda = 2d_{hkl}\sin\theta \qquad (2)$$

Бунда кристалл панжара орасидаги масофа ва панжара доимийси қуйидача аниқланади:

$$d_{hkl} = \frac{n\lambda}{2\sin\theta} \qquad (3)$$

$$a = d_{hkl}\cdot\sqrt{h^2+k^2+l^2} \qquad (4)$$

Европий киришма атомлари критилган кремний намуналарининг кристалл панжарасини тузилиши 5-расмда кўрсатилди. Рентген нурларининг сигналларининг 2 θ=28,30°; 44,64°; ва 64,86° даги чўққилари [111] кристалл йўналишидаги кремний панжарасидаги текисликларга тегишли бўлди. EuO бирикмасига тегишли сигналлар 2θ=30,1°; 36,48°; 39,78°; 46,8°; 48,06°; 54,3°; 59,22°; 68,16° чўққиларни берди. Олинган тадқиқот натижаларини таҳлили асосида ҳосил бўлган киришма атомлар кластерининг ўлчами ва панжара доимийси аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

| Элементни белгиси | Тўлқин узунлиги λ, (Å) | Миллер индекси, h k l | Брегг бурчаги θ, (градус) | Оралиқ масофаси $d_{hkl}$, (Å) | Панжара доимийси $a$, (Å) |
|---|---|---|---|---|---|
| Si | 1,5406 | 111 | 15.05 | 2,9666 | 5,1382 |
| EuO | 1,5406 | 111 | 14.15 | 3,1510 | 5,445 |




6-расм. Si<P,Eu> *p*-турли намуналардаги магнит қаршиликнинг магнит майдонга боғлиқлиги.

$$\rho = \frac{U_v \cdot S}{I \cdot l} \qquad (5)$$

Намунанинг магнит қаршилигини аниқлаш учун ҳолл усули қўланилади;

бу ерда: $U_v$- зондлар орасидаги кучланиш, *S*-намунанинг юзаси, *I*-намуна орқали оқувчи ток, *l*-намунанинг узинлиги.

Намуналарнинг магнит қаршилиги қуйидаги ифода билан тавсифланади

$$\frac{\rho_B - \rho}{\rho} = \frac{I - I_B}{I_B} \qquad (6)$$

бу ерда $\rho_B$ – намунанинг магнит майдондаги солиштирма қаршилиги;

$\rho$ – намунанинг магнит майдонсиз солиштирма қаршилиги;

$I_B$ – намунанинг магнит майдон орқали оқувчи ток кучи;

$I$ – намунанинг магнит майдон орқали оқувчи ток кучи:

Юқоридаги 6-расмда кўрсатилган графикда Si<P,Eu> магнит қаршилик хусусияти B=0-2 Тл, T=300 K да $\frac{\Delta\rho}{\rho} = 54\%$ га ошгани куриниб турибди.

**Натижаларни муҳокама қилиш.** Олинган тажриба натижаларининг таҳлили кўрсатадики, кремнийга европий киришма атомлари газ ҳолатидан диффузия қилинганда кремнийнинг сирти ва сирт олди қатламида европий киришма таомларидан ташкил топган кластерлар шаклланар экан. Ҳосил бўлган европий киришма атомаларининг кластерлари, олинган материалнинг электрофизик параметрларигина эмас, балки магнит сезгирлик хусусиятини ҳам ўзгартирар экан.

Европий киришма атомлари киритилган кремнийнинг электрофизик ва магнит хусусиятларини ўрганишда олинган илмий натижалар, чуқур энергетик сатҳлар ҳосил бўлишининг физик механизмини тадқиқот қилишдаги илмий маълумотларни тўлдиради ҳамда олинган намуналар (Si<P,Eu>) асосида спинтроникада магнит майдоннинг сезувчанлиги юқори магнит датчикларни яратиш имконини беради.

**Адабиётлар**

1. Ruderman M.A., Kittel C., Indirect exchange coupling of nuclear magnetic moments by conduction electrons, Phys. Rev. 96 (1954).
2. Dmitry V. Averyanova, Andrey M. Tokmacheva, Oleg E. Parfenov, Igor A. Karateev,Ivan S. Sokolova, Alexander N. Taldenkova, Mikhail S. Platunovb, Fabrice Wilhelmb,Andrei Rogalevb, Vyacheslav G.Storchaka/Probing proximity effects in the ferromagnetic semiconductor EuO/Applied Surface Science. 488, 15,2019.107-114.
3. Солин Н.И., Ромашев Л.Н., Наумов С.В., Саранин А.А., Зотов А.В., Олянич Д.А., Котляр В.Г., Утас О.А. Магниторезистивные свойства наноструктурированных магнитных металлов, манганитов и магнитных полупроводников// ЖТФ. 2016. Т. 86. Вып. 2.
4. Arne Brataas, Bart van Wees, Olivier Klein , Grégoire de Loubens, Michel Viret//Spin insulatronics/885(2020) 1-27.
5. Formisanoa F., Medapallib R.., Xiaob Y., Renb H., Fullertonb E.E., Kimela A.V. //Femtosecond magneto-optics of EuO/Journal of Magnetism and Magnetic Materials/502 (2020)166429.
6. Болтакс Б.И., Бахадырханов М.К., Городецкий С.М., Куликов Г.С. Компенсированный кремний. -Л.: «Наука», 1972. –С. 122.
7. Назыров Д.Э., Регель А.Р., Куликов Г.С. Кремний легированный редкоземельными элементами. Препринт. ФТИ им. А.Ф. Иоффе АН СССР. No1122. 1987. –С. 56.
8.Vladimir V. Korolkov, Alex Summerfield, Alanna Murphy, David B. Amabilino, Kenji Watanabe,Takashi Taniguchi& Peter H. Beton./ Ultra-high resolution imaging
9. Binnig G. Quate C.F. Atomic Force Microscope // Phys. Rev. Lett. 1986. T. 56. C. 930–933.
10. Миронов В. Основы сканирующей зондовой микроскопии. Москва: Техносфера, 2009. –С.143.
11. Formisanoa F., Medapallib R.., Xiaob Y., Renb H., Fullertonb E.E., Kimela A.V. //Femtosecond magneto-optics of EuO/Journal of Magnetism and Magnetic Materials/502 (2020)166429.
12. Dmitry V. Averyanova, Andrey M. Tokmacheva, Oleg E. Parfenova, Igor A. Karateeva, Ivan S. Sokolova, Alexander N. Taldenkova, Mikhail S. Platunovb, Fabrice Wilhelmb, Andrei Rogalevb, Vyacheslav G. Storchaka, //Probing proximity effects in the ferromagnetic semiconductor EuO/ Applied Surface Science/488(2019)107-114.

**РЕЗЮМЕ.** Европий киришма атомларини диффузиядан сўнг унинг электир параметрларини Вандер-Пау методикаси билан ўрганилди. Олинган илмий тадқиқот натижаларини атом кучлари микроскопи (АКМ) да сирт марфалогиясида кўриб чиқилди. Si<P,Eu> намунанинг XRD русумида рентген нурларининг дифракциясидан фойдаланиб Брагг-Брентано қонуни ёрдамида материалларнинг панжара доимийминни ҳисобланди.

**РЕЗЮМЕ.** После диффузии атомов европейского элемента были изучены его электрические параметры методом Вандера-Пау. Результаты полученных научных исследований исследованы в атомно-силовой микроскопии (АСМ) по морфологии поверхности. Постоянную решетки материалов рассчитывали по закону Брэгга-Брентано с использованием рентгеновской дифракции на рентгенограмме образца Si<P,Eu>.

**SUMMARY.** After diffusion of europium impurity atoms, its electric parameters were studied by the The Van der Pauw (VDP) method. The obtained scientific research results were examined in the surface morphology using an atomic force microscope (AFM). The lattice constant of the materials was calculated with the help of Bragg Brentano`s law using X-ray diffraction on the XRD pattern of the Si<P,Eu> sample.

**Biologiya. Zoologiya. Ekologiya**

# TABIAT VA INSON FAOLIYATIDA EKOLOGIK TOZA ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

**S.K.Abdijaliev** – *fiizika-matematika fanlari bo'yicha falasafa doktori*
**D.A.Allambergenova** – *magistrant*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** tabiat, ekologiya, energiya, manba, yoqilg'i, shamol.
**Ключевые слова:** природа, экология, энергия, ресурс, топливо, ветер.
**Key words:** nature, ecology, energy, resource, fuel, wind.

**Kirish:** Hozirgi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sanoatining jadal rivojlanishi natijasida energiyaga bo'lgan talabning bir qancha oshganini ko'rishimiz mumkin. Bunday rivojlangan zamonda yashayotgan har bir inson maishiy qulayliklarsiz -komfortsiz, ya'ni mashinasiz, uzoqni yaqin qiluvchi tez yuruvchi poezdlarsiz, samolyotlarsiz, televizorsiz, muzlatgichsiz, isitgichsiz, issiq va sovuq suvsiz hamda boshqa shu kabi qulayliklarsiz yashashi mushkul. Zavod va fabrikalar engergiyasiz ishlay olmaydilar. Bugungi kunda rivojlangan dunyoda energiya, insoniyatni olg'a yetaklovchi asosiy manba sifatida qaraladi. Mamlakatlarning qudrati ham ularning energiya bilan qanchalik ta'minlanganliklariga qarab belgilanadi. Inson ta'siri natijasida dunyo o'zgarmoqda. Insoniyatning organik energetik resurslarni o'ylamasdan energetikada, transportda, katta zavod va fabrikalarda qo'llashi natijasida atrof-muhit keskin o'zgarmoqda. Yer yuzida iqlimning o'zgarishi kuzatilmoqda, zavod-fabrika, avtomobil va samolyot shu kabi transport vositalaridan chiqayotgan zaharli gazlar havoning ifloslanishiga, inson organizmida turli xil kasalliklarning vujudga kelishi, o'simliklar va hayvonot dunyosining zararlanishi kabi bir qancha salbiy ta'sirlar kuzatilmoqda. Yuqorida keltirilgan salbiy o'zga-rishlarning barchasi, millionlab yillar tabiat tomonidan o'rnatilgan tabiiy muvozanatni insoniyat tomonidan o'ylamasdan buzulishi natijasida yuz bermoqda. Shuning uchun ham ulug' ingliz faylasufi Frensis Bekon «Tabiat faqatgina unga bo'ysunish bilan yengiladi» degan edi [1] .

**Mavzuning dolzarbligi:** Tabiatning ekologik toza holatda bo'lishiga erishish uning muvozanat holatini saqlash va yoqilg'i mahsulotlaridan havoga ajralib chiqayotgan zaharli gazlarning inson organizmiga salbiy ta'sirlaridan saqlash, energetika sohasida ekologik energiyadan foydalanishni keng kólamda joriy etish. Shu bilan birga iqtisodiy jihatdan tejamkorlikka erishish.

Qayta tiklanadigan ekologik toza energiyaning inson faoliyatidagi ahamiyati haqida mahalliy tadqiqotchilar I.I.Rahmatov, B.Sirojeva, S.Qambarov tomonidan o'rganilgan. Mazkur tadqiqotchilar ekologik toza energiyadan foydalanish atrof–muhit tozaligidagi ahamiyati, bu sohani rivojlantirish orqali mahalliy xalqning ish bilan ta'minlanishi, iqtisodiy tejamkorlikka erishish, elektr energiyasi yetib bormagan chekka qishloqlarni ko'chma fotoelektr qurilmalari yordamida elektr energiyasi bilan ta'minlash haqida so'z yuritilgan [2,3]. Ammo ekologik toza energiyaning tabiat va insoniyat faoliyatidagi ahamiyati, o'simliklar va hayvonotlar sonining kamayishi, turli xil kasalliklarning kelib chiqishi, atmosferaning ifloslanishi, insonlarning o'rtacha yashash umrining qisqarishi, zaharlangan suv va havoda pishib yetilgan meva va sabzavotlarning oziq –ovqat sifatida iste'mol qilinishi kabi muammolarni bartaraf etishda qayta tiklanuvchi muqobil ekologik toza energiyalardan samarali foydalanish uni foydalanishni kengroq ko'lamda joriy etishda noan'anaviy usullarni qo'llash haqida yetarli darajada yoritilmagan.

Atrof-muhitga zarar keltirmay insoniyat xizmatini bajaradigan energiya, bu- tabiatda mavjud bo'lgan ekologik toza tabiiy energiyalardir. Bu energiya turlariga suv, quyosh, shamol, geotermal suvlar, geyzerlar, to'lqinlar, suv sathining

ko'tarilib-tushishi, vulqonlar, chaqmoqlar, okean va dengizlardagi har xil oqimlar, biomassa, vodorod yoqilg'isi, shahar chiqindilari, fotosintez; fotoelektrik o'zgartiruvchilar, ximik (galvanik) elementlar va shu kabilardan olinadigan energiyalar kiradi. Yuqorida atab o'tilgan energiya turlariga noan'anaviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari deyiladi. Faqatgina yuqorida ko'rsatilgan energiya manbalaridan toza ekologik energiya ishlab chiqarish mumkin. Mamlakatimiz kichik daryolar, irrigatsiya kanallari, suv omborlari, katta kollektorlar, soylar, baland toǵlardagi buloqlar, termal suvlar, quyosh va shamol kabi qayta tiklanuvchi energiya manbalariga juda boydir. Dunyodagi rivojlangan mamlakatlar foydalanayotgan noan'anaviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari turlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- quyosh energiyasi;
- shamol energiyasi;
- gidroenergetika (o'rta-, kichik- va mikrogidroenergetika);
- t o'lqinlar energiyasi;
- suv sathlarinig kótarilib-tushish energiyasi;
- okean va dengizlardagi har xil oqimlar energiyasi;
- geotermal suvlar va geyzerlar energiyasi;
- biomassa energiyasi;
- shahar chiqindilari energiyasi;
- chorvachilik va parrandachilik fermalari chiqindilari energiyasi;
- yer ostidan issiqlik nasoslari orqali olinadigan energiya [1].

Hozirda zamonaviy avtomobillar 1 kg benzin sarf qilganda har kuni 12 $m^3$ havoni ifloslaydi, ya'ni 250 l kislorod iste'mol qiladi. Turli yoqilg'i mahsulotlarining yonishi hisobidan 10,1 milliard tonna kislorod ishlatilmoqda. Qazib chiqarilayotgan yoqilg'i mahsulotlari hozirgi zamon sharoitlariga ko'ra qo'llaniladigan bo'lsa, neft zahiralari 75 yilga, tabiiy gaz zahiralari 100 yildan ko'proq yilga, ko'mir zahiralari bo'lsa, 200 yildan ko'proqqa yetishi mumkin. Bu esa atmosferaning zararlanishi bilan birga yoqilg'i resurslarining tugashi ehtimolining yuqorilgini ko'rsatadi [4].

Ya'ni, biz insonlar ekologik xavfsizlikni muhofaza qilish bilan birga kelajak avlodni muqobil ekologik toza energiya bilan ta'minlash haqida jiddiyroq o'ylashimizga sabab bo'ladi.

Muqobil energiya manbalari ichida shamol energetikasi o'zining yoqilg o'i talab qilmasligi bilan ajralib turadi. Quvvati 1MVt bólgan shamol generatoridan foydalanish 20 yil ichida taxminan 20 ming barrel neftni tejashga imkon beradi. Shamol energetikasi ayniqsa, ekologiyani muhofoza qilishda ahamiyati katta. «Global Wind Energy Council» bergan ma´lumotlariga binoan, bu soha 2050-yilga kelib, atmosferaga karbonat angidrid chiqarishni 1,5 milliard tonnaga kamaytirishga yordam beradi. Shuningdek, bugungi kunda yurtimizda ham energiya samaradorligini ta'minlash, muqobil energiyani rivojlantirish bóyicha katta qadamlar tashlangan [5].

Mamlakatning energetik xavfsizligini ta'minlash va bozor iqtisodiyotiga asoslangan energetik rivojlanishni ta'minlash uchun qonunchilik bazasini shakllantirish jarayonida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Energetika vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan qonunlar: "Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to'g'risida´gi Qonuni (2019-yil, 21-may, O'RQ-539-son), O'zbekiston Respublikasining "Energiyadan oqilona

foydalanish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqidagi Qonuni (2020-yil 14-iyul, O‘RQ-628-son) hamda “2020-2030-yillarda O‘zbekiston Respublikasini elektr energiyasi bilan ta'minlash konsepsiyasi” ishlab chiqildi va tasdiqlandi.

Agar dunyoda energiya iste'molining 23 foizi uy-joy sektoriga to‘g‘ri kelsa, O‘zbekistonda – 40 foiz. Xususan, Yevropada 1 kvadrat metr uchun energiya sarfi yiliga 120-150 kilovatt soatni tashkil qilsa, O‘zbekistonda bu ko‘rsatgich 390 kilovatt*soatdan oshadi, yoki 240-270 kilovatt*soatdan ko‘proqni tashkil qiladi.

2020-yilda tashkiliy-texnik tadbirlarni amalga oshirish hisobiga iqtisodiyot tarmoqlarida 1352,4 million kub metr tabiiy gaz va 917,5 million kilovatt soat elektr energiyasi tejalishi ta'minlandi [6].

O‘zbekiston iqtisodiyotida elektr energiya ishlab chiqarish muhim rol o‘ynaydi. Uni ishlab chiqarish uchun eng ko‘p yoqiladigan tabiiy gazdir va bu ko‘rsatkich qariyb 87%ni tashkil qiladi. Jumladan, mamlakatimizda tabiiy resurslardan foydalanish bo‘yicha taqsimot quyidagicha:




Shuningdek, ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasining 86% qismi respublikamizdagi issiqlik elektr stansiyalari hisobiga to‘g‘ri keladi. Bu bo‘yicha o‘zaro ulushlar taqsimoti quyidagi ko‘rinishda [7]:




Shu o‘rinda aytib o‘tishimiz lozimki, muqobil ekologik toza energiyadan samarali foydalanishda misol tariqasida birgina quyosh energiyasidan foydalanish haqida so‘z etadigan bo‘lsak, bugungi kunda mamlaktaning aholi zich joylashgan poytaxt va shaharlarda energiyaga bólgan talabning yóqorilgini hisobga olsak, quyosh energiyasidan foydalanilsa ekologik va iqtisodiy jihatdan sezilarli darajada samarali natijalarga erishishimiz mumkin. Yani biz shuni aytmoqchimizki quyosh panelleridan ko‘p qavatli uy joylarda, katta hajmda qurilgan savdo va kóngil ochar markazlarda foydalansak bo‘ladi. Chunki binolarning hajmi qanchalar katta bo‘lsa tabiiyki unga sarf bo‘ladigan energiya hajmi ham shuncha yuqori bo‘ladi. Tóg’ri quyosh panelleridan yuqorida so‘z etilgan órinlarda foydalanilsa uni sotib olish va órnatish uchun ma´lum bir xarajat zarur yoki estetik jihatidan ayrim noqulayliklarni keltirib chiqaradi degan fikrlar ham yuzaga kelishi mumkin. Lekin biz bu masalaga kengroq yondashadigan bólsak quyosh panellaridan foydalanishda undagi noqulayliklarini emas balki iqtisodiy tejamkorlik, tabiatning ekologik tozaligi va inson salomatligini ta´minlash bizning asosiy maqsadimiz bo‘lishi lozim. Chunki yuqórida quyosh panellarini órnatishda s o‘z etilgan kichik noqulayliklarni bartaraf etish uchun quyosh panellarini órnatishda noa’na’naviy usullardan foydalansak bo‘ladi . Ya’ni birinchidan, quyosh panellarini sotib olish va órnatish uchun ketadigan xarajat uni foydalanish davrida energiya iste’moli uchun sarflanadigan xarajat hisobidan qayta tiklanadi va bundan keyingi davrda energiya iste’moli uchun hech qanaqa sarf xarajat qilmasdan bemalol bepul tabiiy energiyadan foydalanish mumkin. Ikkinchidan, quyosh panellarini órnatishda binolarni tashqi kórinishida estetik jihatdan ayrim noqulayliklar yuzaga keladi deb hisoblashimiz mumkin, ammo biz bu holni ham bino va inshoatlarni quriish jarayonida arxitektorlar bilan maslahatlashgan holda binolarni tashqi qismini quyosh panellari bilan qoplanadigan mukkamal dizayndagi o‘z-o‘zini energiya bilan ta’minlaydigan zamonaviy energiya tejamkor bino va inshoatlarni yaratadigan bo‘lsak biz nafaqat tabiatni ekologik jihatdan muhofaza qilishimiz balki tabiiy resurslarimizni tejashimiz shuning bilan birga yurtimizning iqtisodiyotini rivojlanishiga ham katta hissa qo‘shgan bo‘lamiz.

Agar biz ekologik toza energiyadan foydalanishni to‘liq yo’lga qo‘ysak, tabiat va insoniyat faoliyatida quyidagicha muammolarni bartaraf etishda yechim bo‘la olishi mumkin.

-Tabiat muvozanatini buzilishi, havoning ifloslanishi, iqlim o‘zgarishi, o‘simliklar va hayvonot dunyosining zararlanishi natijasida ular sonining kamayishi;

-Inson organizmida ifloslangan havodan nafas olish, ifloslangan suv va havoda pishib yetilgan meva va sabzavotlarni oziq-ovqat sifatida iste’mol qilishi oqibatida turli xil kasalliklarning yuzaga kelishi va shu sababli insonlarning o‘rtacha yashash umrining qisqarishi kabi muammolarni bartaraf etishda ekologik toza energiyadan foydalanish katta ahamiyatga egadir.

**Xulosa:** Biz ekologik toza energiyaning qaysi turidan qaysi sohada foydalanishimizdan qat’iy nazar, bu tabiat muvozanatini saqlashda, inson salomatligini ta’minlashda, iqtisodiy jihatdan tejamkorlikka erishishda va shuning bilan birga kelajak avlodni muqobil ekologik toza energiya bilan ta’minlshda juda katta hissa qo‘shgan bo‘ladi.

## Adabiyotlar

1. Majidov T.SH. Noana’naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va O‘rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan darslik. -Toshkent: 2014.

2. Раҳматов И.И., Сирожева Б. Қайта тикланадиган энергия турларидан фойдаланишнинг экологик аҳамияти. «Физика и экология» 15-16 октябрь -Нукус: 2021.

3 Qambarov S. Ko‘chma quyoshfotoelektrik qurilmalari. «Физика и экология» 15-16 октябрь, -Нукус: 2021.

4 Esemuratova Sh. Ekologiyaliq mashqalalardı sheshiwde fizika roli. «Ҳозирги замон аниқ ва техник фанлар муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. II бўлим -Нукус: 2017.

5 Jan’abergenov J., Tursınbaev S., Yesemuratova Sh. Shamol energiyasi va undan foydalanish yo’llari. «Ҳозирги замон аниқ ва техник фанлар муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. II бўлим. – Нукус: 2017.

6. https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1133.

7. https://www.spot.uz/oz/2019/01/18/elektr-energiyasi.

**REZYUME.** Ushbu maqolada ekologik toza energiyaning turlari, tabiat va inson faoliyatidagi ahamiyati, undan foydalanishni joriy etishda noa’na’viy usullarni qóllash orqali ekologik dolzarb muommalarni bartarf etish shu bilan birga afzallik taraflari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье представлена информация о видах экологически чистой энергии, ее значении в природе и деятельности человека, преимуществах использования нетрадиционных методов для решения экологических проблем.

**SUMMARY.** This article provides information about the types of clean energy, its importance in nature and human activities, the benefits of using non-traditional methods to solve environmental problems.

# ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА *LYCIUM L* ТУРЛАРИНИНГ БИОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Р.А.Ешмуратов** – *биология фанлари номзоди, доцент*
**А.К.Юлдашева –** *таянч докторант*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** интродукция, онтогенез, латент, виргинил, ювенил босқич, имматур босқич, вегетатив давр, генератив давр.
**Ключевые слова:** интродукция, онтогенез, латент, виргинил, ювенальная стадия, вегетационный период, генеративный период.
**Key words:** introduction, ontogeny, latent, virginil, youth stadium, vegetative period, generative period.

Республикамизда сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликларни етиштирадиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш тўғрисида изчилислоҳотлар амалга оширилмоқда. Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4670-сонли қарорига мувофиқ юртимизда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга доир ягона базасини яратишни ва ёввойи доривор ўсимликларни интродукция қилишни таъкидлаб ўтган [1].

Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4901 сонли қарори ҳам мавжуд [2].

Ҳозирги кунда ботаника, экология, қишлоқ-хўжалиги ва деҳқончиликда жуда ҳам аҳамиятли бўлган биологиянинг соҳаларидан бири ўсимликлар интродукцияси бўлиб, у маданий флорамизнинг йил сайин янги ўсимлик турлари билан бойиб боришига катта ҳисса қўшмоқда.

Қорақалпоғистоннинг кескин иқлим шароитида фойдали доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва уларни янги шароитга мослаштириш энг аҳамиятли вазифалардан бири бўлиб қолмоқда [5].

*Lycium* L. туркуми ўзининг доривор ва манзарали хусусиятлари билан бутун дунёга маълум ва машҳур бўлсада бу туркумнинг турларини интродукция этиш ва маданий турда етиштириш кўпайтириш бўйича ҳалигача илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

*Lycium* туркумининг тропик ва субтропик минтақаларда, айниқса, Жанубий Америкада ўсадиган 88 тури маълум. Табиатда *Lycium* туркуми далаларда, тоғли жойларда, чўлларда, ярим чўлларда Европанинг жанубий томонларида Кавказда, Ўрта Осиёда ва Хитойда учратиш мумкин. Россияда эса оддий дереза (*Lycium barbarum*) ўстирилади [6].

Россиянинг Ульяновский шаҳрининг Волга бўйларида *Lycium* туркуми 1960 йиллардан бери маьлум эканлиги ва бу туркумнинг икки тури *Lycium barbarium* L. ва *Lycium chinense* Mill. Узоқ вақт гуллаш ва мева бериш даврида манзарали эканлиги ҳақида Н.С.Раков ўзининг мақоласида айтиб ўтган [3].

Секинаева М.А., Серебряная Ф.К., Денисенко О.Н., Ляшенко С.С. илмий тадқиқотларида *L.barbarum* мевалари таркибидаги биологик фаол моддалар ҳақида кенг маълумотлар берилган [4].

Кейинги йилларда етакчи илмий муассасаларда янги ва ноанъанавий истиқболли ўсимликларни ўрганиш, интродукция қилиш ва муайян тупроқ-иқлим шароитларига чидамли тур ва навларни танлаш мақсадида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда [8].

Жумладан, Рахимова Нодира Комилжоновна интродукция шароитларида Crotalaria Alata L. (Fabaceae) Ва Guizotia Abyssinica (L.F.) Cass. (Asteraceae)нинг биоэкологик хусусиятларини, Сафарова Нигора Каримджоновна интродукция шароитларида Hibiscus Esculentus L.нинг биологияси ва сув режимини, Ешмуратов Рохат Артикбаевич интродукция шароитларида Stachys L. туркуми айрим турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон шароитида *Lycium* L.туркумига кирувчи *Lycium barbarium* L. ва *Lycium chinense* турларини интродукция қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдамиз.

Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг муҳит шароитларига қай даража боғлиқлигини, уларнинг янги муҳит шароитларига мослашиш хусусиятларини ўрганиш истиқболли ўсимликларни интродукция қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Интродукция қилинган ўсимликларнинг янги шароитларга қандай даражада мослашиши энг аввало, уларнинг ўсиши ва ривожланишида, хусусан гуллаши ва уруғ беришида акс этади [10].

Шу боис интродукция қилинаётган *Lycium barbarium* ва *Lycium chinense* ўсимликларининг индивидуал тараққиётини, яъни ўсиши ва ривожланишини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши Қорақалпоғистоннинг тупроқ-иқлим шароитларида ўрганилмаган.

Энг аввало, тадқиқот иши уруғларнинг дала шароитида унувчанлигини аниқлашдан бошланди, эрта баҳорда ўсимлик уруғлари тажриба майдонида 0,5 см гача бўлган чуқурликда 1000 донадан 3 карра такрорланган ҳолда қаторлаб экилди.

Интродукция қилинаѐтган *Lycium barbarum* ва *Lycium chinense* нинг индивидуал тараққиѐтини, яъни ўсиши ва ривожланишини онтогенезда ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу ўсимликларнинг онтогенези Қорақалпоғистон иқлим шароитида ўрганилмаган [9].

Ўсимликларнинг морфобиологик хусусиятлари онтогенезда ўсимликнинг 10 та нусхаси асосида ўрганилди.

Гулли ўсимликлар ҳаётий циклида ерга тушган уруғдан уруғ ҳосил қилиб, токи табиий ҳолда қаригунча ўтган давр **онтогенез** ѐки ўсимликнинг индивидуал тараққиёти деб аталади .

*Lycium barbarum, Lycium chinense* нинг интродукция шароитидаги ўсиши ва ривожланишини қуйидаги даврларга ажратилди: латент, виргинил, генератив.

1.1. Латент даври**.** Уруғнинг тиним ҳолати - асосий мосланиш хусусиятларидан биридир.

*Lycium barbarum* да уруғларнинг узунлиги 3,2±0,11мм, эни 2,6±0,10mmni, *Lycium chinense* да эса узунлиги 3,9±0,14mm, эни 2,4±0,09мм ни ташкил этади. 1000 дона уруғнинг массаси *Lycium barbarum да* 0,67±0,03г, *Lycium chinense да* 0,98±0,04гга тенг бўлди (жадвал).

**Жадвал. *Lycium* туркими икки тури уруғларининг морфологик кўрсаткичлари**

| Ўсимлик номлари | Уруғ-ларнинг ранги | Ўлчамлари (мм) | | Уруғларнинг абсолют массаси, г. |
|---|---|---|---|---|
| | | Узун-лиги | эни | |
| *Lycium barbarum* | тўқ сариқ | 3,2±0,11 | 2,6±0,10 | 0,67±0,03 |
| *Lycium chinense* | тўқ сариқ | 3,9±0,14 | 2,4±0,09 | 0,98±0,04 |

Ўрганилган турким 2 тури уруғларининг тузилиши турлича бўлиши кузатилди. Бутафовутлар ўрганилган турларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиши аниқланди.

*1.2. Виргинил даври.* Майса босқичи. Майсаларнинг ўсиши қуёш шароитида экилган ўсимликларда дастлабки кунларда жуда секин, кунлар исиши билан бироз жадаллаша борди. Бу пайтда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 18°С бўлди. 14 апрелда эса қуёш шароитидаги ўстирилган ўсимликлар ниҳолларнинг баландлиги 0,4-0,5 см, уруғпалла баргларнинг узунлиги 0,2-0,3 см ва эни 0,1-0,2 см ни ташкил этган бўлса, соя шароийтида ўстирилган ўсимлик ниҳолларининг баландлиги 0,7-0,8см, уруғпалла баргларининг узунлиги 0,2-0,3,5 см ва эни эса 0,1-0,2 см ни ташкил этди. Майсалар оч яшил рангда. Ўсимликнинг майса босқичи 10-12 кунни ўз ичига олди.

*Ювенил босқичи.* Апрель ойнинг оҳирларида (26.IV.) қуёш шароитида экилган ўсимлик ниҳолларнинг баландлиги 1,1-1,3 см га, барглар сони эса 5-6 тага етди. Барглари бандли бўлиб, уларнинг узунлиги 1,3-1,4 см. Май ойнинг бошларида ҳаво ҳарорати ўртача +22"С, максимуми +31,5 °С бўлганда, *Lycium barbarum, Lycium chinense* ниҳолларининг баландлиги 6-8 см га етиб, ўсимлик ўсиши бироз жадаллашди. Баргларининг ўлчами 1,2-2,1 см бўлиб, уларнинг сони 12-18 тагача етди.

Соя шароитида экилган ўсимлик ниҳолларининг баландлиги 1,5-1,8 см.га, барглар сони эса 7-10 тага етди. Май ойнинг бошида эса ўсимликлар ўсиши тезлашди ва ниҳолларининг узунлиги 10-14 см га етди.

Май ойнинг ўрталарида (12. V) қуёш шароитдаги ўсимликлар асосий поясининг учки қисмидан иккинчи тартибли новдаларнинг пайдо бўлиши кузатилди, уларнинг узунлиги 0,9-1,5 см га тенг бўлди. Барглари 2-4 тагача кўпайиб, ўсимлик **имматур** босқичига ўтди. Имматур босқичи қуёш шароитидаги ўсимликларда 5-7 кун давом этди.

Май ойнинг иккинчи декадасида (17. V) ўсимликлар асосий поясининг баландлиги 7-8 см ва иккинчи тартибли новдаларнинг узунлиги эса 6-7 см бўлиб, ўсимликдаги барглар сони 24-34 тага етди. Бу вақтдаги ўсимликларни *вояга етган виргинил ёшли ўсимлик* деса бўлади.





Соя шароитидаги кўчатларда май ойининг бошларида (10. V) асосий поянинг баландлиги 18-20 см га, баргларининг сони 35-38 тага етди ва шу пайтнинг ўзида соядаги ўсимликларнинг иккинчи ва учинчи тартибли новдалари ҳосил бўлиши кузатилиб, уларнинг узунлиги 2,0-4,0 см бўлди ва бу **имматур** ҳолатидаги ўсимлик эди.

Демак, сояда ҳам имматур босқич 5-7 кун давом этди. Бу вақтда ўсимликнинг баландлиги 20-25 см бўлди ва барглар сони 45-55 тага етди. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 37°С ни, максимуми 39,5 С ни ташкил этди. Май ойининг иккинчи ўн кунлигида соядаги ўсимлик тупларини ҳам *вояга етган еиргинил ёшли ўсимлик* деса бўлади.

Май ойининг охирларида ва июнь ойининг бошларига келиб, ўсимликларнинг ўсиши жуда тезлашди ва бу вақтда қуёш шароитида экилган ўсимликлар ниҳолларининг баландлиги 22-25 см бўлган бўлса, соя шароитида экилган ўсимликлар ниҳолларининг узунлиги 66-75 см ни ташкил этди.

**Генератив даври.** Июль ойининг бошларида (12. VII) соя шароитида экилган ўсимликларнинг бир тупида 4-5 тагача ғунча, 2-4 тагача гуллар ҳосил бўлди. Август ойининг бошларида (7. VIII) қуёш шароитида экилган ўсимликлар бир тупида 3-5 тагача ғунча, 2-3 тагача гуллар ҳосил бўлди. Гуллари йирик қўнғироқсимон қизил сариқ рангда, новдада якка ҳолда жойлашган ва гул ва меваларининг бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиши кузатилди.

Гуллари ва мевалари бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиши билан бир қаторда, бу ўсимликлар бир йилда икки марта ҳосил йиғиб олиш хусусиятига эга.





Фенологик кузатишлар интродукция қилинган ўсимликларни ўрганишда энг кулай ва самарали усуллардан бири бўлиб, нафақат фазаларнинг ўтиш муддатларини белгилаш, балки ўсимликларнинг чидамлилиги, шунингдек хаётий жараёнларнинг маромини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни айтиш керакки, ўсимлик униб чиққанидан 12-14 кун ўтиб, ҳақиқий баргларининг ҳосил бўлиши кузатилди. Биринчи вегетация йилида асосий поядаги тўлиқ шаклланган баргларнинг узунлиги май ойида 50-55 см, эни эса 2,3-2,6 см ни ташкил этди. Ўсимликда баргларнинг энг кўп ҳосил бўлиши май-июнь ойига тўғри келди. Май ойида бир туп ўсимликда 50-60 тагача, июнда эса 100 тагача барглар ҳосил бўлди.

Маълумки, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги уларнинг генотипига ва ўстириш шароитларига боғлиқдир. Ўсимликларнинг соя шароитида экилган ўсимликлар қуёш шароитида экилган ўсимликларга нисбатан жуда тез ва жадал ўсиши маълум бўлди. Ўрганилган *Lycium* навларининг тупроқ-иқлим шароити ўсиши ва ривожланишини кузатиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари буни тўла тасдиқлайди.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси президенти қарори. ПҚ – 4670. – Тошкент: 2020. –С.2.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти қарори. ПҚ – 4901. – Тошкент: 2020. –С. 2.
3. Раков Н.С. «Lycium chinense (solan aceae) в городе ульяновске». - Москва:1994. - С.32.
4. Секинаева М.А., Серебряная Ф.К., Денисенко О.Н., Ляшенко С.С. «Изучение анатомических признаков травы дерезы обыкновенной (Lycium barbarum L.)». // Успехи современного естествознания. -Астана: 2015. - С.231-235.
5. Ешмуратов Р.А. «Флорамыздағы пайдалы жабайы өсимликлерди мәденийлестириў, интродукция қылыў» -Нөкис: 2013. Халқаро ўсимлик номлари индекси. Интернетда нашр этилган http://www.ipni.org, Қироллик ботаника боғлари, Kew, Garvard университети Herbaria & кутубхоналари ва Австралия миллий ботаника боғлари. Кириш. 2020.
6. Буригин В.А. Жонгуразов Ф.Х. Ботаника. - Тошкент: "Ўқитувчи" 1997. –С. 351.
7. Сафарова Н.К. Интродукция шароитларида Hibiscus Esculentus L. нинг биологияси ва сув режими. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. –Тошкент: 2010.- С.10.
8. Сафарова Н.К. Интродукция шароитларида Hibiscus Esculentus L. нинг биологияси ва сув режими. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. –Тошкент: 2010.-С 31.
9. Ешмуратов Р.А. Турли интродукция шароитларида Stachys L. туркуми айрим турларининг биоэкологик хусусиятлари. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. –Тошкент: 2012.- С.43.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада *Lycium barbarum, Lycium chinense* нинг интродукция шароитидаги ўсиши ва ривожланишини ва даврларга ажратилиб: латент, виргинил, ювенил, имматур ва генератив даврлари таҳлил қилинган. Ушбу даврлар баҳор ва куз мавсумларида таҳлил қилинди.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы рост и развитие Lycium barbarum, Lycium chinense в условиях интродукции и разделены на периоды: латентный, виргинильный, ювенильный, имматурный и генеративный периоды. Эти периоды были проанализированы в весенний и осенний сезоны.

**SUMMARY.** The article analyzes the growth and development of Lycium barbarum, Lycium chinense under the conditions of introduction and divided into periods: latent, virginal, juvenile, immature and generative periods. These periods were analyzed in the spring and autumn seasons.

## ЖАЛПАҚ ТИСЛИ КРЫСАНЫҢ АЗЫҚЛАНЫЎЫ ҲӘМ ИН ҚУРЫЛЫСЫ

**Г.Ж.Палўанова –** *ассистент оқытыўшы*
**Н.Ж.Байгелдиева –** *магистрант*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** Амударё дельтаси, Султан-Уиз-Даг,Уй сичқони (Mus musculus Licht), Ясси тишли сичқон (Nesokia Indica Gray), Қум сичқон (Meriones tamaricinus), Крантоғ, Порлитоғ, продуциентлар.

**Ключевые слова:** дельты Амударьи, Султан-Уиз-Даг, домашний мышь (Mus musculus Licht), пластинчатозубные крысы (Nesokia Indica Gray), песчанка (Meriones tamaricinus), Крантау, Порлытау, продуценты.

**Key words:** Delty Amudari, Sultan-Uiz-Dag, house mouse (Mus musculus Licht), plasticchatozubnoy krysy (Nesokia Indica Gray), peschanka (Meriones tamaricinus), Crandau, Porlitau, produtsentri.

Орта Азия халықларының экономикасы, социаллық турмыс мәденияты раўажланыўының тийкары болып қалмастан, ҳайўанат, өсимлик дүньясының тиришилигинде Әмиўдәрья ҳәм т.б. дәрьялар бойлап жайласқан тоғай ҳәм егислик зона экосистемасы тәбияты; климаты, топырағы менен тиккелей байланыслы. Қарақалпақстан Республикасы шараятында бул төменги ҳәм ортаңғы Әмиўдәрья дельтасы, оның тоғайлық, егислик экосистема зонасы қоршаған қум, дала шөлистанынан атмосфера ҳаўасының, топырағының ығаллығы, өнимдарлығы ҳайўанат, өсимлик дүньясының түри, рәңбәраңлығы менен айрылып турады. Себеби суўғарып егилетуғын зоналарда температуралық режим бир қанша төмен, ығаллық жоқары, жазғы орташа айлық температура қоршаған шөлинен 3,1 градусқа төмен. Сонлықтанда Орта Азияның дәрья жағалаў тоғай ҳәм егислик экосистемасы өз алдына Мәдений, ландшафтлық-экологиялық район есапланады ҳәм өзине тән фауна, флорасына ийе. Изертлеў алып барылған Қарақалпақстан тоғай ҳәм егислик экосистемасы 2 зонаға бөлинген: Қубла ҳәм Арқа шегарасы Султан-Уиз-Даг пәс таўлығы есапланады. Төменги Әмиўдәрья тоғай ҳәм егислик зона экосистемасы территориясында кемириўшилердиң 13 түри есапқа алынған (Асенов Г.А. 1968 г) [1,6].

Соның ишинде кең тарқалғаны ҳәм көп санлысы: Үй тышқаны (Mus musculus Licht), Жалпақ тисли Крыса (Nesokia Indica Gray), Жыңғыллық қум тышқаны (Meriones tamaricinus). Олардың ҳәр бири ҳәр түрли биотопларда өзиниң сан муғдар доминантлығына ийе болғанлықтан тәбият балансында (биоценозда) ҳәр түрли тиришилик эквивалентлигине, сан көрсеткишлерине ийе. Төменги Әмиўдәрья тоғай экосистемасындағы өсимлик ҳәм ҳайўанлардың биоценозлардағы қатнас, байланысларын азықлық шынжырында көрип шығатуғын болсақ, экологиялық ниша көз алдыға келеди. Продуцентлер көплеген ҳайўан түрлериниң азығы екени ҳәммеге мәлим. Оларды кемириўшилердиң азығы спатында қарасақ- Үй тышқаны ҳәм басқа майда қум тышқанлары (M.Meridianus, M.Tamarisinus) өсимликтиң дәни, туҳымы менен азықланса, Үлкен қум тышқаны жер үсти вегетатив органлары менен, ал Жалпақ тисли крыса-өсимликтиң тамыры менен азықланып бир экологиялық нишада бир бирине зиянсыз азықлық конкуренциясыз жасайды. Майда кемириўшилердиң барлық түрлери – жырткыш ҳайўан ҳәм ири қуслардың, жыланлардың (консументлердиң) азығы есапланады.

Жалпақ тисли крысаның давилка Героға (ағаш қапқан) ең көп түсетуғын ўақты май айы. Бул ўақытта ҳәр бир 100 давилкаға орташа 12-13 крысадан туўра келеди. (12-13,0%). Тутылған крысаларды сойып қарағанда асқазанында жасыл өсимлик қалдығы -59,0% ти қурайды. Бул дәўирде крысалар тийкарынан өсимликлердиң вегетатив органлары менен аўқатланады, соның ушын да олар ининен тез-тез жер үстине шығады. Изертленген крыса популяциясында II-балл семизлигиндеги особьлар көп ушырасады. Ондай крысалардың саны январь айында 64,7%, февраль -92,7%, июньде-100%, гүзде 90,0% тен жоқары муғдарда болғанлығы анықланды. Бундай жоқары дәрежедеги семизлик крысалардың жыл даўамында көбейиўине мүмкиншилик беретуғынлығы сөзсиз. Крысалардың семизлиги 1963-жылы, 1952-жылға қарағанда әдеўир жоқары дәрежеде болғанлығын көремиз. Бирақ крыса семизлиги гүзге қарай бир қанша төмен болған. Буны бизиңше ҳәр жылдың өзине тән өзгешелиги менен, хаўа райының бирдей болмағанлығынан ҳәм соған байланыслы аўқатлық өсимликлердиң көп-азлығына байланыслы деп ойлаймыз.

Әмиўдәрья дельтасында жалпақ тисли крыса азығының тийкарын қамыстың, жекенниң порығы-тамыры ҳәм оның вегетатив бөлими қурайды. Басқа өсимликлердиң жасыл-өсиў бөлимлерин 2-Зай даўамында жазда пайдаланылады ҳәм ол 30% тен артпайды. Крыса поселениелеринде қоға өсимлигине тиймейди, ал қамысты жеп толығы мнен набыт етеди.

Крысаның барлық аўқатланыў столигинде қамыс көплеп ушырасады. Бирақ вегетатив бөлими толық желинбейди. Жағалаў тоғайлықларында-да крыса тийкарынан қамыс ҳәм жыңғылдың тамырлары менен аўқатланады.

Мәдений егислик зона территориясында жас ақ тереклердиң, миййе ағашларының, жоңышқаның ҳәр түрли палыз, баў-бақша, мәккениң, жүўериниң, бийдайдың, шалының пақал жапырағында пайдаланады. Онанда басқа ет, балық, алма, алмурт, айва миййелеринде жейди. Ғарбыз, асқабақ, қаўынларды жеп зыян клтирип атыр. Е.П.Бондардың мағлыўматы бойынша крыса 73 түр өсимлик пенен аўқатланады [2,3].

Бизлердиң толық болмаған мағлыўматымыз бойынша Әмиўдәрьяның төменги дельта ҳәм оазис зонасында крыса поселениелериниң үстинде қалған аўқат қалдықлары бойынша 43 түр өсимлик пенен аўқатланатуғыны анықланды (Асенов 1968). Соннан крысаның сүйип жейтуғыны 4-5 түр.

Крыса қыста тек, қамыс ҳәм жыңғылдың тамыры менен аўқатланады. Февральда (1956-жылы Бадайтоғай етегинен усланған 60 изертленген асқазанның 31 инде езилген жыңғыл тамыры бар екенлиги анықланды. Бул пута өсимлигиниң тамыры тоғай экосистемасы жағдайында крысаның аўқат компонентиниң тийкарғыларының бири есапланады.

Барлық изертлеў дәўиринде 1000 ға шамалас крыса сойылып, олардың асқазанында ҳайўанат қалдығы ушыраспады. Бундай жағдай И.С.Солдаткин (1955), Е.П.Бондарь (1965) изертлеўлеринде де байқалған. [2,3,6]

Қарақалпақстан шәраятында (Әмиўдәрья дельтасы ҳәм оазиста) крысаның аўқатлық өсимликлериниң дизими төмендегише:

| | |
|---|---|
| 1. Қамыс тамыры, порығы | 22. Шийе тамыры |
| 2. Жыңғыл тамыры | 23. Шабдал тамыры |
| 3. Тораңғыл тамыры | 24. Жүзим тамыры |
| 4. Тал тамыры | 25. Бийдай тамыры ҳәм пақалы,дәни. |
| 5. Жекен тамыры | 26. Шалы тамыры |
| 6. Әтшоқай тамыры | 27. Жүўери тамыры |
| 7. Қоға тамыры | 28. Жоңышқа тамыры ҳәм пақалы |
| 8. Жантақ тамыры | 29. Мәкке тамыры |
| 9. Шеңгел тамыры | 30. Күнге бағар пақал дәни |
| 10. Жигилдик-жийде тамыры | 31. Комбикормалар |
| 11. Қара тал тамыры | 32. Капусталар |
| 12. Ақтерек тамыры | 33. Гешир |
| 13. Көктерек тамыры | 34. Ләблебилер |
| 14. Ерик тамыры | 35. Қаўын |
| 15. Алма тамыры | 36. Ғарбыз |
| 16. Жийде тамыры | 37. Асқабақ |
| 17. Қарағаш тамыры | 38. Палаўқабақ |
| 18. Тут ағаш тамыры | 39. Майек |
| 19. Алмурт тамыры | 40. Ет (гөш) х.т.б. |
| 20. Қарели тамыры | 41. Ышқа (ariantus) қамыс |
| 21. Ясень-клён тамыры | |

Бизиң ис тәжирийбемизде Шымбай, Қараөзек, Кегейли, Нөкис, Қоңырат, Қанлыкөл, Хожели, Әмиўдәрья районларының, Тахиятас, Нөкис қалаларының айрым хожалықларының ҳәм жеке меншик, хожалық пухараларынан крысаның келтирген зыянлары-хожалық амбарларындағы жемлерин, дәнлерин патаслаў, бүлдириў, мийўе бағларының, жоңышқаның, бийдайдың тамырларын жеп қыйратыў, турақ жайлардың дийўалларын тесип ин қазып қулатыў, дөгерегине отырғызылған 4-5 жыллық ақ тереклердиң тамырын қыйып жеп қуўратыў, бағша палыз егинлерин бүлдириў, жер асты байланыс кабеллерин кемириў-қыйыў қусаған зыянларына байланыслы түскен арзалар бойынша обаға қарсы мекемесиниң зоолог-қәнийгелери тәрепинен нәтийжели жәрдем көрсетилмекте. Бүгинги күни бундай зыянларға ушырап атырған хожалық ҳәм жеке пуқаралар саны күннен-күнге артып атыр. Мысалы тек 2008-жылы 105, ал 2009-жылы 107 ден асып кетти. Ҳәзирги базар экономикасына өтиў қыйыншылықлары усындай жәрдем көрсетиўши мекемелердиң жағдайында аўырластырып жиберди. Соған қарамастан соңғы жыллары Саранча, Саманбаай, Респо, Таза, гөне Нөкис турғынларына бийпул жәрдем көрсетилмекте. Усындай гәп етилип отырған крыса хожалықларды тынышсызландырыўшы Нөкис қаласы ҳәкимиятының дыққатына да сазаўар болды ҳәм усы тараўда хызмет көрсетиўши санитариялық мекемелерге усы мәселе бойынша тийисли тапсырмалар берилди. Оннан басқа анық шаралар көриўди өз қадағалаўы астына алды.

Жалпақ тисли крысаның ини дүзилиси бойынша жүдә қурамалы. Олар қурамалы аўқатланыў жолынан турады. Ҳәр бир инниң жолы жер асты менен қамыс порығын-тамырын жағалап қазылған болады [1,4,5].

Қамыс шоқалағы астынан крыса әдеўир кең аўқат камерасын геўлейди, оннан ҳәр жаққа қарай қазылған ин жоллары кетеди. Инниң көп санлы шығыў тесиклери, ин қазыў процессинде оның топырақларын сыртқа шығарып таслаў хызметин атқарады. Иннен шығарылған топырақ үйиндилериниң бийиклиги айырым орында 50 см ге дейин жетеди, орташа 20-30 см бийиклигинде болады. Жер бетине шығарылған топырақ үйиндисиниң саны ҳәм көлеми бойынша крысаның қазыў искерлигине баҳа бериўге болады.

Бизлер крысаның ин қазыў искерлигиниң бир неше рет гүўасы болдық. Крыса ин қазғанда тийкарынан басы ҳәм көкиреги менен ҳәрекет етеди ҳәм топырақты иннен сыртқа ийтерип шығарады. Сыртқа шығарылып үйилген топырақларда жолақ-жолақ жол болады, олар арқалы гезектеги топырақлар итерилип жоқарыға үйиле береди. Крыса өзиниң күшли гүрек тислери менен бир пар крыса бир жылда 1800 басқа жетеди ҳәм бир жазда жер бетине 20 тн топырақ шығарады.

Бадай тоғай, Бекбай, Крантаў, Порлытаў (Қазан кеткен) тоғайларының ҳәр биринде соңғы 2016-2020 жыллары апрель, май, июнь, октябрь айларында белгили әмелиятта сыналған методикаларға муўапық, зоологиялық карталаў, есап-санақ мониторинг бақлаўлары өткерилип, үлкен нәтийжелер қолға киритилди.(проф. Асеновтың қатнасында) [1].

4 тоғайзарлықта улыўма узынлығы 51 км пияда санақ маршруты салынды, 3600 довилка (Геро), 150 темир қақпан қурылды.

Суўсызлықтың нәтийжесинде пайда болған раўажланып атырған қурғақшылық төменги Әмиўдәрья дельтасы тоғайлықларының барлық жерлеринде үлкен трансформациялық өзгерислер жүз бермекте.

Изертлеўге алынған 3 түр кемириўшиниң экологиялық қасийет өзгешелигине келетуғын болсақ- жалпақ тисли крыса күндиз активлик етеди, тийкарынан өсимликлердиң тамыры менен аўқатланатуғын болғанлықтан олар жер асты тиришилигине көбирек бейимлесип аўқатын излеп табыў ушын өсимлик тамырларына ин қазыў арқалы барады ҳәм тынымсыз жер асты инин қазыў, тазалаў менен бәнт. Крысалар семьясы менен колония болып жасайды. Колониялары бирбиринен биоцентри (жасаў орайы) арқалы айырылып турады. Аўқатын көпшилик жағдайда жер астында –ининде жейди. Жер үстинде аўқат қалдығы жүдә аз ҳәм сийрек ушырайды.

Кран-Таў тоғайында кемириўшилердиң 14 түри (39,0%) тарқалған болса, олардың ең көп санлысы үй тышқаны (mus musculus Liht), жалпақ тисли крыса (Nesokia indica Gray) ҳәм Иле полевкасы (M.ilacus). олар өзлериниң экологиялық өзгешеликлерине байланыслы ҳәр түрли ландшафтлар менен биотопларда ҳәр қыйлы санда ушырасады.

Жалпақ тисли крыса Крантаў, Порлытаў, дәрья, канал жағалаў тоғайлықларында, егис зона территорияларында кең тарқалған.

Бул түрдиң тарқалыўында тийкарғы ролди ҳәр түрли ағашлардың пута, ярым путалардың тамыры менен аўқатланатуғын болғанлықтан өсимлик тамырының ширели, дәмлилиги көплиги ҳәм жер асты суўының қәдди атқарады. Сонлықтанда тоғайлықларда, қамыслықларда, олар аралас өскен тоғай етеклериндеги отшөпликлерде, үй қапталы участка, баў-бақшаларда, бағларда, ақ терекликлерде, үй еденлери астында көплеп ушырасады ҳәм гектарына орташа 10-15 бас, айрым орынларда 30-60 ҳәм оннан да артық санда ушырасады.

Бул түр тийкарынан өсимликтиң жер асты тамыр системасы менен аўқатланып, жер үсти өсиў бөлими жүдә сийрек, тек аўкат жетиспеген жағдайда пайдаланылады. Тоғай етеги қамыслық, жыңғыллықларында, суўға жақын ығаллы орынларда тек олардың тамырлары менен аўқатланады. Егислик зоналарында ақ терек, мийўе ағашларының, жоңышқаның тамыр түйнеклерин, мәккениң, жүўериниң тамырларын жеп қуўыратқанларын көргенинде оның қандай зыянкес екенине көзиң жетеди. Пахсадан, қам гербиштен салынған ҳәр түрли дән, комбикорма қоймаларының дийўалларын бойлап ин қазып, пәтикке шығып, жегени былай турсын жемегенлерин ин қазып шығарған топырақ пенен араластырып ҳәм экскрементлери менен де патаслап көп шығынлар етеди. Мысалы: бир жуп крыса бир жазда бир гектар жер бетине 20 тонна топырақ шығарады. Усыннан-ақ крысаның ин қазыў искерлигиниң жоқары екенин ҳәм оны үзликсиз өсимликтиң жер асты тамы-

рын излеп жер астында жайылатуғынынан анық көресен. Крыса суткасына орташа 7 метрлик ин қазады.

Крыса 73 түр өсимликтиң тамыры менен аўқатланады. (Бондарь, 1965). Бизлердиң бақлаўымыз бойынша ол тоғайлықларда ҳәм егислик зонасында өсимликтиң 33 түри менен аўқатланады. Соның ишинде аўқатының тийкарын 3-4 түр жабайы өсимлик қурайды. Қыста олар қамыс порығы ҳәм жыңғылдың тамыры менен аўқатланады. Февраль айында изертленген 27 крысаның асқазанында езилген сары-қоңыр жыңғылдың тамыры менен қамыстың порығы ҳәм қалдықлары анық көринип турды. Бир фермердиң шалы туқым дәнин сақлаў қоймасынан усланған. (апрель, 2008). 198 крысаның 115 ниң асқазанында шалы дәни қабығының толып турғаны есапқа алынды. Сол қоймадан 21-апрель аралығында крыса усланып, үлкен зыян тоқтатылып жәрдем көрсетилди.

Жуўмақлап айтқанда кемириўшилердиң, соның ишинде Жалпақ тисли крысаның аўқатланыў ҳәм ин қазыў барысында халық хожалығына келтиретуғын зияны, оған қарсы шаралар ислеп шығыў бойынша мағлыўматларды, көрсетпелерди итибарға алып, нәтийжели гүрес алып барылыўы нәзерде тутылады.

**Әдебиятлар**


1. Асенов Г.А. Экология грызунов Низовьев Амударьи и их эпизоотологические и эпидемиологические значения. Рукопись канд. диссертации. – Фрунзе: 1968.
2. Бондарь Е.П. К вопросу о распределений земляной крысы по орошаемым землям Средней Азии и предупредительных мерах к её расселению. Науч.конф.НИУ Средней Азии и Казахстана (Тез.докл). - Алма-Ата: 1959.
3. Бондарь Е.П. К экологии земляной крысы. Сооб 1-5. Распространение и стациальная приуреченность, питание, активность и кормодобывающая деятельность, убежище и роющая деятельность, К вопросу о борьбе с земляной крысой. Матер. науч. конф. по природы. Очаговости и профил. чумы. Февраль. -Алма-Ата: 1963.
4. Бондарь Е.П. Экология земляной крысы (Nesokia indica Gray). Автореферат канд.диссер.АНКаз ССР. -Алма-Ата: 1965.
5. Костин В.П. Грызуны Низовьев Аму-Дарьи, Устюрта и прилегающей территории. Изд-во СамГУ. –Ташкент: 1962.
6. Солдаткин И.С. Краткий очерк экологии пластинчатозубой крысы и меры борьбы с нею в дельте Аму-Дарьи Грыз. И борьба с ними. Вып.4. «Микроб». – Саратов: 1955.
7. Солдаткин И.С., Асенов Г.А., К вопросу о земном размножении пластинчатозубой крысы. «Грызуны и борьба с ними» «Микроб». -Саратов: 1957.



**РЕЗЮМЕ.** Кемирувчиларнинг, жумладан Ясси тишли каламушнинг овқатланиш ва ин қозиш жараёнида халқ хўжалигига келтирадиган зарари, унга қарши чоралар ишлаб чиқиш бўйича маълумотларни, кўрсатмаларни эътиборга олиб, натижали кураш олиб борилиши назарда тутилган.

**РЕЗЮМЕ.** Принимается во внимание ущерб наносимый хозяйствам грызунами, в том числе питанием и роющей деятельностью пластинчатозубой крысей, учитывая данные, рекомендаций по разработке профилактических мер и проведение эффективных мер борьбы с ними.

**SUMMARY.** The damage caused by rodents, including the Flat-toothed rat, to the human economy in the form of feeding and nesting wounds, the information and instructions of those who develop measures for damage to it, and as a result, attention was paid to combating it.


**УДК 576.895.1:599.73**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШОРОИТИДА ЭЧКИЛАР (*CAPRA HIRCUS* L.) ГЕЛЬМИНТЛАРИ ТУР ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДА ТАҚСИМЛАНИШИ


**Д.А.Палўаниязова** – *таянч-докторант*

*Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети*

**С.Дадаев** – *биология фанлари доктори, профессор*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

**А.Ж.Қаниязов** – *биология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Нукус филиали*



**Таянч сўзлар:** гельминт, эчкичилик, инвазия, гельминтоз, омил, экологик, антропоген, инвазия экстенсивлиги, инвазия интенсивлиги.

**Ключевые слова:** гельминт, козоводство, инвазия, гельминтоз, фактор, экологический, антропогенный, экстенсивность инвазии, интенсивность инвазии.

**Key words:** helminth, goat breeding, invasion, helminthiasis, factor, ecological, anthropogenic, extensiveness of invasion, invasion intensity.


**Кириш.** Республикамизда аҳоли сони ўсиб бориши натижасида, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва кунлик эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Эчкичилик республикамизда чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4512-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4776-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳоси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон Қарорида республикамизда аҳолини юқори сифатли озиқа маҳсулотлари (сут ва сут маҳсулотлари ҳамда жун) билан ҳамда саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашда муҳум аҳамият касб этади. Лекин, соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатадиган қатор омиллар ҳам мавжуд. Бундай омиллар қаторига қишлоқ хўжалик ҳайвонларида, шу жумладан эчкиларда паразитлик қилиб, улар маҳсулдорлигини камайтирадиган қатор гельминтозлар қўзғатувчиларини киритиш мумкин. Эчкилар гельминтозларига ўз вақтида карши профилактик чора-тадбирлар олиб борилмаса, эчкичилик соҳаси иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўради. Гельминтозларнинг иқтисодий зарари қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг нобуд бўлиши, мажбурий сўйилиши, маҳсулдорлигининг пасайиши, касал ҳайвонлардан олинган маҳсулотларнинг сифатсизлиги билан баҳоланади. Гельминтозлардан келадиган иқтисодий зарар бир қатор олимларнинг тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган [1:40; 2:83; 3:223].

Республикамизда мутахассис олимлар томонидан маҳсулдор ҳайвонларни, шу жумладан эчкилар гельминтлари тур таркибининг хилма-хиллиги, биологияси, ҳаётий жараёнлари, экологияси ва систематикасини аниқлаш, асосий гельминтозларни

назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш борасида бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Натижада чорва молларининг, жумладан эчкиларнинг инвазион касалликлари бир мунча камайган. Лекин, шунга қарамасдан охирги йилларда Республикамизда гельминтозлар қўзғатувчилари таъсирида чорва моллари, жумладан эчкиларнинг нобуд бўлиши ва маҳсулдорлигининг кескин пасайиши кузатилмоқда.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишларимиз натижасига кўра ва кўплаб мутахассис олимларимиз томонидан чоп этилган ишларини таҳлил қилганимизда, эчкиларни гельминтлари Республикамизнинг турли минтақалари ва вилоятларида бир хил даражада ўрганилмаганлигини гувоҳи бўлдик. Айниқса, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида майда шохли моллар, хусусан эчкилар гельминтлари ва гельминтозлари деярли ўрганилмаган. Борлари ҳам жуда эски бўлиб, бундан 60 йил илгари олиб борилган, яъни М.А. Султонов ва бошқалар томонидан [4,66] 1964-1965 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳайвонлари паразитларини ўрганиш жараёнида, Қўнғрот туманида тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан атига 1 та бош эчки ҳамда қушхоналарда эчкиларнинг 70 га яқин ички органлари тўлиқ гельминтологик ёриб кўрилган ва натижада уларда қуйидаги 6 тур гельминтлар учрашлиги аниқланган (*Moniezia expansa, Taenia hydatigena (larvae), Echinococcus granulosus (larvae), Trichocephalus skrjabini, Trichocephalus sp. Nematodirus oiratianus*).

Охирги йилларда экологик ва антропоген омиллар таъсирида Республикамизнинг турли минтақаларида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди, яъни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари боқиладиган катта майдондаги яйловлар қисқариши, Орол денгизи суви қурий бошлаши муносабати билан сув танқислиги пайдо бўлиши, ерлар шўрланишини ортиб бориши натижасида ноқулай экологик ҳолатлар юзага кела бошлади, бу эса албатта ҳайвонот дунёсига, шу жумладан чорва молларида паразитлик қиладиган гельминтлар тур таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бундай шароитда қайсидир гельминт турлари янги шароитга ва муҳитга мослашиб кенг тарқалиши, бошқа турлари эса аксинча камайиши ёки бутунлай йўқолиб кетиши мумкин.

Шуларни ҳисобга олиб, соҳада чорвачилик юритишнинг янги шакллари - фермер, ширкат, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ташкил этилиши, эндиликда ҳайвонларни сақлашда, озиқлантиришда ҳамда кўпайтиришда янгича ёндашувларни талаб қилади, бу эса турли паразитар, шу жумладан гельминтозларни даволаш, олдини олиш ва уларга қарши курашишда замонавий самарали усулларни қўллашни тақозо этади. Бундай ҳолда маҳсулдор ҳайвонлар, шу жумладан қўй ва эчкилар гельминтлари фаунаси, уларни тарқалиши, кенг тарқалган вакилларининг био-экологик хусусиятларини Республикамизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида, шу жумладан кенг минтақалардан бири бўлмиш Қорақалпоғистонда узликсиз равишда режали асосда ўрганиб бориш, кенг тарқалган, қўйчилик ва эчкичиликка зарар келтирувчи доминант гельминтозлар эпизоотик ҳолатини баҳолаш ва минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш лозим. Бу эса ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

**Ишнинг мақсади.** Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор ҳудудларида эчкиларнинг гельминтлари тур таркиби ва уларнинг ҳайвон организмида тақсимланишини ўрганишдан иборат.

**Материал ва методлар:** Қорақалпоғистон Республикаси шароитида эчкилар гельминтлари тур таркиби ва уларни эчкиларнинг турли органлар тизимида тақсимланишини ўрганиш учун 2021-2022 йиллар давомида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Бўзотов, Кегейли, Қораўзак, Тахтакўпир, Қонғирот, Қонликўл, Амударё Тўрткўл туманларининг шахсий ва фермер хўжаликларида эчкилар гельминтологик текширувдан ўтказилди.

Академик К.И. Скрябиннинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан жами 90 бош эчкилар текширилди [5,45]. Шунингдек тадқиқот олиб бориш давомида эчкилардан 215 та тезак намуналари олиниб, улар Г.А. Котельников ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган гельминтокопрологик усуллар асосида ўрганилди [6,266].

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида эчкилар ўртасида 2 тип, 3 синф, 9 туркум, 14 оила, 21 авлодга мансуб 29 тур гельминтлар паразитлик қилишлиги аниқланди. Эчкилардан йиғилган гельминтлар хорижий ва маҳаллий гельминтолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган систематикага асосланган ҳолда баён қилинди [7,491; 8,255; 9,745; 10,650].

Тадқиқотлар натижасида эчкилардан паразитлик қиладиган гельминтларнинг таксономик ҳолати 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал. Қорақалпоғистонда эшкилар гельминтларининг таксономик таркиби**

| **Синф** | **Туркум** | **Оила** | **Турлар сони** |
|---|---|---|---|
| TREMATODA | FASCIOLIDA | FASCIOLIDAE | 1 |
| | PARAMPHISTOMIDA | PARAMPHISTOMIDAE | 1 |
| | SCHISTOSOMATIDA | SCHISTOSOMATIDAE | 1 |
| CESTODA | CYCLOPHYLLIDA | ANOPLOCEPHALIDAE | 2 |
| | | AVITELLINIDAE | 2 |
| | | TAENIIDAE | 3 |
| NEMATODA | TRICHOCTPHALIDA | TRICHOCEPHALIDAE | 1 |
| | STRONGYLIDA | CHABERTIDAE | 3 |
| | | TRICHOSTRONGYLIDAE | 8 |
| | PSEUDALIIDA | DICTYOCAULIDAE | 1 |
| | OXYURIDA | SYPHACIIDAE | 2 |
| | SPIRURIDA | GONGYLONEMATIDAE | 1 |
| | | HABRONEMATIDAE | 1 |
| | | SETARIIDAE | 2 |
| **3** | **9** | **14** | **29** |

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Trematoda синфи 3 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 10% ни, Cestoda синфи 7 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 24% ни ҳамда Nematoda синфи 19 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 66% ни ташкил этади (1-расм).



*1-расм Эчкилар гельминтларининг синфлар кесимида тақсимланиши*

Гельминтлар хўжайин организмининг овқат ҳазм қилиш тизими (24), нафас олиш органлари тизими (1), юрак-қон томирлар тизими (1), қорин бўшлиғи (2) ва бош мияда (1) паразитлик қилишлиги аниқланди (2-жадвал).

**2-жадвал. Қорақалпоғистонда эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси**

| № | Гельминт тури | Паразитлик қиладиган жойи | Зарарланган ҳайвон сони | ИЭ, % | ИИ, нусха | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *Fasciola gigantica* | Ўт йўллари, ўт пуфаги | 19 | 21,1 | 1 | 213 |
| 2 | *Gastrothylax crumenifera* | Ошқозон | 3 | 3,4 | 1 | 20 |
| 3 | *Schistosoma turkestanicum* | Қорин туткич қон томирлари | 14 | 15,5 | 96 | 500000 |
| 4 | *Moniezia expansa* | Ингичка ичак | 11 | 12,2 | 1 | 10 |
| 5 | *Moniezia benedeni* | Ингичка ичак | 9 | 10 | 3 | 10 |
| 6 | *Avitellina centripunctata* | Ингичка ичак | 6 | 6,6 | 1 | 22 |
| 7 | *Thysaniezia giardi* | Ингичка ичак | 4 | 4,4 | 2 | 15 |
| 8 | *Taenia hydatigena (larvae)* | Жигар, плевра ва бошқа ор-ганлари | 3 | 3,3 | 1 | 7 |
| 9 | *Multiceps multiceps (larvae)* | Бош мия | 7 | 7,7 | 1 | 8 |
| 10 | *Echinococcus granulosus (larvae)* | Жигар, ўпка ва бошқа ор-ганлари | 5 | 5,5 | 1 | 7 |
| 11 | *Trichocephalus ovis* | Кўр ичак ва йўғон ичак | 18 | 20 | 1 | 33 |
| 12 | *Chabertia ovina* | Йўғон ичак | 14 | 15,5 | 3 | 20 |
| 13 | *Oesophagostomum columbianum* | Йўғон ичак | 27 | 30 | 3 | 10 |
| 14 | *Oesophagostomum venulosum* | Йўғон ичак | 21 | 23,3 | 3 | 10 |
| 15 | *Trichostrongylus axei* | Ширдон ва ингичка ичак | 34 | 37,7 | 18 | 54 |
| 16 | *Trichostrongylus vitrinus* | Ширдон ва ингичка ичак | 30 | 33,3 | 11 | 45 |
| 17 | *Haemonchus contortus* | Ширдон ва ингичка ичак | 18 | 20 | 9 | 25 |
| 18 | *Haemonchus placei* | Ширдон ва ингичка ичак | 12 | 13,3 | 5 | 21 |
| 19 | *Marshallagia marshali* | Ширдон ва ингичка ичак | 7 | 7,7 | 3 | 45 |
| 20 | *Nematodirus abnormalis* | Ингичка ичак | 27 | 30 | 10 | 150 |
| 21 | *Nematodirus helvetianus* | Ингичка ичак | 26 | 28,8 | 8 | 110 |
| 22 | *Nematodirus oiratianus* | Ингичка ичак | 26 | 28,8 | 3 | 90 |
| 23 | *Dictyocaulus filaria* | Трахея ва бронх | 23 | 25,5 | 1 | 3 |
| 24 | *Skrjabinema ovis* | Йўғон ичак | 9 | 10 | 3 | 20 |
| 25 | *Skrjabinema caprae* | Йўғон ичак | 9 | 10 | 1 | 15 |
| 26 | *Gongylonema pulchurum* | Қизилўнгач эпителийси | 5 | 5,5 | 1 | 38 |
| 27 | *Parabronema skrjabini* | Ширдон | 12 | 13,3 | 5 | 123 |
| 28 | *Setaria labiato-papillosa* | Қорин бўшлиғи | 7 | 7,7 | 1 | 11 |
| 29 | *Setaria digitata* | Қорин бўшлиғи | 4 | 4,4 | 1 | 9 |

2-жадвал натижасига кўра, Қорақалпоғистон шароитида эчкиларнинг айрим гельминтлар билан зарарланиш даражаси 3,3% дан 37,7% гачани такшил этади. Инвазия интенсивлиги эса 1 тадан 500 минг нусхагача боради.

**Хулоса.** Қорақалпоғистон худудида эчки гельминтлари хўжайин организмининг овқат ҳазмқилиш тизими (24), нафас олиш органлари тизими (1), юрак-қон томирлар тизими (1), қорин бўшлиғи (2) ва бош миясида (1) паразитлик қилиши аниқланди. Эчкиларнинг айрим гельминтлар билан зарарланиши 3,3% дан 37,7% гачани ташкил этди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон шароитида эчкиларда 29 тур гельминтлар паразитлик қилиши ва улар 21 та авлодга, 14 та оилага, 9 та туркумга, 3 та синфга ва 2 та типга мансублиги аниқланди. Аниқланган 29 та турдан энг кўпи, яъни 19 та тури нематодалар синфига (66%), 7 та тури цестодалар синфига (24) ва 3 та тури трематодалар синфига (10%) киради.

## Адабиётлар

1. Дадаев С., Палўаниязова Д.А. Ўзбекистон шароитида эчкилар (*Capra hircus* L.) гельминтларини ўрганилиш ҳолати // FAN va JAMIYAT. -№3, 2022, -37-40 б.
2. Жумамуратов Ж.Э., Шакарбоев Э.Б., Каниязов А.Ж., Хосилова Г.А. Ўзбекистон Шимоли-ғарбий худуди уй жуфт туёқли ҳайвонлари гельминтлари тур таркиби. Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси, №9/1, -2022, -79-83 б.
3. Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. –Т: «Фан», 2015.
4. Султанов М.А., Сарымсаков Ф.С., Муминов П.А. и др. Гельминты животных Каракалпакской АССР. В кн. "Паразиты животных и человека низовьев Амударьи"- Ташкент, Изд-во "Фан", 1969. С. 3-66.
5. Скрябин К.И. Метод полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. М.: Изд. МГУ, 1928. - 45 с.
6. Котельников Г.А. Диагностика гельминтозов животных. -М.,1974. -240 с.
7. Шульц Р.С., Гвоздев Е.В. Основы общей гельминтологии. –Москва: Наука, 1970. –Т.1. -491 с.
8. Ивашкин В.М., Орипов А.О., Сонин М.Д. Определитель гельминтов мелкого рогатого скота. –М., «Наука», 1989. 255 с.
9. Акбаев М.Ш., Водянов А.А. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. –Москва: Колос, 2000. -743 с.
10. Anderson R.K. Nematode parasites of vertebrates: their development and transmission. - New York: CAB International, 2000.



**РЕЗЮМЕ.** Қорақалпоғистон шароитида эчкиларда 29 тур гельминтлар паразитлик қилиши ва улар 21 та авлодга, 14 та оилага, 9 та туркумга, 3 та синфга ва 2 та типга мансублиги аниқланди. Аниқланган гельминтларнинг энг кўпи, яъни 19 та тури нематодалар синфига (66%), 7 та тури цестодалар синфига (24%) ва 3 та тури трематодалар синфига (10%) киради.

**РЕЗЮМЕ.** Выявлено, что в условиях Каракалпакстана на козах паразитируют 29 видов гельминтов, относящихся к 21 роду, 14 семействам, 9 семействам, 3 классам и 2 видам. Наибольшее количество идентифицированных гельминтов, т.е. 19 видов, относится к классу нематод (66%), 7 видов к классу цестод (24%) и 3 вида к классу трематод (10%).

**SUMMARY.** It was revealed that 29 species of helminths belonging to 21 genera, 14 families, 9 families, 3 classes and 2 species parasitize goats in the conditions of Karakalpakstan. The largest number of identified helminths, i.e. 19 species belong to the class of nematodes (66%), 7 species to the class of cestodes (24%) and 3 species to the class of trematodes (10%).


**УДК:** 574.583.

# ПЛАНКТОННЫЕ БЕСПОЗВОНОЧНЫЕ ЖИВОТНЫЕ ОЗЕРО САЙКУЛЬ


**Г.И.Туремуратова** – *кандидат биологичеких наук*

*Каракалпакский государственный университет имени Бердаха*

**Х.С.Нагметов** – *студент*

*Иркутский аграрный университет имени А.А.Ежевского. Россия*



**Таянч сўзлар:** ўгизайлангичлар, шохдормўйловлилар, эшкакоёқлилар, Сайкол коли, сони, биомасса, сукцессия, балиқ, эвритерм.

**Ключевые слова:** коловратки, кладоцера, копепода, озеро Сайкуль, численность, биомасса, сукцессия, рыба, эвритерм.

**Key words:** rotifers, cladocera, copepod, lake. Saikul, abundance, biomass, succession, fish, eurytherm.


**Введение.** Первые таксономические исследования зоопланктона водоемов Узбекистана были проведены А.М.Мухамедиевым описавшим ряд видов кладоцер (1960, 1963) [3:5]. В дальнейшем подробные таксономические исследования планктонных коловраток, кладоцер, копепод были проведены И.М.Мирабдуллаевым с учениками.

Однако, детальными исследованиями охвачены далеко не все водоемы республики. В литературе имеется очень небольшое число работ, посвященных зоопланктону озер республики. В озеро Сайкуль гидробиологические исследование проводится впервые.

Озеро Сайкуль расположено на правобережье Амударьи, в 24 км южнее г.Нукуса. Озера расположено берега Амударьи питание осуществляется за счет реки р. Амударьи. Берега озера пологие, слабоизрезанные. Вода озера иногда используется на орошение сельхозугодий и для поддержания вод обеспеченности массивов лиманных сенокосов.

Это озеро в течение длительного периода получало воду из Амударьи. В последние годы в связи с резким сокращением речного стока практически прекратилось поступление воды по малочисленным протокам, что привело к резкому снижению уровня воды озера. Поэтому резко ухудшила его гидрологический и гидрохимический режимы.

Среди водоемов системы наименьшее по площади – мелководное оз. Сайкуль. Берега заросли тростником, грунты открытой части представлены глиной, песком, серым илом, с остатками растительности, иногда с запахом сероводорода. Цвет воды – от молочно-зеленого до травянисто-зеленого.

**Методы и материалы.** Отбор гидробиологического материала по акватории оз. Сайкуль, проводились в 2017-2022 гг. Отбор проб планктонных животных проводили 3 раза весной, летом и осенью. Общее количество обработанных проб составляло 500 экземпляров. Пробы зоопланктона отбирали тотальным обловом толщи воды при помощи малой сетью Джеди. На глубинах менее 1,5 м производили несколько протяжек сети от дна до поверхности. В сетях использовался мельничный газ № 70. Пробы фиксировали 4 % раствором формалина.

Для более детального исследования состава зоопланктона и распределения его в водохранилище было установлено 5 станций, где брались месячные пробы. На каждой станции производились следующие наблюдения и измерения - прозрачность, температура воды у поверхности и дна.

Кислородный режим измеряли с помощью термоксиметров, pH - с помощью универсального индикатора, прозрачность воды определяли с помощью диска Секки. Температуру воды измеряли водяным ртутным термометром.

Качественные пробы зоопланктона отбирали в пяти точках водохранилища с помощью качественной планктонной сети Апштейна с диаметром 18 см (газ №46), малой сети Джеди с диаметром 18 см (газ №76).

Для определения горизонтального и вертикального распределения зоопланктона, для количественных сборов зоопланктона с различных глубин использовали батометр Молчанова (5 л) и батометр Кожевникова-Дьяченко (10 л).

Собранные пробы планктонных животных в лабораторных условиях идентифицировались и подсчитывались с применением микроскопа МБС-10. Определение видового состава коловраток и ракообразных проводили под микроскопом, используя общепринятые определители [1,2,4,5]. Просчет организмов под микроскопом велся в определенной части пробы, последующим просмотром всего остатка для выявления крупных и редких особей.

**Результаты исследования.** Характерным компонентом зоопланктона являлся циклоп *Cyclops vicinus,* широко распространенный. Часто встречались коловратки *Keratella quadrata, Polyarthra sp., Filinia longiseta,* ракообразные *Daphnia longispina, D. galeata,* Отряд Calanoida был представлен *Eudiaptomus gracilоides, Acanthodiaptomus sp.* В первом из них отмечались только копеподитные и науплиальные стадии Calanoida, не идентифицированные до вида.

Численность организмов в глубоководных местах

озер Сайкуль, максимальное обилие зоопланктона отмечалось в мелководном прогреваемом место. Состав доминирующих видов в зоопланктоне озер включал ветвистоусых *D. longispina, D. galeata*.

Согласно имеющимся отрывочным данным, на протяжении более чем пятидесятилетнего периода ведущую роль в зоопланктоне по численности сохраняли коловратки. Из указываемых в качестве фоновых видов для зоопланктона озера Сайкуль с 2016 по 2020г. (*Asplanchna priodonta, Keratella cochlearis, Kellicottia longispina, Alona rectangular, Daphnia longispina, Chydorus sphaericus, Arctodiaptomus (D.) salinus Cyclops vicinus*), летом 2018 г. Были отмечены только *A. priodonta K. cochlearis, D. longispina, C. sphaericus, C. vicinus*.

В популяциях циклопов преобладали самцы, при наибольшей величине отношения численности самцов и самок для *Mesocyclops leuckarti*. Среднемноголетние значения этого показателя для *Thermocyclops crassusu Arctodiaptomus salinus* были близки к единице, при существенных изменениях соотношения полов по годам исследований.

Средние значения численности и биомассы организмов в многоводные годы были выше, чем в маловодные. В целом динамика численности планктонных животных в большей степени зависела от гидрологического режима, чем биомасса.

В Республике Узбекистан есть озера разных размеров и разного экологического состояния, некоторые из них имеют экстремально высокую минерализацию и не содержат живых организмов (в озерах Республики Каракалпакстан). Наши исследования сосредоточены на изучении планктонных животных в оз. Сайкуль.

Внизу приводим краткую сообщения некоторых малоизученных видов ракообразных и коловраток в озеро Сайкуль. Почти во всех сезона преобладали *Moina macrocopa*.

*Daphnia galeata* также значительно развиваются по мере развития низших водорослей. Отсутствие этих организмов в водоемах приводит к изменению пищевой цепи. В Туркмении *Daphnia galeata* обитает и зимой, при этом популяция размножается (Базарова, 1998).

*Daphnia longispina* Этот вид широко распространён в Палеарктике, Эфиопской, Восточной и Неоарктической областях. Широко распространенный вид. В Средней Азии, отмечен в водоемах низовий рек Амударьи, Сырдарьи, в озерах Искандаркуль и Кайраккумском водохранилище.

В наших исследованиях встречался в оз. Сайкуль. Обычный компонент многих солоноватых озер и опресненных участков водоема. Эвритермичен. Встречается при заметном загрязнении.

*Arctodiaptomus salinus* Daday. Широко распространен в Палеарктике. Встречается в системах с соленой водой, крупных озерах, болотах и лужах. В наших исследованиях было обнаружено в оз. Сайкуль – много. Мы заметили, что он очень хорошо размножается и развивается в соленой воде.

*Asplanchna priodonta* Gosse. Космополит. Встречается в планктоне различных водоемов, в том числе соленых и морских. β-м-о-сапробный.

В Казахстане в работах Дукравец, Митрофанова, Крупа и др. дано краткое сообщение по зоопланктону в озере Зайсан в водохранилищах вокруг реки Иртыс, в устьях реки Или, в старых устьях реки Сырдарья, на реках Нижний Ыргыз и Торгай, озере Коргалжын, на реке Урал, а также в искусственных водоемах Западно-Казахстанской области [6].

В наших исследованиях встречался в озере Сайкуль. Отмечался весной в конце сентября, начале октября, в апреле и мае. Коловратка обитает в открытых частях водоема, и экземпляров немного. Вид прекрасно себя чувствует в условиях оз. Сайкуль. Питается водорослями *Ceratium hirundinella*, мелкими коловратками.

Благодаря ежемесячным взятиям проб планктонных животных оз. Сайкуль удалось проследить сезонную сукцессию качественного состава. Весной колвратки встречались в единичных экземплярах. Такие виды как *Asplanhna priodonta, Keratella cochlearis.* В апреле в озере встречались из ракообразных *Daphnia galeata, Cyclops vicinus.*

Если сравнить встречаемости планктонных животных в озерах Таджикистана и Юж. Казахстана наш регион четко отличается. Это можно объяснить, как гидрологические водой ранее весной.

В целом ранней весной был Коловрат очный, состоял из мелких форм. В дальнейшем доминировали ракообразные круглогодичные форы: *Daphnia galeata, Cyclops vicinus*. С середины лета ракообразные встречались в малых количествах, преобладали коловратки. Эти перестройки в сообщества обусловлены, видимо, как изменением в качественном составе фитопланктона.

Результы исследования определяется тем что планктонные животные является естественным кормом для рыб и повышает выживаемость рыб, повышением продуктивности водоемов за счет применения в рыбоводческих хозяйствах, а также разведения зоопланктонных организмов и использования их в качестве подкормки для мальков.

## Литература


1. Алексеев В.Р. Подотряд Cyclopoida // В кн.: Определитель пресноводных беспозвоночных России и сопредельных территорий. - С.-Петербург: 1995. Т. 2. – С. 109-119.
2. Мирабдуллаев И.М., Абдурахимова А.Н., Кузметов А.Р., Абдиназаров Х.Х. Ўзбекистон эшкакоёқли қисқичбақасимонлар (Crustacea, Copepoda) аниқлагичи. Тошкент. "УНИВЕРСИТЕТ" 2012.
3. Мухамедиев А.М. К вопросу о типологии водохранилищ Узбекистана и сопредельных республик Средней Азии // Биол. осн. рыбн. хоз-ва респ. Ср. Азии и Казахстана. – Ташкент-Фергана: «Фан», 1972. - С. 23-24.
4. Кутикова Л.А. Коловратки фауны СССР. - Л.: «Наука», 1970. –С. 742.
5. Коровчинский Н.М. (Рец.) А.М.Мухамедиев. «Ракообразные Ферганской долины». Ташкент: Фан, 1986. 160 с. // Зоол. ж. 1988. Т. 67. № 3. -С. 477-479.
6. Крупа Е. Г. Структура зоопланктона экологически разнотипных водоемов и водотоков Казахстана: автореферат дисс.. док. биол.наук. - Алматы : «Әрекет Принт», 2010. –С. 38.


**РЕЗЮМЕ**. Ушбу мақолада биринчи марта Сайкўлнинг планктон умуртқасиз ҳайвонларини ўрганиш натижалари келтирилган. 2016 йилдан 2020 йилгача Сайкўл кўлининг зоопланктон организмлари Asplanchna priodonta, Keratella cochlearis, Kellicottia longispina, Alona rectangular, Daphnia longispina, Chydorus sphaericus, Arctodiaptomus salinus, Cyclops vicinus ifodalangan, faqat A. priodonta K. cochlearis, C. longispinus, yozgi C. vicinus қайд этилган. Кам ўрганилган турлар ҳақида қисқача маълумот берилган.

**РЕЗЮМЕ**. В данной статье впервые приведены результаты исследований планктонных беспозвоночных животных озера Сайкуль. Организмы зоопланктона озера Сайкуль с 2016 по 2020 гг. представлен Asplanchna priodonta, Keratella cochlearis, Kellicottia longispina, Alona rectangular, Daphnia longispina, Chydorus sphaericus, Arctodiaptomus salinus, Cyclops vicinus, летом были отмечены только A. priodonta K. cochlearis, D. longispina, C. sphaericus, C. vicinus. Преведени краткое сообшение малоизученных видов.

**SUMMARY.** In this article, for the first time, the results of studies of planktonic invertebrates of Lake Saikul are presented. Zooplankton organisms of Lake Saikul from 2016 to 2020 Asplanchna priodonta, Keratella cochlearis, Kellicottia longispina, Alona rectangular, Daphnia longispina, Chydorus sphaericus, Arctodiaptomus salinus, Cyclops vicinus are represented, only A. priodonta K. cochlearis, D. longispina, C. sphaericus, C. vicinus were recorded in summer. It is briefly presented information on some investigated spicies.

**Geografiya**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**У.Х.Ешимбетов** – *иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори*
**Қ.А.Сарсенбаев** – *магистрант*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** моддий ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, меҳнат кооперацияси, концентрациялаш, интенсив ривожланиш.

**Ключевые слова:** материальное производство, разделение труда, специализация, трудовая кооперация, концентрация, интенсивное развитие.

**Key words:** material production, labor distribution, specialization, labor cooperation, concentration, intensive development.

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг йирик тармоғи бўлиб, кишилик жамиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги ҳар қандай жамиятнинг асосидир. Қишлоқ хўжалиги қадимий соҳалардан бири. Дастлаб ижтимоий (ҳудудий ёки географик) меҳнат тақсимоти ҳам қишлоқ хўжалиги (олдин чорвачилик, кейин деҳқончилик) пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ижтимоий меҳнат тақсимоти – бу алоҳида ҳудудий хўжалик юритувчи субъектлар (мамлакатлар, минтақалар, туманлар ва шаҳарлар) ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ихтисослашувидир. Ихтисослашув даражасининг ошиши меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади. Демак, ихтисослашув ижтимоий меҳнат тақсимотининг асоси ҳисобланади.

А.И.Алтуховнинг фикрига кўра «…ҳудудудий ва тармоқ меҳнат тақсимоти мамлакат ва минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шартидир…», иккинчиси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида устувор йўналиш эканлиги билан боғлиқ [1]. Ҳудуд-тармоқ меҳнат тақсимоти мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона жойлаштириш, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишнинг асоси ҳисобланади [2]. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг географик жойлашишини тавсифлайди. Бу, бир томондан, маълум турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳудудларини ажратиб туради, бошқа томондан, меҳнат натижаларининг минтақалараро товар айирбошлашни кучайтиради. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ҳудудий (зонал) ихтисослашувга замин яратади [3]. Шундай экан, ҳудуд-тармоқ меҳнат тақсимоти, жойлаштириш ва ихтисослаштириш бир-биридан ажралмас, чамбарчас боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши содда ва бетартиб тизимдан, меҳнат кооперацияси ва интеграцияси асосида ҳудудий жиҳатдан оддий гуруҳлар, тармоқ ва тармоқлараро мажмуаларни юзага келган[4].

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш мажмуали жараёндир. Ихтисослаштириш бир ёки бир неча тармоқнинг устувор ривожланишига имконият яратади. Бошқача айтганда ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш бир муаммонинг икки томони ҳисобланади. Ихтисослашув қишлоқ хўжалиги жойлашувининг бир шакли, ихтисослашув шакл ва мазмун жиҳатдан жойлашув ҳисобланади[5]. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришдан мақсад ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, истеъмолчилар эҳтиёжини қаноатлантириш, меҳнатни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат[6]. Ихтисослашувни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона мужассамлаштириш ва жойлаштириш минтақавий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишнинг гаровидир. Бунда ҳудуд бозор ва табиий муҳитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур[7]. Ушбу тушунчалар – ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли ҳисобланади. Ҳудудий ташкил этиш турли хил қишлоқ хўжалиги экинларини ёки чорва молларини ареал бўйича кенг майдонга жойлашуви. Ихтисослаштириш эса маълум ҳудуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йўналишини аниқлаб беради. Оқилона жойлаштиришсиз мақсадга мувофиқ ихтисослаштиришнинг бўлиши мумкин эмас. Агар қишлоқ хўжалик тармоқлари чуқур ихтисослашган бўлса, улар оқилона жойлашган бўлади. Бу ҳодисалар турли ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий имкониятларига қараб турлича олиб борилади. Ушбу жараён ўзаро боғлиқ бўлган табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни илмий-амалий ўрганиш орқали амалга оширилади. Бу омилларни ўрганиш қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни оқилона амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Муайян соҳалар ва экинларни устувор ривожлантириш учун алоҳида ҳудудлар ва корхоналарнинг қулай табиий ва иқтисодий имкониятларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш, моддий ва меҳнат ҳаражатлари камайтириш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ушбу мулоҳазаларга суяниб таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш доимо табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мавжуд имкониятларига таянади. Бу борада К.И.Иванов маълум ҳудудда «табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий фарқларидан самарали фойдаланиш ижтимоий меҳнат унумдорлигининг юқори чўққисини таъминлайди»[8], деб таъкидлаганди. Н.Н.Баранский «иқтисодий географ жойдан жойнинг хўжаликда ихтисослашувидаги тафовутларни табиий муҳитнинг макондаги фарқлари билан таққослаб, унинг ўзига хос қонуниятларини очиб беради» - деган сўзлари билан бу борадаги тадқиқотларнинг асл моҳиятини белгилаб берган эди.

Табиий шароит қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва унинг ҳудудий фарқларининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Табиий шароитни қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг етакчи омили сифатида табиатнинг барча компонентларини ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити (ҳудуд ер юзасининг тузилиши, иқлим, сув, ўсимлик, тупроқ ва ер ресурслари ҳолати, ёғин-сочин-сочин миқдори) шу ҳудуд деҳқончилик ёки чорвачиликнинг маълум бир ёки бир неча тармоғини ихтисослаштиришга замин яратади. Айниқса, иқлим ва

тупроқ ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқлим ресурслари – бу иқлим элементлари модда ва энергиянинг миқдоридир, унинг қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланиладиган элементлари – радиация, намлик, иссиқлик, шамол ва бошқа агроиқлим ресурсларини ҳосил қилади [9]. Тупроққа хўжалик нуқтаи назардан баҳо беришда, ялпи олинган маҳсулотга қараб эмас, балки маҳсулот қиймати ва сарф-харажат миқдорига қараб баҳо берилади [10]. Шунингдек, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг уйғунлиги, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилиши, тармоқ ихтисослашувини маълум даражада белгилайди.

Агар Қорақалпоғистон Республикасида бир тармоқ, масалан, пахтачилик мисолида ушбу омилнинг қишлоқ хўжалиги ихтисослашувига таъсирини олиб қарайдиган бўлсак, уни етиштиришда республиканинг табиий зоналари бўйича маълум даражада фарқларни кўриш мумкин. Минтақанинг жанубий зонаси пахта етиштириш марказий ва шимолий зоналарга нисбатан ривожланган. Чунки, мазкур тармоқ ривожланиши учун жанубий зонада табиий шароитнинг нисбатан қулайлиги (самарали кунларнинг бирмунча узоқ давом этиши) билан изоҳланади.

Табиий шароитнинг чорвачилик тармоқлари жойлашиши ва ихтисослашишига таъсири энг аввало ҳудуднинг бевосита тупроқ-иклим шароитига боғлиқ бўлган ем-хашак етиштириш ҳамда табиий яйловларнинг мавжудлигида кўринади. Шунингдек, табиий муҳит деҳқончилик ва чорвачилик тизими, агротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуасини олиб бориш жараёни ҳудудий фарқларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш учун табиий шароит билан бир қаторда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитининг (аҳоли ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор ва транспорт инфратузилмалари) аҳамияти ҳам катта. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувига саноатнинг ривожланиши ва жойлашуви, шаҳар аҳолисининг сони, ер фондидан фойдаланиш даражаси, транспорт ва алоқа тармоғининг ҳолати, давлатнинг капитал қўйилмалари, иқтисодий сиёсат ва унинг турли районларда дифференцияцияси, давлатнинг муҳофаза сиёсати ҳам таъсир қилади [11].

Я.Н.Коваленко қишлоқ хўжалигини тўғри жойлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг қуйидаги омилларга боғлиқлигини таъкидлайди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишчи кучи харажатларини тежаш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш мумкин бўлган ҳудудларга жойлаштириш; меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш; транспорт турларининг ривожланиш ҳолати; саноат ва қишлоқ хўжалигининг мутаносиб жойлашиши ва ривожланиши; илмий-техника тараққиёти ва моддий-техник базани такомиллаштириш; давлатнинг озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари [12].

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш алоҳида олинган зона ёки хўжаликда бош тармоқнинг ажратилиши ва унинг самарали ривожланиши учун шароит яратилишида кўринади. У ишлаб чиқариш йўналишини тавсифлайди, зона ёки хўжалик тармоғининг тузилишини белгилайди. Қишлоқ хўжалигини тўғри ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини оширади. Бунда бирор бир ёки бир неча экин турини ва чорва молларини кўпайтириш учун энг қулай тупроқ, иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитлардан фойдаланилади. Ихтисослаштириш самарадорликни ошириш билан бир қаторда унинг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, интенсивлаштириш ва мужассамлаштиришнинг энг муҳим шарти бўлиб, улар ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қилади. Бу ўз навбатида тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришнинг зарурлигини яна бир бор исботлайди. Мақбул ихтисослашув хўжаликнинг интенсив ривожланишига ва ишлаб чиқаришни мужассамлаштирувга замин яратади.

**Адабиётлар**


1. Алтухов А.И. Сельскохозяйственному производству страны необходима новая концепция размещения и специализации. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2019. №8. С. 7-14. Территориально-отраслевое разделение труда в агропромышленном производстве. // АПК: экономика и управление. 2015. №7. С. 9-21.
2. Алтухов А.И. Территориально отраслевое разделение труда в агропромышленном производстве страны в системе ее продовольственного обеспечения: вопросы методологии и практики.
3. Таранова И.В. Территориальное размещение и специализация субъектов аграрного сектора экономика региона: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ставрополь. 2011. С. 8.
4. Крючков В.Г. Территориальная организация сельского хозяйства. (Проблемы и методы экономико – географического исследования). – М.: Мысль, 1978. – 268 с.
5. Заметин И.И., Перцев П.П. К вопросу о специализации сельского хозяйства. Под ред. Романенко. М.: Мысль. 1970. (414 с.) с. 36.
6. Колобова А.И., Азарин Г.М. Организация сельскохозяйственных предприятий в условиях интенсификации. М.: МСХА. 1991. С. 98.
7. Таранова И.В. Территориальное размещение и специализация субъектов аграрного сектора экономики региона: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ставрополь: 2011. С.14.
8. Иванов К.И. Территориальные системы общественного производства. М.: Мысль. 1975. С. 75.
9. Файзуллаев М.А. Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омиллари. География фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017. 17 б.
10. Ракитников А.Н. География сельского хозяйства. М.: Мысль. 1970. 342 с
11. Васильев Н.В. Специализация и размещения сельскохозяйственного производства в СССР. М.: Мысль. 1965. С. 70.
12. Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. М.: 1999. с. 87 б.



**РЕЗЮМЕ.** Мақола қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг назарий асосларига бағишланган. Ихтисослаштириш ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишнинг гарови эканлиги такидланган.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена теоретическим основам сельскохозяйственной специализации. Подчеркивается, что специализация является залогом повышения эффективности производства.

**SUMMARY.** The article is devoted to the theoretical foundations of agricultural specialization. It is emphasized that specialization is the guarantee of increasing production efficiency.

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ТАРКИБИ

**Ҳ.А.Облақулов** – *география фанлари бўйича фалсафа доктори*
**Ё.Р.Буранов** – *таянч докторант*
*Навоий давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** аҳоли, уруғ, Манғит, лоқай, қўшқи, Найман, Чимбой, миллий-этник.
**Ключевые слова:** население, родословия, Мангит, локай, кошки, Найман, Чимбой, национально-этнический.
**Key words:** population, genealogy, Mangit, lokai, cats, Naiman, Chimboy, national-ethnic.

**Кириш.** Навоий вилоят аҳолиси миллий таркиби, ўзининг ниҳоятда мураккаблиги ва ўзига хос жиҳатлари билан бошқа вилоятлар орасида ажралиб туради. Хусусан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари каби Навоий вилояти ҳам кўп миллатли вилоят ҳисобланади. Жумладан, ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, украин, озарбайжон, тожик, арман, туркман, татар, яхудий, корейц ва бошқа миллатлари яшайди. Шу боис, Навоий вилоят аҳолисининг миллий-этник таркиби аҳолининг жойлашуви, шаклланиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганишни тақазо этади.

**Асосий қисм.** Вилоят аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этиб, уларнинг улуши 1995 йилда 71,9 фоиз, 2005 йилда 79,1 фоиз ва 2022 йилда 88,6 фоизга тенг (1-жадвалга қаранг). 1995-2005 йилларда ўзбеклардан кейинги ўриндаги қозоқ, қорақалпоқ, рус ва тожикларнинг улуши нисбий кўрсаткичларда қисқарганлигини кўришимиз мумкин.

2005-2022 йиллар давомида вилоятда номаҳаллий миллат вакиллари салмоғи бироз камайган. Маҳаллий миллат вакиллари орасида ўзбеклар, тожиклар ва қорақалпоқлар миқдори кўпайиб бормоқда. Айни вақтда тожик ва қорақалпоқлар вилоят аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил этади. Охирги йилларда бошқа миллат вакиллари камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби улардаги миграция (бунда асосан қозоқ ва русларнинг салмоғи юқори) жараёнининг юқорилиги ва туғулиш кўрсаткичининг бироз пастлигидир.

Вилоят аҳолисининг миллий таркибида бирмунча фарқлар мавжуд бўлиб, миллатларнинг ҳар хиллиги, яъни этник жиҳатдан юқорилигини кўриш мумкин. Масалан 2022 йилда руслар 16131 кишини ташкил этса 1995 йилда бу кўрсаткич 57165 киши ташкил этган (1-расмга қаранг). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятда русларнинг 92,8 фоизи Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларига тўғри келса, 7,2 фоизи қолган туман марказларидаги шаҳарларга тўғри келади.

**1-жадвал. Навоий вилояти аҳолисининг миллий таркиби**

| Миллатлар | 1995 йил | | 2005 йил | | 2022 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аҳоли сони | Жамига нисбатан фоизда (%) | Аҳоли сони | Жамига нисбатан фоизда (%) | Аҳоли сони | Жамига нисбатан фоизда (%) |
| Жами аҳоли | 731574 | 100,0 | 810194 | 100,0 | 1033857 | 100,0 |
| ўзбек | 526056 | 71,9 | 640941 | 79,1 | 916 276 | 88,6 |
| қорақалпоқ | 17460 | 2,3 | 20138 | 2,4 | 23 284 | 2,2 |
| рус | 57165 | 7,8 | 36490 | 4,5 | 16 131 | 1,6 |
| украин | 5143 | 0,7 | 2984 | 0,3 | 843 | 0,08 |
| қозоқ | 75945 | 10,3 | 66761 | 8,2 | 37 066 | 3,6 |
| озарбайжон | 4563 | 0,6 | 4324 | 0,5 | 4 204 | 0,4 |
| тожик | 11193 | 1,5 | 12347 | 1,5 | 14 155 | 1,4 |
| арман | 853 | 0,1 | 703 | 0,09 | 284 | 0,03 |
| туркман | 466 | 0,06 | 522 | 0,06 | 252 | 0,02 |
| татар | 14835 | 2,3 | 10782 | 1,3 | 6 012 | 0,6 |
| яхудий | 1131 | 0,1 | 847 | 0,1 | 619 | 0,06 |
| корейц | 1504 | 0,2 | 1154 | 0,1 | 766 | 0,7 |
| бошқа миллатлар | 15260 | 2,0 | 12201 | 1,5 | 13 965 | 1,3 |

Жадвал Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотари асосида тузилди. Бунинг асосий сабабларидан бири рус миллат вакилларининг саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида кўплиги шунингдек, ўтган асрда табиий бойликларнинг ўзлаштирилиши, темир йўллар ва саноат корхоналарининг қурилишида рус миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этган [10].

Вилоятнинг табиий географик ўрни ва иқлим шароити аҳолининг хўжалигига, турмуш тарзига ҳамда халқларнинг шаклланишига таъсир этмасдан қолмаган. Вилоят ҳудудининг шимол ва шимолий ғарбий қисми чўл ва бепоён даштлар, жануб ва жанубий-шарқий қисмлари тоғлардан иборатдир. Шунингдек, вилоятнинг шимол ва шимолий ғарбий қисмидаги чўл ҳудудларида асосан чўл-адир чорвачилиги шаклланган бўлиб, улар Томди, Учқудуқ ва Конимех туманлари учунгина хосдир.

Жануб ва жанубий-шарқий қисмлардаги суғорма деҳқончилик ҳудудларида хўжаликнинг уч асосий тури шаклланган бўлиб, улар суғорма деҳқончилик, дашт-адир чорвачилиги, тоғ чорвачилиги ва боғдорчилигидан иборат.

Навоий вилояти ҳудуди қадимдан турли этнос вакиллари истиқомат қилган ҳудудлардан бири бўлиб, бу ерларда ўзбеклар, тожиклар, яхудийлар, форсийлар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, араблар ва бошқа миллат вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Улар қадимдан ҳунармандчилик ва косибчилик, темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, аравасозлик, бешикчилик, чармчилик, наматчилик, қандолатчилик, мисгарлик, тош ўйиш ва унга ишлов бериш шуғулланган.




*1-расм. Навоий вилоят аҳолиси миллий таркиби (киши ҳисобида)*

Вилоят қадимдан полиэтник ҳудудлардан бири ҳисобланиб, араб, бахрин, бурқут, бек, галавур, ғубомбор, ғўлон, ғўлом, жалойир, капа, кенагас, каллар, қалмоқ, қорақалпоқ, қорача, қипчоқ, қирғиз, қўнғирот, қутчи, манғит, махсим, метан, минг, мисит, мозри, мўғул, найман, олапойча, саид, саёд, тахчи, тома, турк, туркман, хўжа, эшон, эрони, эсавой, эсару каби 40 дан ортиқ уруғлар кенг тарқалган [3:20-21]. Бу уруғ-қабила

номларининг кўпчилиги ҳозирги кунда қорақалпоқ, қозоқ, татар, нўғай, қирғиз, бошқирд, туркман ва бошқа туркий халқларнинг тилларида ҳам учрайди. Шунингдек, уруғларнинг тарқалиши натижасида уруғ номи билан боғлиқ қишлоқлар шаклланган. Масалан, манғитлар тарқалиши билан боғлиқ Хатирчи туманидаги Манғит қишлоғининг пайдо бўлиши, Буркутларнинг тарқалиши Навбаҳор туманидаги Қуйи буркут ва Юқори буркут ҳамда Хатирчи туманидаги Буркут қишлоқлари пайдо бўлганлиги бунга яққол мисолдир.

Вилоятда кўп сонли уруғлардан бири - бу ўзбекларнинг манғит уруғидир. Манғитлар Хатирчи туманидаги Эломонтепа, Денов, Чилош, Навбаҳор туманидаги Ижанд, Янгиҳаёт, Қизилтепа туманидаги Ғардиён, Зармитан, Қипчоқ, Конимех туманидаги Оқтепа қишлоқларида истиқомат қиладилар. Баъзи бир тарихий манбаларда келтирилишича улар овчилик билан кун кечиришган кейинчалик деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаган.

Буркутлар эса келиб чиқиши Дашти Қипчоққа бориб тақаладиган уруғлардан бири. 1924 йилда Ўрта Осиёни районлаштириш комиссияси томонидан Нурота ҳудудида 600 киши, Карманада 2390 киши, Самарқанд вилоятининг Буркут қишлоғида 400 киши буркут уруғига мансублар борлиги аниқланган [4].

Вилоятда тожиклар Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Нурота, Қизилтепа, Навбаҳор, Кармана туманларининг шаҳар ва қишлоқларда кўпчиликни ташкил этади. Жумладан уларнинг 63,1 фоизи қишлоқларда 36,9 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Навоий вилояти географик жиҳатдан жуда мураккаб, бир томондан қозоқ-қорақалпоқлар, иккинчи томондан тожикларнинг жойлашганлиги, учинчи томондан эса саноатлашганлиги учун бошқа миллат вакилларининг таъсири кучли бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Тожикларнинг аксарият қисми Нурота шаҳри, Ғозғон, Деҳибаланд қишлоқлари ҳамда Нурота туманининг тоғли ҳудудларида жойлашган Синтоб, Соб, Сумбулоқ, Катта Эж, Каттасой, Кичиксой қишлоқларида, Қизилтепа туманнинг Арабон, Собунгарон, Тожикон, Майизгарон, Зармитан, Узилишкент, Ванғози, Азизобод, Оқолтин қишлоқларида шунингдек, Навбаҳор туманининг Арабхона, Арабсарой, Вомитан ва Ҳашман қишлоқларида ўзбеклар билан аралаш ҳолда тарқалган. Бу қишлоқлар аҳолисининг асосий қисми чорвачилик, деҳқончилик кулолчилик, тадбиркорлик ва уй ҳунармандчилиги билан шуғулланади. Нурота шаҳри, Ғозғон, Деҳибаланд тожиклари эса қадимдан ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, каштачилик, зардўзлик ва тошга ишлов бериш билан шуғулланиб келади (2-расмга қаранг).

Б.Х.Кармишеванинг тадқиқотларида Нурота туманида 1930 йиллар гача тожикларнинг ўндан ортиқ йирик қишлоқлари мавжуд бўлган. Бироқ, Ўша даврда собиқ совет хукумати томонидан амалга оширилган аҳолини кўриқ ерларга кўчириш сиёсати натижасида кўплаб тожик қишлоқлари бўшаб қолган. Сентоб, Катта ва Кичик Эж ва Соб каби йирик қишлоқлар аҳолисининг маълум қисмигина ўз қишлоқларида қолган. Маданияти жиҳатдан Бухоро шаҳрига яқин бўлган Ғозғон, Деҳибаланд ва Нурота шаҳри аҳолиси Нурота тизма тоғидаги тожикларни ўзларидан фарқлаган ҳолда, уларни *тоғчи* деб аташганликлари келтирилган [2:7]. Тожикларнинг келиб чиқишини этнографик олим А.П.Хорошхин ўз тадқиқотларида Сирдарё бўйлари яъни Чордара ва Туркистон оралиғида жойлашган Эчкилизор деган жойлар билан боғланган [9]. Шунингдек, Туркистон шаҳри ва Бухоро шаҳрини боғлайдиган карвон йўли орқали ўтган бир гуруҳ туркистонликлар томонидан асос солинган деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу йўл Ғозғон, Деҳибаланд ҳамда Қизилтепа туманининг бир қанча қишлоқларидан ўтган. Чунки Нурота туманининг шимоли-ғарбий ёнбағри бўйлаб қадимдан Буюк Ипак йўлининг ўтганлиги бунинг исботидир.




*2-расм. Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник картаси*

Муаллифлар томонидан ишланган Марказий Осиёдаги қадимги кўчманчи халқлардан бири ҳисобланган халқи бу- қорақалпоқлардир. Уларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикасида шунингдек, Навоий вилоятининг Учқудуқ, Томди, Конимех ҳамда Нурота туманнинг Конимех ва Томди туманларига туташ қисмларида истиқомат қилади. Шунингдек, қорақалпоқлар вилоятнинг Навбаҳор туманидаги Кескантерак ва Туқманғит қишлоқларида ҳам яшайди. Улар ўз тилларини унутиб, ўзбеклашиб кетган.

Тилшунос олима Н.Муродованинг тадқиқот ишларида уларнинг қўнғирот, қипчоқ, кенагас ва четон (муйтен) каби уруғ номлари ҳозир ҳам мазкур ҳудуд аҳолиси ўртасида сақланиб келаётганлигини келтирилган [3]. Бугунги кунга келиб вилоятда улар 23284 киши бўлиб, шундан шаҳарларда 8651 киши, қишлоқларга эса 14606 киши тўғри келади.

Қорақалпоқларнинг бир қисми қозоқлар билан биргаликда Қизилкум чўлининг жануби-ғарбий ҳудудларига келиб ўрнашади [8]. Вақт ўтиши билан вилоятнинг Томди, Конимех, Учқудуқ ва Нурота туманининг айрим қишлоқларида қозоқлар билан қорақалпоқларда бир-бирига қўшилиб кетиш жараёни жадал кечади яьни бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва бошқа анъаналарини йўқотиб, иккинчи халқа қўшилиб кетиши кузатилади.

Қизилкум чўлининг Томди, Конимех ва Нурота туманига туташ ҳудудларини ўтган асрнинг бошларида кўчманчи-чорвачилик билан шуғулланувчи қорақалпоқлар Л.С.Толстова томонидан ўрганилган. Тадқиқотчи Қизилкум чўлида истиқомат қилувчи қорақалпоқларнинг улар билан ёнма-ён яшовчи қозоқлардан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро этномаданий жиҳатларини таҳлил қилган [8].

Нурота туманининг шимолий-шарқий қисмидаги воҳа қозоқлари ўзларини кичик жуз, яъни Кичик ўрда қозоқлари деб атаганлар. Бу ерда қозоқларнинг қангли, ўчоқли, тўбиқти, орғин, қозоёқли, кўлаган, олчин, кете, тўрибой каби уруғлари истиқомат қилган. Нурота шаҳрида эса кичик жуз қозоқларининг элим, тўрткира, кете, ўлтай кете, арғин, найман, қитилақ каби этник гуруҳлари яшайди Кейинги даврдаги маълумотларда улар ўзларини қозоқ-қорақалпоқ номи билан атай бошлаганлар [7]. Шунингдек, Б.Х.Кармишева асарларида қозоқларнинг қиёт, ушакти, қорақалпоқ, қангли, қайчили-жалоир, мўйтин-қўнғирот, табин каби уруғлари ҳам яшаганлигини келтириб ўтади [2:11].

Қорақалпоқлар яшайдиган қишлоқ ва овулларининг ҳар бирини этикдўзи, дурадгори, тақачиси, аравасози ва заргари бўлган. Томди, Учқудуқ ва Конимех туманларининг қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан тўқувчилик, гиламдўзлик, кигиз ясаш ҳамда чорвачиликнинг қўйчилик, қоракўлчилик, йилқичилик, туячилик тармоқлари билан шуғулланган. Юқорида таъкидлаганимиздек уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили ўзаро бир-бирига яқинлиги туфайли бу тармоқлар қозоқ халқларида ҳам яхши шаклланган.

Қозоқлар вилоятининг Учқудуқ, Томди, Конимех ва Нурота туманларида кўпчиликни ташкил этади. Вилоят аҳолисининг 3,6 фоизини (37066 киши) қозоқлар ташкил этади. Яъни вилоятда аҳоли сони жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Энг кўп қозоқ миллат вилоятнинг Нурота туманига тўғри келади 8285 киши, кейинги ўринда Томди тумани 6769 киши яъни бу икки туманда қозоқларнинг 42 фоизи тўғри келади.

Нурота воҳасига туташ ҳудудларда яшовчи қозоқлар тўғрисида В.Пельцнинг асарида қимматли маълумотлар келтирилган [5:38] Узунқудуқ қишлоғида яшайдиган қозоқлар Нурота туманининг ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолиси билан якин алоқада бўлиб келади. Б.Х.Кармишева Қизилқум ҳудудида қозоқларнинг қиёт, ушакти, қорақалпоқ, қанғли, қайчили-жалоир, мўйтин-қўнғирот, табин каби уруғларнинг яшаганлигини келтириб ўтади [2:11].

Навоий вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларида яшовчи аҳоли асрлар давомида туркий ва туркий бўлмаган бошқа миллат вакиллари билан бирга яшаб келган. Бундай жараён тилларнинг бир-бирига таъсир этишига сабаб бўлади. Вилоятнинг Конимех, Томди ва Учқудудқ туманлариида қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбеклар аралаш ҳолда яшайди. Қозоқ миллатига мансуб аҳолининг манғит, буркут, хитой, қўнғирот каби уруғ-қабилалари мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Чунки кўпгина туркий халқларнинг ташкил топишида ҳам бу уруғ-қабилаларнинг «иштирок этганлиги маълум. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Демак, манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дурмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшқи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, арғин, буркут, барлос, жалоир, қарлуқ, нукус, уйшин, ўтарчи, қатағон, кулан, арлат, қушоёқли, буркут каби этнослар .ўзбек ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа туркий элатларининг халқ сифатида шаклланишида иштирок этган муҳим компонент ҳисобланади [1:79-76].

Шунингдек, арабларнинг Марказий Осиёга кўчиши кўп асрлик тарихга эга. Уларнинг аждодлари VII-XIV асрлар давомида келиб ўрнашиб колган IX аср географи Ёкубийнинг фикрича, Мовароуннахр таркибидаги Хуросонда асосан араблар истикомат килган. Кейинчалик шахар ахолиси махаллий ахоли билан аралашиб, аста-секин ўзларининг миллий хусусиятларини ва энг асосийси, ўз тилларини йўкота бошлаганлар. Улар кўчманчилик билан турмуш кечирган. Араблар вилоятнинг Навбаҳор туманида Арабхона, Хатирчи туманидаги Араб, Қизилтепа туманидаги Хонзурун, Арабон, Қатағон, Андоқ қишлоқларида яшайди. Улар ўзбек, туркман ва тожик миллатининг таркибида ҳам учрайди. Арабларнинг шаклланишида Буюк Ипак йўлини ўтганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

А.Р.Тагаевнинг тадқиқот ишида, ўтган асрнинг бошларида Нурота шаҳрида араблар истиқомат қилганлиги келтирилиб ўтилган. Шунингдек, араблар тожиклар билан аралаш ҳолда яшаб келганликлари ва тожикларнинг таъсири натижасида ўз она тилларини унутиб, тожик тилида сўзлаша бошлаганликлари келтирилган [6].

Умуман олганда, Навоий вилоят аҳолисининг миллий-этник таркиби аҳолининг жойлашуви, шаклланиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари қадимги даврлардан буён мураккаб кўриниш эга. Шунингдек вилоятда этнослар бир текисда жойлашмаган. Бинобарин вилоят ҳудудини турли даврларда ўрганган тадқиқотчиларнинг барчаси вилоят аҳолиси этник таркиби мураккаб кўринишга эга эканлигини тадқиқотларида келтирган.

**Адабиётлар**


1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: 1994. 312-б.
2. Кармышева Б.Х., Пещерева Б.М. Материалы этнографического обследования. -С. 7, 11.
3. Муродова М.Ш. Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида). Фил. фан. б-ча фал. док. ... дис. – Т.: 2018. 152-б.
4. Материалы по районированию Средней Азии. -С. 222.
5. Пельц В. Очерки южных Кызыл-Кумов. – Самарканд: 1912.-С. 38-64.
6. Тагаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараёнлар (XX асрнинг I ярми). Тарих фан. ном. ... дисс. – Т.: 2011. 177-б.
7. Толипов Ф.С. Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири-XX аср биринчи ярми). Тарих фан. ном. ... дис. – Т.: 2006. 172-б.
8. Толстова Л.С. Каракалпаки Бухарской области Узбекской ССР (по материалам полевых исследований 1960 г.) // Советская этнография. 1961. № 5. – С. 27-43.
9. Хорошхин А.П. «Народы Средней Азии» («Туркестанские ведомости», 1871 г., № 9 и 10.
10. www. navstat.uz



**РЕЗЮМЕ.** Навоий вилояти аҳолиси миллий таркибининг ўзига хос хусусиятлар билан бошқа вилоятлардан фарқланади. Ушбу мақолада Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник таркиби ҳудудий хусусиятлари статистик ва этнографик маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек, ушбу маълумолар асосида, муаллиф томонидан Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник харитаси ишлаб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ.** Население Навоийской области отличается от других регионов своими национальными особенностями. В данной статье на основе статистических и этнографических данных освещаются территориальные характеристики национально-этнического состава населения Навоийской области. Также на основе этих сведений автор разработал национально-этническую карту населения Навоийской области.

**SUMMARY.** The population of the Navoi region differs from other regions in its national characteristics. This article, based on statistical and ethnographic data, highlights the territorial characteristics of the national-ethnic composition of the population of the Navoi region. Also, on the basis of this information, the author developed a national-ethnic map of the population of the Navoi region.


# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ШАҲАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТГИЧЛАРИ


**О.И.Шерхолов –** *мустақил тадқиқотчи*

*Самарқанд давлат университети*



**Таянч сўзлар:** шаҳар, шаҳарча, аҳоли, туғилиш, ўлим, миграция, никоҳ, ажралиш.

**Ключевые слова:** город, городок, население, рождаемость, смертность, миграция, брак, развод.

**Key words:** city, town, population, birth rate, death rate, migration, marriage, divorce.


**Кириш.** Мустақилликка эришгандан сўнг ҳукумат томонидан республика ҳудудларининг инфратузилмасини яхшилашга киришилди. Иқтисодий жиҳатдан кам ўзлаштирилган ҳудудлар ҳам ривожлантирила бошланди. Бу эса шаҳар ва шаҳарчалар сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Маълумки, Ўзбекистонда шаҳар бўлиши учун аҳоли сони 7 минг киши ва шаҳарча бўлиш учун эса 2 минг киши бўлиши белгиланган. Лекин баъзи ҳолларда истисно тариқасида аҳоли сони юқоридаги мезонлардан ортиқ ва кам бўлиши ҳам мумкин. Шаҳарчалар асосан саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида таркиб топади. Навоий вилояти хўжалиги асосан тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари саноати ҳамда қишлоқ хўжалигида гўшт-жўн чорвачилигига ихтисослашган. Шунинг учун аксарият шаҳар аҳоли пунктлари юқоридаги омилларга боғлиқ ҳолда ташкил этилган.

Шаҳарлар йирик аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа соҳаларда шуғулланишади. Шаҳар аҳоли манзилгоҳлари ўлчами жиҳатидан йирик ва унда

яшовчи аҳоли, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир [5:146]. Мақолада асосий эътибор Навоий вилоятининг шаҳар аҳоли пунктларининг ҳудудлар бўйича таркиби ва демографик кўрсатгичларига қаратилади.

**Асосий қисм.** Шаҳарларни ўрганиш катта илмий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Чунки мамлакат ва юртларнинг ҳозирги куни ва ўтмиши, тарихи, таснифи ва тақдирини, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, геосиёсий мавқеини кўп ҳолларда шаҳарлар белгилаб беради [1:1].

Бугунги кунда вилоят бўйсунувидаги шаҳар ва шаҳарчаларга Навоий, Зарафшон, Ғозғон шаҳарлари билан бирга Тинчлик, Мурунтов шаҳарчалари киради. Вилоятда 7 та шаҳар мавжуд. Булар: Навоий, Зарафшон, Ғозғон, Қизилтепа, Нурота, Янгиработ ва Учқудуқ. Вилоятнинг Конимех, Навбаҳор, Кармана, Томди туманларида бирорта ҳам шаҳар мавжуд эмас. Ушбу туманларда фақат шаҳарчалар ташкил этилган. Вилоятнинг шаҳарлари асосан янги шаҳарлар бўлиб, Навоий шаҳри 1958 йили, Зарафшон шаҳри 1972 йили, қолган шаҳарлар улардан кейин ташкил топган [4:94]. Шаҳар аҳоли пунктларининг шаклланишида, асосан фойдали қазилмаларининг топилиши ва ишга туширилиши, Зарафшон дарёсининг яқинлиги, қишлоқ хўжалиги марказида жойлашганлиги, транспорт билан яхши таъминланганлиги таъсир кўрсатган. Аҳоли пунктлари фақатгина аҳоли яшайдиган жойлар бўлиб қолмасдан, балки аҳоли меҳнат фаолиятини олиб борадиган ишлаб чиқариш марказлари ҳамда иқтисодий алоқалар қиладиган жойлар ҳисобланади [3:136].

Зарафшон, Учқудуқ, Ғозғон, Лангар ресурс шаҳар аҳоли пунктлари бўлса, Навоий, Нурота, Кармана, Қизилтепа шаҳарлари сувга яқин бўлган дарё водийларида, савдо ва карвон йўллари яқинида вужудга келган ва ривожланган. Навоий – Учқудуқ – Мискин – Нукус темир ва автомобил йўлларининг қурилиши Навоий, Кармана, Қизилтепа шаҳар аҳоли пунктларининг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратди (Солиев ва бошқалар, 2018).

Вилоятда 2009 йилда қабул қилинган “Қишлоқ” дастури туфайли 30 та аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилган. Шу йили ташкил этилган шаҳарчалар сонига кўра вилоят республика ҳудудлари бўйича фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятидан олдинда туради холос. Шаҳарчалар сони энг кўпи Қизилтепа туманида 8 та, Хатирчи ва Навбаҳор туманларида эса уларнинг сони 5 тадан, Кармана ва Нурота туманларида 4 тадан, Конимех туманида 3 та, Томди туманида эса атиги 1 та ташкил этилган бўлса, Учқудуқ туманида бирорта ҳам ташкил этилмаган.

Бугунги кунда вилоятда шаҳарчалар сони 46 та бўлиб, юқорида келтирилганидек 30 таси 2009 йилда ташкил этилган, улар ҳудудлар кесимида қуйидагича тақсимланган. *Навоий шаҳрида:* Тинчлик, *Зарафшон шаҳрида:* Мурунтов, *Конимех туманида:* Конимех, Балақарақ, Мамиқчи, Шўртепа ва Зафаробад. *Қизилтепа туманида:* Ҳусбиддин, Қалайн-Азизон, Баланд Ғардиён, Ғойибон, Оқ соч, Ванғози, Оқмачит, Зармитан, Ғамхўр, Узилишкент, Ўртақўрғон, Хўжақўрғон. *Навбаҳор туманида:* Қалқонота, Сарой, Қуйи Бешработ, Кескантерак, Ижант. *Кармана туманида:* Кармана, Маликработ, Пахтаобод, Подкорон, Камолот. *Нурота туманида:* Қизилча, Темурқовуқ, Чуя, Янгибино. *Томди туманида:* Томдибулоқ, *Учқудуқ туманида:* Шалхар ва *Хатирчи туманида:* Лангар, Жалоир, Қўшчинор, Полвонтепа, Қўрғон, Тасмачи, Боғишамол, Ғалабек, Пахтакор, Туркман, Янги қурилиш шаҳарчаларидир. Шаҳарчалар сонининг энг кўпи Қизилтепа ва Хатирчи туманларида бўлиб, мос равишда 12, 11 тани ташкил этган бўлса, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Томди ва Учқудуқ туманларида унинг сони атиги 1 тадандир.

Шаҳарларни географик жиҳатдан ўрганишда ҳудуднинг демографик кўрсатгичлари албатта ўрганилади. Демографик жараёнлардан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ҳодисалари урбанизация даражаси билан бевосита боғлиқликда ўзгариб боради [5].

Ўрганилаётган ҳудуд шаҳарлари аҳолиси тез ўсмоқда. Бунинг сабаби фойдали қазилмаларнинг топилиши, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат ресурсларига талабнинг кучлилиги, туғилиш даражасининг юқорилиги таъсир этган. 2000-2005 йиллар давомида вилоятнинг шаҳар аҳолиси орасида аҳоли сонининг энг катта камайиши Навоий шаҳрида, энг юқори кўпайиши эса Кармана туманида кузатилган. Бунга, асосан Навоий шаҳрида жойлашган Навоийазот кимё комбинатидан чиқаётган заҳарли газлар сабаб аҳоли шаҳарга яқин, инсон яшаши учун қулай бўлган Кармана туманига кўчиб ўтганлиги билан белгиланади. Шаҳар аҳолисининг ўсиши 2010 йилда барча ҳудудларда фақат Учқудуқ туманини назарда тутмаганда сезиларли ошган. Бунинг сабаби юқорида келтирилганидан 2009 йилда қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилганлиги билан боғлиқдир. Учқудуқ туманида эса ўша йили шаҳарча ташкил этилмаган. Навоий вилояти шаҳарлари орасидаги катта шаҳар Навоий шаҳри бўлиб, 2022 йил маълумотига кўра, Тинчлик шаҳарчаси билан бирга шаҳарда 150,8 минг киши, Зарафшон шаҳрида эса Мурунтов шаҳарчаси билан 85,6 минг киши истиқомат қилади. Бу иккита шаҳарда вилоят шаҳар аҳолисининг 46,8 % яшайди.

Шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар деб номланишида унда яшовчилар миқдори муҳим кўрсатгичлардан биридир [2:148]. Вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктлари аҳоли сонига қараб гуруҳларга ажратилганда аҳоли сони 3 минг кишига етмайдиган аҳоли пунктлари сони 23 та бўлиб, шундан аҳоли сони энг ками Конимех туманида жойлашган Балақарақ шаҳарчасидир. Унда 574 киши истиқомат қилади (2022). Шундай 326 нафари эркаклар, қолган 248 нафари эса аёллардир. Умуман олганда, вилоятда аҳоли сони 2000 кишига етмайдиган 5 та шаҳарча мавжуд. 3-5 минггача аҳолига эга бўлган шаҳар аҳоли пунктлари сони 17 та, аҳоли сони 5-10 минггача 5 та, 10-20 минггача эса 3 та, 20-50 минггача ҳам 3 та, 50 минг ва ундан ортиқ аҳолига эга шаҳар аҳоли пункти 2 тани ташкил этган. 50 минг кишидан ортиқ аҳолига эга шаҳарлар бўлган Зарафшон шаҳрида 74,6 минг киши (Мурунтов шаҳарчасисиз) ҳамда Навоий шаҳри 147,2 минг киши (Тинчлик шаҳарчасисиз) яшайди.

**1-жадвал. Вилоят шаҳар аҳолисининг демографик кўрсатгичлари (‰)**

| Йиллар | Туғилиш | Ўлим | Табиий ўсиш | Келиш | Кетиш | Миграцион ўсиш | Никоҳ | Ажрим |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2005 | 18,1 | 5,9 | 12,2 | 26,5 | 39,2 | -12,7 | 8,1 | 1,7 |
| 2010 | 19,9 | 5,3 | 14,5 | 19,8 | 26,9 | -7,1 | 10,2 | 1,0 |
| 2015 | 20,8 | 4,5 | 16,3 | 16,1 | 17,9 | -1,7 | 9,3 | 1,6 |
| 2020 | 22,4 | 5,1 | 17,4 | 11,0 | 12,3 | -1,3 | 7,7 | 1,0 |

Жадвал Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўрганилган даврда вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида туғилиш йиллар давомида ортиб, ўлим сони эса камайиб борган. Фақат 2020 йилда ўлимнинг яна ортганлиги пандемия билан боғлиқ. Шундай бўлсада табиий кўпайиш ортган. Вилоят шаҳарларига келувчилар ва шаҳардан кетувчилар сони ҳам мос равишда йиллар давомида камайган. Яъни миграцион ўсиш манфийдан мусбатга яқинлашмоқда. Бу ҳолат шундан далолат берадики, вилоятнинг шаҳар ва шаҳар атрофи ҳудудларида кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли яшаш шароити яхшиланмоқда. Маълумки, қишлоқларга қараганда шаҳарларда туғилиш ва никоҳлар қайд этилиши камроқ, ўлим ва ажралишлар эса кўпроқ кузатилади. Бу жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлиб никоҳ тузилиши кам бўлганлиги учун туғилиш ҳам кам бўлади. Лекин шаҳарларда ўлим даражаси доимо юқоридир. Бунга сабаб автоҳалокатлар, ичкилик, чекиш, оғир меҳнат, заҳарли жойларда ишлаш ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Шаҳар аҳоли

пунктларида ажралишларнинг сони ортишига, асосан оила қураётган ёшларнинг бир-бирини ёшлигидан яхши билмаслиги, йўл-йўлакай танишиб қолиши, ижтимоий тенгсизлиги, ташқи омилларнинг таъсири сабаб бўлади.

**2-жадвал. Шаҳар аҳоли пунктлари аҳолисини туғилиш ва ўлим коэффициенти бўйича гуруҳлаш**

| Туғилиш коэффициенти, промилледа | 2021 йил | | Ўлим коэффициенти, промилледа | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | сони | аҳолиси | | сони | аҳолиси |
| 10 гача | 14 / 26,4 | 276 / 2,3 | 2,9 гача | 21 / 39,6 | 53 / 3,7 |
| 10,1-15,0 | 8 / 15,1 | 351 / 2,9 | 3,0-4,9 | 13 / 24,5 | 359 / 25,1 |
| 15,1-20,0 | 4 / 7,5 | 190 / 1,6 | 5,0-6,9 | 9 / 17,0 | 749 / 52,3 |
| 20,1-25,0 | 9 / 17,0 | 1740 / 14,3 | 7,0-8,9 | 4 / 7,5 | 110 / 7,7 |
| 25,1-30,0 | 10 / 18,9 | 8097 / 66,7 | 9,0-10,9 | 1 / 1,9 | 17 / 1,2 |
| 30,1 дан юқори | 8 / 15,1 | 1480 / 12,2 | 11,0 ва ундан юқори | 5 / 9,4 | 145 / 10,1 |
| **Жами** | **53 / 100** | **12134 / 100** | **Жами** | **53 / 100** | **1433 / 100** |

Изоҳ: Каср суръатида - мутлоқ миқдор, махражида - нисбий кўрсаткич.

Жадвал Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Туғилиш коэффициенти 10 промилледан кам бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Тинчлик, Мурунтов, Балақарақ, Мамиқчи, Ҳусбиддин, Қалайн-Азизон, Оқсоч, Оқмачит, Қуйи Бешработ, Подкорон, Қўшчинор, Қўрғон, Боғишамол, Пахтакор. Юқоридаги кўрсатгич 10,1-15,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Баланд Ғардиён, Ванғози, Зармитан, Ижант, Темирқовуқ, Томдибулоқ, Полвонтепа, Янги Қурилиш, 15,1-20,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Шўртепа, Ғойибон, Пахтаобод, Чуя, 20,1-25,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Ғозғон, Зафаробод, Қизилтепа, Узилишкент, Хўжақўрғон, Камолот, Учқудуқ, Лангар, Тасмачи, 25,0-30,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Навоий, Зарафшон, Ғамхўр, Қалқонота, Сарой, Кармана, Маликработ, Нурота, Қизилча, Янгибино ва 30,1 дан юқори промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Конимех, Ўртақўрғон, Кескантерак, Шалхар, Янгиработ, Жалоир, Галабек, Туркман каби шаҳар ва шаҳарчалардир. 2021 йилда Қўшчинор ва Қўрғон шаҳарчаларида ўлим қайд этилмаган бўлса, Хатирчи туманининг Янги Қурилиш шаҳарчасида эса 31,5% яъни юқори ўлим қайд этилган.

Навоий вилояти шаҳар аҳолисининг жинсий таркибида 1992-2021 йиллар оралиғида эркаклар сони аёллар сонидан кўп бўлган. Бунинг сабаби туғилганлар орасида ўғил болаларнинг кўп туғилиши билан бирга вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида асосан эркаклар ишлайдиган иш ўринларининг кўплигидир. Яъни вилоят шаҳарларига республиканинг бошқа ҳудудларидан ишлаш учун эркакларнинг кўпроқ кўчиб келганлиги билан боғлиқ. 1995 йилда вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида эркаклар 50,3 % ва аёллар 49,7 % ни ташкил қилган [6:79] бўлса, 2021 йилга келиб эркаклар 51,2 % аёллар эса 48,8 % ни ташкил этган.

**Хулоса.** Вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва шаҳарчаларни ҳисобламаганда туманлар ичида шаҳар аҳоли пунктлари сони энг ками Томди туманида фақат Томдибулоқ шаҳарчаси ва Учқудуқ туманида эса Учқудуқ шаҳри ва Шалхар шаҳарчасидир. Шаҳар аҳоли пунктларининг энг кўпи юқорида келтирилганидек Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ташкил этган. Қолган барча туманларда уларнинг сони бир хил 5 тадандир. Умуман олганда, шаҳар аҳоли пунктлари ва аҳолиси сони ҳам вилоятнинг жанубий қисмида кўпдир. Бунга сабаб аҳоли яшаши учун барча қулай шароит ва имкониятлар вилоятнинг шу қисмида мужассамлашган. Ҳудуднинг шимолий қисмидаги Томди ва Учқудуқ туманларининг шаҳар аҳоли пунктлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида фойдали қазилмаларнинг топилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ ҳолда ташкил этилган. Бунга фақат иқтисодий омилларнинг таъсир кўрсатган. Лекин бу ҳудудда аҳоли яшаши учун табиий шароит ноқулайдир. Тадқиқ этилаётган ҳудуд аҳолисининг 48,9 % и шаҳар аҳоли пунктларида яшамоқда.

## Адабиётлар


1. Солиев А.С. Шаҳарлар географияси. (Маъруза матни). -Т.: 2000.
2. Bo'riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – T.: "Tafakkur", 2011. 156-b.
3. Kadirov M.A. Aholi geografiyasi demografiya asoslari bilan. -T.: 2019. 320- b.
4. Kadirov M.A. Shaharlar geografiyasi. -T.: 2019, 214- b.
5. Tojiyeva Z.N. Aholi geografiyasi. -T.: "Noshir", 2019. 183-b.
6. Sherxolov O.I. Navoiy viloyati aholisining yosh-jinsiy tarkibi. // SamDU Ilmiy axborotnomasi 1-son. –Samarqand: 2022, 77-82-b.
7. www. Lex.uz ma'lumotlari.
8. www.navstat.uz Navoiy viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari.
9. www.stat.uz-O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.



**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада Навоий вилояти шаҳар аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ёритилган. Демографик кўрсатгичлари ҳар беш йиллик оралиқда промилле ҳисобида таҳлил қилинган. Шаҳар аҳоли пунктлари аҳоли сонига қараб классификация қилинган ҳамда туғилиш ва ўлим коэффициентлари бўйича гуруҳларга ажратилган. 2009 йилда ташкил этилган шаҳарчалар туманлар кесимида ўрганилган. Тузилган никоҳларнинг қишлоқларга нисбатан камлиги, аммо ажралишлар сонининг кўплигига таъсир этувчи омиллар келтирилган. Тадқиқот даврда аҳоли жинсий таркибидаги эркаклар сонининг кўплигига сабаб бўлувчи омиллар кўрсатилган. Шаҳар аҳоли пунктлари ва аҳолиси сонининг кўплиги вилоятнинг жанубий қисмига тўғри келиши аниқланган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается территориальный состав городских поселений Навоийской области. Демографические показатели анализировались каждые пять лет. Городские поселения классифицирулся по населению и группирулся по уровням рождаемости и смертности. Поселки, созданные в 2009 году, изучались в разрезе районов. Приведены факторы, влияющие на низкое количество браков по расчёту по сравнению с сельской местностью, но на высокое количество разводов. Показаны факторы, обуславливающие большое количество мужчин в половом составе населения в исследуемый период. Определено, что большинство городских поселений и количество жителей соответствует южной части области.

**SUMMARY.** This article considers the territorial composition of urban settlements in the Navoi region. Demographic indicators were analyzed every five years. Urban settlements were classified by population and grouped by birth and death rates. Settlements established in 2009 were studied by regions. The factors influencing the low number of marriages of convenience in comparison with rural areas, but the high number of divorces, are given. The factors causing a large number of men in the sex composition of the population in the study period are shown. It is determined that the majority of urban settlements and the number of inhabitants correspond to the southern part of the region.

# JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

**Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq**

## СИНФ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Б.И.Арзиева –** *мустақил тадқиқотчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** жамият, фармон, ҳуқуқ, маданият, концепция, қонун, таълим, одоб, ахлоқ, тарбия, мактаб.
**Ключевые слова:** общество, декрет, право, культура, концепция, закон, образование, нравы, образование, школа.
**Key words:** society, decree, law, culture, conception, right, education, ethics, up-bringing, school.

Мамлакатимизда таълим тизими соҳасидаги давлат сиёсати бугунги кунда узлуксиз таълим тизими тамойилларига асосланади. Давлатимизда бола туғилганидан бошлаб, камол топгунга қадар бўлган даврда уни ҳар томонлама қуллаб-кувватлайдиган, хаётда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берадиган яхлит узлуксиз таълим тизимини яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бу йўналишни тизимли ривожлантириш бўйича аниқ давлат дастурлари қабул қилинди.

Халқимизда "Таълим ва тарбия - бешикдан бошланади", деган ҳикматли сўз бор. Фақат маърифат ва маданият инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди [1:224].

Биз "Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади" деган улуғ ғоя асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишларимизни янги босқичга кўтарамиз. Юртимизда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги замонавий ихтисослаштирилган мактаблар тизимини яратиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилади [1:226].

Шу ўринда бевосита ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга ва синф раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган миллий меъёрий-ҳуқуқий асосга тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш туғриси"ги Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 30 – июльдаги 180 сонли буйруқ асосида "Умумий ўрта таълим муассасасининг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Низоми;
5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Умумий ўрта таълим муассасасининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида"ги 2020 йил 28 майдаги 131 сонли буйруғи;

1992 йилда 8 декабрда қабул қилинган асосий қонунимиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятта ҳуқуқий манадиятни юксалтиришда асосий манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг асосий мақсади-инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш деб кўрсатилган. Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир.

Ўзбекистон Репсубликаси Конституцияси 41 модда да "Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Мактаб ишлари давлат ҳимоясидадир"-деб кўрсатилган. Демак, юртимизда ҳар бир ёш авлод бепул умумий таълим олиш ҳуқуқига эга. Уларнинг таълим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади.

Мактабларда бошланғич синфларда Конституция алифбоси, Конституция оламига саёҳат каби фанлар орқали ўргатилса, юқори синф ўқувчиларига Конституциявий ҳуқуқ, Давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўтилди. Коллеж-лицей ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси орқали Конституция нормалари ўргатилиб борилди.

Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган шарҳлар ва 50 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг бакалаврлик ва магистрлик босқичлари учун алоҳида-алоҳида дарсликлар чиқарилди.

Ҳуқуқий маданият – бу ҳуқуқий саводхонликдир. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданиятсиз ҳуқуқий давлат бўлмайди [2:102].

Конституция ҳар бир инсоннинг, фуқаронинг ҳуқуқий хулқ-атворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Ҳуқуқий онг бўлмаса, демократия бўлмайди. Ҳуқуқий онгнинг ўсиши – бу ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши, қонунларни ижро этиш ва ҳурмат қилиш даражасининг ошиши демакдир. Ҳуқуқий онг қонунларни нафақат билишни, балки қонун талабларига итоат этишни ҳам англатади. Албатта, инсон ҳамма қонунларни билиши мумкин эмас, аммо у энг муҳим қонунларни билишга мажбур. Бу конституциявий мажбуриятдир.

Бу ҳақда гап борар экан, ҳеч шубҳасиз, аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш ғоят долзарб вазифа эканини, яъни фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ўз навбатида, юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунки, ҳаётда ҳар бир инсон ўзининг инсонлигини ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билганда, англаб етгандагина тўла ҳис этади. Акс ҳолда, ўзининг ва ўзгалар ҳуқуқини таниб олмаган инсон жамиятнинг жонсиз бир "мурвати" бўлиб қолаверади. Шу маънода, комил инсонни тарбиялашнинг энг зарур шартларидан бири ҳам аслида инсоннинг ҳуқуқни, қонунларни чуқур билишига алоҳида аҳамият қаратишдан иборатдир. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбиясини ривожлантириш, аҳолнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида ҳуқуқни ўқитиш масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январь кунги "Жамиятта ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ғи Фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда жамиятта ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, қонун устиворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб топилади.

Аммо жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий таъминлашда, халқнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ва ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантиришда бир қанча камчиликлар мавжуд.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда таълим ва тарбия соҳасидаги ишлар тизимли олиб борилмаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мактабларда, жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига ва ҳуқуқий маданиятига салбий таъсир кўрсатувчи

омилларга қарши курашувчи ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахснинг қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича комплексли ишларни амалга ошириш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий билим ва саводхонлиги оширилмас экан, улар ўзларининг ҳуқуқини талаб эта олмайдилар, бу жамиятда мансабдор шахслар томонидан оддий халқнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оёқ ости қилиниб, камситишларга йўл қўйила веради.

Фармонда бундай вазиятларда ҳозирги глобаллашув ва илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Шунунгдек, фармонда ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалолик ва поклик тушунчаларини, одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

“Юксак ҳуқуқий маданият-мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устивор вазифаларидан бири этиб белгилансин-деб кўрсатиб қўйилган [3:2-3].

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида “шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкилот-жамият” тамойили асосида тизимли йўлга қўйилади.

Бу борада “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Концепциянинг асосий мақсади, аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка ва ҳуқуқий билимга эга бўлиши, мустаҳкам иродали ўз ҳуқуқларини биладиган, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позицияга эга бўлган фуқароларни тарбиялаш ва кенг қамровли тизимни яратишдан иборат.

Концепциянинг асосий йўналишларидан бири “Таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш”га қаратилган. Унда мактабгача таълим муассасаларида, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳуқуқий билим бериш тартиби ҳақида сўз этилган. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ва “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш” бўйича махсус ўқув курсларни барча таълим турлари бўйича тизимли ўргатиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ўргатилишини ташкил қилиш, ҳуқуқий дарсликлар ва ҳуқуқий ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш - ҳақида айтиб ўтилган [3:5].

Концепцияда аҳолининг барча қатламларни, айниқса педагог кадрларни Ўзбекистонда қабул қилинган янги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида мунтазам равишда хабордар бўлиб туриши учун интернет портали яратилди. Масалан, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, барча миллий ҳуқуқий сайтлар, юридик луғат ва ҳуқуқий электрон кутубхоналар ва мақсадли аудиториялар (педагог кадрларнинг мажбурий малакасини ошириш) ташкил қилинди. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқий билим даражасини синов мақсадида интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Ҳуқуқий тест” лойиҳаси жорий этилди. Таълим муассасалари педагог ходимларининг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот” телеграмм канали ташкил қилиниб, унда янги қонунлар, қарорларнинг қисқача мазмуни берилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мақсадли таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун 2020 йил Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонун асосан 11 боб ва 75 моддадан иборат. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ҳар бир нормасида таълими тизимин бошқариш, давлат органларининг ваколатлари, шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва уларга берилган кафолатлар, таълим олувчиларнинг Ушбу қонуннинг бажарилиши қуйидаги тамойилларга асос амал қилади:

Таълим устуворлигининг тан олиниши;

Таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;

Таълим олиш соҳасида камситишга йўл қўйилмаслиги;

Таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланганлиги;

Таълим ва тарбияга миллий ва умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги;

Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;

Таълимнинг узликсизлиги ва изчизлиги;

Жамиятта педагогларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги;

Таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик [4:4] ва ҳ.қ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеидан қаътий назар, ҳар кимга таълим олиш ҳуқуқлари кафолатланади.

Конституция - ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор бериш лозим. Бинобарин, ҳар қандай қонун аввало уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу итоаткорлик ҳаракатга келтиради.

**Адабиётлар**


1. Мирзиеёв Ш., Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: 2021, 224-226-б.
2. Сайдов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. -Т.: 1998. Т.2.
3. “Жамиятта ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш туғрисида”ғи ПФ. -Т.: 2019. 9 январь, 2-3, 5-б.
4. Ўзбекистон Республикаси “Таълим туғрисида”ги Қонун. -Т.: 2020. –С. 4.



**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада синф раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент асарлари, Фармонлари, ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье говорится о значении Конституции Республики Узбекистан, указов Президента и нормативно-правовых актов в повышении правовой грамотности классных руководителей.

**SUMMARY.** This article talks about the importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, Presidential Decrees, and legal regulations in improving the legal literacy of class leaders.

# КҮНХОЖА ШЫҒАРМАЛАРЫНЫҢ ТАРИЙХНАМАСЫ

**З.Б.Есназарова –** *тарийх илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** Кунхўжа ижоди, тарих, тарихнома, ахборот, манба.
**Ключевые слова:** творчество Кунходжи, история, историографический источник, информация, источник.
**Key words:** work of Kunhoja, history, historiographical source, information, source.

“Жаңа Өзбекстан” идеясы ның тийкарында мине усындай уллы ата-бабаларымыздың, улыўма алғанда миллий тарийхымыздың Биринши ҳәм Екинши ояныў дәяирине тийкар салған ойшыл бабаларымыздың тилек әрманларын ҳақыйқат десек қәтелеспеген боламыз. Инсаният тарийхы соннан белги береди, ҳәр қайсы халық турмысында руўхый ояныў процесслери миллий өзликти аңлаўға алып келетуғын ҳәм мәмлекеттиң экономикалық, мәдений раўажланыўды жаңа басқышқа көтереди. Бундай социаллық қубылыс **“Ренессанс”** - ояныў, қайта тиклениў, жоқары деп аталыўы бәримзге түсиникли [1]. Усы көзқарастан алып қарағанда тарийхый дереклерди, тарийхнамлықты үйрениў бүгинги тарийхы илиминиң актуал машқаласы болып табылады.

Түрли дәўирде жазылған тарийхый шығармаларында, әсиресе тарийхый шахслардың жан-жан жақлама образларын ашып, XIX әсирдеги қарақалпақ халқының социал-экономикалық турмысын, үрип-әдетлерин, сондай-ақ өзин тәшўишке салып келген ўақыяларды анализ ете билген. Усы көз қарастан алып қарағанда Күнхожаның шығармалары белгили бир тарийхый дәўирдиң, қарақалпақ халқының Хорезм ойпатына келип, Хийўа ханлығы қоластына қараған жаңа дәўирдеги турмысын, жаңа тарыйхый жағдайларға, жәмийетлик ҳәм сациаллық өзгерислерге байланыслы қарақалпақ халқы санасындағы жетилискен миллий ғәрезсизликке, умтылыўын айтып өтеди. Тарийхый дереклерди ҳәм оларды сыпатлайтын критерийлерди теориялық түсиниў тийкарында биз Күнхожаның қарақалпақ тарийхына қатнаслы шығармаларының тарийхнама екенлигин қарап шығамыз.

Күнхожа жасаған XIX әсирдиң орталары ҳәм екинши ярымында Хийўа ханлығында сиясий ҳәм жәмийетлик турмыс турақлы болмады.

Халықтың басым көпшилиги кәмбағал турмыс кеширди. Соның менен бирге ири феодаллар материаллық байлықтың үлкен бөлегин өз қолларында услады атап айтқанда, жер, суў, өндирис, қураллары, маллар, жайлаўлар ҳәм басқада мүликлерди атап көрсетиўге болады. Қарақалпақлардың 1873-жылға шекемги Хийўа ханлығы дәўириндеги қарақалпақлардың социаллық-экономикалық жағдайын сөз еткен. Күнхожаның шығармаларында жәмийетте тарийхый шахыс мәселесине итибар берген. Күнхожа жасаған дәўирде қарақалпақларда ири санаатт өндирисиниң болмаўы, миллий жумысшы адамлардың өсиўине тосқынлық жасады. Бул дәўирде тийкарынан қарақалпақлардың жасаўы турымыс салт дәстүрлери, Түркстаннан ески ата-мәканға көшип келиўиниң тийкарғы жағдайлары тарийхый жақтан белгилеп бериледи.

Күнхожа Хийўа ханлығының алып барған сиясатын киритийкалайды. Тарийхый дереклер бойынша Аллақулы 1835-1842-жылларда ханлық еткен Хийўаның ханы. Аллақулы ханның атын шайырдың шығармаларында көремиз. Шайыр өзиниң белгили “Түйе екенсең” қосығында Мадемин ханның, сондай – ақ Мәдрейим ханның аын айтады:

“Шыңғыс ханнан беррергирек,
Мәдеминенен аррығырақ,
Кийип өткен зер-зербарақ
Мадрейим ханды билермесең?
Патшаның сенсең жас малы,
Уқсаған малға дусмалы,
Мәдемин ханның бас малы,
Жети атаңды билермисең? [2].

Тарийхый дереклер бойынша Мәдемин (Мухаммед Әмин) 1845-1855-жыллардағы Хийўаның ханының шақырыўы менен Күнхожа Хийўаға шақырылып, өзиниң қосығын оқыған. Ал Мәдрейим (Мухаммед Рахим) болса 1810-1825-жыллардағы Хиўа ханы болған. Тарийхый дереклерди алып қараймыз, Хийўаға Мухаммед Әмин хан болған жыллары, яғный 1845-1855-жыллары арасында ханлықта удайына жаўгершилик болып турады. Қарақалпақлар 20 мың тиллалық кеспе салықтан тысқары он жыл удайына урыс салығын төлеўге мәжбур болады. Бул салық кеспе салықтан жети мәртебе артық болған болады. Халық пүткиллей бүлгиншиликке ушырайды. Хийўа ханлығында жасайтуғын түркмен, қазақ, өзбек халқының да аўҳаллары усындай болады [3].

Усы дәўирдеги Хийўа ханлығының алып барған сиясатын Күнхожа шайыр қосық тийкарында анализлейди. Күнхожаның “Умытпаспан”, ҳәм “Түйе екенсең” қосықлары пикиримиздиң дәлийли болады. 1845-1855-жыллары Хийўада ханлық еткен Мәдемин хан ханлық сорамындағы барлық атақлы шайыр, бақсыларды жыйнап, өзиниң салтанатын мақтаў ушын Хийўаға шақырған. Усындай мерисимлер XIX әсирдеги Хийўа ханларының турмысында дәстүрге айланған процес болған. Бул мәселе бойынша шығысты изертлеўши тарийхшылар өз жумысларында көрсеткен. Мысалы, академик В.В.Бартольд өзиниң “История культурный жизни Туркестана” деген мийнетинде XVI әсирдеги Хорезмге қарама-қарсы, XIX әсирдеги Хийўа ханлары әззелден әдебиятқа деген гейпара умтылыўшылық таба алады деп жазған. Алымның буған дәлили ретинде Мунис Хорезми менен Агаҳийлердиң Хийўа тарийхын жазыў жумысы тапсырғанлығын келтиреди.

Мунис Хорезмий менен Ахеҳийлердиң Хийўа тарийхының мәселелерин баян еткен. Оның “Фирдаусил иқбал”, “Гульшани даўлет” шығармаларының мазмуны да, тарийхый ўақыялар тарийхый шахысларға берилген түсиниклер де XIX әсирдеги Хийўа ханлырының мәдениятқа көркем өнерге деген қызығыўшылығын айырықша атап көрсетеди. Мунис Хорезми ҳәм Агаҳийлер өзбек классик әдебиятының тарийхында халықшыл демократиялық шайыр сыпатыда белгили. Агаҳийдың өмир жолы сегиз хан ҳүкимдардық еткен дәўирлерге барып тақалады. Ол сегиз түрли басқа орталықта өзи таңлаған садатылы жолдан жүрип дөретиўшилик еткен. Агаҳий Хиўа ханы Мухаммед Рахим хан I, Аллақулы хан, Рахимқулы хан, Мухммед Әмин хан II, Сайидабдулла хан, Қутлымурат хан, Сайидмухммед хан ҳәм Мухммед Рахим хан II (Феруз) ҳүкимдарлық етип турған дәўирлерде дөретиўшилик еткен.

Агаҳий шығармаларында өзи жеке таныған яки ҳәр бири ҳаққында исенимли мағлыўматлар топлайды, көплеген тарийхый шахыслар ҳәм тарийхый ўақыялар ҳаққында сөз етеди, олардың ҳәр бирине тәрийиплер береди, минез қулық, пазыйлетлери, кемшиликлерин шеберлик пенен Қуран ҳаятлары ҳәм ҳәдислерден усыныслар келтирип, олардың сыртқы қыяпасын сәўлелендиреди. Усы мәселеде Күнхожаның **“Умытпаспан”** қосығында болған ўақыяларды тарийхый аспектте түсиндирип берген:

Үш ағаш тур кең майданда
Орналасып қызыл ханға,
Қыйылып шыбын жан да,
Турғанларын умытпаспан [2:51].

Тийкарынан Күнхожаның ханның ҳәм хан әмелдарларының алып барған сиясатын алып қараған.

Басқада Күнхожаның тарийхый мағлыўмат бериўши “Түйе екенсең” қосығы тарийхый әҳмитйетке ийе болып табылады. Күнхожа булшығармасында тарийхый фактлар тийкарында анализлизлейди. Мысалы,

Патшалық жол бунан қалған,
Қусты жыйнап заўал салған,
Жер жүзинде патша болған,
Сулейманды билермесең? [2].

деген қатарларында өткендеги тарийхый шахысларды келтиреди, бунда тийкарынан өзине берилген түйениң қартайып болдырып қалғанлыгын, көзи көрмейтуғын, арық өлеси түйе екенлигин сәўлендиреди. Бунда тарийхый шахысларды келтиреди атап айтқанда Тоқтамыс хан шама менен 1350-1406-жыллары жасаған Алтын Орда ханы, Монгол ханы Шыңғыс хан (1162-1227). Түрк султаны Сулайман патшалардың (1178-1227) дәўирлерин түйениң жасы менен салыстырады.

Жәнеде усы қосықта сөз етилген процесске қарайық:

Шылыбыр емес буйдан аўыр,
Қуртлар жеген қатпа баўыр,
Өзиң арық, арқаң жаўыр,
Турғаныңда биленрмесең? [2:56].

Бунда тийкарынан Хиўа ханы Мәдемин ханның Күнхожаға берилген сыйлығы қосықтың ҳәр бир қатарында сөз етиледи. Бул тийкарынан таприйхый болған ўақыя қосық қатарларында берилген болып ол тарийхый шынлықты дәлиллейди. Күнхожаның “Түйе екенсең” шығармасында таприйхый шахыс болған Хийўа ханы ҳаққында олардың басқарыў сиясатындағы негизги бағдарлар сөз етиледи. Атап айтқанда оның төмендеги қосық қатарларында өз көрнисин тапқан.

Шыңғыс ханнан бергирек,
Мәдеминнен аррағырақ,
Кийип өткен зер-зарбақ,
Мәдрейим ханды билермисең? [2:56].

Бунда Хийўа ханы Мәдемин ханның ис ҳәрекетлерин басқарыўдағы оның бағдарларын қосық қатарында толық көрестилген ҳәм тарийхый факт сыпатнда деп айтыўға болады.

Тарийхтан дерек бериўине қарағанда, Күнхожа жасаған дәўирде қарақалпақларда жерсиз дийханлардың аўҳалының және де төменлениўине патриархальурыўшылық турмыстың ески қалдықлары себеп болған. Патриархал-урыўшылық турмысытың ески қалдықлары феодал-ақсүйеклер тәрепинен ҳәр тәрепинен ҳәр тәреплеме қуўатланған ҳәм өзлериниң класслық мақсетинде пайдаланылған. Мәселен дәстүр бойынша өзиниң туўған аўылын таслап, басқа үлкелерге кетиў айып болған. Кеткен адамлар барған жеринде бурынғы өзиниң уруўласлары ишиндегидей ҳуқыққа ийе болмаған. Оған, “келгинди” деген ат тағылған, қорланған. Бул жағдай аўыл дийханларын ашлықтан посса да; өзиниң туўған аўылын таслап кетпеўге ийтермелелеген. Байлар бундай гедейлерди арзан жумысшы күш спатында өз хожалықларына пайдаланған. Усылай етип, айырым патриархаль дәстүрлер бир жағынан жарлылардың посып, батрақлардың көбейиўине алып келсе, екниши жағынан, байлар топарының тағы да байыўын тәмийинлеген. Күн көрис ушын талап излеп кеткен адамларды “талапкер” деп атаған. Күнликши – бул да жарлы дийханды езиўдиң кең тарқалған формаларының түри. Бул ҳаққында Күнхожаның “**Орақшылар”** шығармасында ашып береди.

Ийнинде күнлик шапаны,
Пақалға тырналып саны,
Бәрқулла қыйналып жаны,
Атызда жүр орақшылар [2:59].

Қосықты анализлеп қарғанымзда, қарақалпақларда күнликшилик етиў езиўшиликтиң түри көбинше орақтың (егин жыйнаў ўақты) басланыўына туўра келген. Орақтың басланыўы ўақтында, жарлы дийханлар орағын белине қыстырып ел аралап жүрген. Байлларға жалланып орағын орған. Күнликши жумысты күнине сөйлесип, күнли ҳақысын алған. Ғаррылардың айтыўына қарағанда күнликши, орақ ўақтында күнине бир хан теңгеден алынған [4]. Бегар жумысында әсиресе патшалық қазыўда ислеген күнликшилер ҳақыны көплеў алған. Бул қазыўдың жүдә аўырлығына байланыслы болған. Патшалық қазыўда ислеген күнликши күнине 2,5 теңгеге шекем алған. Мине усындай күнликшиниң аўыр жағдайын Күнхожа шайыр аяншлы көрсетеди.

Жәнеде усы қосықта халықтың социаллықэкономикалық жағдайын, жумыс ислген менен тыйын ала алмағанын сәўлелендирген. Мысалы,

Тапқаны жетпей тыйынға,
Ис айланып қыйынға.
Келе алмай тойға жыйынға.
Зар жылап жүр орақшылар [2:60]

Қосықт көрсетилген қатарларда XIX әсирде қарақалпақлардың сондай дәрежеде социаллық турмысының аўыр екенлгин ҳәр бир қатарда көрсетип берген. Күнхожа күнликшиликтиң аўыр екенлигин, халықтың сергизданлық турмысын, ҳуқықсызлығын, елге болған сағнышлы сезимлерин, мийнеттиң арзанлығын, кемситиўлерин атап өтеди. Қосықтың кейининде аўылға аман қайтқайсыз деп тилек билдиреди.

XIX әсирде қарақалпақларда қәўим общинасы енди класслар болмаған әййемги қүим общинасынан пүткиллей басқаша болды. Және ол өндирис әсбапларына қәўимлик меншикке емес, ал оларға жекке мешикке тийкарланады. Қарақалпақ жәмийетке езиўшилер менен езилиўшилерден ибарат болды. Қарақалпақлардың арасында ири жер ийелери, шараўалар, ири байлар балық аўлаў әсбапәнжамларының ийелери және солар менен бирге, жери де, малы да болмаған ҳәм тек хызмет ислеп байлардан алған табыслары менен ғана күн көретуғын жарлылар болды. XIX әсирде Хийўа ханларының архив материалларынан қарап өтемиз. Бунда тийкарынан уруўлар менен қәўимлердиң үстем топарлар ең жақсы жерлерди өз меншигине қаратып алады. Тарийхый дерелерден белгили болғанындай Хийўа ханлығында жер ийелеўшиликтиң үш түри болды: мәмлекетлик жерелер, (патшалық), оларда айырым жағдайда қуллар ислеген, тийкарынан олар алынған зүрәәттиң белгили бир бөлгин бериў шәрти бойынша нәсилден -нәсилге арендаға бериў жолы менен исленген, ханлардың, феодаллардың ҳәм дийханлардың қараўындағы мүликлик яки жеке меншик жерлер мешитлер және ҳәр қыйлы диний мәкемелерге қараслы ўақым жерлер. Жер ийелеўшиликтиң барлық бул категориялары қарақалпақлар жасаған территорияға тән еди. Хийўа ханлығы жаўлап алғаннан кейийн қарақалпақларға мәмлекетлик жерлерден жер ажыратып берилди.

Солай етип, Күнхожаның шығармаларының историографиясы, оның нызамларды орнатыўға умтылыўын шайырдың өзин қанаатладырмайтуғын шынлықты ашыўға умтылыўы менен анықланады. Сондай- ақ ол өз дәўирин үйрениўи менен бирге туўылған елиниң келшегиниң преспективасына ашып береди. Күнхожа өзиниң еркин ҳәм турақлы усылы жолындағы жан-жақлама излениўлер менен Күнхожа қарақалпақ халқның тарийхының XIX әсирдеги аўҳалы бойынша ең керекли тарийхый дерек ўазыйпасын орынлады.

**Әдебиятлар**


1. Мирзиёев Ш.М. *«Янги Ўзбекистон»* газетаси *бош муҳаррири билан суҳбати. / «*Янги Ўзбекистон» 2021 *йил* 17 август.
2. Күнхожа (сайланды шығармалар жыйнағы). –Нөкис: «Билим», 2019, 56-57-б.
3. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем. -Н.: Қарақалпақстан”. 26-б.
4. Косбергенов Р.К. Присоединение Каракалпакии к России. –Нукус: «Каракалпакстан», 1977. –С. 232.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Кунхожа ижодининг тарихий жиҳатлари таҳлил қилинган, қорақалпоқ тарихида маълум бўлган воқеаларнинг ахборот ва манба мазмуни тўлдирилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируются исторические аспекты творчества Кунходжи, дополняющие информационное и источниковое содержание известных в каракалпакской истории событий.

**SUMMARY.** The article analyzes the historical aspects of Kunkhojas work, supplementing the informational and source content of events known in the Karakalpak history.

# ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ – ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ АСОСИДИР

**Қ.А.Қодиров** – *Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, педагогика фанлари доктори Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** миллий ғоя, олий таълим, таълим-тарбия, Учинчи Ренессанс, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси.

**Ключевые слова:** национальная идея, высшее образование, образование и обучение, третий Ренессанс, духовность и просвещение, воспитание молодежи.

**Key words:** national idea, higher education, education and training, Third Renaissance, spirituality and enlightenment, youth education.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларидаги халқаро вазият, давлатлар, халқлар ўртасидаги алоқалар глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетаётганлиги билан характерланади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётган интеграцион жараёнлар шиддати бир томондан ривожланиш омили сифатида қаралса, иккинчи тарафдан миллий қадриятлар "оммавий маданият" унсурлари билан тўлдирилаётганлиги, шубҳасиз, ташвишли ҳолатдир. Айниқса, бундай шароитда миллий маънавиятга қарши юзага келаётган кўплаб замонавий таҳдидлар ёш давлатларнинг миллий қадриятига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Милоддан олдинги IV асрда яшаган хитойлик файласуф ва ҳарбий қўмондон Сун Цзининг курашда ғолиб бўлиш учун: "Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг, айнитинг; рақиб давлат раҳбариятини обрўсини тўкинг, қулай пайтда уларнинг жамият олдида шармандасини чиқаринг. Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг; рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик, жанжал чиқаринг; ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг; ҳукуматни яхши иш юритишига ҳар қандай йўл билан қаршилик кўрсатинг; душманингизнинг анъаналарини қадрсизлантиринг, худоларига ишончини синдиринг", [1] деган фикрлари буни тасдиқлайди.

Ана шундай бузғунчи ва тажовузкор ғоялар бугунги кунда ҳам инсоният олдидаги глобал муаммо сифатида турибди. Бегона ғояларнинг мамлакатга кириб келиши ва фуқаролар ўртасида тарқалиши катта хавф, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарида шундай қимматли фикрларини билдириб ўтган: "Жаҳолатдаги шаҳарлар, (аҳолисини) мақсадларини кўзлайдиган (обрў-иззатга, мол-дунёга, бойликдан роҳатланишга интиладиган) одамлар эса алоҳида тоифадир. Бундай одамлар фозиллар шаҳрида ҳали мақсадлар билан яшаш таъқиқланганини кўриб, у ердаги (адолатли) қонунларни бузишга, ҳақиқатга алоқадор нарсалардан узоқлашишга, (бу қонун – қоидалар, тасаввурларни) бузиб акс эттиришга уринадилар. Улар бунга икки йўл билан эришадилар: У юқорида айтилган баҳсли ўринларни ўзларича тахмин қиладилар, иккинчидан, сохта донолик ва алдов йўлига ўтадилар. Улар жаҳолат ва тубан мақсадларига эришувига ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги учун шундай йўлдан борадилар. Бундай одамларни фазилатли шаҳарлар жамоасига қабул қилмаслик керак" [2]. Форобий фикридан ахлоқсизлик ғояларини тарғиб этиш, маънавий таҳдидларни келтириб чиқаришда жаҳолатдаги ва адашган шаҳарлар аҳолисининг фикрлаш усуллари, тутган йўллари фозил шаҳар аҳолиси учун қанчалик хатарли эканлигини кўришимиз мумкин.

Ахлоқсизлик ғояларини тарғиб этишда машҳур бўлган француз адиби Маркиз де Сад мафкура орқали мамлакатларни қарам қилиш ҳақида шундай ёзганди: "Биз бутун дунёни эгалламоғимиз учун бундан буён катта муҳорабаларда қатнашишимиз, жанги-жадаллар юритиб, дунёнинг қарийб узоқ ўлкаларида франг аскари ҳалок бўлиши-ю, унинг жасади ва этиклари чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар биз бошқа мамлакатларга, хусусан, Шарққа ахлоқимизни (тўғрироғи, ахлоқсизликларини. Чунки Сад асарлари асосан ахлоқсизликка йўналтирилган) меникидай китоблар ва бошқа йўллар билан тарқата олсак, уни ўша халқларнинг турмуш тарзига айлантира билсак, жумлаи жаҳон оёғимиз остига юкиниб келади, бутун одамзоднинг қалбига эгалик қилишга муваффақ бўламиз..." [3]. Ахлоқсиз ғояларни тарғиб этувчи асарлар ёзишда шухрат қозонган француз ижодкорининг ана шу фикрлари тарихда ўз исботини топди.

Маърифатпарвар олим, жадидчилик ҳаракатининг ёркин намояндаси Фитрат "Оврупо жаҳонгирлари"нинг Шарққа нисбатан ўтказган сиёсатини шундай изоҳлаган эди: "Шарқнинг ахлоқини бузмоқ, кўнглини диний ва миллий муқаддас ватандан совутмоқ, шарқлилар орасинда айрилиқ ва ёвлиқ солиб, бир-бирларига қилич чектурмак, шарқлини ишсиз, ялқов, оч ва яланғоч қилиб, ўзларига қул этиб олмоқ, ювош-ювош шарқлининг қўлиндан ер ва қимматли нарсаларини турли ҳийлалар билан тортиб олмоқ. Шарқ халқини турли йўллар билан секин-секин йўқ қилмоқ. Инглиз ва француз жаҳонгирлари томонидан Хитой, Ҳинд ва Мисрда очилган фоҳишахона ва майхоналар, юборилган тўплар ва мисюхнерлар, очилғон мактаблар бариси шунинг учундир. Руссия Николай ҳукумати бизнинг Туркистонимизда ҳам шул тадбирларни кўрмадими?" [4].

Ҳозирги кунда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган ғарбнинг сиёсий кучлари ва ҳаракатлари сирасига тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, рассизм ва диний экстремизм, неокоммунизм каби ғояларни киритишимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, айни пайтда дунёда вужудга келган мураккаб вазият, яъни ахборот кўлами кенгайиши, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви туфайли мафкуравий таҳдидлар структураси инсоният жамияти ва ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Мафкуравий таҳдидлар ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онги, тафаккури ва хулқ-атворига хавф-хатар солиб, инсон онги ва қалбини бузғунчи ғоялар билан заҳарлашга ҳаракат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда мафкуравий хавфсизликни кучайтириш чора-тадбирларига жиддий эътиборни қаратишни талаб қилади. Айниқса, бугунги кунда ёшлар орасида кенг тарқалаётган **нигилизм ҳодисаси** ва унга қарши кураш масалаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

**Нигилизмнинг юзага келиши** миллий маънавиятга қарши таҳдидларнинг навбатдаги шаклидир.

"Нигилизм (лот. nihil – ҳеч нима, ҳеч қандай) – 1. Ижтимоий ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни инкор қилувчи нуқтаи назар. 2. Ўтмиш даврлардаги маданий меросни инкор этиш"[5]. Нигилизм миллатнинг авлод-аждодларидан қолдирилган моддий ва мерослардан воз кечишни англатувчи тушунчадир. Агар миллат ўз аждодлари томонидан узоқ тарихий тараққиёт давомида шакллантирилган моддий ва маънавий бойликлардан воз кечадиган бўлса, миллий маънавиятнинг манбаи, у доимо озиқланиб турадиган манбадан воз кечиши содир бўлади. Бу унинг ўзга миллатлар маънавиятидан озиқлана бошлашига олиб келади ва бунинг оқибатида у ўз "қиёфаси"дан маҳрум бўлиб, ўзга маънавиятларга сингиб кетишига олиб келади".

Миллий маънавиятга босим ўтказиш амалиётини глобаллашув жараёни билан боғлашнинг ўзи етарли бўлмайди. Чунки бу жараён давлатлар тараққиёти ва уларда яшаётган титул миллатларнинг ўзгаларга нисбатан ривожланишда илгарилаб кетиши содир бўлган шароитларда у ёки бу даражада бошланган. Хусусан, катта имкониятларнинг вужудга келиши ва уларнинг давлатларни ўзларига қарам қилиб олиши даврида авж олади. Ҳукмронликни қўлга киритган давлатлар ўз миллатлари, урф-одати, анъана ва қадриятларини қарамликка айланган мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқларнинг онг ва дунёқарашига сингдиришга ёки умуман, уларни тутқунликда яшашларини амалга оширишга интилади. Айни пайтда, турли йўллар, воситалар билан қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллатлар ва халқларнинг тили, урф-одати, анъана ва қадриятларининг ривожланишига имкон қолдирилмаган. Биргина мисол, Россия Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин рус ҳукумати бу ўлка аҳолисини тараққий қилишига имкон қолдирмаган. Бу ҳақда босқинчилар раҳбарларидан бири, Туркистон ҳарбий губернатори А.Н.Куропаткин ушбуларни ёзган: "Биз 50 йил туб жой аҳолисини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик"[6]. Бу босқинчи ўзининг амалга оширган ишидан фахрланиб юрган. Инглизлар эса Ҳиндистонни босиб олганидан кейин бутун ҳинд халқига ўзларининг тили, турмуш тарзини сингдириш сиёсатини олиб борган. Тарихда бундай ёвузликларга мисоллар жуда кўп. Аммо бу ерда гап босқинчиликнинг тарихи ҳақида эмас, балки бундай шароитда миллий маънавиятлараро зиддиятларнинг юзага келиши ва унинг ёмон оқибатлари ҳақида бормоқда.

Бугун империялар барбод бўлган дунёда мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар мустақиллик шароитида ҳаёт кечирмоқда. Аммо шунга қарамасдан, миллий маънавиятларга тазйиқ ва босим ўтказиш амалиёти тугамади, уларнинг шакли ўзгарди, холос. Эндиликда қурол ва куч билан эмас, балки ғоя ва мафкуралар билан тазйиқ ўтказиш амалиётга айланди. Аммо, юқорида таъкидланганидек, бу жараён икки томоннинг миллий маънавиятларини барқарор тараққий қилишига эмас, балки ўзаро зиддиятларнинг чуқурлашувига ва миллий маънавиятларнинг инқирозига олиб келади. Жараённинг хатарли жиҳати шундаки, у ташқаридан қараганда сезилмайди. Бизнинг фикримизча, унинг юзага келишига **қуйидаги омиллар** сабаб бўлмоқда:

**Биринчидан,** собиқ шўро замонида миллий маънавиятимизни барбод қилишга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида миллатимиз онги, дунёқараши ва қалбида ўз заминига нисбатан юзага келган бўшлиқ, бой берилган йўқотишларнинг мустақилликни қўлга киритишимиздан кейин юзага қалқиб чиқиши. Миллий-маънавий тикланишимизнинг давлатимиз сиёсатида устувор вазифага айланиши бугунга келиб бу борада катта ютуқларни қўлга киритишимизнинг омили бўлди. Аммо давлатимиз фаолиятида бу сиёсат давом эттирилишига қарамасдан, мустақилликдан кейин 30 йил ичида бир қатор миллатдошларимиз руҳиятида қўлга киритилган ютуқлардан қаноатланиш туйғулари шаклланди;

**Иккинчидан,** мустақиллик шарофати туфайли собиқ шўро давридан фарқли ўлароқ, миллатимиз вакилларининг маънавий бойишларидан тазйиқ ўтказиш, мажбурлаш, ҳатто кучдан фойдаланиш каби зўравонликнинг барча шаклларидан холи бўлган эркинлик, мустақиллик, демократик қадриятларга риоя қилиш амалиётга айланди. Айтиш мумкинки, улар миллий-маънавий тикланишимизнинг илк босқичларида катта аҳамият касб этди. Миллатдошларимиз эркин нафас олиб, ўзлигини англай бошлади, руҳан тетиклашди, ўз заминларидан баҳраманд бўлиши кучайди ва меросини ўз маънавиятининг ажралмас қисмига айлантиришга интилиш кучайди. Аммо вақт ўтиши жараёнида уларнинг маънавиятда ана шу эркинлик маълум маънода ўз миллий маънавиятининг бугуни ва истиқболи учун бефарқлик, эътиборсизлик, ҳатто масъулиятсизлик каби туйғуларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Бундай туйғуларга эга бўлганлар мустақиллик берган буюк неъмат ва имкониятларни, миллий маънавиятни ўз заминлари ҳисобига бойитишга эмас, балки уни Ғарбда ривожланаётган маънавият ҳисобига бойитиш йўлидан бораётган, катта маблағга эга бўлган, миллатимиз ичидан ўсиб чиқаётган унинг "янги" вакилларидир. Улар ўзининг "мен"лигини кўрсатиш йўлида нима бўлса ҳам, янгилик бўлса бас, одамлар мени таниб, кимлигимни билиб олади, дегувчи мақтанчоқ миллатдошларимиз.

**Учинчидан,** академик Эркин Юсупов таъкидлаганидек, "Маънавиятимизнинг миллий, шарқона моҳияти доим барқарор бўлиб қолса-да, Ғарб мамлакатларининг бу соҳадаги тажрибасида мавжуд бўлган ижобий сабоқлар ҳам биз учун аҳамиятли. Ғарб мамлакатларининг бозор иқтисоди шароитида ҳам фан ва техника ютуқларини тўла эгаллашга бўлган интилиши биз учун ибратлидир. Албатта, Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида бизнинг миллий, диний руҳиятимизга тўғри келмайдиган кўплаб жиҳатлар бор. Ёшларимизнинг шулар таъсирига берилиб, маънавий тубанлашишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди" [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин: а) миллий маънавиятлар ўз тараққиёти давомида турли таҳдидларга учраган, таҳдидлар инқирозга олиб келган; б) бугунги кунда миллий маънавиятлараро зиддиятларнинг юзага келишида "оммавий маданият"ни олиб кираётган ривожланган давлатларнинг ички ҳаётида, мамлакатлараро муносабатларида юзага келаётган тенгсизликда, миллий маънавиятни ривожлантиришда миллат вакиллари ичида "консерватор"лар билан "модернизация" тарафдорлари ўртасида юзага келганлиги муаммоларнинг ечимини топиш ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

**Адабиётлар**


1. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. –Т.: "Муҳаррир", 2009. 50-б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. 169-б.
3. Қўчқор Р. Миллий мафкура, маърифат ва буюк келажак // Тафаккур. 1998. №4. 21-б.
4. Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро; Навқирон. –Бухоро: 1992. 8-б.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2009. 255-б.
6. Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. -Т.: "Нур", 1992. 39-б.
7. Юсупов Э., Абдураҳмонов Ф. Маънавий камолот - мустақил тараққиётимизнинг асосий омили. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. 41-42-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада бугунги куннинг инсоният олдидаги долзарб глобал муаммоларидан бири ҳисобланган ёшлар тарбиясига тасир қилувчи бузғунчи ва тажовузкор ғоялар ва бегона ғояларнинг мамлакатга кириб келиши, фуқаролар ўртасида тарқалиши салбий оқибатларни келтириб чиқариш омиллари ва тасирлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, бир қанча олим ва адибларнинг фикрларига асосланиб бази хулосаларга келинган ва кенг талқин қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье говорится о факторах и последствиях деструктивных и агрессивных идей и чужеродных идей, влияющих на воспитание молодежи, которые считаются одной из актуальных глобальных проблем, стоящих сегодня перед человечеством, и распространения чужеродных идей в стране, вызывающих негативные последствия. Также на основе мнений ряда ученых и писателей были сделаны и широко интерпретированы некоторые выводы.

**SUMMARY.** The article talks about the factors and effects of destructive and aggressive ideas and foreign ideas that affect the education of youth, which are considered one of the urgent global problems facing humanity today, and the spread of foreign ideas into the country, causing negative consequences. Also, based on the opinions of several scientists and writers, some conclusions were drawn and widely interpreted.

## МАЛАЙЗИЯ ДАВЛАТИДА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ ҲОЛАТИ

**М.Кахарова –** *фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти*

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, инқироз, мафкура, маънавият, ғоя, давлат, оила, кексалар, рамзлар, миллий минталитет, халқ, тафаккур, япон руҳи, этник гуруҳ, таҳдид.

**Ключевые слова:** глобализация, кризис, идеология, духовность, идея, государство, семья, старики, символы, национальный менталитет, народ, мышление, японский дух, этнос, угроза.

**Key words:** globalization, crisis, ideology, spirituality, idea, state, family, elderly, symbols, national mentality, people, thinking, Japanese spirit, ethnic group, threat.

Ҳозирги глобаллашиб бораётган дунёда инсоният жамоаларининг табақаланиши чуқурлашиб, ички ҳаёт ва халқаро майдонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий қарама-қаршиликлар кескинлашмоқда. Цивилизация инқирози шароитида жамиятнинг мафкуравий кайфияти ўзининг янги тарихий босқичига ўтмоқда. Сиёсий ва ижтимоий тизим кўз ўнгимизда ўзгармоқда. Ижтимоий тараққиётнинг ноаниқлик, стихияли ва беқарорлик омили муттасил ортиб бормоқда. Бир томондан, умуминсоний ҳаёт тамойиллари, иккинчи томондан, миллий, диний, ижтимоий, технологик манфаатлар тўқнашуви билан бирга жамиятнинг янги параметрларини, ҳатто глобал миқёсда ҳам изланиш айниқса кескинлашмоқда. Бу каби ҳолатларни бир қатор давлатларда кўришимиз мумкин. Масалан, Малазия давлати. Унинг аҳолиси бугунги кунда 33 641 920га етгани ушбу давлатнинг расмий манбаларида берилди ва 60 дан ортиқ турли этник гуруҳларни ўз ичига олади. Жумладан, малайзияликлар (62,4%), хитойлар (24,6%), ҳиндлар (7,1%), аборигенлар (5,9%). Ушбу ҳолат истиқомат қилувчи мамлакат аҳолисининг бирдамлигини таъминлашда тўсиқдир. Бундан ташқари, молиявий оқимларнинг нотекис тақсимланиши ва маҳаллий малайзияликларнинг имтиёзли ҳолати миллатлараро қарама-қаршилик учун замин яратади.

Малайзиядаги давлат қурилиши жараёни уларнинг умумий мафкурасини бирлаштириш орқали аҳоли ўртасида ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик руҳини ривожлантиришга асосланади. Мустақилликка эришгунга қадар “Негара-Сита Мелау” тушунчаси “Мелаю-Рая” шиори билан ишлаб чиқилган бўлиб, унда Малая ва Индонезиядан келган миллатчиларнинг бирлашиши кўзда тутилган эди. Бироқ, маданият, дин, тил, урф-одатлар ва аҳоли фаровонлиги масалаларида тафовут ушбу концепцияни амалга оширишга тўсқинлик қилди.

1970 йилда Малайзиянинг умумий аҳолининг 56 фоизини ташкил этувчи этник аҳолисига миллий бойликнинг атиги 2,4 фоизи тўғри келар эди. “Янги иқтисодий сиёсат” ушбу кўрсаткични 1991 йилда 30% га, малайзиялик бўлмаганлар (хитойлар ва ҳиндлар) улушини 34,3% дан 40% гача етказиш ва чет элликлар улушини 63,3% дан 30% гача камайтиришни назарда тутганди. Ушбу лойиҳалар Малайзиянинг ўрта муддатли истиқбол режаларига киритилган эди. Хусусийлаштириш дастури кенг миқёсда Япония ва Жанубий Корея тажрибаси асосида амалга оширилди. Асосий мақсад нафақат давлат мулки самарадорлигини ошириш, балки корхоналарни ўз қўлларига топшириш орқали этник малайзияликларнинг салоҳиятини кучайтириш эди.

Жамиятдаги вазиятни барқарорлаштириш ва миллатлараро ўзаро муносабатларни нормаллаштириш учун 1970 йилга келиб миллий мафкура – “Рукунегара” (давлат асослари) ишлаб чиқилди, бу миллий мақсадларнинг жамоа мақсадларидан устунлигини таъкидлади. Ушбу мафкуранинг асосий қоидалари ягона Малайзия миллатини тарбиялаш ва қашшоқликни йўқ қилиш ва барча миллий жамоалар вакилларининг иқтисодий аҳволини тенглаштиришга қаратилган Янги Иқтисодий Сиёсат (ЕП) эди.

Шу билан бирга, давлатнинг этник таркибида катта хилма-хиллик мавжудлиги мамлакат раҳбарларини аҳолини давлат қурилиши ва мамлакатни ривожлантириш учун бирлаштиришни кўзлаган “Ягона Малайзия” мафкурасини ишлаб чиқишга мажбур қилди. Шунинг учун ҳар бир фуқаро аҳолининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётини бирлаштиришга қаратилган ягона миллат тушунчасини қабул қилиши керак. Шу билан Малайзия раҳбарияти миллатидан қатъи назар, ўз фуқароларининг мамлакатга содиқлигига эришишга ҳаракат қилмоқда эди.

Миллий ўзига хосликнинг кейинги босқичи Малайзия тажрибасига зид бўлган мафкурани ўзлаштиришни англатувчи малай маданиятини қўллаб-қувватлаш орқали кўп миллатли аҳолининг маданий ва миллий ўзига хослигини бирлаштириш эди. Бироқ, ҳукумат турли қарашлар ва мафкуралар орқали жамиятни бирлаштиришга уринаётганига қарамай, Малайзияда хозирги вақтда турли этник гуруҳлар орасида этноцентризм кенг тарқалган.

Ҳозирги босқичда Малайзиянинг аввалги Бош вазири томонидан ишлаб чиқилган Ислом Хадхарий (ислом цивилизацияси) концепцияси мамлакат мафкуравий ҳаётида муҳим ҳодисага айланди. Концепция ўнта тамойилни ўз ичига олади: ишониш. ягона Оллоҳ, адолатли ва ишончли ҳукумат, эркин ва мустақил халқ, илмга фаол интилиш ва уни такомиллаштириш, мувозанатли ва инклюзив иқтисодий ривожланиш, юқори ҳаёт сифати, озчилик ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маданий ва маънавий бирлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраш табиий ресурслар, мудофаа қобилияти [3].

Шубҳасиз, концепция асосидаги тамойиллар Малайзия ва бутун мусулмон дунёси сўнгги ўн йилликларда дуч келган асосий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мафкуравий акси бўлди. Концепциянинг асосий қоидаларида ислом дини экстремизм ва зўравонлик билан боғланмаган дин эканлиги, терроризм эса цивилизациявий ёки диний эмас, балки сиёсий ҳодиса эканлиги таъкидланган. Шу

билан бирга, таъкидланишича, Малайзия жамиятининг кўплаб муаммоларини ўзига хос анъана ва маданий хусусиятлардан воз кечмаган ҳолда самарали бошқарув тизимини яратиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Ислом дини мамлакатда давлатни ташкил этувчи доимий дин бўлиб, унга Малайзиянинг 70 фоиз туб аҳолиси эътиқод қилади. Шундай қилиб, ушбу динни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур вазиятда мамлакатда исломий сиёсий ва Исломнинг турли хил оқимлари эркин фаолият кўрсатмоқда, бу эса Малайзия аҳолиси орасида тарқоқликка олиб келди. Масалан, Малайзия Исломий партияси, Бирлашган Малайзия миллий ташкилотининг (БММТ) собиқ ҳукмрон партияси аъзоларини ғайридинлар (кофирлар) деб эълон қилиб фатво чиқарди. Шунингдек, БММТ ҳукуматига қарши чиққанлар шаҳидлик мақомига кўтарилиши, партия аъзоларининг никоҳлари ҳақиқий эмаслиги, шунингдек, улар сўйган гўштнинг ҳалол эмаслиги ҳақида баёнотлар бериш ҳоллари учрамоқда.

Террористик ва экстремистик ташкилотлар, Малайзиядан ёлланганларни ўз сафларига жалб қилиш учун, шахсга тизимли ва босқичма-босқич психологик ишлов беришни амалга оширмоқдалар. Шундай қилиб, турли хил вайрон қилувчи диний гуруҳлар, ваҳҳобийлик ва салафизмнинг аралашган илоҳиётига асосланади. Бунинг сабаби келтирилган оқимлар таълимотининг мослашувчанлиги, зўравонликни қўллаш гўё ғайридинларга қарши кураш (жиҳод) ва Исломни янгиликлардан (бидъат) тозалаш билан оқланади.

Шунингдек, Малайзиянинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган “Ўн иккинчи режаси” ўзгаришларга қаратилган. Ўн иккинчи режа олдинги режалар асосида қурилган бўлса-да, Келуарга Малайзия руҳини рўёбга чиқариш учун тубислоҳотларни амалга оширади. Бу эса фаровон, инклюзив ва барқарор Малайзия томон ривожланиш траекториясини чинакамига ўзгартиради. Турли инқилобий ва радикал ташаббуслар амалга оширилади. Булар камбағалларга ёрдам бериш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш дастурларини ўз ичига олади. Уй хўжаликлари даромадлари ўнлик гуруҳининг (Б1) энг қуйи 10% қисмидаги ўта камбағалларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўн иккинчи режа жинси, этник келиб чиқиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва жойлашувидан қатъи назар, барча малайзияликларнинг оғир аҳволини кўриб чиқади.

Малайзиянинг кейинги 10 йилдаги ривожланиш йўли мамлакатни бирлашган, фаровон ва обрўли давлатга айлантиришга қаратилган Wawasan Kemakmuran Bersama 2030 (WKB 2030) томонидан белгиланади. Малайзия иқтисодиёти 1971 ва 2015 йиллар оралиғида йилига 6,2% юқори ўсиш суръатини қайд этди. 2016 йилдан 2020 йилгача ўсиш йилига 2,7% гача секинлашган бўлса-да, Малайзия ривожланаётган бозор ва ривожланаётган мамлакатларга қараганда яхшироқ ўсишда давом этди. Нисбатан юқори иқтисодий ўсиш ракиятлар фаровонлигининг яхшиланишига ва даромадлар тенгсизлигининг камайишига олиб келди.

Янги минг йиллик глобаллашув, либераллашув ва ахборот-коммуникация технологияларининг тез тарқалиши нуқтаи назаридан муаммоларни келтириб чиқарди. 2001-2010 йиллардаги Миллий қараш сиёсати (НВП) HWПнинг давомчиси сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, у қатор янги жиҳатларни, жумладан Малайзияни билимга асосланган иқтисодиётга айлантиришни ўз ичига олган. Vision 2020 Малайзияни юқори даромадли ривожланган мамлакатга ҳар томонлама айлантириш бўйича миллий йўл харитаси бўлган ва у 2011-2020 йилларга мўлжалланган Миллий Трансформация сиёсати (НТП) томонидан қўллаб-қувватланди. НТП бошқарув, иқтисод ва сиёсат каби муайян соҳаларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор трансформация дастурларини жорий қилди [2].

Малайзияда мафкуравий иммунитет ва ижтимоий ҳамжиҳатликни шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишлари, диний мавзуларда Интернет сегментини қаттиқ назорат қилиш, аҳоли билан тизимли профилактика ишлари “бегона” мафкуранинг тарқалишининг олдини олишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Диний вакилларда ғайритабиий мафкураларга қарши кураш услубларининг мавжудлиги муҳим ўрин эгаллайди. Экстремистик мафкурага эга бўлган ва исломнинг бузғунчи оқимлари кенг тарқалган давлатлардан қайтганлар билан профилактик ишларни олиб бориш учун Малайзияда “ал-Васатия” (диндаги мўътадиллик) марказларини яратиш амалиёти мавжуд. Ушбу мафкурага қарши яна бир самарали восита маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга бўлган ислом умматини “ислом илоҳиёшуноси”ни шакллантиришдир.

Малайзиядаги жамиятнинг хилма-хиллиги ва маданиятнинг хилма-хиллиги мамлакатда яшовчи турли этник гуруҳларнинг урф-одатлари ва анъаналарини намоён қилди. Ярим орол ҳудуди аҳолисининг асосий қисмини малай, хитой ва ҳинд жамоалари ташкил этади. Саравак ва Сабаҳда сон жиҳатдан Ибанлар, Меланаулар, Кадазанлар ва бошқа даяклар устунлик қилади; Катта Хитой диаспораси мавжуд. Саравакда катта малай аҳолиси бор. Асрлар давомида Малайзия Ҳиндистон, Жава ва Суматрадан келган илк буддист ва ҳинду тсивилизатсиясининг таъсири остида бўлган. Ислом бу ерга ҳинд ва араб савдогарлари билан бирга кириб келди, кейинчалик португаллар, голландлар ва инглизлар орқали Европа маданияти шаклланади.

Малайзияларни ҳар доим тили, ислом дини, султонга садоқат ва умумий маданий қадриятлар бирлаштириб келган. Бироқ, нисбатан яқинда пайдо бўлган ижтимоий қарама-қаршиликлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. 1971 йилдан бошлаб жамиятни қайта қуриш мақсадида янги иқтисодий сиёсат олиб борила бошланди. 1970 йилда умумий аҳолининг 59% ни ташкил этган малайлар капиталнинг 1,5% дан камроғига эгалик қилган, уларнинг катта қисми хорижликлар ва хитой жамияти ихтиёрида эди. Малайзиялар, хитойлар ва ҳиндлар ўзларининг касблари бўйича осонгина таниб олинади. Малайзиялар деҳқонлар ёки давлат хизматчилари, хитойлар тадбиркорлар ёки фрилансерлар, ҳиндлар эса плантацияларда ёлланган ишчилар эди.

Малайзия Буюк Британиядан фақат XX асрнинг ўрталарида мустақилликка эришганини ҳисобга олсак, бу ерда яшовчиларнинг аксарияти инглиз тилини яхши билишади ва баъзи Ғарб анъаналари ҳатто илдиз отишига муваффақ бўлди. Барча сўров ва истакларингизни инглиз тилида баён қилиш мумкин, сизни тушунишади ва муаммоларингизни ҳал қилишда ёрдам беришади.

Малайзиядаги доимий хитойларнинг 80% дан ортиғи шу мамлакатда туғилган бўлса-да, улар доимо ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз тиллари ва касбларини сақлаб қолишади. Хитойликлар ўртасида яқинда пайдо бўлган фарқлар, биринчи навбатда, таълим ва Ғарб маданияти билан танишиш даражаси билан белгиланади. Малайзия хитойлари буддизм, даоизм ёки насронийликка содиқ қолишади.

Малайзия ҳиндуларининг аксарияти ҳиндулар бўлиб, асосан жанубий Ҳиндистондан бўлиб, тамил тилида гаплашади. Шунингдек, кўплаб шифокорлар ва ҳуқуқшунослар бўлган ҳиндулар иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида жойлашган бўлса-да, маҳаллий каучук плантацияларида асосан ҳинд ишчилари мавжуд.

Саравак ва Сабаҳнинг Пенан каби кичик халқлари бу штатларнинг ички кам ривожланган ҳудудларидаги кичик қишлоқларда яшайди ва ўзбошимчалик билан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Улар турли хил тилларда гаплашади ва анъанавий анимистик эътиқодларни сақлаб қолишади, гарчи кўплаб маҳаллий аҳоли насронийлик ёки исломни қабул қилган бўлса ҳам. Ибанлар ва хитойлар ўртасидаги никоҳлар кенг тарқалган.

Малайзиянинг Ижтимоий таъминот вазирлиги ва бошқа давлат идоралари кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатади. Маоши 250 доллардан ошмайдиган шахслар даромад солиғидан озод қилинади ва уларнинг фарзандлари мактаб китобларини бепул олади. Бугунги кунда аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи 120 касалхона, 500 дан ортиқ стационар ва кўчма поликлиника, 1000 дан ортиқ қишлоқ шифокорлик пунктлари мавжуд. Саравак ва Сабаҳда ижтимоий таъминот тизими мамлакатнинг ярим орол қисмига қараганда камроқ ривожланган.

Малайзиядаги тиббиёт соҳасининг баъзи ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Шундай қилиб, тез ёрдам хизмати кам ривожланган – одатда у фақат оғир аҳволда бўлган одамларга тақдим этилади. Ўткир оғриқлар билан оғриган, лекин ҳаракатлана оладиган беморлар кўпинча такси ёки шахсий тез ёрдам машиналарида касалхоналарга боришлари керак. Бундан ташқари, навбатчи дорихоналар муассасаси мавжуд эмас, фақат оз сонли хусусий дорихоналар кечаю кундуз ишлайди.

Шу билан бирга, Малайзияда тиббиёт юқори даражада ва жадал ривожланишда давом этмоқда. Фуқаролар асосий даволанишни бепул олишади, бошқа резидентлар суғурта сотиб олишлари керак, аммо агар чет эл фуқароси Малайзия компаниясида ишласа, у SKHPPA дастурида қатнашади. Умумий турмуш даражаси ҳали ҳам Гонконг, Сингапур ва бошқа кучли Осиё йўлбарсларидан ортда қолмоқда. Тиббиёт у қадар ривожланмаган бўлса-да, ўртача умр кўриш доимий равишда ўсиб бормоқда ва ҳозирда 74-76 ёшга яқинлашмоқда.

Малайзияда 11 йиллик бепул таълим жорий этилди. Бошланғич мактаб охирида ўқувчиларнинг тахминан 60% ўрта мактабда ўқишни давом эттиради. Беш йиллик ўрта мактабни битирганлар кириш имтиҳонини топширадилар. Университетга кириш учун тайёргарлик курсларига яхши натижаларга эришган талабалар қабул қилинади. Расмий таълим тили малай тилидир, гарчи баъзи мактабларда хитой ва тамил тилларидан фойдаланишга рухсат берилган. Мусулмон оилалар фарзандлари мактабда Ислом асосларини ўрганишлари шартлиги белгиланган. Шунингдек, Малайзияда 10 та давлат университети ва 28 та техникумлар мавжуд. Энг қадимги Малая университети ва Халқаро ислом университети Куала-Лумпурда, Малайзия Миллий университети Бангуи шаҳрида, Малайзия қишлоқ хўжалиги университети Серденгда жойлашган. 1987 йилда бир нечта хусусий олий таълим муассасалари ташкил этилган [4].

Мамлакатнинг ғарбий қисми шарқийдан замонавийроқ ҳаёт ритми, аҳолининг юқори зичлиги, ривожланган инфратузилмаси ва унинг ҳудудида истиқомат қилувчи кўп сонли чет элликлар билан ажралиб туради. Айнан шу ерда кўпгина халқаро университетлар инглиз тилида ўқув дастурлари ва чет эллик талабалар учун халқаро дипломларни тақдим этадилар.

Малайзияликлар муҳожирларга яхши муносабатда бўлади. Қоида тариқасида, кўп миллатли давлатлар аҳолиси ташриф буюрувчиларга нисбатан бағрикенглик кўрсатади. Қолаверса, маҳаллий аҳоли самимий, меҳмондўст, керак бўлса ёрдам беришга тайёр. Шу сабабли, Малайзияда сиз ўзингизни хотиржам ҳис қилишингиз ва хавфсизлигингиз ҳақида қайғурмаслигингиз мумкин. Кўпгина мусулмон мамлакатларида бўлгани каби, бу ерда спиртли ичимликлар жуда қиммат, шунинг учун бу ердаги ҳуқуқбузарликлар сони минималлаштирилади. Тўғри, баъзида чўнтак ўғрилари ҳам бўлади.

Жиноий вазиятнинг умумий даражасини қонунбузарлар қурбони бўлиш хавфи нуқтаи назаридан мамлакатда яшаш қанчалик хавфсиз эканлигини кўрсатадиган "жиноят индекси" ёрдамида баҳоланиши мумкин (индекс қиймати қанчалик юқори бўлса, хавф шунчалик юқори бўлади). 2020 йил ҳолатига кўра, Малайзияда жиноятчилик индекси 58,55 баллни ташкил қилган (таққослаш учун, Россияда – 40,6 балл).

Мамлакатда қамоққа олиш жойларида содир этилган қотилликлар ва аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар ҳам аҳолининг қонунга итоаткорлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятининг жадаллиги ҳақида фикр шакллантиришга ёрдам беради. Малайзияда ҳар йили ҳар 100 минг аҳолига 2,11 қасддан қотиллик содир этилади.

Шунга қарамай, Малайзия ўзининг ижтимоий-маънавий ҳаёти тарзини асл ҳолича сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Урф-одат ва қадриятларига содиқлигини ҳозирги ўтказаётган байрамларида ҳам кўриш мумкин.

Шу билан бирга, Шарқий Малайзия кўпроқ экзотик ва "медитатив" минтақа ҳисобланади, Ғарб маданиятидан унчалик таъсирланмаган ва Осиё маданияти ва ёввойи табиатининг гўзаллигини тўлиқ ҳис қилишни хоҳлайдиганлар учун жуда мос келади.

Малайзия ҳақиқатан ҳам ажойиб мамлакат бўлиб, у ерда ноёб табиат ва бузилмаган жойлар замонавий архитектура билан чегарадош ва мустамлака даврининг ҳанузгача "акс-садолари" сезиларли даражададир.

Бироқ, нафақат маҳаллий гўзалликлар ва тарихий диққатга сазовор жойлари ва мазкур ҳудудларда чет элликларнинг Малайзияда дам олишлари ва яшашлари учун чинакам қулайликлар яратган. Бу туризмни яхши ривожлантирилганидан далолат. Халқи эса буни бағрикенглик деб атайди.

Шу билан бирга, тарихан Малайзияда жуда кўп этник гуруҳлар яшайди ва бу ерда малай ва инглиз тилларидан ташқари кўплаб лаҳжалари ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси бугун Малайзияни турли миллат ва дин вакилларини самимий кутиб оладиган давлатга айлантирди. Аксарият этник малайлар, хитойлар ва ҳиндлар бўлган маҳаллий аҳоли анъанавий тарзда дўстона ва меҳмондўстлиги билан ажралиб туради.

Малайзиядаги ҳаёт муҳитининг ёркин намунаси – бу мамлакатга келган кўплаб хорижликлар узоқ вақт давомида ҳатто кўчада мутлақо нотаниш одамларнинг доимий табассумлари, саломлари ва дўстона суҳбатлари ажаблантиради ҳамда ушбу ҳолатга бироз кўникишга ва ўрганишга қийналадилар. Малазия халқи эса буни одамлар бир-бирларига яхши муносабатда эканликларини кўрсатишга урунадилар.

Бундан ташқари, Малайзиядаги чет эл фуқароси ижтимоий хавфсизликнинг юқори даражаси туфайли ўзини жуда қулай ҳис қилиши мумкин. Бу ерда ўғирлик ва бошқа жиноятлар жуда кам учрайди, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш ҳам қабул қилинмайди, бу давлат аҳолисининг турмуш даражаси ва хулқ-атвор сифатига сезиларли таъсир қилади. Балки ажойиб Шарқ маданияти ва табиатининг ўзига хос хусусиятларидан баҳраманд бўлишингиз мумкин [4:21-25].

Барча миллатдаги малайзияликлар оилавий ва ижтимоий қадриятларга қатъий риоя қиладилар. Аммо ёшлар учун модернизация жисмоний ва ижтимоий

ҳаракатчанлик билан ривожланиб борар экан, бу қадриятлар аста-секин заифлашиб боради. Малайзиялик шаҳарликларнинг қишлоқдаги оилалари билан алоқада бўлиш қийинроқ бўлиши аниқ, аммо барибир улар буни энг яхши ҳаёт тарз деб билишади.

Малайзияликлар билан танишганингиздан сўнг, улар сизни ўз оиласи ва дўстлари даврасига жалб қилмоқчи бўлиб, сизни малай тилида "ака", "сингил", "хола", "амаки" деган номлар билан чақираётгандек туюлиши мумкин. Севги туйғуси нафақат қариндошларга, балки оила билан боғлиқ ижтимоий мажбуриятларга риоя қилиш Малайзия жамиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Малайзияликлар мустаҳкам оилага йўналтирилган, улар ўз фарзандлари билан фахрланадилар ва уларга катта қизиқиш билдирадилар. Кичкина болалар бу ерда шунчаки меҳр-муҳаббат билан чўмилишади, улар ҳамма нарсада эркалашади ва завқланишади. Малайзияликлар ўз оилангиз ҳақида, айниқса фарзандларингиз бўлса, хушмуомалалик билан саволлар беришлари аниқ. Малайзияликлар кучли бирдамлик туйғусига эга, бу эса шахсий манфаатларни жамоавий ишлар ва эҳтиёжларга бўйсундириш тенденциясидан келиб чиқади. Бундай вазиятда ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш қийин бўлади. Шунинг учун Малайзияда мувофиқлик даражаси Ғарб мамлакатларига қараганда юқори, ҳамкорлик ва жамоат ҳаётида иштирок этиш юқори баҳоланади.

Малай тўйлари ранг-баранг тадбирлар кўринишида ўтади. Одатда тўй келиннинг уйида ўтказилади ва куёв у ерга тўй совғаларини кўтариб, қўшиқ куйлаш ва дафлар жўрлигида бутун кортеж билан келади. Таклиф этилган меҳмон сифатида сиз тўй конвертида ёки уй-рўзғор буюмларидан совға беришингиз мумкин, буни келиннинг уйида унинг оила аъзоларига (кўпинча ота-оналарга) эҳтиёткорлик билан тақдим этишингиз мумкин.

Тўй одатлари минтақадан минтақага фарқ қилиши мумкин ва кўп нарса тўй шаҳарда ёки қишлоқда ўтказилишига боғлиқ. Келин ва куёв одатда мўл-кўл ишланган ипак брокар либосларида кийинадилар, келин кўплаб анъанавий малай олтин ва кумуш безаклари билан безатилади.

Меҳмонлар учун маросимнинг асосий элементи, овқатдан ташқари, берсандинг ("ўтириш" ёки тахтга ўтириш). Бу маросимда келин ва куёв ёнма-ён жим ва осойишта, кўзлари пастга қараган ҳолда ўтиришади. Улар одатда безакли стулларда ёки баланд платформада ёки безакли диванда ёки каравотда ўтиришади. Катта оила аъзолари ва дўстлари эр-хотинни дуо қилиш учун бирма-бир олд томондан уларга яқинлашадилар.

*Хозя́ин до́бр - и до́м хоро́ш; хозя́ин худ - и в до́ме то́ж.*

Гораздо чаще встречаются два трехсложных размера – анапест и дактиль. Случаи использования амфибрахия нами не выявлены.

Примеры использования анапеста:

*Смерть о са́ване не ту́жит.*

*Недору́бленный ле́с скоро вы́растет*

Примеры использования дактиля:

*Мо́лод с игру́шками, ста́р с поду́шками.*

*Ста́р, что соба́ка, а ма́л, что щено́к.*

Мы предполагаем, что использование силлабо-тонических размеров в пословицах носит неосознанный, стихийный характер, чем и объясняется его спорадичность.

В пословицах широко используется звукопись. Звукопись - прием усиления изобразительности текста с помощью повторения ударных и безударных слогов, гласных и согласных звуков.

В авторской художественной литературе наиболее распространенной формой звукописи являются поэтические повторы, образующие особое построение текста. Это придает тексту своеобразную симметрию. Ср. в песне В.С.Высоцкого, где параллельно используется сразу несколько фоностилистических приемов:

*Душу, сбитую утратами да тратами,*
*Душу, стертую перекатами,-*
*Если до крови лоскут истончал,-*
*Залатаю золотыми я заплатами -*
*Чтобы чаще Господь замечал!*

Очевидно, что фоностилистические приемы не являются принадлежностью собственно художественной литературы. Они возникли еще в фольклоре, прежде всего, в народной поэзии.

К числу фоностилистических приемов речи можно отнести различные виды рифмы, аллитерацию, ассонанс, диссонанс, звукоподражание, ономатопею, а также эпифору и анафору. По нашим наблюдениям, все перечисленные приемы достаточно широко представлены в русских и узбекских пословицах. Приведем и проанализируем конкретные примеры.

Рифма – яркая особенность большинства пословиц, что особенно удивительно, учитывая тот факт, что рифма отсутствует в русских народных песнях, былинах, исторических песнях. Крупные жанровые формы русской народной поэзии, как правило, избегают рифмы, в то время как малые жанры (заговоры, пословицы и загадки) используют ее достаточно последовательно. Ср. текст заговора от зубной боли:

*Месяц в небе, солнце в дубе, замри, червяк в зубе. Аминь*

Также загадка:

*Летит зверок через божий домок, говорит: "Моя сила горит" (пчела, церковь, свеча).*

Рифма в пословице – явление достаточно распространенное. В количественном отношении превалируют рифмы мужские, несколько реже встречаются рифмы женские, и очень редко – рифмы дактилические. Случаев использования гипердактилических рифм нами обнаружено не было. Приведем примеры:

Мужская рифма: *Хоть денег ни **гроша́**, зато слава **хороша́**.*

Женская рифма: *Поживи с **на́ше** - увидишь еще **кра́ше**.*

Дактилическая рифма: *Муж любит жену **бога́тую**, а тещу **торова́тую**.*

В традициях узбекской пословицы рифмы представлены столь же широко. Заметим, однако, что в отличие от традиций русского фольклора, в крупных жанрах узбекской народной поэзии рифма используется прак-

тически всегда, в то время как в малых жанрах ее использование признается желательным, но необязательным.

Важной особенностью узбекского языка, отличающей его от русского, является то, что ударение в нем, является не динамическим (силовым), а политоническим (музыкальным). Кроме того, оно является свободным, но в исконно узбекских словах оно, как правило, стремится на последний слог слова. В связи с этим, в пословицах представлены только мужские рифмы. В авторской узбекской поэзии и в крупных поэтических жанрах фольклора бывают представлены женские и дактилические рифмы, однако именно в пословицах как порождении стихии живой народной речи, главенствует мужская рифма, ср.:

*Ит ҳури**ши́** – гумон тури**ши́*** – Собака лает – подозрение возникает;

*Душманнинг кулга**ни́** — сирингни билга**ни́*** - Если враг смеется, значит ему известна твоя тайна;

*Билдим дедим – тутил**ди́м**, билмадим дедим – қутул**ди́м*** - Сказал, что знаю – попался, сказал, что не знаю – спасся;

*Болани ишга бу**ю́р**, орқасидан ўзинг юг**ý́р*** - Ребенку дело поручи, сам следом беги.

Другой фоностилистический прием, широко используемый в пословицах – аллитерация. Термину «аллитерация» в «Литературоведческом энциклопедическом словаре» дано следующее определение: «Аллитерация – (ср.-век. лат. alliteratio, от лат. ad – к, при и littera – буква), повторение согласных звуков, преимущественно в начале слов, основной элемент фоники. В древнегерманском, тюркском и некоторых других стихосложениях аллитерация предсказуема и является организующим приемом стиха, в большинстве других – орнаментальным приемом выделения и скрепления важнейших слов (“Пора, перо покоя просит...”, А.С.Пушкин)» [2:21]. Аллитерация – самый распространенный тип звукового повтора, что объясняется доминирующим положением согласных в системе звуков русского языка. Согласные звуки играют в языке основную смыслоразличительную роль. Гласные же, подвергаясь в безударном положении редукции смыслоразличительную функцию выполняют не безусловно, поэтому шесть гласных в этом отношении значительно уступают тридцати семи согласным.

В собственном смысле слова, аллитерация как средство звукописи представляет собой повтор опорного согласного, т.е. непосредственно предшествующего ударному гласному, хотя определенную роль могут играть повторяющиеся согласные и в иных позициях, ср. у А.С. Пушкина:

*Не**ва** взду**ва**лась и ре**ве**ла,*
*Кот**ло**м **кл**окоча и **кл**убясь...*

В пословицах прием аллитерации представлен достаточно широко. Ср. в русских пословицах:

*По Сеньке шлык, коли косенько сшит*

*Бабий ум - бабье коромысло: и криво, и зарубисто, и на оба конца;*

*Которая корова умерла, та и к молоку добра была;*

*По службе - ни друга, ни недруга;*

*Вор ворует, а мир горюет.*

Аналогично, в узбекских пословицах:

*Кўр кўрни қоронғида топади - Слепой узнает слепого и в темноте;*

*Сигир сийлаганни билмас, ёмон — сийпаганни - Корова не признает того, кто с ней ласков, а того, кто с ней груб, признает;*

*Жиннини «жинни» десанг, терак бўйи сакрайди - Если назвать дурака "дураком", подпрыгнет до высоты тополя.*

В пословицах достаточно часто находит свое применение диссонанс – «**Диссонанс** (от фр. - разнозвучие) — неточная, неполная рифма, в которой совпадают только согласные звуки, а ударные гласные не совпадают (например: *дула - дола - дело* (В.В. Маяковский); *грига - нега - сага - бога - юга* (И. Северянин); *тающая - лик - веющая - снег* (А.А.Блок)» [2:98]. Примеры пословиц:

*На службе не без тужбы (не без нужды)*

*Мужик - проказник, работает и в праздник.*

*Не велика бы напасть, да спать не даст.*

*Многому научишь, сам без хлеба будешь.*

Пример из узбекских пословиц:

*Бирники – мингга, мингники – туманга* - Из-за одного может пострадать тысяча человек, а из-за тысячи — десятки тысяч.

Поэтика многих пословиц построена на ассонансе. «Ассонанс (фр. *assonance*, от лат. *assono* –звучу в лад) – приём звуковой организации текста, особенно стихотворного: повторение гласных звуков – в отличие от аллитерации (повтора согласных)» [2:39]. Ассонанс встречается в русских и узбекских пословицах столь же часто, как и аллитерация. Ср. русские пословицы:

***Перемерено** и **переверено** - **верно** и **мерно;***

*Хлеб**о**м не к**о**рми, тольк**о** с печи не г**о**ни!*

*За чужим хм**е**л**е**м что-нибудь см**е**л**е**шь.*

*Лг**а**ть не **у**ст**а**ть, не **у**ст**а**ли б сл**у**ш**а**ть*

*Смерть сосле**пу** **лю**тует.*

Ср. также узбекские пословицы:

*Пули борнинг оғзи ўйнар, пули йўқнинг кўзи ўйнар* - У кого деньги — скачет, кто без денег — плачет;

*Ишликнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар* - У того, кто работает, работа кончается, а у того, кто бездельничает — день проходит попусту.

В числе фоностилистических приемов, часто применяемых в пословицах можно указать также звукоподражания. Ср. в русских пословицах:

*Быкай не быкай, а быка не будет;*

*Шулды булды закоулды. Шушукаются да шумаркаются;*

*Живучи, не улыбнешься, помирать станешь - крякнешь;*

*Старый ворон не каркнет даром: либо было что, либо будет что;*

*Меньше дрязгу, так меньше звяги.*

Такой прием, как анафора (единоначатие) в пословицах представлен редко:

*<u>Не нами</u> стала (или: началась) неправда, <u>не нами</u> и кончится.*

*<u>Не нами</u> уставлено, <u>не нами</u> и переставится.*

Примеры узбекских пословиц:

*Бир туп ток эксанг, бир туп тол.* - Если посадишь куст винограда, посади также куст ивы

*<u>Бир</u> бошга бир ўлим* - На одну голову одна смерть

Эпифора, (от др.-греч. ἐπιφορά – *добавка*) – стилистический приём, заключающийся в повторении одних и тех же звуковых сочетаний в словах или слов в синтагмах в конце смежных или близко расположенных друг к другу ритмических рядов: стихов, строф и т.п. Противоположна анафоре. Эпифора в чистом виде в русском фольклоре и литературе встречается крайне редко. Однако она в изобилии представлена в узбекской стихотворной традиции. Так, например, такой крупный литературный жанр, как газель, полностью построен на эпифоре. Узбекские пословицы в этом смысле не составляют исключения и очень часто используют этот стилистический прием. Например:

*Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга* - Деловому человеку — одна теньга, красноречивому — тысячу теньга;

*Дард бошқа, ажал <u>бошқа</u>* – Страдание – одно, смерть – другое;

*Бақироқ туянинг бори яхши, бақириб турғани ундан <u>яхши</u>* – Хорошо, что есть крикливый верблюд,

еще лучше, что он покрикивает;

*Овчи ов қидирар, кончи кон қидирар* - Охотник ищет дичь, горняк — рудник.

Таким образом, пословица как жанр активно использует практически все существующие фоностилисти-ческие средства, что объясняется, на наш взгляд, её стремлением к тому, чтобы быть яркой, запоминающейся, а, следовательно, и звучной.

**Литература**


1. Даль В.И. Пословицы русского народа [Электронный ресурс] –URL:http://vdahl.ru/бог-вера/ (дата обращения 13.11.2022).
2. Литературный энциклопедический словарь / Под общ. ред. В.М. Кожевниковой и П.А. Николаева. -М.: Сов. Энциклопедия, 1987. –С.758.
3. Узбекские пословицы: электронный каталог на сайте FMC/UZ [Электронный ресурс] – URL: http://fmc.uz/maqollar.php?page=o (дата обращения 13.11.2022 г).


**РЕЗЮМЕ.** Мақола рус ва ўзбек мақолларининг фоностилистик хусусиятларини қиёсий ўрганишга бағишланган. Муаллиф кўпгина мақоллар ямб, анапест ва дактил асосидаги бир мисра эканлигини таъкидлайди. Рус ва ўзбек мақолларида аллитерация, диссонанс, ассонанс, ономатопея, анафора каби фоностилистик воситалардан бирдек фаол фойдаланилади. Ўзбек мақолларида келтирилган эпифора рус тилида учрамайди.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена сопоставительному исследованию фоностилистических особенностей русских и узбекских пословиц. Автор указывает на то, что многие пословицы представляют собой одиночные стихи, основанные на ямбе, анапесте и дактиле. В русских и узбекских пословицах в одинаковой степени активно используются такие фоностилистические приемы, как аллитерация, диссонанс, ассонанс, звукоподражания, анафора. Эпифора представлена в узбекских пословицах не встречается в русских.

**SUMMARY.** The article is devoted to a comparative study of the phonostylistic features of Russian and Uzbek proverbs. The author points out that many proverbs are single verses based on iambic, anapaest and dactyl. Russian and Uzbek proverbs equally actively use such phonostylistic devices as alliteration, dissonance, assonance, onomatopoeia, and anaphora. The epiphora presented in Uzbek proverbs is not found in Russian.

## X.DÁWLETNAZAROV ShÍǴARMALARÍNDA FRAZEOLOGIZMLERDIŃ QOLLANÍLÍW ÓZGEShELIGI

**E.E.Allanazarov –** *filologiya ilimleriniń kandidatı*
**G.Qadirbergenova –** *magistrant*
*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** lingvistika, frazeologiya, valentlik, ekvivalent, kontekst, obraz, semantika, shakl.
**Ключевые слова:** лигвистика, фразеология, валентность, эквивалент, контекст, образ, семантика, форма.
**Key words:** linguistic, phraseology, valence, equivalent, context, character, semantics, form.

Tildiń leksikalıq quramı basqa leksikalıq birlikler qatarında ózine tán ornı bar frazeologizmlerden de ibarat bolıp kelip, sózdiń, sóz dizbekleriniń hár túrli awıspalılıq penen, obrazlı tásirsheńlik penen qollanılatuǵın til birligi esaplanadı.

Xalıqlıq leksikada frazeologizmler erteden-aq orınlı, milliy tilimizge, mádeniyatımızǵa tán birlikler sıpatında orınlı paydalanıladı. Ilimpaz A. Pirniyazova: "Tildegi frazeologizmlerdiń tiykarǵı bólegi semantikalıq jaqtan insanǵa, onıń háreketin súwretlewge qaratılǵan: olar insannıń fizikalıq, psixologiyalıq, etikalıq, intellektual qásiyetlerin bahalaydı, insannıń jámiyetlik jaǵdayın, kásibin, jasın, ómir tájiriybesin, tuwısqanlıq baylanısların xarakterleydi",- dep pikir bildiredi [1:34].

Qasraqalpaq tiliniń frazeologizmlerdi qollanıwdaǵı ózine tán milliy ózgesheligi ásirese sóz ustasınıń kórkem kontekstlerde frazeologiyzmlerdi paydalanıwınan anıq kórinedi. Frazeologizmler kópshilik jaǵdaylarda belgili bir túsinikti bildiriwshi dara sózdiń sınarı, yaki ekspressivlik obrazlılıqqa iye ekinshi bir ataması sıpatında kórinedi. Mısalı «qorqıw» degen uǵımdı ańlatıwshı «júregi suwlaw, jan iymanı qalmaw, júregi suw etiw, janı tas tóbesine shıǵıw, janı shıǵıw» frazeologiyalıq sóz dizbekleri túrindegi sıńarlarına iye.

Dúnya júzlik lingvistikada birinshi ret fransuz ilimpazı Sharl Balli óziniń «Fransuz stilistikası» miynetinde tildegi frazeologizmler hám olardı klassifikaciyalaw máselesin tiykarlap berdi [2:60]. Ol frazeologizmlern ańlatıw ushın birinshi ret «idioma» terminin qollandı. Frazeologiyalıq sóz dizbeklerin ján-jaqlama tereń izertlegen ilimpaz akademik V.V.Vinogradov boldı. Ol óziniń miynetlerinde tildegi frazeologizmlerniń tiykarǵı tiplerin anıqlaydı hám til biliminde frazeologiyalıq mekteptiń qáliplesiwine tiykar saldı. Bunnan soń N.M.Shanskiy, V.L.Arxangelskiy, V.P.Jukov, A.V.Kunin, L.I.Royzenzon h.t.b. ilimpazlar frazeologizmlern izertlew menen shuǵıllandı [3:76].

Túrkiy tillerdegi frazeologizmlern izertlegen miynetlerde de usı halattı kóremiz. Qazaq ilimpazı S.I.Keńesbaev hám ózbek ilimpazı Sh.Rahmatullaevlar túrkiy frazeologiyanıń irge tasın salawshılar esaplanadı [4:78].

Kórkem shıǵarmalarda frazeologizmlerdiń qollanıw ózgesheligi boyınsha orıs til biliminde A.I.Efimov, qazaq tilinde X.Qojaxmetova, ózbek til biliminde B.Yuldashovtıń miynetlerinde sóz etilgen. Onda qaharmanlardıń psixologiyasın, portretin, minez-qulqın beriwde frazeologizmlerdiń kórkem ádebiyattaǵı ornı ayrıqsha ekenligin atap ótedi. Sonday-aq, Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan xalıq jazıwshısı T.Qayıpbergenov shıǵarmalarınıń ózbekshe awdarması tiykarında Sh.Abdullaev «Tarjima asarlarda frazeologizmlar semantikası» degen temada kandidatlıq dissertaciya jaqladi. Túrkmen tili frazeologiyası boyınsha K.Babaevtıń «Túrkmen tiliniń idiomaları» miynetin atap ótsek boladı. Al Qırǵız tilinde bolsa frazeologiya máselesine arnalǵan D.Shukurovtıń bir qansha miynetleri jarıq kórdi. Ol óziniń «Qırǵız tiliniń frazeologiyalıq sóz dizbekleri haqqında» degen miynetinde frazeologizmlerdi naqıl-maqallardan, jumbaqlardan, terminlerden, qospa sózlerden bólek qaraydı.

Qaraqalpaq til biliminde frazeologizmler boyınsha dáslepki izertlewler prof. E.Berdimuratovtıń leksikologiya boyınsha bir qatar miynetlerinde «Házirgi zaman qaraqalpaq tiliniń leksikologiyası» miynetinde frazeologizmlerge ayrıqsha toqtap ótkenin kóremiz [5:123]. Sonıń menen bir qatarda qaraqalpaq til bilimindegi dáslepki frazeologizm boyınsha arnawlı miynet sıpatında T.S.Nawrızbaeva «Qaraqalpaqsha-russha sózlikte atawısh frazeologizmlerdiń tipleriniń beriliwi» temasındaǵı kórsetsek boladı [6:66].

Qaraqalpaq til biliminde frazeologizmlerdi arnawlı túrde izertlegen G.Aynazarova bolıp tabıladı. Onıń kandidatlıq dissertatsiyasında qaraqalpaq tilindegi teńles eki komponentli frazeologizmler komponentleriniń fonetikalıq, grammatikalıq, semantikalıq jaqtan sáykes keliwi, sonday-aq, stillik jaqtan ózgeshelikleri hár tárepleme ashıp kórsetilgen. Usınday izertlew jumıslarınan A.Pirniyazovanıń «Qaraqalpaq tili frazeologiyalıq sisteması hám onıń stilistikalıq imkaniyatları» degen atamada doktorlıq dissertatsiyasın atap ótsek boladı. Frazeologizmlerdiń sóz shaqaplarına qatnası boyınsha J.Tańirbergenovtıń "Qaraqalpaq tilinde feyil frazeologizmlerdiń lingvistikalıq analizi" degen temada filologiya ilimleri boyınsha filosofiya (PhD) ilimiy dárejesin aldı. Kórkem

shıǵarmalarda frazeologizmlerdi úyreniw máselesi boyınsha qaraqalpaq tilinde G.Allambergenovanıń “I.Yusupov shıǵarmalarında frazeologizmlerdiń stillik qollanılıwı” temasında ilimiy jumısın qorǵap shıqtı. Kórkem shıǵarmalarda frazeologizmlerdiń qollanılıwı qaraqalpaq til biliminde arnawlı túrde házirge deyin jeterli dárejede izertlenilmey kiyatırǵan másele bolıp esaplanadı.

Jazıwshı, shayırlar xalıq tiliniń frazeologizmlernen kerek jerinde paydalana otırıp, óziniń súwretlew sheberliginen hám stillik maqsetine iykemlestiredi. Sebebi, «Jazıwshı – milliy sóz mádeniyatın dóretiwshi, onı rawajlandırıwshı. Ol óz dáwirindegi xalıq tilin paydalana otırıp, óz dóretiwshiliginiń tiykarǵı maqsetine ılayıqlap ana tiliniń hár túrli usılların tańlap alıp, jańartıp jıynaqlap jumsaydı». Awızeki sóylew tiliniń elementleride, frazeologiyalıq sóz dizbekleride kórkem ádebiyattıń prozalıq stili ushın da, poeziyalıq stili ushın da xarakterli leksikalıq birlikler sıpatında paydalanıla beredi. Sonlıqtanda, biz óz maqalamızda X.Dawletnazarov shıǵarmalarında frazemalardıń qollanılıw ózgesheligine toqtap ótemiz.

X.Dáwletnazarov shıǵarmalarında frazeologizmler ózine tán tábiyǵıy obrazlılıǵı arqalı ulıwma oy-pikirdi janlandırıp shıǵarma tiliniń kórkemligin arttırıp, júdá sheber paydalanılǵanın kóremiz Mısalı: *Bunıń ushın sorlılarda ayıp bolsa... Ǵam tıyıǵı* ***jan lipasın sótti*** *desem!?(D os bolıw hám meniń qolınan kelmes 6-b);... Zaman qayda baratır, zań qanday ya Rább? Qarapayım xalıqqa* ***qabaq shıtıp*** *desem!(Dos bolıw hámmeniń qolınan kelmes 6-b; Hár dayım jolımız usı jerden túser eken,* ***janımız bir uwıs bolıp****, padasınan adasıp qalǵan janlıq ushırassa da* ***zárremiz qalmas****(Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 13-b); Ákemiz namaz oqır, ol hár otırıp turǵanda hár qaysısımız hár jaǵınan jabıla jarmasıp, túrgelgen waqta arqasına,iyinlerine asılısıp, shadlıqtan ǵárqátiziy bolıp,* ***jılqımız tawǵa shıqqanday*** *(Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 20-b);Tek Ayboljanımdı qutlı jayına qondırsam... kóp qayıǵıp, jabılıp ósken usı qızıldıń erteńi tolǵandırıp* ***júregime as batpaydı*** *(Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 88-b)*

Berilgen mısallarda frazemalar «*jan lipasın sótiw*» – qıynalıw, *«qabaq shıtıp»*–ashıwlanıw, «*janı bir uwıs bolıw*» – qorqıw, qáweterleniw, «*zárresi qalmaw*» – qattı qorqıw, «*jılqımız tawǵa shıqqanday*» – quwanıw, «*júregime as batpaydı*» – qayǵırıw mánilerinde sheber súwretlengen. Bul mısallardaǵı frazemalardıń ornın basqa sózler menen almastırıp qollansaq onıń kórkemligi, tásirsheńligi, obrazlı bolıp kelmes edi. Joqarıda berilgen frazeologizmlerdiń ayırımlar xalıq awızeki tilinde basqa varianttada jumsaladı. *Janı bir uwıs bolıw* frazemasınıń *«janı bir qısım bolıw» túri de bar.* Al mine usı *«janı bir uwıs bolıw»* frazeması menen *«zárresi qalmaw »* frazeması arasında gradaciyalıq ósiw bar ekenligin kórsek boladı. Sebebi olardıń mánileriniń kúshliligin biz kontekst arqalı kóriwimizge boladı.

Bunnan basqada jazıwshı ózi aytpaqshı bolǵan pikirdi elede ótkirlestirip, kórkemlep beriw maqsetinde tómendegidey frazeologizmlerdi de qollanılǵan. Bul frazeologizmler kúndelikli ómirimizde kóp ushırasatuǵın, awızeki sóylew tilinine say frazeologizmler bolıp tabıladı. Mısalı: *Kelissin-kelispesin* ***bir ayaǵı jerde, bir ayaǵı górde*** *turǵan men aytsam saǵan bul gápti basqa kim aytadı, balam- aw! (Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 78-b); Bir ókinishlisi – úydiń ishiniń aytıwınsha usı erik baǵ penen teń binyat etilgen alma, shabdal baǵımız teperishlerimiz* ***shash al dese, bas alıp*** *turǵan zamanında túp tamırınan qoparıp jiberilgen (Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!...76-b); Ózimdi* ***appaq xojanıń aqlıǵı*** *etip sizlerdi jamanatlı etiw niyetinen pútkilley awlaqpan(Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 18-b); Sonda úydiń ishindegiler hesh* ***qabaq shıtpas*** *sirá-awishley qınjılatuǵın shıǵar-aw, biraq biziń* ***kóńilimizdiń qabarǵanın*** *qálemes (Álwidaǵ muhabbat, álwidaǵ!... 21-b)*

Bunda birinshi *mısaldaǵı «bir ayǵı jerde, bir ayaǵı górde» frazeması «ábden qartayǵan»*mánisinde berilgen bolsa, ekinshi mısalda keltirilgen*«shash al dese, bas alıw»– «jumıstı terisine islew»,* úshinshi hám tórtinshi gáptegi *«appaq xojanıń aqlıǵı» – «biygúná», «qabaq shıtpaw»– «ashıwlanbadı»,«kóńilimizdiń qabarıw»– «qapa bolıw»* sıyaqlı mánilerde kelgen.Sońǵı mısaldaǵı «kóńil» sózi biziń ádebiy tilde onsha ushıraspaydı, onıń ornına «kewil»sózi jumsaladı. Álbette shayır hám jazıwshılar kórkem ádebiyat stilinde shıǵarma dóretkennen keyin olar obrazlılıqtı, tásirlilikti arttırıw maqsetinde sózlerdi awıstırıp qollanıp otıradı.

Frazeologizmler tildegi turaqlı, qáliplesken ornı – kórkem ádebiyat. Kórkem shıǵarmalarda belgili waqıya qalay bolǵan bolsa, sol halında aytılıp qoymaydı. Jazıwshı, shayır bolǵan waqıyanı óziniń oy eleginen ótkerip, oǵan túrli boyaw berip, kórkemlep súwretlewi kerek. Usınday sulıw, kórkem sóz baylıǵı frazeologiyalıq sóz dizbekleri bolıp esaplanadı. Frazeologizmlersiz kórkem shıǵarma jazılmaydı. Belgili bir oydı jarıqqa shıǵarıp bayanlawda, ásirese onı kórkem til menen jetkeriwde somantikalıq fraznologizmlerdiń ornı úlken.

Anatomiyalıq atamalar óziniń kóp mániligi menende ajıralıp turadı, kóbinese turaqlı sóz dizbegin jasawda aktiv qollanıladı. Sol sebebten frazeologizmlerdiń ishinde ayırım sózler semantikalıq jaqtan ayrıqsha kózge túsip, onıń uytqısı retinde xızmet etedi. Qaraqalpaq tilinde adamnıń dene músheleriniń atamalarına (somatizmlerge) baylanıslı bir qansha frazeologizmler ushırasadı. Sebebi tilimizdegi qollanılıp júrgen frazeologizmlerdiń derlik kópshiligi mine usı toparǵa kiredi. Mısalı: kózine shóp salıw, kózi jetiw, til alǵısh, til tiygiziw, tili shıǵıw, tisinen shıǵarmaw, tis qaqqan, awzı ashılıw, awzına qum quyıw, awzınan túskendey, murnınan jip ótkerip alıw, moynına miniw, basına kóteriw t.b.

Shayır shıǵarmalarında qollanılǵan somatikalıq frazeologizmlerdi kórip shıqsaq. Mısalı: Hár insanǵa tuwısqanday, Ámenger bolıp dárt eńgergen qádirdanlardı, Bárhá, *-****Gór awzınan alıp qaytasız!*** (Xat, 7-b). Meniń qara kókiregimdi, Jaqtırtalmas,- Mına altınlar! ***Sipse bolǵır, bul súegimdi****,* Joqlawshı dashıqpas. Xalqımnan (Xat, 13-b). Izlew túwe, baspas tiline, Boldım aqır, -***Betlerge shúyel!***.. Suw quyıldı,Sol sát únine, Jel uyıtqıdı, Quyıp ótti sel (Xat, 14-b).

Biz keltirgen mısallar tek qana teńizden tamshı ǵana, shayırdıń nasrıy hám dástúriy qosıqlarında bunday frazeologizmler júdá kóp jumsalǵan. Bundaǵı *«gór awzınan alıp qaytıw»-qutqarıw, «súyegi sipse bolıw »- azıp tozıw, qıynalıw, «betine shúyel bolıw»- abıraysız bolıw, uyatqa qalıw* mánilerinde kelgen frazeologizmler inversiyalanıp pikirdiń kórkemliligin arttırıwǵa xızmet etedi. Joqarıdaǵı frazeologizmler quramındaǵı awız, súyek, bet sıyaqlı (komponent) dene-múshe atamaları sol qaharmannıń ishki sezimlerin, psixikalıq xalatın, is-háreketin súwretlewde orınlı paydalanılǵan.

Solay etip, X.Dáwletnazarov óz shıǵarmalarında frazeologiyalıq sóz dizbeklerin ıqsham, orınlı hám sheber paydalanǵan. X.Dáwletnazarov til baylıqların kórkem sóz sheberi sıpatında obrazlı, tásirli etip qollanǵanlıǵınıń jáne bir kórinisi. Avtordıń qaysı shıǵarmasın alıp qarasaqta frazeologizmler eń áhmiyetli bolǵan súwretlew quralı retinde qollanǵan. Onıń barlıq shıǵarmalarınan sóz tańlawda, frazeologizmlerdi stillik maqsette paydalanıwda sheberlik ayqın sezilip turadı.

## Ádebiyatlar


1. Абдулаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). Филол. Фанлари номзоди. … дис. –Тошкент: 2007.
2. Berdimuratov E. Qaraqalpaq ádebiy tili. Leksikologiya. –Nókis: 1998.
3. Кеңесбаев С.И. Қазақтілі қалыптанған сөз топтары (қос сөздер, идионімдер мен фразалар). Автореф. дисс. ...-д-ра филол. Наук. - Алма-ата: 1944.

4. Раҳматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Москва: 1952.
5. Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – Москва:1954, - С.181-216.
6. Қожахметова Х. Фразеологизмдердиң көркем әдебиетте қолданылыўы. -Алматы: 1972, 54,58-б.
7. Йўлдашов Б. Фразологик услубият асослари. –Самарқанд: 1999. «СамДУ нашри», 200-б.

**REZYUME.** Maqolada tilimizdagi lingvistik birliklardan biri frazeologizmlarning badiiy tildagi qo‘llanilishi hodisasiga bag‘shlangan bo‘lib, shoir Q.Davletnazarov asaralrida qo’llanilishdagi so‘z ma’nolarining ta’sirchanligidagi o‘ziga xos xususyatlari va ayrim tafsilotlar bayon etiladi.

**РЕЗЮМЕ.** В статье одна из языковых единиц нашего языка посвящена событию употребления фразеологизмов в художественном языке. В произведениях К.Давлетназарова приводятся некоторые подробности, касающиеся особенностей значения слова в употреблении.

**SUMMARY.** In article, one of the linguistic units of our language is devoted to the event of the use of phraseological units in an artistic language. In the works of K.Davletnazarov, some details are given concerning the peculiarities of the meaning of the word in use.

## PEDAGOGIK OLIY TA’LIMDA BO‘LAJAK INGLIZ TILI MUTAXASSISLARI-TALABALARNING YOZUV KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH KONSEPSIYASI

**S.Azizov** – *tayanch doktorant*
*O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti*

**Tayanch so‘zlar:** yozuv kompetensiyasi, oliy ta’lim, ingliz tili, yozma nutq, konsepsiya, yozish ko‘nikmasi, produktiv ko‘nikma, pedagogik ta’lim, til ta’limi, matn, kontekst, linvistik kompetensiya.

**Ключевые слова:** письменная компетенция, высшее образование, английский язык, письменная речь, понятие, навык письма, продуктивное умение, педагогическое образование, языковое образование, текст, контекст, языковая компетенция.

**Key words:** writing competence, higher education, English language, writing, concept, writing skill, productive skill, teacher education, language education, text, context, language competence.

Avvalo, oliy ta’limni ta’lim jarayonlarining yakuniy bosqichi, ya’ni mehnat bozori uchun kadrlarni har tomonlama yetuk tayyorlab beruvchi muhim amaliyot davri sifatida e’tirof etish mumkin va bu uning bugungi zamon va makon nuqtayi nazaridan shiddat bilan rivojlanib borayotgan dunyo talablari asosida uzluksiz taraqqiy etishi lozimligini belgilab beradi. Jumladan, ta’limda tatbiq etiluvchi har qanday islohotning asosiy negizi globallashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan mehnat bozorining talablariga monand shakllantirilishi maqsadga muvofiqdir. Bundan tashqari, O‘zbekiston misolida oliy ta’limga qamrov ko‘rsatkichlarining yil sayin oshib borayotganligi va fanlar tarkibining yangilanayotganligi mazkur ta’lim bosqichiga bo‘lgan e’tiborning sezilarli darajada oshganligini ko‘rsatadi. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunining 2020-yil 23-sentabrda qabul qilingan yangi tahririda oliy ta’limga quyidagicha izoh berilgan: “Oliy ta’lim bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo‘yicha yuqori malakali kadrlar tayyorlanishini ta’minlaydi… Bakalavriat oliy ta’lim yo‘nalishlaridan biri bo‘yicha chuqurlashtirilgan bilim, malaka va ko‘nikmalar beradigan, o‘qish davomiyligi kamida uch yil bo‘lgan tayanch oliy ta’limdir” [1]. Demak, chuqurlashtirilgan bilim, malaka va ko‘nikmalarning o‘zaro uyg‘unlashuviga asoslangan ta’limiy bosqichning doimiy tahlillar va izlanishlar asosida isloh etilib borilishi amalda fanlarni o‘qitish metodikasiga ham ta’sir o‘tkazadi. Chet tillarni o‘qitish bo‘yicha mutaxassis kadrlar – pedagoglarni tayyorlashga ixtisoslashtirilgan pedagogik oliy ta’limda talabalarning chet tilida yozuv kompetensiyasini, yozish ko‘nikmalarini va yozma nutq janrlarini yaratish mahoratini takomillashtirishning nazariy va amaliy asoslari xususida maqolaning quyidagi qismida atroflicha so‘z yuritiladi.

Umuman olganda, yozish – bu talabalarning akademik yozma topshiriqlarga qanday javob berishlari va ularda ishtirok etishlari asosida oliy ta’limdagi fanlarga oid yakuniy nazorat va imtihonlardan o‘tishlari yoki ularda muvaffaqiyatsizlikka uchrashlarini baholab beruvchi asosiy vositadir [7]. Yozuv kompetensiyasi to‘g‘risidagi ayni izohni oddiy qilib talabalarning deyarli barcha fanlardan oraliq va yakuniy nazoratlarni yozma shaklda topshirishlari belgilanganligi va bu uning amaldagi dolzarb maqomini ko‘rsatmoqda. Shuningdek, yozma topshiriqlarning ona tilida, ikkinchi yoki chet tilida bajarilishi ham ta’lim metodikasining o‘ziga xos tarzda amaliyotga tatbiq etilishi kerakligini ko‘rsatadi. Eng asosiysi esa talabalar yozuvi oliy ta’limda o‘qitish va o‘rganishning markazida bo‘lib, unda sodir bo‘ladigan turli kontekstlarga ko‘ra u bir qator maqsadlarni amalga oshirishga yordam beradi [2]. Mazkur jarayonda maqsad tushunchasi muhim ahamiyatga ega, chunki chet tili ta’limida talabalarning bo‘lajak mutaxassis sifatida asosiy linvistik kompetensiyalari oldindan belgilangan amaliy maqsadlarga ko‘ra takomillashtiriladi. Binobarin, chet tilni amaliy maqsadda o‘rganish ushbu til yordamida kerakli axborot olish va boshqalarga yetkazish ma’nosini anglatadi [5]. Vaholanki, talabalarning yozuv kompetensiyasi ***baholash***, ***o‘rganish*** va ***muayyan bir fanga oid jamoalarga qo‘shilish*** singari maqsadlarga erishishda o‘qituvchi va talabalarga ko‘mak beradi. Birinchidan, *baholash* maqsadi – talabalardan insholar, yozma imtihonlar yoki laboratoriya hisobotlarini tayyorlab topshirish talab qilinishi mumkin va bu ularning fanlarning mazmunini qay darajada egallaganliklarini namoyish eta olishlarida yuzaga chiqadi [2]. Ingliz tili ta’limi misolida olib qaralsa, talabalarning so‘z birikmasi, gap va uning turlari, paragraf, insho, rasmiy va norasmiy xatlarni yozish kabi yozma nutq janrlarini baholash ularning asosiy o‘rganilayotgan chet tilida mavjud bo‘lgan qonun-qoidalarni, ayniqsa, o‘tilgan har bir mavzuni o‘zlashtirib borish ko‘rsatkichlarini yuzaga chiqarishda yordam beradi. Ikkinchidan, *o‘rganish* maqsadi – ayni maqsad talabalarga mutaxassislikka oid bilimlar bilan murosa qilishga yordam beradi, shuningdek, umumiy fikrlash va tanqid qilish qobiliyatlarini rivojlantirishlariga xizmat qiladi [4]. Bu amaliy maqsad bevosita yozishning nutq faoliyati turlari orasidagi maqomini yanada aniq ko‘rishga imkon beradi, ya’ni gapirish, tinglab tushunish va o‘qish orqali o‘zlashtirilgan bilim, ko‘nikma va malakaning yozish ko‘nikmalarida umumlashtirgan holda amaliyotda mustah-kamlashlariga zamin yaratadi. Jumladan, talabalarning bo‘lajak mutaxassis sifatida turli kontekstlarga tayyorgarlik ko‘rishlarida yozma nutqni takomillashtirishga oid topshiriqlarni bajarish barcha olingan nazariy va amaliy bilimlarni sinovdan o‘tkazishda qo‘l keladi. Uchinchidan, *muayyan bir fanga oid jamoalarga qo‘shilish* maqsadi (muloqot me’yorlari akademiklar g‘oyalarini yetkazish va baholashning asosiy vositasi bo‘lgan insonlar jamoasi ma’nosida [6]) – talabalarning oliy ta’limdagi akademik fanlar asosida ta’lim olishlari ularning har qanday kontekstda muayyan bir tartib va tizimga ega bo‘lgan nutqdan foydalanishlariga ko‘mak berib, ularning mutaxassislik sohasiga tegishli jamoaning bo‘lajak vakillari – pedagoglar sifatida bosqichma-bosqich shakllanib borishlarida yuzaga chiqadi.

Yozuv kompetensiyasini takomillashtirish pedagogik oliy ta’limda chet tilini o‘qitishdan ko‘zlangan amaliy maqsadlarga asosan olib borilishi talabalarning real kasbiy faoliyatda ularning duch kelishi mumkin bo‘lgan turli muammolar-u qiyinchiliklarga oldindan tayyor

bo'lishlariga xizmat qiladi, biroq amaliyotda kutilmagan muammoli holatlarning yuzaga kelishi umumiy ta'lim konsepsiyasining faqatgina yangilanishiga va tarkiban boyishiga sabab bo'ladi. Xususan, chet tillarini o'qitish metodikasining bosh mazmun-mohiyatini o'zida aks ettiruvchi metod (*method*), yondashuv (*approach*) va texnologiya (*technology*) kabi tushunchalar yozma nutqni o'qitish ta'limotida ham o'z kuchiga ega. Zero, insonlar yozishga turli yo'llar bilan yondashadilar va har bir talaba o'ziga mos keladigan yondashuvni topishi kerak iloji boricha, ya'ni shaxsiyati, turmush tarzi va yozma nutq janriga mos bo'lgan [3]. Umuman olganda, ingliz tili misolida yozuv kompetensiyasini takomillashtirishda u yoki bu yondashuv va metodning to'laqonli muvaffaqiyatli natijalar keltirishini oldindan aytib bo'lmaydi, chunki o'qituvchi tomonidan tatbiq etiluvchi barcha metod, yondashuv va texnologiyaning samarali bo'lishida talabalarning ham ikkinchi tomondan individual faol ishtiroki muhim rol o'ynaydi. Misol uchun, talabalar chet tilida yozma nutq janrlariga oid topshiriqlarni bajarishlaridan ko'zlangan maqsad ularning bilimlarini tekshirishdir mazmunidagi umumiy bir qarash mavjud, ammo bu xato [3], ya'ni yozma nutq topshiriqlari orqali talabalarga taqdim etilgan turli kontekstlarga ularning til qoidalari (grammatika, punktuatsiya kabi) va birliklari (leksikologiya) dan qay darajada to'g'ri va aniq foydalanib, namunadagi matn yarata olganliklari nazoratga olinadi. Bundan tashqari, chet tilda bilim maxsus tekshirilmaydi, chunki u ko'nikma tarkibida o'rganiladi, binobarin, ko'nikma tekshiriladi [5]. Shunday qilib, yozuv kompetensiyasini takomillashtirishga oid pedagogik oliy ta'lim konsepsiyasini shakllantirishda yuqorida tilga olingan barcha jihatlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Xullas, oliy ta'lim uzluksiz va uzviy isloh etiluvchi ta'limning eng muhim ham nazariy, ham amaliy bosqichi sifatida bo'lajak mutaxassis kadrlarni tayyorlashda o'z dolzarbligini oshirib bormoqda. Shuningdek, bugungi kunda yozma nutq talabalarning ko'nikma, malaka va bilimlarining mustahkam va samarali bo'lishiga hamda ta'limning turli xil kontekstlari asnosida chet tillarini o'qitish metodikasining bosqichma-bosqich yangilanib borishiga yo'l ochmoqda.

## Adabiyotlar


1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni (23.09.2020). https://lex.uz/docs/-5013007.
2. Caroline C., Mary J., Sharon G., Ann H., Joan S. (2003). Teaching academic writing. London: Routledge.
3. Gavin J., Christopher W. (2011). Reading, writing and reasoning: a guide for students (3rd ed.). -New York: Open University Press.
4. Hilgers T.L., Hussey E.L., Stitt-Bergh M. (1999). As you're writing, you have these epiphanies: what college students say about writing and learning in their majors. Written Communication, 16(3), 317–53.
5. Jalolov J. (2012). Chet til o'qitish metodikasi. -Toshkent: "O'qituvchi" NMII.
6. Prior P. (1998). Writing/Disciplinarity: a sociohistoric account of literate activity in the academy. Mahwah, NJ: Erlbaum.
7. Theresa M.L. (2001). Student writing: access, regulation, desire. -New York: «Routledge».


**REZYUME.** Til ta'limida nutq faoliyati turlari ichida yozuvning o'rni bir qator amaliy jihatlariga ko'ra farqlanadi va mazkur amaliy jihatlar pedagogik oliy ta'limda tahsil oluvchi talabalarning asosiy chet tilidagi yozuv kompetensiyasini takomillashtirishlaridagi dolzarb ahamiyatini belgilab beradi. Makur maqolada ayni jarayonda yozma nutqning o'rni, uni o'qitishga doir ta'lim muhitining bugungi zamon talablari asosidagi konsepsiyasi xususida muallif tomonidan so'z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ.** Среди видов речевой деятельности в языковом образовании роль письма различается по ряду практических аспектов, и эти практические аспекты определяют фактическую значимость письменной компетенции студентов по основному иностранному языку, обучающихся в педагогическом вузе. В данной статье автор рассматривает роль письменной речи наряду с понятием образовательной среды в едином процессе исходя из требований сегодняшнего дня.

**SUMMARY.** Among the types of speech activity in language education, the role of writing differs in a number of practical aspects, and these practical aspects determine the actual significance of the writing competence of students in the target foreign language studying at a pedagogical university. In this article, the author examines the role of a written speech along with the concept of the educational environment in the same process based on the requirements of today.

# TERMINOLOGIYA SOHASI TARAQQIYOTIDAGI TERMINLARNING SHAKLLANISH BOSQICHLARI, TURLARI VA AMALDAGI MUVAFFAQIYATLI NATIJALAR

**M.Badalbayeva** – *katta o'qituvchi*
*O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi*

**Tayanch so'zlar:** terminologiya, til, termin, maxsus soha, struktura, til taraqqiyoti, nutq, tor ma'no, leksika, terminologik tizim, maxsus lug'at, umumadabiy til, atama, tushuncha, til vositasi.

**Ключевые слова:** терминология, язык, термин, специальное поле, состав, развитие языка, речь, узкое значение, лексика, терминологическая система, специальный словарь, общелитературный язык, термин, концепция, языковой инструмент.

**Key words:** terminology, language, term, special field, composition, language development, speech, narrow meaning, vocabulary, terminological system, special dictionary, general literary language, term, concept, language tool.

Ma'lumki, til insonlarning o'zaro axborot-ma'lumot almashish vositasi sifatida talqin etiladi va bu omil uning jamiyat taraqqiyoti bilan bevosita bog'liq tarzda rivoj topishining bosh mazmun-mohiyatini o'zida aks ettiradi. Jumladan, har bir tilning tarkiban bosqichma-bosqich boyib borishi va turli islohotlarga duch kelishi aynan yuqorida tilga olingan umumiy bir ta'sirga nisbatan bo'lgan aks ta'sir, ya'ni javobdir. Umuman olganda, tildagi barcha o'zgarishlar inson aql-idrokining tabiiy bir mahsuli sifatida nafaqat ijtimoiy hayotda bo'layotgan yangiliklarning, balki tilga oid lisoniy voqeliklarning yangi yo'nalishlar asnosida shakllanishiga zamin yaratadi. Masalan, tilshunoslik fanida terminologiya sohasining ochilishi tildan foydalanuvchilar hamda til ustida tadqiqot ishlarini olib boruvchilar uchun to'g'ridan-to'g'ri barcha yangiliklarni kuzatib borishga yordam beradi. Ayniqsa, terminologik leksika umumxalq tili leksikasining ajralmas qismi sifatida u bilan birga rivojlanadi, jamiyat va til taraqqiyotidagi barcha jarayonlarni boshdan kechiradi [3]. Jumladan, terminologiya sohasi tilshunoslik fanida lisoniy birliklar orasida muayyan bir tartib va tizim yaratish taqozosi bilan yuzaga chiqdi. Bundan tashqari, V.P. Danilenkoning fikriga ko'ra, terminologiya deganda umumadabiy tilning mustaqil funksional turi, ya'ni an'naviy fan tili (fan, ilm yoki texnika tili ma'nosida) [9].

Muayyan soha vakillari misolida olib qaralganda, nutqiy faoliyatda muloqot ishtirokchilarining o'zaro samarali va undan ko'zlangan kommunikativ maqsadlarga erishishlarida ham terminologiya sohasida olib borilayotgan ilmiy va amaliy izlanishlarning o'rni dolzarb ahamiyatga egadir. Ayni jarayonda terminologiya sohasi so'zlar orasida tadqiqot ishlarini olib borish yo'lida tilga oid izchil izlanishlarning to'liq bo'lishini ta'minlaydi. Misol uchun, terminologiya ma'lum bir fanga oid terminlar yoki texnika sohasida qo'llaniluvchi so'zlar yig'indisi bo'lib, ayni vaqtda terminlar ma'nolari bilan birgalikda ular ifoda etadigan tushunchalar ham qayd etiladi [7]. Shu bois terminlarni sohalar bo'yicha jamlashda ayni murakkab jarayon olib boriladi va ko'zlangan nazariy va amaliy natijalar olish harakati davom ettiriladi.

Umuman olganda, terminologiyaning tilning lug‘at tarkibidagi ahamiyati to‘g‘risida ikki xil g‘oya, ya’ni qarash mavjud: birinchi g‘oya terminologiyani adabiy til leksikasining mustaqil qatlami sifatida ifoda etsa, ikkinchi g‘oya uning adabiy til so‘z boyligi tarkibidan ajratilishi, “alohida turuvchi” obyekt tarzida baholanib, nutqning turlari (sheva, jargon, jonli so‘zlashuv) ga tenglashtirilishi to‘g‘risidagi fikrni ilgari suradi [2]. Lisoniy birliklarning bu shaklda paydo bo‘lishi til taraqqiyotida undan foydalanuvchilarning nutq tarkibining ham muayyan bir tizimga asosida taqdim etilishiga ko‘mak beradi. Jumladan, termin sifatida terminologiya so‘ziga ham izoh berilsa, uning ma’no ko‘lamini nechog‘lik keng ekanligiga guvoh bo‘lish mumkin. Jumladan, ko‘pchilik «terminologiya» so‘ziga uning terminlar jamlanmasi sifatida tushunilishini e’tirof etishadi, ammo bu uning faqatgina tor ma’nosini o‘zida aks ettiradi. Bundan tashqari, unga terminlarni o‘rganishga bag‘ishlangan tilshunoslik fanining bir sohasi sifatida ham qarash mumkin umumiy holatda, ya’ni *terminus* (lot. chegara) va *logos* (yun. fan, ta’limot) ko‘rinishida. Biroq, ayni masalada izchil tahlil olib borgan argentinalik professor Xuan Sagar unga uch xil ma’no berish mumkinligini ko‘rsatib o‘tgan: 1) terminlar; 2) terminlarni standartlashtirish amaliyotlari va metodlari; 3) atamalar va tushunchalar o‘rtasidagi munosabatlar nazariyasi [5]. Demak, terminologiya tildagi terminlarni faqatgina o‘rganibgina qolmaydi, balki ularni qay tartibda muayyan fan, ishlab chiqarish, texnika kabi sohalar miqyosida kirib kelishi, tartibga – tizimga solinishi amaliyoti va metodlarini ham tadqiq etadi. Natijada, mazkur yo‘nalishlarda ayni yo‘nalishning tilshunoslikdagi dolzarbligini oshirar ekan, uning amaliy maqsadlari ham bevosita belgilab olinadi. Masalan, tahliliy izlanishlar doirasida olingan natijalarga ko‘ra, terminologiya sohasining maqsadi, umuman so‘zlardan farqli o‘laroq, terminlarning tabiatini o‘rganish va texnik fanlar uchun standartlashtirilgan terminologiyani yaratish va shu bilan, ayniqsa, tillararo vaziyatlarda, tarjima ekvivalentlari orqali aniq muloqotni osonlashtirishdan iboratdir [1]. Ko‘rinib turibdiki, jamiyatning turli sohalariga oid nutqiy kontekstlar uchun lisoniy birliklar – so‘zlarni o‘rganishda tilshunoslikka oida barcha bilimlar va amaliyotlar ishga solinadi va bu uning bir vaqtda bir nechta fanlar bilan bevosita uyg‘unlashgan holda ish ko‘rishini isbot etmoqda. Terminlar orasida tahlilar olib borishda «termin» va «tushuncha» o‘rtasidagi farqni bilish ham muhim ahamiyatga egadir, chunki terminologiya sohasi tilda terminlardan foydalanishning tartib va tizimini ishlab chiqishni eng bosh vazifa sifatida belgilab oladi. Vaholanki, termin ilm-fan taraqqiyotining muayyan bosqichida mavjud tushunchalarning asosiy xususiyatlarini aniq va to‘laligicha aks ettiruvchi maxsus terminologik ma’noga ega tabiiy va sun’iy til birligi, ya’ni so‘z yoki so‘z birikmasi [8] talqinida ham e’tirof etish mumkin.

Tushuncha to‘g‘risida umumiy fikr shuki, bir qarashda tushunchalar birlamchidir, ya’ni g‘oya uning nomidan oldin vujudga keladi va bu terminologiya sohasidagi asosiy qoidadir [4]. Bu qoidani oddiy shaklda tushunish mumkin, ya’ni termin tushunchaga shakl beradi, yana ham aniqrog‘i, biror bir predmet haqidagi g‘oya – tushuncha dastlab inson ongida paydo bo‘ladi, ammo unga nom berish uchun termin lozim bo‘ladi. Xususan, ayni shu holat terminologiya sohasida terminlarning paydo bo‘lishiga zamin yaratadi. Natijada, terminlar va tushunchaning o‘zaro bir-biriga bog‘liq ekanligini ko‘rish mumkin. Binobarin, terminlar uch kategoriyaga bo‘linadi: (1) yuqori darajadagi yoki sof texnik terminlar; (2) texnik terminlar banki; (3) subtexnik terminlar [6]. Mazkur terminlarning qo‘llanilish doirasi va ko‘lamiga ko‘ra turlarga bo‘linishi tilga oid kontekstlarda ma’nolarning samarali tatbiqi uchun xizmat qiladi. Zero, terminlar fan, texnika va ishlab chiqarish sohalari kabi amaliy jarayonlarning lisoniy konteksti uchun xizmat qilishlari doirasida ham bir necha turlarga bo‘linadi.

Xullas, terminologiya sohasi tildan foydalanuvchi insonlarning nutqiy kontekstlarda axborot va ma’lumotlarni aniq va to‘g‘ri ifoda etishlariga sharoit yaratib, turli fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarida mavjud bo‘lgan terminlar tartibini tizimlashtirilgan holda uzluksiz va uzviy tahlil qilib borilishida dolzarb amaliy ahamiyatga egadir. Vaholanki, terminlarning paydo bo‘lishi, faol nutq tarkibiga kirib borishi va tan olinishi jamiyatda ayni yo‘nalishdagi sohalarning ham taraqqiy etishi asnosida amalga oshadigan ijtimoiy voqelikdir.

**Adabiyotlar**


1. Berry R. Terminology in English language teaching. – Switzerland: Peter Lang Publisher, 2010. –P. 275.
2. Dadaboyev H. O‘zbek terminologiyasi: o‘quv qo‘llanma. –Toshkent: «Yoshlar nashriyot uyi», 2020. 136-b.
3. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi (T harfi). –T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyassi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2002. 867-b.
4. Pearson J. Terms in context. – Amsterdam: «Benjamins», 1998. –P. 243.
5. Sager J. A practical course in terminology processing. –Amsterdam: John Betjemans, 1990. –P. 258.
6. Trimble M.T., Trimble L. The development of EFL materials for occupational English: the technical manual. –USA: Oregon State University, 1978.
7. Whewell W. The philosophy of the inductive sciences founded upon their history (Vol. I-II). – London: J.W. Parker, 1967.
8. Герд А.С. Значение термина и научное знание. Научно-техническая информация (серия 2). –М.: 1991. №10, –С. 1-4.
9. Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания. –Москва: «Наука», 1977. –С. 248.



**REZYUME.** Jamiyat rivojining natijalari bevosita tilda aks etar ekan, tilning taraqqiy etish hodisasi uzluksiz davom etadi. Sohalararo shiddat bilan rivojlanib borayotgan globallashuv omillarining til taraqqiyotidagi ta’siri terminologiya sohasining paydo bo‘lishi, rivojlanishi va taraqqiy etishiga zamin yaratdi. Maqolada ayni jarayondagi terminlarning tatbiqi, shakllanish usullari, qo‘llanilish doirasiga ko‘ra turlari, o‘z navbatida, amaliyotda erishilayotgan muvaffaqiyatli natijalar xususida so‘z yuritilgan.

**РЕЗЮМЕ.** Поскольку результаты развития общества непосредственно отражаются в языке, феномен языкового развития продолжается непрерывно. Влияние быстро развивающихся междисциплинарных факторов глобализации на развитие языка заложило основу для возникновения, развития и прогресса в области терминологии. В статье говорится о применении терминов в одном процессе, способах формирования, видах по сфере применения, в свою очередь об успешных результатах, достигнутых на практике.

**SUMMARY.** Since the results of the development of society are directly reflected in the language, the phenomenon of language development continues uninterrupted. The influence of rapidly developing interdisciplinary factors of globalization on the development of the language laid the foundation for the emergence, development and progress in the field of terminology. The article illustrates the use of terms in one process, methods of formation, types by scope, in turn, about successful results achieved in practice.

# ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ҲИССИЙЛИК ТАБИАТИ

**Д.М.Бузрукова –** *ўқитувчи*
*Фарғона давлат университети*

**Таянч сўзлар:** ҳис-туйғулар, ҳиссий концепт, интеграл, этник ва касбий фарқланиш, типология, вербал ва новербал, лексик, фразеологик.

**Ключевые слова:** чувства, эмоциональная концепция, интеграл, этническая и профессиональная дифференциация, типология, вербальные и невербальные, лексический, фразеологический.

**Key words**: emotions, emotional concept, integral, ethnic and professional differentiation, typology, verbal and non-verbal, lexical, phraseological.

Тилшунослик нуқтаи назардан В.И.Шаховскийнинг фундаментал тадқиқотларида тилда ҳиссиётларни ифодаловчи тил бирликларининг борлиги илмий асосланган. Тилшунос олим инсонларга хос бўлган когниция жараёни лисоний шахснинг тафаккури ва онги инсон ҳиссиётлари билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди.

Инсон ҳис-туйғулари оламини ангалтувчи ҳиссий-концептлар ҳис-туйғулар билан бирга ҳар даврга хос бўлган миллат ва жамиятнинг ижтимоий-маданий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни, ахлоқий қарашлар тизимидаги афзалликларни ўзида акс эттириб келмоқда.

Рус тилшунослигида ҳиссий концептлар универсал деб тавсифланади, чунки айнан ҳиссий концептларгина турли этник гуруҳ вакилларини бир-бирига кўпроқ ёки камроқ ўхшаши мумкинлигини сезиларли даражада кўрсатиб туради [3:86]. Шу билан бирга, ҳиссий концептлар этноспецификлиги билан ажралиб туриши аҳамиятли бўлиб, бу эса “индивидуаллик” билан боғлиқ ҳолда ҳиссий тенденцияни маълум бир маданиятнинг миллий кўрсаткичи деб тавсифлашга имкон беради.

Шундай қилиб, оламни ҳиссий концептуаллаштиришнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, инсонларга хос бўлган ҳиссиётларни ифодаловчи концептлар тушунилади.

Концептларни ўрганишга бўлган интеграл ёндашув “ҳиссий концепт” атамасини қайта кўриб чиқишни, аниқлаштиришни талаб қилади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳиссий концепт деганда, бир томондан дунёни билишнинг ҳиссий шакли бўлган ва тажрибалар орқали фикр шакллари билан боғлиқ бўлган кўп даражали, полиструктурали (маълум ёш, жинс, этник ва касбий фарқланишларга эга) ҳиссий шаклланиш тушунилади.

Бундай таъриф ҳиссий концептларни бир неча аспектда кўриб чиқишга имкон беради. Ҳиссий концептларни ўрганишда когнитив жараёнлар ҳам иштирок этади. Бунда лисоний шахснинг она тили луғат бойлиги тўғрисидаги билимлари ва онгда ичкилаштирилган воқелик объектлари, ҳамда ҳодисаларни ифодаловчи концептуал тузилмани шакллантиришни ўз ичига олган лингвистик қобилиятни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

М.А.Красавскийнинг докторлик диссертациясида ҳиссий концептлар типологияси ишлаб чиқилган бўлиб, у концептларни рамзийлаштириш усулига кўра (рамзий маънога эгалигига кўра) вербал ва новербал турларга ажратилади. Олим ҳиссий концептларни биринчи бўлиб концептуал асосига кўра, яъни ифодаланиш воситаларига (лексик, фразеологик) ва фаолият доирасига кўра ҳам бир неча гуруҳга бўлади. Ижтимоий хусусиятларига кўра тадқиқотчи универсал ва индивидуал ҳиссий концептларни фарқлайди [1:374].

Ҳиссий концептлар - маданий концептларнинг бир тури бўлиб, улардан қўшимча ҳиссий қийматга эгалиги ва субъектив баҳоловчи хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳар бир ҳиссий концептлар хусусан, *“ғазаб”, “даҳшат”, “қўрқув”, “нафрат”, “муҳаббат”, “қувонч*” кабиларнинг семантик-психологик ва ҳиссий-эстетик реаллашуви тил ташувчиси бўлган лисоний шахс ҳиссий-лисоний онгида индивидуал, маданий ва фаол коммуникатив хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Когнитив фаолиятнинг асоси бўлган ҳиссий концептлар таркиби ва мазмуний тузилиши индивидуал ёки жамоавий тасаввурда ҳосил бўлган ва маълум бир этнос, унинг вакиллари хотирасида сақланадиган элементар концептуал ва мажозий маънолар билан шаклланади.

В.И.Шаховский ҳиссий маъно, ҳиссий коннотация ва ҳиссий салоҳият тушунчаларини фарқлашга асосланган эмоционал лексика типологиясини ишлаб чиқди. Бу компонентларнинг турли бирикмалари, олимнинг фикрига кўра, ҳиссий лексиканинг уч гуруҳини ташкил этади: аффектив сўзлар (ҳиссий маъноси бу сўзлар семантикасининг ягона компоненти бўлган ундовлар, вулгаризмлар ва ҳиссий-баҳоловчи сифатлар); коннотатив маънога эга сўзлар (асосий мантиқий-объектив маъно билан бир қаторда ҳиссий маъноларни ўз ичига олган сўзлар); потенциал ёки контекстуал ҳиссиётларни (мулоқот контексти ва вазиятига қараб ҳиссий маъно касб этадиган сўзлар) [4:20-21]. Шунга кўра, олим сўзларнинг ҳиссий семантикасининг уч хил тури мавжудлигини таъкидлайди: айнан ҳиссиётнинг ўзи, ҳиссётлар сўз маъноларини реаллаштирувчи сифатида ва вазият билан боғлиқ ҳиссийлик [5].

Бундан ташқари В.И.Шаховскийнинг фикрича, сўз семантикасида маънонинг учта компонентини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) мантиқий объектив;
2) ҳиссий;
3) функционал-услубий.

Тил бирликларининг ҳиссийлик табиати ана шу компонентлар бирикмасига боғлиқ. Агар сўз таркибида ҳиссий ва функционал-услубий компонентлар бўлса, бу сўзнинг лексик маъноси ҳиссий-афекктив; ҳар уччала компонент қатнашганда сўзнинг лексик маъноси ҳиссий-коннотатив бўлади; агар сўз семантикаси мантиқий-объектив ва функционал-услубий компонент билан ифодаланган бўлса, у ҳолда бу сўз семантикасида ҳиссийлик бўлмайди, яъни сўз ҳиссий маъно ифодаламайди [5].

Шундай қилиб, олим тилнинг ҳиссий бирликларига маъносида ҳиссий компонент - “эмосема” ни ўз ичига олган сўзларни киритади. “Эмосема” тушунчаси В.И. Шаховский томонидан семантик хусусияти ва маъно аниқлаштирувчинининг комбинацияси сифатида сўзловчининг ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлган ҳамда сўз семантикасида ифодаланган “эмотивлик” ва “сема” нинг алоҳида турини белгилаш учун киритилган.

Ҳиссий концептларнинг таркибий тузилиши ҳақида Г.Носирова кўплаб тадқиқотчилар фикрини ўрганиб, ЭК бошқа тушунчаларга қараганда анча мураккаб ва нозик тузилишга, бой концептуал таркибга эга, улар субъектив, уларнинг моҳияти ноаниқ, натижада ЭК тузилиши ва таркибини аниқлаш анча муаммоли деган хулосага келади.

Бизнинг кузатишларимизга кўра, ҳиссий концептлар турли тизимли тилларда, яъни маълум бир лингвомаданият вакиллари онгида умуминсоний ёки этник жиҳатдан шартланганлиги сабаб ўзига хос ҳиссий-лисоний манзарани ҳосил қилади.

Ҳиссий концептларни турли тизимли тилларда ўрганиш, мураккаб ва кўплаб омилларни ҳисобга

олишни талаб қилади. Ҳиссиётлар таснифи асосида ҳиссий концептларни кўриб чиқиш эса алоҳида субъективлик билан ажралиб турадиган ҳиссий кечинмалардаги чалкашликни олдини олади.

“Муҳаббат” ҳиссий концепти ҳар қандай лингвомаданиятнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Инглиз тилида “*love*”, рус тилида “*любовь*”, ўзбек тилида эса “*севги*” ёки “*муҳаббат*” концепти инсон онги ва ҳис-туйғуларининг асосий категорияси сифатида ўрин эгаллайди. Инглиз ва руслар ҳиссий-лисоний олам манзарасини чуқурроқ таҳлил қилиш учун ҳар икки тилда “муҳаббат” концептига энг яқин “симпатия”, “sympathy”, “страсть” “passion” сўзларини танлаш керак бўлади. Ушбу тушунчалар универсал таърифга эга эмас ва уларнинг ҳар бири ўз талқинига эга. Шундайлигига қарамай, бу тилларда сўзлашувчилар ҳиссий-лисоний манзарасида “муҳаббат” концептига юқорида келтирилган сўзлар маъно жиҳатдан боғланган.

Тадқиқотчи Г.Носированинг таъкидлашича, эмоционал концептларнинг функциялари каби хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин: тил – маданият ва менталитет маҳсули бўлиб, эмоционал концептлар нафақат инсоннинг эмоционал оламини акс эттиради, балки ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишини тартибга солади, ҳис-туйғуларни бошдан кечириш жараёнида одам учун хатти-ҳаракатларнинг айрим стратегияларини белгилайди. Одатда, бундай стратегиялар миллатнинг, жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва турли мамлакатларда турлича бўлади. Масалан, ўзбеклар учун умуман нотаниш бўлган "Вендетта"ни олсак, бу Италия жамияти томонидан қасос олиш нияти – белгиланган хатти-ҳаракатлар стратегияси сифатида тушунилишини эслашнинг ўзи кифоя [2].

Бошқача айтганда, маданий жиҳатдан шартланган ҳиссий концептларни ҳиссий семиотикани ҳисобга олган ҳолда ўрганиш зарур.

**Адабиётлар**


1. Красавский Н. А. Эмоциональные концепты в немецкой и русской лингвокультурах : монографія. – Москва: «Гнозис», 2008. –С. 374.
2. Носирова Г.М. Оламнинг лисоний манзарасида эмоционал концептлар. Филол.фан. д-ри. ...(DSc) дисс. –Тошкент: 2021. 21-б.
3. Шаховский В. И. Эмоциональные культурные концепты: параллели и контрасты. // Языковая личность: культурные концепты: Сб. науч. тр./ВГПУ, ПМПУ. - Волгоград – Архангельск: 1996. - С. 86.
4. Шаховский В.И. Типы значений эмотивной лексики // Вопросы языкознания. 1994. № 1. – С. 20–21.
5. Шаховский В.И. Эмотивная лингвоэкология: комплексный подход к изучению языка, речевой деятельности и человека // Вопросы психолингвистики. 2014. № 1 (19). – С. 13–22.



**РЕЗЮМЕ.** Мақолада ҳиссий концептлар семантик – психологик ва ҳиссий-эстетик реаллашуви тил ташувчиси бўлган лисоний шахс ҳиссий – лисоний онгида индивидуал, маданий ва фаол коммуникатив ҳаракатлар ўзига хос хусусияти билан фарқланиши кўриб чиқилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается семантико-психологическая и эмоционально-эстетическая реализация эмоциональных концептов в эмоционально-языковом сознании языковой личности - носителя языка, отличающегося характеристикой индивидуально-культурных и деятельностных коммуникативных действий.

**SUMMARY.** In the article, the semantic-psychological and emotional-aesthetic realization of emotional concepts is considered in the emotional-linguistic consciousness of the linguistic person who is the carrier of language, which is distinguished by the characteristic of individual, cultural and active communicative actions.


## KIYIM-KECHAK NOMLARINING TURKIY TILLARDAGI TASNIFI MASALASI

*(bosh kiyimlar misolida)*


**G.Danabayeva –** *magistrant*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so‘zlar:** kiyim, kiyim-bosh, bosh kiyim, qalpoq, do‘ppi, taqiya, kalapo‘sh, quloqchin, bo‘rk, telpak.

**Ключевые слова:** одежда, головной убор, шапка, тюбетейка, калапуш, ушанка, бурк, тельпак.

**Key words:** clothes, headwear, cap, skullcap, kalapush, earmuff, burk, telpak.


Kiyim insoniyat tarixining ilk davrlarida tashqi ta’sirlardan muhofaza qilish vositalaridan biri bo‘lgan bo‘lsa, keyinchalik uning vazifasi doirasi kengayib, boshqa xususiyatlar ham kasb etdi. Ayni damda kiyim insonni tashqi ta’sirlardan muhofaza qilish bilan birga, uning ijtimoiy taraqqiyot faktorlari majmuini o‘zida aks ettiruvchi, inson tanasini u yoki bu darajada berkitib, o‘rab, bezab turuvchi narsalar yig‘indisidir. U ijtimoiy hodisa bo‘lib, jamiyat taraqqiy etgan sayin u ham taraqqiy etib, rivojlanib boradi.

Insonning kiyinish ehtiyojini o‘tovchi buyumlar majmuining umumiy nomi o‘zbek adabiy tilida *kiyim, kiyim-kechak*, so‘zlashuv nutqida *yengil, yengil-bosh* (*yengilvosh*), *kiyim-bosh* (*kiyimvosh*), *ust-bosh* (*ustvosh*) kabi atamalar bilan ifodalanadi. Kiyimlar inson tanasining qaysi qismiga kiyilishiga, ya’ni turiga qarab kiyim-kechak nomlarining turkiy tillardagi leksik-semantik xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz.

Dastlab kiyim-kechak nomlariga xalqimiz qarashlarining har xil diniy tushunchalarga, irimlarga bog‘liq ma’no anglatishi haqida, xususan bosh kiyimlar borasida ozgina to‘xtalib o‘tmoqchimiz. Turkiy xalqlarning aksariyatida bosh kiyim hozirgi kungacha kiyeli deb uni yuqoriga ilib qo‘yish, yerga qo‘ymaslik, oyoqqa bosmaslik lozimligi haqida ko‘p ishonch bilan irimlar mavjud. Xalqimizda: «erkak kishilarning dasturxon boshida yalangbosh o‘tirmasligi, ovqatdan keyin fotiha qilganda bosh kiyim kiyib qur’on o‘qishi lozim, yo‘qsa uyning barakasi qochadi. Ayol kishi yalangbosh yurishga bo‘lmaydi, elning baxti qaytadi» -degan irimlar bor [1:27-28]

O‘zbek tilida bosh kiyim guruhiga kiruvchi kiyimlar ikki qismga ajraladi: a) boshga kiyiladigan kiyimlar b) boshga o‘raladigan kiyimlar

**Erkak kishilarning bosh kiyimi nomlari** o‘zbek tilida*: qalpoq, do‘ppi,(taqiya, kalapo‘sh), quloqchin, bo‘rk, telpak;* qoraqalpoq tilida: *bo`rik, soppas, qurash, degeley, telpek, sho`girme, qulaqshi`n, yshqulaq, iytqulaq* va rus tilidan kirgan: *kubanka, furajka, pilotka* nomlari eskirgan nomlar bo‘lsa, *qalpaq, papaq, toppi, tumaq, malaqay, taqiya* atamalari esa hozirgi qozoq va qoraqalpoq adabiy tilida unumli ishlatiladi. Shuningdek, bosh kiyimlar orqali erkak kishilarga nisbatan yigitlik vazifasini bajarishda ramziy ma’nolarga ishora qilinib «*boshingda telpaging bor, yigit kishisan, bir so‘zli bo‘l*» degan ma’noda qo‘llaniladi. Qoraqalpoq tilining lug‘at tarkibida *bo`rik, oramal* obrazli motivda xalqimiz dasturiga xos ramziy ma’nolar ham keng qo‘llaniladi. Masalan: Qiz o`sse eldin` ko`rki, Ul o`sse eldin` *bo`rki*. *Oramal* ton bolmaydi, jol boladi (Xalq naql-maqollari). Yuqorida keltirilgan bosh kiyim nomlari *telpek, bo`rik* kiyimlari orqali erkak kishilarning yigitlik or-nomusi, ro‘mol ayollarning turmush yo‘lini belgilab beradigan ramziy xarakterga ega.

**Ayol kishilar bosh kiyimi nomlarining** deyarli ko‘pchiligi bosh o‘rash va yopinchiq xizmatini bajaradi.

O‘zbek tilida boshga o‘raladigan kiyimlar asosan *ro‘mol, peshonabog‘, lachak, durra, durracha* deya nomlangan. Ayollarning boshiga yopinadigan narsalarining kirib kelishi ko‘pincha islom dini bilan bog‘liq bo‘lgan. Boshga yopinadigan *paranji* (o‘zbek tilida), keyinchalik *yopinchiq, jawliq, kiymeshek, jegde* (qoraqalpoq tilida) kelinchakning yuzini boshqa insonlarning nazaridan saqlagan va erkak kishilarga yuzini ko‘rsatmaslik uchun boshlariga yopingan. Masalan: Bet-a`lpetin biyge ko`rsetiwge iybe yetip, *jegdesin* ko`zine sa`l tu`sirin`kiredi de, a`ste g‘ana so`ylep, bolg‘an ha`diysenin` ushli`g‘i`n bayan qi`ldi`.

Darvoqe, *ro‘mol* so‘zi dastavval *ro‘mol<ro‘yimol* yuz-qo‘lni artish uchun mo‘ljallangan atama sifatida ishlatilgan. Keyinchalik esa bu so‘z buyum nomi boshga o‘raladigan kiyim turi nomiga ko‘chgan. Bet-qo‘lni artish uchun mo‘ljallangan buyum turi *ro‘molcha* yoki *sochiq* so‘zlari bilan ifodalangan. Masalan: *Ro‘molchani elkaga solib, nonvoylikka qarab yugurdim* (“Shum bola”, 261-bet)

Qadimgi davrlarda turkiy tillarda ro‘mol burunchuq tarzida ishlatilgan. Bu so‘z Mahmud Qoshg‘ariy “Devonu lug‘otit turk” asarida ikki xil ma’noda: 1) peshonabog‘ (ro‘mol); 2) boshga o‘raladigan, yopinadigan yopinchiq [5:467]. Bu qadim davrlarda, paranji urf bo‘lmagan paytda, *ro‘mol* asosan yopinchiq vazifasini o‘tagan. Bunday holatni yaqin o‘tmishgacha O‘rta Osiyoning ayrim tumanlarida paranji o‘rnida ro‘mol yopinib yurganlaridan bilsa bo‘ladi.

Turkiy tillarda ro‘mol *yovliq // jovliq ro‘mol* so‘zining o‘ramol, vo‘ramol shakllari qipchoq tip tillarining ichki fonetik xususiyatlarini ko‘ramiz. Bu so‘zning eski o‘zbek tilining turkiycha variantida *yog‘liq* tarzida uchratamiz. Qozoq, qoraqalpoq tillarida bu *mayli`q//dasmal* tarzida ishlatiladi. Alisher Navoiy asarlarida bu so‘z uchraydi. Masalan: *Jola binafshaga urub toshini, bog‘lab ko‘k yog‘lig‘ ila boshini*.

O‘zbek xalqida azaldan bosh kiyim sifatida asosan *ro‘mol* o‘ralgan. Yoshi va mavqeiga, oilaviy ahvoliga qarab turli xil ro‘mol — *doka ro‘mol, shol ro‘mol, g‘ijim ro‘mol* va boshqa xil ro‘mollar o‘ralgan, o‘ralish usuli ham turlicha bo‘lgan. Qizlar uchun qulay bosh kiyim *do‘ppi* hisoblangan. Do‘ppilardan *iroqi chorgul, yo‘rmado‘zi, munchoq gulli, zardo‘zi, iroqi do‘ppilar* mashhur. Bosh kiyimlari ustidan chiroyli naqshlar bilan bezatilgan tillaqosh, bo‘yinga ularga mos bo‘yintumor, zebigardon, qo‘lga bilaguzuk, uzuk va boshqa taqinchoqlar taqilgan.

Keyinchalik bu so‘z ma’no taraqqiyotiga ko‘ra vazifasi o‘zgarib, *ro‘mol* faqat boshga o‘raladigan buyum turining nomi sifatida qolgan. Ilgari ro‘molning bu turini boshga yoyib, yopinib, yopinchiq sifatida foydalanishgan. Balki shu formadan kelib chiqib *bosh yaylig‘i* kelib chiqqan bo‘lishi mumkin. *Yog‘liq* – qozoqlarda *jawli`q*. Ammo jawli`qni qozoq kelinchaklari o‘zlari kiyadigan *kiymachak* (kimeshek)ning ustidan o‘raydilar. Bu tipdagi buyumlar o‘ralish usuliga ko‘ra qozoqlarda turlicha nomlangan. Jumladan, *qos jawli`q* (qo‘sh yog‘liq) - qo‘shqavat yog‘liq); *burama jawli`q*, (ikki qavat qilib burab o‘raladi); *asti`ng‘i` jawli`q* – (ro‘mollarning ostidan o‘raladi); *ustingi jawli`q* (ust ro‘mol); qirg‘izlar shu tipdagi bosh kiyimini *kiyma elechek* deyishadi. Aksariyat turkiy til lug‘atlarida va ayrim manbalarda ro‘mol o‘rnida yuqorida ta’kidlanganidek, *yovliq* so‘zi uchraydi.

Mazkur *kiymachak* so‘zi qoraqalpoq xalqida ham keng turda ishlatiladi. *Kiymeshek* – qoraqalpoq ayollarining eng mashhur bo‘lgan dasturiy bosh kiyimi hisoblanadi. XIX asr oxiri XX asr boshida kashtalab ishlangan ayollar bosh kiyimlaridan biri. Kiymeshek so‘zi «kiyim-kechak» degan negizdan kelib chiqqan va qisqartirib *kiymeshek* bo‘lib shakllangan [3:102-104].

Bundan tashqari qoraqalpoq xotin-qizlari kiyimlarini to‘liqtiradigan va estetik chiroy bag‘ishlaydigan turi – ziynatli bosh kiyim *sa`wkele* bo‘lib hisoblanadi. *Sa`wkele* – eron tilidan kirgan «*sho*-(podsho), *kulo*-(bosh kiyim) – podshoning toji» degan ma’noni anglatadi [6:134-138]. Shuningdek, I.V.Bogoslovskaya «desyat karakalpakskix saukele» maqolasida *sa`wkele* haqida E.V.Rtveladze fikrini keltiradi: «Eski xorazm va so‘g‘d tillarida *sau* «qora», *kala, kele* – «bosh kiyim» deb, bu berilgan ma’lumot qoraqalpoq etnonimining etimologiyasiga yaqin ekanligini ta’kidlaydi. Shuningdek, mil. avv. VIII asrda eng so‘nggi Xorazm shohi kiygan *Shau* (Sau) *Shafan* so‘zidagi *saw* «qora» so‘zi bilan bog‘liq [4:111] deb keltirgan. Bu atamani qozoq xalqida ham uchratish mumkin.

Turkiy tillarda ro‘molning hajmiga qarab ham har xil qo‘llanganligini ko‘rishimiz mumkin. Masalan, o‘zbek tilida ro‘molning kichik hajmdagi turlari *durra//durracha* (Andijon, Namangan); *dakana, peshonabog‘* (Toshkent); *sallacha* (Andijon); *manglaycha* (Shovot tumanida); *peshanavat//peshanavot* (Surxondaryo) kabi nomlar yuritiladi.

Tilimizda ro‘mol atamasi so‘nggi davrga kelib o‘rash so‘zidan kelib chiqqanligi ko‘rsatilgan. Bosh o‘rash deganda har xil uzun matodan, gazlamalardan boshni aylantirib o‘rash tushuniladi. Qoraqalpoq ayollari bosh o‘rashning chevari bo‘lib, qizlarga hayvonsimon bosh o‘rash usulini o‘rgatgan. Qoraqalpoq xalqining ro‘mollarni o‘rash namunalari tilimizda *haywanqas, haywanshaq* deb nomlangan. Masalan: Qi`z jen`gesi basi`na *haywanqaslap oralg‘an aydi`nli`si`ni`n`* iyninen to`men tu`sip turg‘an ushi`n tislep, oylani`p qaldi` (K.Karimov). Ro‘molni boshiga o‘ragan payt oldi hayvon shoxiga o‘xshab chiqib turganligi bois shunday nomlangan. Masalan: Tek anasi` *bas orag‘an* gezde Jumagu`l qasi`nda oti`ri`p *shaqi`n* sa`l ko`terin`kiredi. (T.Qayipbergenov).

Bu kabi nomlash bizning o‘zbek xalqida ham uchragan. *Durra* – ro‘molning kichikroq turi. Uning ipakdan to‘qilgani *ipak durra*, ro‘mol ustidan cho‘chchaytirib o‘rab olinadigan kichikroq xili *durracha* deyilgan. Masalan: *Durrachani dol qo‘yib o‘ynaydi gulyor-gulyor* (Ashula). *Durra* turkiy so‘z bo‘lib, o‘zbeklar bilan aralash yashaydigan tojiklar xiliga ham kirgan. *Lokki* – keksa ayollar boshidan tushib ketmasin uchun uning ustidan buklab-buklab o‘rab oladigan ro‘mol *lokki* deyiladi. Buxoro, Samarqand va Toshkentda *lokki* o‘rnida peshonabog‘ so‘zi ishlatiladi. Peshonabog‘ so‘zining ma’nosi keng. U ro‘molning har qanday kichik turini ifodalayveradi. Lokki va uning fonetik variantlari lakki/lokkidir. Bu so‘z Zomin, Hulkar, Bog‘ishamol, Cholqishloqda ro‘molning buklab-buklab, tepasini cho‘chchaytirib peshonaga bog‘lanadigan turini anglatadi [2:30].

Tilimizda ro‘mollarning bir nechta turlari mavjud va ular o‘ziga xos nomlanish xususiyatiga ega. Rus tilidan kirib kelgan *kosinka ro‘mol* – (kosinka ot kosoy) tilimizdagi qiyiq ro‘mol degan ma’noni anglatadi. Ro‘mollar ipak iplardan yoki qo‘y-echki junidan to‘qilganligi bois, ularning *jun ro‘mol (o‘zbek tilida), tu`bit oramal (qozoq tilida), puxli` oramal (qoraqalpoq tilida)* va h. nomlari bor. *Geji* – ipak ro‘molning bir turi. Ro‘molning bu turini ko‘proq qozoq va qoraqalpoq tillarida, xususan, *qara geji, aq geji, qi`zi`l geji* turlari uchraydi. Uning hajmi 8,10,12 chorak bo‘lib, xalqimiz ro‘mollar ko‘lamiga qarab: *on eki shereklik geji oramal, on shereklik geji oramal, segiz shereklik qi`zi`l geji oramal* deb nomlagan.

Bosh kiyim turlaridan *bo‘rk, qalpoq, do‘ppi* turkiy so‘zlardir. Leksikografik manbalardan *qalpoq* so‘zi qozoq, qirg‘iz, turk, tatar tillariga oidligi aytiladi.

Xulosa qilib aytganda turkiy tillarda har bir millatning yashash sharoit, mentalitetidan kelib chiqib bosh kiyim o‘ziga xos qadrlanishining guvohi bo‘ldik.

**Adabiyotlar**

1. Абдиев А. Қарақалпақ ырымлары. –Нөкис, 2014.
2. Асомутдинова М. Кийим-кечак номлари изоҳли луғати., Т., “Фан” нашриёти, 1981

3. Аўҳадиева З.Ж. Қазақ тіліндегі улттық киімдер атаўының этнолингвистикалық сипаты. – Алматы технологиялық университетиниң хабаршысы. 2017, №1(114)

4. Богославская И.В. Десять каракалпакских саукеле. // Этнографическое обозрение. №4, 2014

5. Кошғарий М. Девону луғотит турк. I том

6. Морозова А.С. Каракалпакский женский шлемовидный головной убор «Саукеле», Научные труды ТашГУ, выпуск 200, Археология Средней Азии, VI. –Ташкент, 1963

7. Содиқова Н. С, Ўзбек кийими, Т., 2002; Занятия и быт народов Средней Азии, Л., 1971;

8. Сухарева О. А., История среднеазиатского костюма. Самарқанд (2-пол. 19 – нач. 20-в.), М., 1982;

9. Чориев Б. Ғафур Ғулом шеърияти тили. – Т., 1994

10. Ундерова Л. В., Ўзбекская народная одежда конца ХИХ-ХХ в., Т., 1994.



**REZYUME.** Mazkur maqolada kiyim-kechak nomlarining turkiy tillardagi leksik-semantik xususiyatlari bayon qilingan. Xususan, erkak va ayol kishilarning bosh kiyimlarining turkiy xalqlarda ishlatilish jarayonlari, kelib chiqish tarixiga alohida diqqat qaratilgan .

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассмотрены лексико-семантические особенности названий одежды в тюркских языках. В частности, особое внимание уделяется истории использования наименований мужских и женских головных уборов у тюркских народов.

**SUMMARY.** This article describes the lexical-semantic features of clothing names in Turkic languages. In particular, special attention is paid to the history of the use of men and women's headdresses in Turkic peoples.


## O‘ZBEK XALQ MAQOLLARIDA ANTITEZANING IFODALANISHI


**B.X.Eshmanova –** *magistrant*

*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*



**Tayanch so‘zlar:** paremiologik birlik, ko‘chma ma’no, tazod, maqol, grammatik qurilish, qarama-qarshilik, antonomiya, ziddiyat, sodda gap, hikmatli ibora, differensial sema.

**Ключевые слова:** паремиологическая единица, переносное значение, противопоставление, пословица, грамматическая конструкция, антонимия, конфликт, простое предложение, мудрая фраза, дифференциальная сема.

**Key words:** paremiological unit, figurative meaning, analogy, proverb, grammatical structure, contradiction, antonymy, contradiction, simplicity, wise phrase, differential sema.


**Kirish.** Har bir xalq o‘zining ma’naviy-ma’rifiy qadriyatlarini chuqurroq anglashga, oz tarixini ko’proq bilishga intiladi. Shuningdek, har bir millat va elatning o‘ziga xos urf-odati, an’analari, milliyligi, qadriyati shu xalq tarkib topgan ya’ni shakllana boshlagan davrlardan balki, undan ham avval shakllangandir. Aynan mana shunday urf-odat va marosimlar xalqning kim ekanligini ko‘rsatib beradi. Yozuvchi Tog‘ay Murod aytganidek: *«Xalq nimasi bilan xalq! O’zining urf-odatlari bilan xalq! Otabobosidan qolgan milliy an’analari bilan xalq!* [1:47].

Maqollar esa bizga qadim o‘zbek xalqining eng botiniy urf-odatlari, an’analari, marosimlari, his-tuyg’ulari, afsonalari, rivoyatlari, yurish-turishi, turmushi, mehnat faoliyati, jamiki moddiy va ma’naviy olamini aks ettirib beradi. Bunda maqollarning afzallik jihati shundaki: Maqol oddiy so‘z yoki gap orqali ifodalangan fikrdan ta’sirli va ixcham shaklga egaligi, shuningdek, xulosa yo’sinida berilishi, hukm ya’ni rad etilmaydigan, to‘g‘ridan to‘g‘ri qabul qilinadigan paremiologik birlik sifatida tilimizda muhim o‘rin egallaydi.Bu xususiyatlar ayniqsa ichki qarama-qarshi semali maqollarda juda ham ta’sirli aks etadi.Differensial semali maqollar kuchli hukmni ifodalab,tinglovchining tuyg’ulariga ta’sir qiladi va uni junbushga keltiradi.Xuddi shunday maqollar orqali ifodalangan fikr va mazmunda so‘zning butun qudrati namayon bo‘ladi.Bunday maqollar ko‘chma ma’noda yoki o‘z ma’nosida ham qo‘llanishi mumkin. Differensial semali maqollar ko‘pincha qo‘shma gap ko‘rinishida, ba’zan sodda gap shaklida ham namoyon bo‘ladi.

**Adabiyotlar tahlili va metodlari.** Maqolada bugungi o‘zbek tilshunosligida differensial semali maqollar ifodalangan bo‘lib,bunda bir nechta maqollar orqali ular tarkibidagi leksik-semantik qarama-qarshilik xususiyatlari xususida so‘z boradi. Jahon tilshunosligida maqollar tadqiqiga berilgan baho va mazkur hodisaga turlicha yondashuvlar mavjudligi haqida fikr yuritiladi. Adabiyot sifatida matnning lingvistik mohiyati bilan bog‘liq bo‘lgan ilmiy adabiyot, monografiya va dissertatsiyalar tahlilga tortilgan.

Muhokama va natijalar. M.Qoshg‘ariy XI asrdayoq turkiy xalqlarning hikmatli iboralaridan juda katta qismini o‘zining “Devon”iga kiritib, ularni qanday vaziyatda, qaysi mazmunda qo’llanishini arab tilida izohlagan edi. “Devonu lug‘otit turk”da xalq og‘zaki ijodiga oid 300dan ortiq she’riy parchalar, 291ta maqol va matallar keltiriladi [2:49].

Keyinroq o‘zbek tilshunosligida xalq maqollari boshqa bir yo’nalishda tadqiq etila boshlandi, ya’ni yozuvchi va shoirlar asarlarining tili va uslubiga oid ko‘pgina ishlarda, nomzodlik dissertatsiyalarida xalq maqollarining ma’noviy, uslubiy xususiyatlarini o’rganishga alohida e’tibor berildi. Bu borada A.Rustamov, H.Sulaymon, Sh. Shomaqsudov, Sh.Shorahmedov, H.Berdiyorov, R.Rasulov, S.Asqarov, A.Jo’raxonov, M.To‘ychiyev, M.Hakimovlarning [3:85-87] ishlarini keltirish mumkin. O‘zbek tilshunosligida xalq maqollarining to‘laqonli sinonimik lug‘atini yaratish kabi muhim vazifa B.Jo’raeva tomonidan uddalandi [4:79].

Maqol-hayotiy tajriba asosida xalq tomonidan yaratilgan, odatda pand-nasihat mazmuniga ega bo’lgan, ixcham obrazli, tugal ma’noli va hikmatli ibora yoki gapdir [5:569]. Biz bu maqol va matallarni qanchalik ko’p o‘rgansak ham ozdir,chunki biz maqollar orqali o’tmish ajdodlarimizning butun bir hayotiy faolyati ularning sezimlari,orzu o‘ylarini his etamiz va ulardan kerakli darajada xulosalar chiqaramiz. “Maqol” atamasi arabcha qavlun-gapirmoq, aytmoq so’zidan olingan**.**Maqol orqali aytilgan fikr kishiga juda qattiq ta’sir qilishi bilan ham inkor etib bo‘lmaydigan haqiqatga aylagani bois ham bu janrga e’tibor kuchlidir.

«Maqol kamida bitta gapga teng keladi, hukm xarakterida bo‘lib, Grammatik fikr ifodalaydi, o‘z ichki Grammatik qurilishi jihatidan ham doim gapga teng bo‘ladi, undan anlashilgan mazmun faqatgina tasviriy yo’l bilan ochiladi» [6:24]. Lekin maqollarning orasida oppozitsion munosabat ifodalaydigan turlari alohida ahamyatga molikdir.

Jaloliddin Rumiy aytganidek: «Har qanday «ashyo»ning qimmati zidi bilan ayon bo‘ladi, zidi bo’lmagan narsani ta’rif etish imkoniyatdan tashqaridadir. Tangri nurning oshkor bo’lishi uchun qorong’u etib yaratilgan mana bu olamni mavjud ayladi [7:74], – deydi. Mana shunday ziddiyat, qarama-qarshilik tushunchasi maqollarning leksik-semantik asosida ham uchraydi. Bunday maqollar orqali berilgan ibratomuz fikr kishiga kuchliroq ta’sir qiladi. Uni o’yga toldiradi, fikrlashga majbur qiladi.

Masalan shunday maqollardan biri: ***Achchiq bilan chuchukni totgan bilar, uzoq bilan yaqinni yurgan*** [8:24]. Bu maqoldagi ***achchiq-chuchuk, uzoq-yaqin*** so’zlari o’zaro ma’noviy antonimlikni yuzaga chiqaryapti va qarama-qarshilik orqali maqol mazmuni yanada ta’sirliroq ifodalanyapti. Bu maqol xalq orasida ko’pincha ko’chma ma’no ifodalab, biror bir voqea hodisani o’zining boshidan o’tkazgan, o’z hayotida ko’rgan, sinagan, o’sha vaziyatga tushgan inson biladi. Undan boshqa odam bu holatni to’la

his qila olmaydi degan ma'no bor. Shuningdek, bu maqol ko'pni ko'rgan tajribali kishi ma'nosini ham ifodalaydi.

***Ahmoqlarga bosh bo'lguncha, donolarga yosh bo'l.*** Bu maqolda esa ***ahmoqdono, bosh-yosh*** so'zlari ma'noviy qarama-qarshilikni yuzaga chiqaryapti. Maqolda ibratomuz nasihat aks etgan bo'lib, bu oddiy nasihat bo'lmay, bu maqoldagi butun bir mazmun mohiyatni kuchaytiryapti va ifodaviylik, ta'sirchanlikni yanada kuchliroq yuzaga chiqishini taminlayapti. Bu maqol orqali ba'zi nodon, aqlsiz, ilmsiz, johil odamlar orasida o'zingni ko'rsatib, ularga bosh bo'lib yurgandan ko'ra, o'zingdan aqlli va bilimli, dono insonlar orasida yosh bo'l ya'ni tajribasiz bo'l va ulardan o'rgangin ma'nosini beradi, chunki bilimning, ilmu ma'rifatning chegarasi yo'q. Faqatgina ahmoqlargina har narsani bilaman deb o'ylaydi. Aksincha, inson qanchalik ko'p bilsa, shuncha bilmasligini his qiladi.

***Shakar ham tida, zahar ham.*** Bu maqolda ***shakar va zahar*** bir-biriga qarama qarshi so'zlar. Bizga ma'lumki, har qanday kasallikka da'vo bo'lsa ham til zahridan zaharlangan insonga da'vo yo'q, chunki insonda ko'ngil, qalb nomli azolar, borki, bu insondagi eng nozik azolardir. Agarda inson qalbi yomon so'zdan yaralansa, hech qachon tuzalmaydi. Tuzalsa ham, yanggilanib ketaveradi, Shuning uchun ham ko'ngil mumtoz adabiyotining asosiy tasvir manbai hisoblanadi. Chunki tasavvuf ta'limotiga ko'ra, Alloh kishining ko'nglidagina aks etadi. Ishq ham ko'ngil ishidir. Shuning uchun ham bu maqol xulosa yanglig' insonni shirin tillilikka, boshqalarga tili bilan ozor bermaslikka undaydi.

***Kattaga hurmatda bo'l, kichikka-izzatda.*** Bu maqolda ***katta va kichik*** so'zlari o'zaro antonimlikni yuzaga chiqarib, hissiy ta'sir yuqoriligini ta'minlab bermoqda. Maqolda o'zbek xalqiga azal-azaldan xos bo'lgan kattalarni hurmat qilish, kichiklarni izzat qilib doimo ularga g'amxo'r bo'lish kabi insoniylik xislatlari aks etgan. Kattalarga hurmat ular gapirganda gapini bo'lmasdan tinglash, ulardan oldin dasturxonga qo'l uzatmaslik, o'zidan yoshi ulug'larga salom berish, ular agar nohaq bo'lsa ham gap qaytarmaslik va yana bir qancha o'zbeklarga xos odatlar kattalarga hurmatning bir ko'rinishidir. Kichiklarga izzat esa ularni yaxshi ko'rish, ularni himoya qilish, ularning tarbiyasiga e'tibor berish, ularni shirin so'zlar bilan ruhlantirish va boshqalardir. Qisqa qilib aytganda bu maqol o'zbek millatining mentalitetiga har jihatdan xos va mosdir.

Maqollardagi bunday qarama-qashilikni yuzaga chiqarayotgan so'zlar badiiy adabiyotda **tazod** deb atalgan alohida san'atini yuzaga chiqaradi.

«Aksariyat maqollarda ikki mantiqiy markaz o'zaro ziddiyatli munosabatda beriladi, bunda tazod san'ati asosiy badiiy-tasviriy vosita sifatida estetik vazifani o'taydi: *«Avval o'yla, keyin so'yla», Ko'p o'yla, oz so'yla», Avval bahor, oxir xazon», Bas etgan o'zar, qasd etgan to'zar», Boyning o'g'li kelsa to'rga-to'rga, kambag'alning o'g'li-go'rga», Yomon o'g'il - molga o'rtoq, Yaxshi o'g'il- jon-ga»,* Ishlagan yerni yashnatar, ishlamagan qaqshatar» singari maqollarda o'git mag''i yaxshi va yomon nisbatlarining o'zaro qarama-qarshi qo'yilishi natijasida yarqirab turibdi va bu maqollarda antonomiya hodisasi tarzida qaraladi [9:297].

Qarama-qarshilik antik davrdanoq faylasuflar e'tiborini o'ziga jalb etib kelgan kategoriya sifatida xarakterlanadi. Sokrat, Platon, Aristotel, Protagor, Demokrit kabi faylasuflarning ilmiy qarashlarida bu kategoriya turlicha talqin etib kelingan [9:5]. Ayniqsa, Aristotelning qarama-qarshilik haqidagi ilmiy qarashlari alohida e'tiborga molik. T. F. Chursunova Aristotelning falsafiy qarashlariga baho bera turib, shunday deydi: «Antanomiyaning o'rganilishi qadimgi yunon faylasufi Aristoteldan boshlangan. [9:5]. Qarama-qarshilik borliqdagi asosiy mezonlardan hisoblanadi.

Olamni anglashda qarama-qarshilik kategoriyasining o'rni beqiyos. Falsafiy nuqtayi nazardan har qanday hodisaning o'rganilishi, ertami-kechmi, ularning qarama-qarshi tomonga murojat qilinishiga olib keladi. Masalan, B. Spinoza «Etika» asarida histuyg'ularning tabiatini ochishda qarshilantirishdan unumli foydalanadi va ularning ifodasini so'zlarni qarshilantirish orqali tushuntiradi. Faylasuf hodisalarga kontrast asosida yondashayotganini quyidagi fikrlar orqali asoslaydi: «Aniqlash-bu qarshi qo'yish demakdir» [9:6].

Gegel shunday degan: *«Qarama-qarshilik – haqiqat mezoni, Qaramaqarshilikning yo'qligi esa xatolar mezoni».* Bunday fikrlar orqali Gegel falsafada qarama-qarshilikning g'oyat muhim hodisa ekanligini isbotlagan. Qaramaqarshilikning tildagi ahamiyati ayniqsa maqollarda yaqqol seziladi.

**Xulosa**. Xulosa qiladigan bo'lsak, maqollardagi differensial semalar maqollarning mazmuni va ta'sir doirasini yanada orttiradi. Insonga ta'sir doirasi oddiy so'z yoki gapga qaraganda kuchli va bo'yoqdor bo'lib, badiiylikni ifodalab, ixcham va xulosalash yo'sinida jarangdor eshitiladi. Tilimizda bu kabi maqollarning ko'pligi o'zbek xalqining naqadar ko'pni ko'rgan, hayot tajribasi nihoyat darajada yuqori ekanligidan dalolatdir. Shuningdek, bunday maqollarda fikrimizni yana bir bor foydalanib, uning tub mag'zini chaqib ko'rishimiz esa ota-bobolarimiz, ajdodlarimiz aytgan har bir ibratli va purma'no firlarga amal qilib, ularga hurmat bilan qarashimizning nishonasidir. Bundan ko'rinadiki, o'zidan kattalarni hurmat qilish, bobolar pandiga amal qilish o'zbek xalqining qon-qoniga singib ketgan muqaddas tuyg'ular hisoblanadi.Shuning uchun so'zlash jarayonida so'zlarni o'rinli qo'llash va ularning uslubiy bo'yoqdor-ligiga e'tibor qaratmoq lozim. Shiralilik, bo'yoqdorlik, tasirchanlik,esa aynan zid ma'noli maqollarin o'z nutqimizda qatnashtirib so'zlashda namoyon bo'ladi.

## Adabiyotlar


1. Tog'ay Murod. "Yulduzlar mangu yonadi". Qissalar. -Toshkent: «Sharq», 2009. 47-b.
2. Abdurahmonov G'. "Devonu lug'otit turk"asarining o'rganilish tarixidan. // O'zbek tili va adabiyoti. 2009, № 6. 49-b.
3. Jo'rayeva B. O'zbek xalq maqollarining qisqacha sinonimik lug'ati. –T.: «FAN», 2006.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati A.Madvaliyev tahriri asosida. –Toshkent: 1981. 569-b.
5. O'zbek xalk maqollarining lingvistik asoslari [matn ] B. Jo'rayeva. – Toshkent: Akademnashr, 2019. 24-b.
6. Mavlono Jaloliddin Rumiy. Ichingdagi ichingdadir: Falsafiy asar. // Tarjimon Ulug'bek Hamdam; Mas'ul muharrir Najmiddin Komil. –Toshkent: «Yozuvchi», 1997. 74-b.
7. O'zbek xalq maqollari. (Tuzuvchilar: T. Mirzayev, A. M Usoqulov, B.Sarimsoqov; Mas'ul muharrir: Sh.Turdimov. – Toshkent: «Sharq», 2005. 281-b.
8. Safarov Oxunjon. O'zbek xalq og'izaki ijodi: pedagogika oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: «Musiqa», 2010. 297-b.
9. Abdullayeva D. O'zbek tilida antisemiya Filol. Fanlar nomzodi diss. . . avtoref. – Toshkent: 2010. 5-b.


**REZYUME.** Maqolada differensial sememali (antiteza) maqollar ifodalangan bo'lib, bunda bir nechta maqollar orqali ular tarkibidagi leksik-semantik qarama-qarshilik xususiyatlari ochib berilgan. Aynan mana shunday qarama-qarshliklar maqollardagi hissiy-mazmuniy ta'sir doirasini yanada orttirishi ifoda etib o'tilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье представлены пословицы с дифференциальными семемами (антитезисами), а также описана характеристика лексико-семантических противоречий в них. Именно такие противоречия увеличивают диапазон эмоционального и смыслового воздействия в пословицах.

**SUMMARY.** The article describes the differential semantic proverbs, which reveal the features of lexical-semantic contradictions in them through several proverbs.

# ТИЛ ВА МЕНТАЛИТЕТ ТУШУНЧАЛАРИ МУШОҲАДАСИ

**И.Р.Казаков –** *филология фанлари номзоди, доцент*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** менталитет, урф-одат, анъана, миллий характер, вербал ва новербал воситалар, паремия.
**Ключевые слова:** менталитет, обычай, традиция, национальный характер, вербальные и невербальные средства, паремия.
**Key words:** mentality, custom, tradition, national character, verbal and non-verbal means, paremia.

Менталитет тушунчаси турли илмий адабиётларда турлича таърифланган. Баъзи ишларда «менталитет – анъанавий, миллий одатлар, турмуш тарзи, фикрлаш, ахлоқ билан аниқланувчи дунёни ҳис қилиш, дунёни қабул қилишдир» [1] деб изоҳланса, кейинги ўринда «менталитет – жамоавий ва индивидуал онгнинг чуқурлигидир, у ўз ичига онг остини ҳам қамраб олади. Менталлик – индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаракат қилиш, фикр қилиш, ҳис қилиш ва дунёни муайян жиҳатдан тушуниш, англаш майли ва йўналишлари мажмуидир» [2:72] каби тавсифланади. Менталитет маданиятшунослик фанининг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Бу эса унинг ўз ичига миллат ва халқларнинг маданий ҳаётига дахлдор кўпгина жиҳатларни камраб олишидан келиб чиқади.

Менталитет – бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳис-туйғулари, онги ва шуури, иродасида намоён бўлади. У тилга, тарбияга асосланади. Шу тариқа миллий маданиятнинг бир қисмини ташкил этади. Зеро, маданиятнинг миллий хусусияти унинг қадимдан мерос бўлиб келаётган урф-одатларида, халқ менталитетида кўзга ташланади. Менталитет тарихийликка эга бўлиб, асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган тарбия натижасидир.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига хос руҳияти, маданияти, тарихи, тили, шунингдек, менталитети билан ажралиб туради. Менталитет (немисча «mentalitat» – «тафаккур», «фикрлаш услуби») [3:370], (инглиз тилида «mentality» – «тафаккур», «фикрлаш») [4:587] маъноларини англатади. «Менталлик – бир инсон ёки бир неча инсонга тегишли бўлган билимлар мажмуи, миллий урф-одатлардир. Менталитет инсонларнинг ахлоқи ва хулқидан келиб чиқиб, уларнинг муомала маданиятида ўз аксини топади, унинг доирасида ақлий ва жисмоний тайёрликни кўриш мумкин. Менталитет инсонларни оламга ва атроф-муҳитга нисбатан фикрларини намоён этади» [5:148]. Қуйидаги манбада: «Менталитет (лотинча mentalis – ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳиятдир. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади. Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлади» [6:595] деган таъриф берилган. Бошқа бир манбада «менталитет – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати» деб изоҳланган [7:580]. Демак, менталитет – асрлар оша бизга қадар етиб келган қадр-қиммат, урф-одат, анъана, одоб-ахлоққа бевосита алоқадор тушунча. Инсон ҳаётининг дастлабки босқичларидан ўз халқи ёки ўзга миллат менталитетини тушунишга, уни англашга интилиб, шунга ҳаракат қилиб яшайди. Унинг тафаккурида оламни идрок эта билиши орқали бутун олам манзараси шакллана бошлайди.

Менталитет тушунчаси тилшуносликка оид манбада инглиз, немис, француз халқларида XX асрнинг 20-йилларидан тарих, маданият соҳалари доирасида қўлланила бошлагани, бугунги кунда эса у оммалашиб, қамров доираси кенгайганлиги, номоддий тушунчаларга нисбатан ишлатилаётганлиги қайд қилинади [8:25]. Менталитетга ўзбек тилшунослигида ҳам муносабатлар билдирилган. Шу ўринда, миллий менталитетга алоқадор Б.Тошбоевнинг қуйидаги фикрини келтириш жоиз: «Миллий менталитет – бирор миллатнинг этник тарихи, тили, диний эътиқоди, характери, дунёқараши, расм-русум ва анъаналари, табиат, инсон ва жамиятга бўлган муносабатини ифодалайдиган турмуш ва тафаккур тарзидир» [9:12]. А.Аширова ўзбек халқи урф-одатлари, анъаналари билан махсус шуғулланган бўлиб, унинг фикрича, «Менталитет миллатларнинг ақлий имкониятлари ва руҳий ўзига хосликларини ҳам қамраб олади. Характердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маъракаларининг яхлит тизими ташкил этади. Улар менталитетнинг харакатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди» [10:189]. Тилшунос Ш.Абдиназимов менталитет тушунчасини шундай изоҳлайди: «Менталитет – маълум бир миллатнинг менталлиги, ақлий салоҳияти, маънавият ҳазинасининг ички тузилиши ва ўзига хослигини акс эттирувчи категория бўлиб ҳисобланади. Унда маънавий интеллект, турли ҳудуддаги тил соҳибларининг қиёфаси, маданий гуруҳ ўз аксини топади» [11:77].

Миллий менталитет тушунчасини миллий характердан фарқламоқ зарур. Бир қарашда улар замирида умумий маънолар мужассамдек туюлади. Аммо, «миллий характер – миллат босиб ўтган узоқ тарихий тажриба, уни ўраб турган ижтимоий-иқтисодий, маданий муҳит таъсирида шаклланган, миллат қалби, руҳига синген ва унинг менталитетини, тафаккур тарзини, ўзига хослигини, урф-одатини, дид ва орзуларини ифода этувчи ва замон руҳига ҳамоҳанг такомиллашиб борувчи типик хусусиятлар мажмуасидир» [12:11]. Демак, таъкидлаш керакки, менталитет анча кенг тушунча. Миллий характер эса менталитетни вужудга келишида муҳим асос вазифасини ўтовчи, менталитет таркибида қаралиши керак бўлган тушунчадир.

Тил ва менталитетнинг доимий ҳамроҳлиги ҳақиқат. Улар ҳамиша «тил – менталитет» ва «менталитет – тил» механизми асосида иш кўради. Тил орқали халқларнинг менталитетига хос хусусиятлар таърифу-тавсиф қилинади. Натижада ўша миллат миллий-маданий, ментал дунёсининг жозибадорлиги, тароватини кашфиётига эришилади, менталитетнинг янги манзараси яратилади. Менталитетнинг англаниши ва янги ҳосил бўлган тасаввурлар асосида инсон кўз ўнгида урф-одат, анъана ва ҳоказолар гавдаланади. Бу билан тилнинг нақадар муаззам ва мўътабар ҳодиса эканлиги ҳис қилингани ҳолда инсон тафаккурида тилга доир янги-янги имкониятлар забт этилади. Шунингдек, менталитетга хос хусусиятлар вербал ёки новербал воситалар орқали ифодаланиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаслик керак. Бу ҳақида сўз юритилишича, «Менталитет вербал ва новербал воқеланади, унинг авлоддан-авлодга ўтиши – ворисийлик механизми ҳам шундай. Агар новербал воқеланиш халқнинг урф-одатлари, анъаналари, эътиқоди, санъати билан бўлса, вербал воқеланиш тил орқали кечади» [13:44].

Халқимизда каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш азалий қадрият, қон-қонимизга сингиб кетган одат. Хоҳ катта ёки хоҳ кичик ёшдаги киши бўлсин, бир-бирига мудом шундай мулозамат кўрсатишга ҳаракат қилади, ҳурмат-эътибори зиёдалигини намойиш этади. Шу одат, менталитетимизга хос фазилат тилимизда самимият билан *«Ассалому алайкум»* деб юзланишда ўз ифодасини топади. Ана шу жумланинг ўзи ўзбек ва қорақалпоқ миллатининг менталитетидан, қиёфасидан дарак беради. Масалан, меҳмонлар ўтирган

хонага маданиятли кишининг кириб, салом бериш ҳолатини кузатадиган бўлсак, у эшикдан қаддини сал эгиб, қадамларини майдалаган ҳолда, ўнг қўлини чап кўкси устига қўйиб, бошини эгиб, енгилгина таъзим билан *«Ассалому алайкум»* дейди [14:10]. Бу ўринда тасвирланган ҳар бир вербал ва новербал ҳолатдаги ифода ўзбек ва қорақалпоқ халқлари менталитетининг ажралмас қисмидир.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқи азал-азалдан ён қўшниларини жуда ҳурмат қилишган, уларга чексиз эҳтиром кўрсатишган. Шу аснода *«Ён қўшним – жон қўшним»* паремияси вужудга келган. Биз бу паремияни шундай шарҳлаймизки, аслида бир ота ва онадан туғилган қиз ёки ўғил фарзандлар, шунингдек, қариндошлар *«қондош», «жондош»* деб таърифланади. Чунки улар бутун умри давомида бир-бирига қўлқанот бўлади, керак бўлса, бир-биридан жонини ҳам аямайди. Қарангки, бир жойда яшаб, қўшни сифатида истиқомат қиладиган кишиларни ҳам ўтмишда *«жон қўшним»*, яъни *«жондош»* деб эътироф этилганлиги бежиз эмас. Сабаби, қадимги даврлардан ота-боболаримиз қўшнилари билан ана шундай қондош, жондон бўлишган. Қўшниси учун, ҳаттоки, жонларини кечиб юборишга тайёр бўлган. Ушбу паремиянинг моҳияти шу. Демак, тилдаги паремиологик ёки бошқа бирликлар мушоҳадаси орқали ўтмишга саёҳат қилиш мумкин. Мазмуннинг туб-тубигача кириб бориш, натижада маъно мукаммаллигини ҳис қилиш орқали тилимиз сарҳадлари ниҳоятда кенглиги ва имконияти чегарасизлиги ўз тасдиғини топади.

Халқимизда яна *«Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан»*, деган паремия бор. У ўтмишдаги ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзидаги қатъий белгилаб қўйилган мезон, талабдек кўз ўнгимизда намоён бўлади. Аждодларимиз қадимги даврдан-оқ ана шу паремияни ўзлари учун дастуриламал қилгандек гўё. Чунки бир хонадон гилами бошқа бировга, узоқ манзилда яшайдиган кишига сотилса, ундан наф йўқлиги ҳақ гап. Агар яқинига, қўшнисига сотилса, унинг уйига кириш, чиқиш бор, албатта, бир бурчагида ўтириш, туриш мумкин. Бу ҳам ўзбек, шу каби қорақалпоқ халқи менталитетига хос одат. Шу билан бирга яна, меҳнатни улуғлаш, меҳнатдан қочмаслик, бирор ишни бошлаш олдидан етти ўлчаб бир кесиш, бошланган юмушни сабр-тоқат билан, шошилмасдан пишиқ-пухта қилиб адо этиш, кичик ёшдагиларнинг катталарга ҳамиша салом бериши, келинларнинг тонг саҳардан ҳовлисини супуриши, меҳмонларга алоҳида тавозе билан ҳурмат кўрсатиш, айниқса, байрам кунларида бетоб ва қийналганлар ҳолидан хабар олиш, хашар орқали кишиларнинг бир-бирига ёрдам беришлари сингари одатлар ҳар икки халқ менталитетига хос хусусиятлар қаторига киради.

Қорақалпоқ халқи учун хос, улар маданиятига мансуб ўзига хосликни вербал ҳамда новербал шаклларда ифодаловчи, меҳмонга бўлган самимий муносабатни намойиш қилувчи битта урф бор. Айтиш жоизки, қорақалпоқ халқи уйига меҳмон келса, уларни самимият билан кутиб олади. Меҳмонни ўтказгани жой топа олмайди. Шунинг учун улар ҳамиша *«Меҳмон худодан бир ёш кичик»* деб таъкидлаб юришади. Халқ орасида меҳмонга бўлган ҳурматнинг ҳаддан зиёдалиги шунда кўринадики, «Етти яшар меҳмон келганда етмиш яшар кекса ўрнидан туриб, саломлашиб, ўзининг ёнига ўтказади. Агар имкони бўлса, меҳмоннинг ҳурматига мол сўйиб, олдига унинг калласи ва ёнбошини пиширилган ҳолда қўяди. Меҳмон калла гўштидан озгина татиб кўриб, ёнида бошқа ёши улуғ киши бўлса, унга илинади. Баъзан уй соҳибининг ёши улуғ киши бўлса, калладан озроқ татиб кўргач, у меҳмонга берилади» [15:148]. Шуни ҳам айтиш керакки, табаррук ёшли меҳмон калла қулоғидан озроқ кесиб, *«ҳаётда зеҳнли, зийрак бўлгин»* деб таъкидлаб, уйнинг кенжатой фарзанди қўлига тутқазади. Калланинг кўз қисмидан *«кўзинг янада ўткир бўлсин»* деб ёнидаги бирор даврадошига беради. Бошқа ҳар бир меҳмонга ҳам калла гўштлари майдаланиб, инъом этилади. Шунингдек, қорақалпоқлар ота-онаси, туғишганлари ва ўзига яқин инсонларга *«сен»* деб мурожаат қилишга одатланишган. *«Сиз»* лаш уларнинг бир-биридан узоқлиги ва ўртасидаги яқинлик йўқлигини билдиради [16: 347]. Ўзбек ҳалқида эса ота-онага ёки ёш жиҳатидан катта кишиларга, яқинларга *«сен»* лаб юзланиш ўта ҳурматсизлик, одобсизлик саналиши маълум. Бу ҳолатни ҳам ҳар икки халқ менталитетига хос хусусиятнинг лисонда акс этиши деб баҳолаш мумкин.

Қорақалпоқлар маданиятининг ажралмас бир қисми сифатида азалдан мавжуд яна битта одат борки, у ўзбек халқи менталитетида учрамайди. Яъни, уйга келган меҳмонларга энг тансиқ таомлардан тайёрлаб, улар олдига лаганларда *(товоқларда – таъкид бизники)* қўйилади. Лаган бу – тоғора, идиш; шам-дон деб изоҳлангани ҳолда унинг иккита маъноси келтирилган. 1. Қуюқ таомлар солиш учун мўлжалланган, тарелкадан катта ясси идиш. Мис лаган. Сопол лаган. Чинни лаган. *Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди* (А.Қодирий, Меҳробдан чаён). 2. Косадан катта, ичи чуқур сопол идиш; товоқ. *Бошларида қатиқ ивитиладиган лаган билан ялангоёқ, кир, жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади* (М.Исмоилий) [17:563].

Энг аввал, меҳмонлардан улуғининг олдига овқат *(бош товоқ – таъкид бизники)* киритилиши керак. Меҳмонлар таомни тановул қилиб бўлгач, улар олдидаги бўшаган товоқлар олиниши лозим. Ана шундай вазиятда уйдаги овқатни тайёрлаган келин меҳмонлар олдига кириб, тик турган ҳолатда ҳар бир товоқ узатган меҳмонга таъзим бажо келтириб, товоқларни битта-биттадан олади. Мартабали, ёши улуғ меҳмоннинг товоғида озроқ гўшт, қисман овқат қолдирилади. Ўша товоқда қолдирилган гўшт, овқат қорақалпоқларда *«меҳмондан сарқит»* деб аталади. Товоқларни олаётган келин ушбу сарқитдан айни товоқларни олаётган дамда ёки ошхонасига келгач, бошқа оила аъзолари, фарзандлари билан бирга бир чимдим татиб кўради. Шу ўринда, «*сарқит*» сўзи чиқинди маъносини англатмаслигини қайд қилиш ўта муҳим. Чунки овқатдан оила аъзоларига қолдирилган «*сарқит*» рамзий характерга эга бўлиб, унинг замирида *«биз каби табаррук ёшга кириб юриш бахти сизга ҳам насиб қилсин»* деган мазмун мужассам.

Меҳмонлар олдидаги барча товоқлар келин томонидан олиб бўлингач, мартабали меҳмоннинг фотиҳасини олиш мақсадида уларнинг олдида хизмат қилиб юрган ёшлар, оила аъзолари хонага кириб, тик ҳолатда туради. Меҳмонлар орасидаги ҳалиги табаррук ёшли киши қўлини фотиҳага очиб, атрофидаги бошқа меҳмонларнинг ҳам дилидаги энг эзгу ниятларини изҳор қилади. Яна шуни айтиш муҳимки, баъзан оила соҳиби мартабали меҳмондан таом пиширган келини учун яна, алоҳида фотиҳа беришни сўрайди. Чунки ўша келиннинг ҳаётда тўла-тўкислик бахтидан мосуво эканлиги, масалан, унинг анчадан бери фарзанд кўриши кечикаётганлиги хонадоннинг энг кемтик нуқтаси бўлиши мумкин. Мартабали меҳмоннинг чин дилдан берган фотиҳаси қайсидир маънода ана шу бўшлиқни тўлдиришга ўз ҳиссасини қўшишига бўлган ишонч, умидворлик уларни шунга ундайди. Ушбу вазиятда меҳмон келин учун қайтадан, махсус фотиҳа беради, унга тилаклар билдиради. Қорақалпоқ миллий таомлари кўпчилик ҳолларда қўлда истеъмол қилиниши сабабли фотиҳа ўқилгач, меҳмонлар қўлини ювиши учун келин обдастада сув олиб киради. Бундай

вербал ва новербал ҳолатлар фақат қорақалпоқ, қозоқ халқи менталитетида учрайдиган, уларнинг меҳмонга бўлган ҳурмати ниҳоят даражада юқори эканлигини кўз-кўз этувчи жиҳатлардир.

Хуллас, биз таҳлил этган ўзбек ва қорақалпоқ менталитетига мансуб урф-одат, анъаналарнинг лисон орқали тавсифланиши ушбу тиллар тилла сандиғидаги жавоҳирларга тенг лексик бирликларнинг лисоний манзара яратиш сарҳадлари бағоят кенглигини далолатлайди.

**Адабиётлар**


1. Колесов В.В. Русская ментальност в языке и тексте. СПб., 2006. –С.624.
2. Гуревич А.Я. Жак Ле Гофф и «новая историческая наука» во Франции. –Екатеринбург: 2005.
3. Блинова Л.С., Лазарева Е.И. Немецко-русский словарь (Deutsch-russisches Worterbuch). –М.: «Астрель», 2012.
4. Инглизча-ўзбекча луғат. –Тошкент: «Тафаккур бўстони», 2009.
5. Щукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц. –М.: Астрель: АСТ: Хранитель, 2008.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2003.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2006.
8. Радбиль Т.Б. Основы изучения языкового менталитета. –М.: Флинта: «Наука», 2010.
9. Тошбоев Б. Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари: Филол. фан. фалсафа док-ри дисс (PhD). –Самарқанд: 2018.
10. Аширов А. Этнология. Иккинчи нашр. –Тошкент: «Янги нашр», 2015.
11. Abdinazimov SH., Tolibayev X. Lingvokulturologiya. –Nokis: «Qaraqalpaqstan», 2020.
12. Тошбоев Б. Кўрсатилган иш.
13. Одилов Ё. Тил ва менталитет. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2021. №3.
14. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. –Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007.
15. Мамбетов К. Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1995.
16. Низанов М. Қорақалпоқлар. Иккинчи китоб. –Нукус: «Билим», 2021.
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2006.



**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада тил ва менталитет тушунчалари шарҳланиб, уларнинг доимий ҳамроҳлиги кўрсатилган, шунингдек, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари менталитетига хос тасаввурларнинг лисонда акс этишига доир мулоҳазалар умумлаштирилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье интерпретируются понятия языка и менталитета, показывается их постоянное сосуществование, а также обобщаются размышления об отражении в языке представлений, характерных для менталитета узбекского и каракалпакского народов.

**SUMMARY.** In this article, the concepts of language and mentality are interpreted, their constant companionship is shown, and the reflections are summarized of the imaginations specific to the mentality of the Uzbek and Karakalpak peoples in the language.


## ОЛАМ ПАРЕМИОЛОГИК МАНЗАРАСИДА МИФОЛОГИК КОНЦЕПТОСФЕРА БИРЛИКЛАРИНИНГ ВОҚЕЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ


**Г.К.Кдырбаева** – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** миф, мифология, мифологик концептосфера бирликлари, когнитив-дискурсив ёндашув, олам паремиологик манзараси.

**Ключевые слова:** миф, мифология, единицы мифологической концептосферы, когнитивно-дискурсивный подход, паремиологическая картина мира.

**Key words:** myth, mythology, units of mythological conceptual sphere, cognitive-discursive approach, proverbial worldview.


Сўнгги ўн йилликда лингвистик факт ва жараёнларни чуқуррок ўрганиш имконини берувчи бир қатор тадқиқот метод ва ёндашувлари ишлаб чиқилди, улар орасида лингвомаданий таҳлил методи ва когнитив-дискурсив ёндошув муҳим ўрин тутади. Бизнинг фикримизча, рақам номларининг таркибий-семантик тавсифини ва мифологик дискурсдаги концептосфера бирликларин воқелантирувчилар сифатида ўрганиш, ракамларнинг ҳозирги кундаги мавжуд хусусиятларин қўшимча элементлар билан тўлдириш имкониятини пайдо қилади, чунончи, таққосланадиган бирликларнинг семантикасини, қисман тузилиши ва дискурсдаги гавдаланиш хусусиятларин аниқлаштиришга имкон беради.

Миллий-маданий ҳодиса бўлган мақолларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларда халқнинг борлиққа, яъни, динга, табиатга муносабатлари белгиланади. Мифологик концептосфера бирликлари одам, жинс, оила, ижтимоий ҳаёт, одоб-аҳлоқ, эстетика, хис туйғу ва бошқа ҳодисаларда ҳар хил гавдалантирувчилар воситасида воқеланади. Бу жиҳатдан концептлар умуминсоний категориялар вазифасини бажара оладилар, чунки улар амалда барча тилларда миллий маданият тушунчаси сифатида мавжуд, зеро улар муайян маданият замирида вужудга келиб, миллий ўзига хосликларга эга.

Мазкур ишимизда, этнолингвистика, мифология, когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик йўналишлари наздида ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз, ва олдинги шу йўналишдаги кўп сонли тадқиқотларда ўрганилмаган масалалар ва очиқ қолган саволларга жавобларни топишга харакат қиламиз. Жумладан, паремиологик бирликлар тил ва маданиятнинг лексико-семантик бирлиги сифатида муайян мавзуий гуруҳлар асосида тадқиқ қиламиз, чунончи борлиқ ва инсон фаолиятининг турли кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг мифологик концептосфера билан боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мақол ва маталлардаги таянч компонентларни фарқлаш асосида уларнинг майдон структурасини ва мифологик концептосферани ташкил қилувчи воқелантирувчиларни аниқлаш ҳамда шу орқали мазкур бирликларни таснифлаш тамойилларини белгилаб олиш зарур.

**Инсон интеллекти:** мақолларни когнитив-дискурсив ёндашув наздида таҳлил қилиш қорақалпоқ ва инглиз ҳалқининг интеллектга, ақлга, доноликка муносабатини аниқлашга ёрдам беради. Қорақалпоқ тилида интеллект концептин воқелантиручи паремиологик бирликлар сони инглиз тилидаги мақоллардан бир мунча кўп миқдорни ташкил қилиниши аниқланди. Бу ҳолат қорақалпоқ олам лисоний ва миллий манзарасида бой инсон интеллектуал жиҳатдан бой инсон сифатида идрок қилинишидан дарак беради: *A great ship asks deep waters; A wise man changes his mind, a fool never will; Brevity is the soul of wit; If things were to be done twice all would be wise; Reason does not come before years; Knowledge in youth is wisdom in age; Have an old head on young shoulders; Who knows most, speaks least; Out of the mouths of babes* [https://hallofpeople.com/en/proverbs/a1.php]; Мақоллар

тузилишининг энг муҳим ва доимий тамойиллардан бири бу зиддиятли ўхшатишдир, яъни *ақллилик* ҳақида фикр юритиладиган бўлса, унинг қарама-қарши хусусияти – *ахмоқлик, тентаклик, ақлсизлик* ҳақида ҳам албатта эслатилади. Таҳлилга тортилган нақл-мақоллар интеллект концептин воқелантиради, зеро улар имплицит маънода гавдаланган, мазкур паремиологик бирликларнинг таркибий қисмида мифологик концептосфера бирликлари иштирок этади: *ship, waters, soul, years, youth, age, an old head, shoulders, mouth.*

*Кема* мифологик концептосферада мавҳумликни гавдалантирувчи идентификатор ҳисобланади, кема билан боғлиқ Тесей кемаси, Крейсер Аврора, Нагльфар ҳақида мифлар мавжуд бўлиб уларнинг ҳаммасида "мавҳумлик" воқеланган. Сув қадим замонлардан одамлар учун энг табиятнинг ғайритабий элементлардан бири бўлиб келган. Сув сеҳрли манбадан пайдо бўлган деб ҳисобланган. Сув мифологик концептосфера бирлиги сифатида "сеҳр", "куч", "макр" каби концептларни воқелантиради. Сув ҳақидаги япон мифида Дзингу императрицаси Рюдзиндан Кореяни босиб олиш учун ёрдам сўрайди. Аждаҳо хабарчиси унга икки марваридни олиб келди: тошқин ва сувнинг қайтиши. Дзингу Япония флотининг Кореяга олиб боради, денгизда уларга Корея ҳарбий кемалари қарши чиқади. Дзингу сувга тош отди ва корейс кемалари қуруқликка чиқиб қолади. Кореялик жангчилар пиёда ҳужум қилиш учун кемаларидан сакраб тушаётганларида, Дзингу денгиз тубига тош отди. Ҳамма сув орқага югурди ва душманларни сув тубига ғарқ қилди. Мазкур миф рус тилидаги "Большим кораблям большое плавание" нақл-мақоллари тўлиқ воқелантирувчиси ҳисобланади.

Таъкидлаганимиздек қоракалпоқ олам апремиологик манзарасида "интеллект" концептин воқелантирувчи "ақыл" компонентли нақл-мақоллар сони 83тани ташкил қилади, жумладан мазкур концептнинг *"билимли", "дана", "саналы", "если", "баслы", "парасатлы"* каби компонентлари мавжуд, зеро биз айнан "ақыллы" вербализаторин таҳлилга торттик: *Өгизди өрге салма, Канатың сынар, Аҳмаққа* ***ақыл*** *айтпа, Сағың сынар;* ***Ақыллының*** *белгиси, Алтыннан келер сөзлери. Ақылсыздың белгисин, Айтып турар көзлери; Басында* ***ақылы*** *жоктың, Еки аяғыңда тынымы жок;* ***Ақылға*** *— ишарат, Аҳмаққа — касапат; Қанша әстен журсе де, Тасбақа жолды өндирер.* ***Ақыл*** *менен айтылган сөз, Биймазаны көндирер; Ашыў-душпан,* ***ақыл****-дос,* ***Ақылыңа ақыл*** *қос;* ***Ақыллыда*** *ашыў болмас;* ***Ақыл****-жастан шығады, Хасыл-тастан шығады, Жүйрик тай ғунаннан шығады;* ***Ақыллының*** *сөзи қысқа, Айтағойса болар нусқа;* ***Ақылсыздың*** *тили бай,* ***Ақыллының*** *қолы бай;* ***Ақылсыз*** *достан,* ***Ақыллы*** *душпан артық; Тынықлық қандай, суўды көр, Шайқала берсе былғанар, Былғанса өмир қәдири,* ***Ақыллы*** *буған ойланар; Жаўдырап шалған көк өсик Қуяшлы жазы болмаса, Сулыўлықтан пайда жоқ,* ***Ақыл****-хуўшы болмаса.*

Мазкур гуруҳдаги мақолларнинг таҳлилида асосан инсоннинг интеллектуал хусусиятлари эътиборга олинди ва инглиз тилида "wise, wit, wisdom, head, knowledge" каби вербализаторлар воситасида, қоракалпок тилида эса мазкур мавзуий гуруҳнинг асосий компоненти "ақыл" воситасида гавдалантирилган мисоллар танлаб олинди. Ваҳоланки, ушбу гуруҳда*"билимли", "дана", "саналы", "если", "баслы", "парасатлы"* каби компонентлар жадал қўлланиладиган лисоний бирликлари бўлгани билан, мазкур гуруҳнинг семантик майдонига кирувчи нақл мақоллар сони инглиз тилидаги мисолларга қараганда кўпчиликни ташкил килади. Айнан шу сабаб биз қорақалпоқ тилида "ақыл" компонентли интеллектни воқелантирувчи нақл-мақолларга тўхталдик. Таҳлил қилинаётган семантик гуруҳ компонентлари нақл-мақолларнинг таркибий қисмида бир бирларига таққосланяпти, аксарият ҳолларда инглиз ва қорақалпоқ тилларида компонентларнинг қиёсий қўлланилиши синтактик сатҳда амалга оширилиши аниқланди, бунда мақолларнинг антонимик жуфтликлари келтирилади: *A* ***wise*** *man changes his mind, a fool never* ***will;*** *Who knows* ***most****, speaks* ***least;*** ***Ақыллының белгиси****, Алтыннан келер сөзлери.* ***Ақылсыздың белгисин****, Айтып турар көзлери;* ***Ақылға*** *— ишарат,* ***Аҳмаққа*** *— касапат; Ашыў-****душпан****, ақыл-****дос****, Ақылыңа ақыл қос;* ***Ақыллы жигит*** *ел қорғайды,* ***Ақмақ жигит*** *елди хорлайды;* ***Жақсы болса қатының****, Келип турар жақының.* ***Жаман болса қатының****, Басыңнан кетер ақылың;*

Бу ўринда ҳар иккала тилда паремик заҳирадаги қарама – қаршилик, бир-бирига зидлик кўзга ташланади. Шу каби ҳодисалар инглиз тилига караганда қорақалпоқ тилида кўп учрашини алоҳида таъкидлашимиз керак.

**Ташқи кўриниш:** Қорақалпоқ ва инглиз маданиятидаги мифологик концептосфера бирликларининг баҳоловчи структураси қатор кўрсаткичлар билан ифодаланади. Бунда концептосферадаги биринчи гуруҳ мақолларга «ташқи кўриниш», «ҳаракат (муомила) тарзи», «хулқ-атвор» универсал белгиларни ифодаловчи мақоллар кирса, иккинчи гуруҳ «шахснинг хусусиятлари», масалан, «қалб», «юрак», «кўнгил», «қобилият» ва ҳоказоларни ифодаловчи мақолларни ўз ичига олади. Кейинги ўринларда ҳар иккала тил соҳиблари маданиятида ва тилида муҳим рол ўйновчи ва конкрет тилнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи хусусий характерни ифодаловчи белгига эга мақолларни киритиш мумкин.

Бу мисолда одамга хос универсал белги сифатида унинг ташқи кўриниши ва ҳаракат тарзи, яъни кўзнинг ишвалилиги, ғамзалилиги таърифланмоқда. Қиёсланаётган тилларда одамнинг ташқи кўринишини баҳоловчи таснифда юз, қомат, қадам ташлаш, кийими каби эмоционал таъсир тушунчаларини ифодаловчи омиллар устуворлик қилади*:* ***A black hen*** *lays* ***a white egg****; Don't judge* ***a book*** *by its cover; All are not* ***hunters*** *that blow* ***the horn****; All that glitters is not* ***gold****; Appearances are deceitful; You cannot judge* ***a tree*** *by its bark; You can't tell* ***a book*** *by its cover; Good* ***clothes*** *open all doors; Speak of* ***the devil*** *and he will appear;* ***A monkey*** *in silk is a monkey no less;* ***Clothes*** *do not make the man;* ***A blind man's*** *wife needs no paint; There is many* ***a good cock*** *come out of a tattered bag; What you see is what you get* [https://hallofpeople.com/en/proverbs/a1.php].

Ташқи кўриниш мавзуий гуруҳни воқелантирувчи мифологик концептосфера бирликлари: *a black hen, a white egg, a book, hunters, horn, gold, a tree, clothes, a door, devil, a monkey, cloth, a blind, a tattered bag.*

Қора товуқ ҳақидаги эртак рус адабиётида Антони Погорелский муаллифлигида мавжуд. Ява оролида маҳаллий аҳоли учун қора товуқ умуман хаёлий қаҳрамон эмас. Улар Индонезияда, Марказий Ява оролида яшайдилар. Бу зотнинг хўрозлари одатда ҳашаматли узун думга эга, аммо бу товуқларда ҳам ажойибдир. Қора товуқнинг ватанида маҳаллий аҳоли худоларга қурбонлик қилишади. Бу қуш унумдорлик ва омаднинг рамзи ҳисобланади. Қора товуқнинг ташқи кўриниши хунук бўлганлиги сабаб дуал компонетлар ва маънолар ифодаланганлиги берилади.

*Ҳаёт дарахти* кўплаб маданиятларда мифологик тасвирдир. Халқ оғзаки ижодида ва Библияда таърифланган жаннат ўртасидаги ҳаёт дарахти концептини воқелантирувчи мотивдир. Дин, фалсафа ва мифологияда ҳаёт дарахтининг мифологик концептосферани гавдалантиради. Сайёрадаги барча ҳаётнинг ўзаро боғлиқлигини билдиради ва эволюцион

маънода умумий келиб чиқиши учун метафора бўлиб хизмат қилади.

Осмон ва ер ости дунёсини боғловчи билим дарахти ва ҳаётнинг барча шаклларини боғловчи ҳаёт дарахти иккаласи ҳам дунё дарахти ёки космик дарахтнинг шакллари бўлиб, олам диний ва фалсафий манзараларида бир дарахт сифатида тасвирланган. Туркий мифологияда ҳаёт дарахти туркий халқлар санъатида кенг тарқалган мотивлардан биридир. Умр дарахти туркий маданиятнинг муҳим объекти бўлиб, туркий мифологияда ҳам тилга олинади.

Жумладан, қадимги туркий халқларнинг мифларидаги “одам” концептосферасининг яқин сарҳадига кирувчи “аёл” концептини воқелантирувчи “Умай она” мифонимин таҳлил қиламиз. Умай она Тангри эркакнинг севимли ёри сифатида ифодаланади, инсониётнинг яратилишидаги Одам Ота ва Момо Ҳаволарнинг образлари «одам» концептосферасининг дастлабки воқелантирувчи идентификаторлари деб биламиз. Ушбу Умай она Тангри эркак мифоантропонимлари тоғли алтай фольклорларидан туркий халқлари мифологиясига кириб келган хисобланади, ва мазкур мифнинг бизга етиб келган бир вариантида инсон дарахтдан яратилганлиги айтилади. Чунончи инсон зотининг отаси Олған (Улган), онаси Имай (Ымай яъний Умай) деб берилади, келтирилган мифолегемалар айрим туркий халқларининг мифларида икки дарахт сифатида таърифланади. Айнан шу сабаб бўлса керак, тоғли олтай халқларининг урувлари шажараси символи *дарахт* хисобланади. Шу каби қорақалпоқ ҳалқида ҳам ҳозирги кунгача сақланиб келган дарахт мифоними мавжуд бўлиб, унинг ифодаси юқорида келтирилган урувларнинг шажараси сифатида берилади.

Скандинавия мифологиясида ҳаёт дарахти Иггдрасил, жаҳон дарахти, массив дарахт (баъзан Шумтол ёки Тол) каби синонимлар билан маълум, инглиз адабиётдаги кўплаб мифлар у билан боғлиқ. Игепарастлик давридан бошлаб, муқаддас дарахтларга сиғинишнинг қолдиқлари ҳали-хануз айрим фолклор жанрларида ва маросимларда сақланиб қолган. Масалан, Тор эмани, муқаддас Уппсала дарахти ва Ирминсул ёғоч устуни. Скандинавия мифологиясида Идунннинг саватидаги олма худоларни ўлмаслик билан таъминлаши айтилган.

*Олтин* қадимги дунёда одамлар учун ҳар доим алоҳида мифологик маънога эга бўлган. Миф ва афсоналарда олтин энг кенг тарқалган металл, худоларнинг доимий ҳамроҳи сифатида ифодаланган. Кўпинча қадимги одамлар олтинни бойлик, қудрат ва куч билан боғлашган. Мифларда одатда олтиндан ясалган кўплаб рамзий буюмлар ҳақида таърифланади. Олам миллий ва лисоний манзараларида олтин ҳар доим Қуёш билан таққосланиши характерли ҳолат ҳисобланади.

Қадимги Миср мифларига кўра узоқ вақт олдин Қуёш ерга ёмғир томчилари бўлиб ёғилган ва олтин сифатида қолиб кетган деб юритилади. Қадимги мисрликлар учун Қуёшнинг рамзи олтин бузоқ бўлиб, уни осмон маъбудаси Нут тонгда туғади. Тушгача бу бузоқ катталашади ва буқага айланади - Ра худосининг мужассамланиши. Кечқурун Нут маъбуда қуёш буқасини ютиб юборади ва эрталаб яна олтин бузоқ - Қуёшни туғади.

Қадимги инклар олтинни қуёш худоси Инти билан боғлашган, у одатда олтин диск сифатида тасвирланган. Инклар мифологиясида афсонавий Мансо Куско шаҳрин яратувчи ва ўзини қуёш худоси Инти болалари деб атайди. Скандинавия мифологиясида момақалдироқ ва бўрон худоси Торнинг олтин сеҳрли болғаси бор эди. У билан у одамларни дев ва йирткич ҳайвонлардан ҳимоя қилган. Унинг рафиқаси Сив, унумдорлик маъбудаси, гномлар томонидан ясалган жуда узун олтин сочлари бор эди. Ирландия фолклорида афсонавий мавжудот - лепреконлар тасвирланган. Бу кичкинагина туппалак одам бироз гномга ўхшайди, аммо бутунлай яшил рангда кийинган. Мифга кўра, ҳар бир леприконда олтин хўмча бор экан. Қадимги славянлар тинчлик ва сукунат маъбудаси - Олтин Хотин (Золотая Баба)ни билишарди. Ғарбий Сибирнинг шимолида, Ханти ва Манси халқларида ажойиб ва сирли зарҳал бутга сиғинишади. Бу одамлар уларга юзлаб йиллар олдин Сибирда яшаган ва унинг ўлимидан кейин олтинга айланган маъбуда ёрдам берганига ишонишади. "Олтин аёл" учун ов бугунги кунгача давом этмоқда, баъзилари бебаҳо афсонавий ёдгорликни қидирмоқда, бошқалари эса шунчаки олтин.

Масалан қадимги туркий халқларга бирдек яқин мифлардаги мифолегема «Уммай она» образи «она ва болаларнинг химоячиси» ёки «Аёл Худоси/Тәңір-әйел» маъноларида қўлланилиб келган. Уммай она/Ұмай ана меҳр-шафқат эталони сифатида туркий халқларнинг когнитив онг базасин шакллантирган. Умай она символи уч бурчак, Ой, тароқ, қайчи ва ўқ ҳисобланган. Унинг ранглари оқ ва кумуш ранг бўлган. Ташқи кўринишига кўра “Умай” оқ-сариқдан келган, қунғироқ-тилла ранг сочли, чиройли аёл, жумладан аскарлар ва хоқоннинг хотинига ҳомийлик қилувчи маъбуда бўлган.

Айнан юқорида келтирилган мифологик маълумотларга кўра “ташқи кўриниш” мавзуий гуруҳига оид мисоллардаги асосий компонентларнинг тадқиқ килинаётган ҳар иккала тилда умумий хусусиятлари мавжуд, масалан: ***Сулыў-сулыў*** *емес, Сүйген* ***сулыў****; Перинің өзи* ***сулыў****, Курбақаның көзи* ***сулыў****; Ўатан күннен* ***сулыў,*** *Алтыннан қымбат; Көркимди керсең көринер, Масайраған* ***арыўдай****, Өзиниң пикири туп-туўры өз баласы* ***сулыўдай****;* ***Түси*** *келиспегенниң, Иси келиспейди;* ***Қара кисиниң*** *қаны шыққанша,* ***Сары кисиниң*** *жаны шығады; Жаманның пайдасын айтсаң,* ***Түси*** *оңып сала береди;* ***Алтын-гүмис*** *абзалын өлгеннен соң не керек;* ***Алтын*** *отта белли, Адам мийнетте белли; Арпа, бийдай ас екен,* ***Алтын,*** *гүмис тас екен; Алтын ериң атқа тийсе,* ***Алтынын*** *алда отқа сал; Жаман достан мал татлы,* ***Алтынлы*** *үйден жан-татлы; Ийтин мойныңа* ***алтын*** *қарғы байласаңда, Ийт жумысын ислейди;* ***Алтының*** *болса азбайсаң, Сандалып бийкар саспайсаң; Ақыллының белгиси,* ***Алтыннан*** *келер сөзлери, Ақылсыздың белгисин, Айтып турар көзлери; Аспанда* ***алтын*** *айдың нуры кетпес; Дәнекер менен қайнатып қурыта алмас оны мыста,* ***Алтын*** *менен алып болмас қалған кеўилди; Шәҳәрдиң сәни-****терек****; Ат не болар жалдан соң, Ер не болар малдан соң; Қубылып турған* ***байтерек****, Куўрай болар деседи; Өскен* ***теректиң*** *тамырын шаппа;* ***Шаштың*** *кирин тарақ алады, Жақсы аты тараққа қалады; Аман болса бул басың, Тағы шығар бул* ***шашың****;*

Қорақалпоқ олам паремиологик манзарасидаги мифологик концептосфера бирликларидан “алтын”, “байтерек (терек)”, “сулыў” каби умумий воқелантирувчилар аниқланди, зеро “шаш”, “арыў”, “қара”, “сары” каби лисоний бирликлар фарқли компонентлар учрайди. Жумладан, мазкур компонентлар ичида шаш мифологик концептосфера бирлиги хисобланади ва унинг ҳар иккала тадқиқ қилинаётган маданиятларда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Скандинавия мифологиясидаги Тор худосининг рафиқаси Сивнинг сочи Локи томонидан олиб ташлангандан сўнг гномлар томонидан ясалган жуда узун олтин сочлари бўлган. Туркий халқларининг мифологиясида Уммай онанинг қунғироқ-тилла ранг узун сочи бўлиб, аёллар туғадиган пайт Уммай она узун

сочларин ейиб аёл ва чақалоқни ҳимоялайди. Сочлар сакрал дискурсда ҳам ифодаланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, «миллий - маданий белгилар баҳоловчи ахборот орқали воқеланади. Маданий белгилар нафақат мазмуний планда, балки лисоний нуқтай назардан ҳам образли кўриниш олиши мумкин. Паремияларнинг бу хусусияти воқеликни кенг миқёсда тасвирлашга йўл қўймасдан, иложи борича қисқа ва образли ифодалашда гавдаланади.

Мифологик концептосфера бирликлари олам паремиологик манзараси ботинан ва зоҳиран гавдалантирувчи паремиялар одамнинг умумий «паремиологик портрети» ин ҳосил қилади ва мифологик онг реликтларин когнитив-дискурсив ёндашув ёрдамида идрок қилишга мумкин яратади. Шу билан бирга, қадимги одам ҳайвонлар дунёсини инсонга ўхшатиб, тимсол қилган. Ҳайвонлар ҳақидаги энг оддий мифлар ҳайвонларнинг индивидуал белгиларини сақлаб қолган ва одамларга тушунтиради. Атроф-муҳитни инсон томонидан талқин қилиш унда содир бўлаётган ҳодиса ва ҳолатларни тушунтириш орқали содир бўлганлиги сабабли, бу мифларнинг асосий хусусияти этиологизмдир. Кейинги даврдаги ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар тотемик характерга эга.

Хулоса қилиб, таҳлил асосан икки ёндашув воситасида амалга оширилади: 1) маданий қадриятлар мифологик концептосфералар доирасида таҳлил қилиш, 2) олам паремиологик манзарасида мифологик концептосфера бирликларин воқелантирувчи бирликларни когнитив-дискурсив ёндашув асосида таҳлил қилиш. Паремиялар ифодалайдиган маънолар таҳлилида уларнинг ўзи мансуб этномаданиятга, ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилди. Бундан мифологик концептосфера бирликларининг воқелантирувчилари мақол таркибида ифодаланганда унинг деривацион базасига мос келмаслик ҳолати аниқланди. Ҳар бир паремиядаги мифологик концептосфера бирликларининг компонентлари унинг таянч сўзларига боғлик. Аммо тил соҳиблари онгида концептосфера марказий қисмининг муайян лексик ва фразеологик бирликлар билан боғлиқ бўлиши у ёки бу сўзнинг паремия таркибида мавжуд бўлишига ҳар доим ҳам олиб келавермайди ва имплицит маънода қўлланилади.

**Литература**

1. Байбурина А.К. Мифологема. //Народные знания. Фольклор. Народное искусство. -М.: 1991. -С.78.
2. Мелетинский Е.М. Избр.статьи. Воспоминания. -М.: РГГУ, 1998, 576-б.
3. Попова Н.С. Мифопоэтический концепт как вид когнитивной метафоры: автореф.дис…канд.фил.наук. –Воронеж: 2001.
4. Топорков А.Л. Мифологема//Восточнославянский фольклор: Словарь научной и народной терминологии. –Минск: 1993.
5. Шафранская Э.Ф. Устное народное творчество: учеб.пособие. -М.: Академия, 2008.
6. Юнг К.Г. Архетип и символ. -М.: «Канон», 1991. –С. 330.
7. https://www.textologia.ru/slovari/literaturovedcheskie-terminy/mifologema/?q=458&n=348.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақола лингвистик факт ва жараёнларни чуқуррок ўрганиш имконини берувчи лингвомаданий таҳлил методи ва когнитив-дискурсив ёндашув наздида олиб борилган тадқиқотни ёритади. Мақоланинг мақсади рақам номларининг таркибий-семантик тавсифини ва мифологик дискурсдаги концептосфера бирликларини воқелантирувчиларини ўрганиш. Тадқиқот рақамларнинг ҳозирги кундаги мавжуд хусусиятларини қўшимча элементлар билан тўлдириш имкониятини пайдо қилади.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассматриваются исследования, проведенные в рамках метода лингвокультурологического анализа и когнитивно-дискурсивного подхода, позволяющего глубже изучить языковые факты и процессы. Цель статьи заключается в изучении структурно-семантического описания числовых названий и создателей понятийных единиц в мифологическом дискурсе. Исследование открывает возможность дополнения существующих признаков чисел дополнительными элементами.

**SUMMARY.** This article discusses the studies carried out within the framework of the method of cultural linguistic analysis and the cognitive-discursive approach, which allows a deeper study of linguistic facts and processes. The purpose of the article is to study the structural-semantic description of numerical names and representations of conceptual units in mythological discourse. The study opens up the possibility of supplementing the existing signs of numbers with additional elements.

## OLAM TIL ORQALI SHAKLLANADI

**F.Q.Qodirova –** *katta o'qituvchi*
*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

**Tayanch so'zlar:** aloqa vositalari, til, tilshunoslik, belgi, gap.
**Ключевые слова:** средства общения, язык, языкознание, знак, речь.
**Key words:** means of communication, language, linguistics, sign, sentence.

Til muloqot va ifoda vositasi bo'lib, ko'pincha o'z yaqinlari va umuman jamiyat bilan aloqada "tabiiy ravishda" olinadi. Bu bizga dunyoni shubha ostiga qo'yish-ga, e'tiqodlarimiz bilan muloqot qilish va rivojlantirishga, e'iqodimizni tasdiqlashga va da'volarimizni tasdiqlash yoki rad etishga yordam beradi. Natijada, bu bizning shakllanishimizga va identifika-tsiyamizga to'liq hissa qo'shadi. Aslida, biz asosan tilni ongsiz ravishda mashq qilamiz, chunki bu muntazam faoliyat tabiiydir.

Til - real bilan jonli aloqada "men"ning ifodasi yoki namoyon bo'lishidir. Til - murakkab aloqa tizimlarini ishlab chiqish, egallash, saqlash va foydalanishni o'z ichiga olgan tizim bo'lib, bu jarayonlarni ta'minlaydigan inson qobiliyatlarini bildiradi. Inson tili mahsuldorlik va ko'chish xususiyatlariga ega va butunlay ijtimoiy konventsiyalar va o'rganishga bog'liq [1:25]. Tilni aloqa tizimi sifatida ilmiy tadqiq qilish tilshunoslik sohasiga kiradi. Tilshunoslikning eng yirik namoyandalari orasida Ferdinand de Sossyur va Noam Xomskiy bor. Til va uning tafakkur bilan aloqasi sotsiologiya, falsafa, psixologiya va nevrologiya, filologiya kabi boshqa fanlar ham qiziqtiradi.

Inson miyasidagi tilning fiziologik asoslari neyrolingvistika tomonidan o'rganilmoqda. Nutqning artikulyatsiyasi fonetika tomonidan o'rganiladi. Tilshunoslik til va tillarni to'g'ri tavsiflash imkonini beradi. Barcha tillar ma'lum belgilarni ma'nolar bilan bog'laydigan semioz jarayoniga tayanadi. Shunday qilib, og'zaki, ishorali va teginish tillari fonologik tizimni o'z ichiga oladi, bu belgilar so'zlar, morfemalar va sintaktik tizim kabi ketma-ketlikni shakllantirish uchun qanday ishlatilishini belgilaydi, bu esa so'zlar va morfemalarning jumlalarni yaratish uchun qanday birlashishini aniqlaydi. va ifodalar [2:298].

Tilni o'zlashtirish odamlarda erta bolalik davrida ijtimoiy muloqot orqali boshlanadi. Til millat, xalq, qabila boyligidir. Unda xalqning butun ma'naviy tajribasi, madaniy qadriyatlari, tarixiy taraqqiyot yo'li, turmush sharoiti, atrof-muhit, mamlakat tabiati o'z ifodasini topadi. Tildan foydalanish insoniyat madaniyatida chuqur ildiz otgan bo'lib, u o'zining kommunikativ funktsiyasidan tashqari, guruh bilan identifikatsiya qilish, ijtimoiy tabaqalanish, ijtimoiy kontekstga bog'lanish va ko'ngil ochish kabi turli funktsiyalarni bajaradi [3:139]. Lingvistik tadqiqot ob'ekti sifatida "til" atamasi ikkita ma'noga ega: mavhum tushuncha va til tizimi, masalan, rus tili. Tilshunoslikning zamonaviy intizomini belgilab bergan shveytsariyalik tilshunos Ferdinand de Sossyur uchta atama o'rtasidagi farqni

aniq ifodalagan: til -kontseptsiyani belgilash uchun; til tizimining o‘ziga xos namunasi; va nutq. Til umumiy tushuncha sifatida qaralganda, qo‘llaniladigan ta’riflar hodisaning turli tomonlarini ta’kidlaydi. Bu ta’riflar tilga oid turlicha yondashuv va tushunchalarni aks ettiradi va ular turli va ba’zan bir-biriga mos kelmaydigan lingvistik nazariyalarni hosil qiladi.

Tilning tabiati va kelib chiqishi haqidagi bahslar antik davrlarga borib taqaladi. Gorgias va Platon kabi yunon faylasuflari so‘zlar, tushunchalar va voqelik o‘rtasidagi munosabatni muhokama qilganlar. Gorgiasning fikricha, til ham ob’ektiv tajribani, na inson tajribasini ifodalay olmaydi; shuning uchun aloqa va haqiqat imkonsizdir. Platon esa tildan mustaqil ravishda mavjud bo‘lgan va undan oldin bo‘lgan g‘oya va tushunchalarni ifodalaganligi sababli muloqot mumkin, deb ta’kidlaydi [4:27].

Ma’rifat davri va uning insonning kelib chiqishi haqidagi bahs-munozaralari davrida tilning kelib chiqishi haqidagi nazariyalar odatiy holga aylandi. Russo va Gerder kabi mutafakkirlar til his-tuyg‘ularning instinktiv ifodalanishidan kelib chiqadi va u aqliy fikrni ifodalash mantig‘idan ko‘ra dastlab musiqa va she’riyatga yaqinroq bo‘lgan degan g‘oyani ilgari surgan. 20-asr boshida mutafakkirlar dunyo haqidagi tasavvurimizni shakllantirishda tilning rolini shubha ostiga qo‘yishdi. Ular til shunchaki dunyoning ob’ektiv tuzilishini aks ettiradimi yoki u bizning ob’ektiv dunyoni idrok etishimizga ta’sir qiluvchi tushunchalarni yaratadimi, degan savol tug‘iladi. Bu mulohazalar falsafiy muammolar maxsus til muammolari emasmi degan savol tug‘dirdi. Til tushunchalarni yaratish va tarqatishda muhim rol o‘ynaydi, falsafani o‘rganish mohiyatan tilni o‘rganishdir. Ma’no va murojaat, bilish va ong bilan bog‘liq holda til haqidagi bu bahs davom etmoqda. Tilning ta’riflaridan biri uni odamlarga tillarni o‘rganish, so‘zlarni ishlab chiqarish va tushunish imkonini beradigan aqliy qobiliyat sifatida tavsiflaydi.

Savol tug‘iladi: til aqliy qobiliyatmi, organmi yoki instinktmi? Bu ta’rif barcha odamlarda til mavjudligini ta’kidlaydi va inson miyasining noyob rivojlanishi natijasida odamlarda bu qobiliyatning biologik asoslarini ta’kidlaydi. Insonning tilga tug‘ma kirish imkoniyatini taxmin qiluvchi faylasuflar va tadqiqotchilar til mavjud muhitda o‘sgan, normal kognitiv rivojlanishiga ega bo‘lgan har qanday bola rasmiy ko‘rsatmasiz tilni o‘zlashtirishiga tayanadi. Tillar odamlar umumiy tilsiz birga yashaydigan yoki o‘sadigan muhitda ham o‘z-o‘zidan rivojlanishi mumkin.

Ushbu turdagi ta’riflar ko‘pincha kognitiv fan va neyrolingvistika sohasida qo‘llaniladi. Tilning yana bir ta’rifi uni ma‘noni bildiruvchi grammatik qoidalarning kombinatsiyasi bilan boshqariladigan rasmiy belgilar tizimi nuqtai nazaridan ko'rib chiqadi. Ushbu ta’rif inson tillarini ma’lum belgilarni ma’nolar bilan bog‘laydigan qoidalardan iborat yopiq tizimli tizimlar sifatida tasvirlash mumkinligini ta’kidlaydi. Ushbu strukturalistik yondashuv birinchi marta Ferdinand de Sossyur tomonidan kiritilgan bo‘lib, uning strukturalizmi tillarga nisbatan ko‘plab zamonaviy yondashuvlarning asosi bo‘lib qolmoqda. Sossyurning til haqidagi g‘oyalarini qo‘llab-quvvatlovchilarning bir qismi tilning asosiy elementlarini aniqlashdan boshlab, uning tuzilishini o‘rganuvchi rasmiy yondashuvni yoqlaydi. Keyinchalik, ushbu tadqiqotda elementlarning so‘z va jumlalarga birlashtirilishi qoidalarini tasvirlashga harakat qilinadi. Bu nazariyaning asosiy tarafdori generativ va transformatsion grammatika nazariyasi muallifi Noam Xomskiy bo‘lib, u tilni transformatsion grammatikalar yordamida tuzilgan gaplar qurilishi deb ta’riflagan. Xomskiy bu qoidalarni inson ongining tug'ma xususiyati va til nima ekanligining boshlanishi deb biladi [5:21].

Tilning quyidagi ta’rifi tilga odamlarga so‘zlarni og‘zaki yoki ramziy ravishda almashish imkonini beradigan aloqa tizimi sifatida qaratiladi. Ushbu ta’rif tilning ijtimoiy funktsiyalarini va odamlarning o‘zlarini ifodalash va o‘z muhitidagi ob’ektlarni boshqarish uchun foydalanishini ta’kidlaydi. Inson tili o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Inson tili ochiq va samaralidir, chunki u odamlarga cheklangan elementlar to‘plamidan keng ko‘lamli gaplar yaratish va yangi so‘z va iboralar yaratish imkonini beradi. Bu hodisa inson tilining ikki tomonlama kodga asoslanganligi tufayli mumkin bo‘ldi, unda tovushlar, harflar yoki imo-ishoralar kabi elementlar so‘zlar va jumlalar kabi yangi ma’no birliklarini hosil qilish uchun birlashtirilishi mumkin. Til ko‘plab fanlar bo‘yicha ilmiy yoki akademik tadqiqot mavzusi bo‘lib, bir nechta nazariy nuqtai nazardan ko‘rib chiqiladi, ularning har biri tilshunoslikka zamonaviy yondashuvlarni yaratishga imkon beradi [6:243].

Shunday qilib, tillar belgini ma’no yoki uning mazmuni bilan bog‘lash orqali ma’noni ifodalaydi. Belgilarning shakllari, masalan, tovush, tasvir yoki imo-ishora bilan idrok etilishi kerak, so‘ngra ular ijtimoiy konventsia orqali aniq ma’no bilan bog‘lanishi kerak. Ko‘pgina til belgilari uchun asosiy ma’no munosabatlari ijtimoiy konventsiyaga asoslanganligi sababli, til belgilarini belgining alohida shakli va uning ma’nosi o‘rtasidagi tabiiy munosabat emas, balki ijtimoiy va tarixiy jihatdan o‘rnatilganligi ma'nosida o‘zboshimchalik deb hisoblash mumkin.

Til xabarlarni ishlab chiqaradi. Til bizga narsalarga nom berish imkonini beradi. Olam til orqali shakllanadi. Narsalarni belgilash faqat xavfsizlik uchun emas, balki aloqani uzaytirish va vaqt, vaqt va joyga ko‘ra vositalarni cheksiz ko‘paytirish uchun amalga oshiriladi. Til muloqot vositasidan ko‘proq narsadir.

**Adabiyotlar**

1. Asif Agha, Til va ijtimoiy munosabatlar, Kembrij universiteti nashriyoti, https://hmong.ru/wiki/Sociolect/2007.

2. Gen Aitchison, Til o'zgarishi: taraqqiyot yoki pasayish?, Kembrij, Nyu-York, Melburn, Kembrij universiteti nashriyoti, 2013 yil, 4-nashr. (1-nashr. 1981), 298-b.

3. Allerton D. J. “Til shakl va naqsh sifatida: Grammatika va uning toifalari”, N.E.Kollinjda, Til entsiklopediyasi, London, Nyu-York: Routledge, 1989.

4. Ferdinand de Saussure (Roy Xarris tomonidan tarjima qilingan), Kurs umumiy tilshunoslik, La Salle, IL, Open Court, 1983 (1-nashr. 1913) (ISBN 0-8126-9023-0).

5. Noam Chomskiy. Til arxitekturasi. -Oksford, Oksford universiteti nashriyoti, 2000.

6. Qodirova F. K. Tilshunoslik va adabiyotshunoslik muammolariga zamonaviy qarash. -Nyu-York: AQSh https://conferencea.org 28-may, 2022.

**REZYUME.** Til muloqot va ifoda vositasi bo‘lib, ko‘pincha o‘z yaqinlari va umuman jamiyat bilan aloqada “tabiiy ravishda” olinadi. Bu bizga dunyoni shubha ostiga qo‘yishga, e’tiqodlarimiz bilan muloqot qilish va rivojlantirishga, e’iqodimizni tasdiqlashga va da’volarimizni tasdiqlash yoki rad etishga yordam beradi.

**РЕЗЮМЕ.** Язык является средством общения и выражения и часто усваивается «естественным образом» в отношениях с близкими людьми и обществом в целом. Это помогает нам подвергать сомнению мир, сообщать и развивать наши убеждения, подтверждать наши убеждения и подтверждать или опровергать наши заявления.

**SUMMARY.** Language is a means of communication and expression and is often acquired "naturally" in relationships with loved ones and society at large. It helps us question the world, communicate and develop our beliefs, validate our beliefs, and confirm or refute our claims.

# O‘ZBEK ADABIY TILI VA SHEVA MUNOSABATLARI

**Sh.T.Mo‘minova** – *magistrant*
**A.M.Shofqorov** – *filologiya fanlari nomzodi, dotsent*
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*

**Tayanch so'zlar:** adabiy til, sheva, dialekt, dialektalizm, badiiy adabiyot, tayanch dialekt, fonetik dialektalizm, leksik dialektalizm.

**Ключевые слова:** литературный язык, диалект, говор, диалектизм, художественная литература, основной диалект, фонетический диалектизм, лексический диалектализм.

**Key words**: literary language, dialect, dialect, dialectalism, fiction, basic dialect, phonetic dialectalism, lexical dialectalism.

Til tafakkur bilan bog‘liq: jamiyatdagi ayrim hodisalar va o ‘zaro muloqot tufayli kishilarda bir-biriga biror narsa deyish ehtiyoji tug‘iladi. Bu fikr so‘z, til orqali ma’lum bo‘ladi va o‘zgalarga izhor qilinadi va o‘zaro aloqa kelib chiqadi. O‘zaro aloqa imo-ishora, hushtak va rasmlar orqali ham bo‘lishi mumkin. Temiryo‘l va mashina yo‘llarida turli belgi chiziqlar juda ko‘p. Lekin ularning xizmati cheklangan. Masalan, hushtak faqat signal uchun yaroqli. lmo-ishoradan qorong‘ida foydalanib bo‘lmaydi. Rasmlar vositasida hamma narsani ham ifodalayverish mumkin emas. Bundan tashqari qo‘l hafakatlari ham mavjud lekin ular orqali ham hammaga birdwk yetkazib bera olmaymiz.. Til esa har qanday sharoitda istalgan fikrni ifodalash imkoniyatiga ega. Shuning uchun til jamiyatning yagona va eng qulay aralashuv vositasi sanaladi.So‘zlar orqali inson his tuyg‘ularini, kechinmalarini ham bemalol yuzaga chiqarib boshqalarga yetkazib bera olishi mumkin.

Tilni inson yaratadi, o‘zaro munosabatda tildan foydalaniladi, ana shu munosabatlarda til rivojlanadi. O‘zaro aralashuv jarayonida insonning aqliy va jismoniy fazilatlari taraqqiy eta boradi. Til faqat insonga xos hodisa, ne’mat, u inson jamiyatida kelib chiqadi va shu jamiyatda qo‘llanadi [1].

Insonlarning boshqa tirik mavjudotlardan farqi ham mana shundadir. Chunki boshqa joni mavjud jonzotlar ichidan faqatgina insonga tafakkur qilish imkoni berilgan. Inson tafakkur qiladi va o‘sha o‘ylagan narsasini tili ya’ni so'zlar orqali yuzaga chiqaradi. So‘zlar orqali fikrini yetkazib bera oladi.

Ma’lumki, har bir adabiy til milliy (xalq yoki elat) tilning yuqori bosqichi bo‘lib, u me’yorlashgan yoki me’yorlashtirilgan til hisoblanadi. Adabiy tilga manbalarda quyidagicha ta’rif beriladi. Adabiy til leksik jihatdan nisbatan barqaror, fonetik-fonematik va grammatik jihatdan muayyan qolipga tushgan, yagona orfografik va orfoepik normalarga amal qiladigan, so‘z ustalari tomonidan sayqal berilgan milliy tilning yuqori bosqichidir. O‘zbek adabiy tili ham shu qoidaga amal qiladi.

O‘zbek adabiy tili ikki shaklda bo‘ladi: og‘zaki va yozma. Og‘zaki adabiy til orfoepik me’yorlarga bo‘ysundiriladi. Og‘zaki adabiy til davlat ahamiyatiga ega bo‘lgan barcha sathdagi rasmiy majlislar, o‘qish – o‘qitish ishlari, ommaviy majlislarda qo‘llanadi. Yozma adabiy til esa orfografik qoidalar asosida shakllantiriladi va orfografiya qoidalari joriy o‘zbek alifbosiga asoslanadi. Unda bir necha tamoyillardan foydalaniladi: fonetik, fonematik, morfologik, grafik, tarixiy-an’anaviy, ramziy va boshqalar.

Adabiy tilning tayanch dialekti. Har bir adabiy til o‘zining tayanch dialektiga ega bo‘ladi. To‘g‘ri, o‘zbek adabiy tilining shakllanishida shevalarning barchasi u yoki bu darajada ishtirok etadi, lekin ma’lum shevalar adabiy til uchun asos, tayanch (baza) vazifasini bajaradi, ya’ni o‘zbek adabiy tili muayyan sheva va shevalardan leksik, fonetik, grammatik xususiyatlarni adabiy til fakti sifatida oladi hamda o‘sha sheva va shevalar guruhi taraqqiy etishi bilan birga taraqqiy etadi, chunki sheva jonli til bo‘lib, u doimo rivojlanishda, o‘zgarishda bo‘ladi, shu tufayli ham adabiy til shu sheva yoki shevalar guruhi rivojlanishi bilan bog‘liq ravishda taraqqiy etib boradi, aksincha, adabiy til o‘zining tayanch dialektiga ega bo‘lmasa, u bora-bora muomaladan chiqib ketadi. Muomaladan chiqqan til fanda “o‘lik til” degan termin bilan yuritiladi. Tillar tarixida “o‘lik tillar” mavjudligi haqida ma’lumotlar ko‘p. O‘zbek adabiy tili shartli ravishda fonetik jihatdan Toshkent shahar dialektiga, morfologlk jihatdan esa Farg‘ona dialektiga tayanadi. Ma’lumki, Toshkent shevalari 6 ta unli dialektdir. Farg‘ona dialektidagi so‘z shakllari, xususan, fe’l shakllari asosan o‘zbek adabiy tiliga norma sifatida qabul qilingan. Aslida adabiy tilni bir yoki ikki sheva yoki dialekt bilan bog‘lab qo‘yish juda ham to‘g‘ri emas, balki o‘zbek adabiy tili shevalar hisobiga boyib, mukammallashib boradi. Shu ma’noda shevalar adabiy tilning boyish manbasi bo‘lib qoladi.

Garchand, adabiy tilda qarluq-chigil-uyg‘ur lahjasining unsurlari ko‘p uchrasada, unda qipchoq va o‘g‘uz lahjalarining xususiyatlari ham norma sifatida ishtirok etgan o‘rinlar mavjud. Masalan, adabiy tildagi jun, jo‘natmoq, jo‘ni, jo‘nalish so‘zlari qipchoq lahjasiga xosdir. Bu so‘zlarning ayrim qarluq-chigil-uyg‘ur lahjasiga oid shevalarda yun, yo'nat, yo‘ni, yo‘natmoq variantlari bor.

Badiiy adabiyot va dialektizm. Badiiy adabiyotda shevaga oid fonetik, morfologik va leksik xususiyatlarning aks etishi dialektizm deyiladi. Bunda shevadagi qaysi yarusning aks ettirilishiga qarab dialektizmlar fonetik dialektizm, morfologik dialektizm va leksik dialektizm turlariga ega.

Fonetik dialektizm badiiy asarda muayyan shevaga oid fonetik xususiyatlarning aks etishidir. Masalan, o‘n akki / ikki (Marg‘ilon), galdi / keldi (Xorazm).

Morfologik dialektizm badiiy asarda shevaga xos morfologik elementlarning qo‘llanishidir. Masalan, Shotto - shu yerda “Qora ko‘zlar, Dim(juda) gech geldingiz (Xorazm).

Leksik dialektizm shevaga oid so‘zlarning badiiy asarlarda qo‘llanishidir. Masalan, darponmanlar (Xorazm) - bezovtalanmanglar.

Badiiy adabiyot tili xalq (millat) tili boyliklarining qayta ishlangan ko‘rinishidir. Shu jarayonda badiiy so‘z ustalarining voqea yoki qahramon sarguzashtlari o‘tadigan shevaga murojaat qilishlari e‘tirof etilgan.

Adabiyotda mahalliy kolorit degan tushuncha bor. Bu esa adiblarga mahalliy kechinmalarini ifodalashda sheva xususiyatlaridan keng foydalanishga imkoniyat yaratadi. Badiiy adabiyotda adib dialektizmlardan ikki o‘rinda foydalanadi, ya‘ni dialogik nutqda qahramonning muayyan sheva vakili ekanligini ko‘rsatish, mahalliy koloritni berish maqsadida hamda adabiy tilda sinonimi bo‘lmagan so‘zlarni majburan qo‘llaydi. Hatto butun boshli badiiy asarda mahaliiy sharoit, mahalliy mentalitetni, ruhiyatni ifodalashda to‘lig‘icha sheva xususiyatlaridan foydalangan holda tasvirlaydi. Bunga J.Sharipovning “Xorazm”, Tog‘ay Murodning “Otamdan qolgan dalalar” asarlarini keltirish mumkin [2:31].

Badiiy asarlarda qancha ko‘p dialektlardan foydalanilsa, badiiy asarni yanada ta’sirchan va ommaga tushunarliroq qilib taqdim etilgan bo‘ladi. Ya’ni qancha ko‘p shevalarimizdagi so‘zlarni qo‘llasak shunchalik badiiy asarning saviyasi oshadi va shunga yarasha o‘quvchini ham o‘ziga jalb qiladi. Asardagi badiiylik va ta’sirchanlik oshadi.

Shuni ta’kidlash lozimki, dialektlar adabiy tilning boyishi uchun tabiiy manbalardan biri bo‘lib qoladi. Dialektizmlarning adabiy tilga singib ketish jarayoni dastlab qiyin kechadi, lekin badiiy adabiyotning ta’sirchan kuchi orqali bir asarda qo‘llangan dialektizm keyingi asarlarga o‘tadi va shu tariqa umumxalq mulkiga aylanadi va adabiy tilda o‘zlashib ketishi mumkin.

## Adabiyotlar

1. Abdurahmonov G., Xo‘jayeva D. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. -Toshkent: «O‘qituvchi», 2003.
2. Ashirboyev S. O‘zbek dialektologiyasi. -Toshkent: 2013.
3. Rajabov N. O‘zbek shevashunosligi. -Toshkent: 1996.
4. www.ziyonet.uz.

**REZYUME.** Ushbu maqolada o‘zbek adabiy tili va sheva munosabatlari, shuningdek, badiiy asarlar ya’ni badiiy adabiyotda dialektizmlarning o‘rni va ahamiyati haqida so‘z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассматриваются взаимоотношения узбекского литературного языка и диалекта, а также место и значение диалектизмов в литературных произведениях, т.е. художественной литературе.

**SUMMARY.** This article discusses the relationship between the Uzbek literary language and dialect, as well as the place and importance of dialectisms in literary works, i.e. fiction.

## ZOOMORF TIZIMLARNING MILLIY VA MADANIY XUSUSIYATLARI

**D.Sh.Norkuziyeva –** *tayanch doktorant*
*Samarqand davlat universiteti*

**Tayanch so‘zlar:** frazeologik birliklar, zoomorfik tasvir, qiyosiy tahlil, majoziy tasvir, milliy va madaniy xususiyatlar.

**Ключевые слова:** фразеологические единицы, зооморфный образ, сравнительный анализ, метафорический образ, национально-культурные особенности.

**Key words:** phraseological units, zoomorphic image, comparative analysis, figurative image, national and cultural characteristics.

**Kirish.** Jahonning ko‘plab tillarida hayvon nomlari bilan ifodalangan frazeologik iboralar orqali insonlardagi majoziy tasvir ochib beriladi va bu o‘xshatish badiiy adabiyotda keng qo‘llaniladi. Frazeologik birliklarni o‘rganishda har ikki tilning etnolingvomadaniy xususiyatlari inobatga olingan holda keltirilgan. Zoomorfizmlar an’anaviy va o‘ziga xos konseptosfera hosil qilib muayyan millatning tili va madaniyatining o‘ziga xos va umumiy xususiyatlarini ochib berishning nazariy asosini ilmiy o‘rganishga imkon yaratadi.

**Asosiy qism.** O‘zbek va nemis frazeologik birliklarida ifodalangan ayiq *(der Bär)* tasviri har ikkala tilda ham ko‘plab umumiy xususiyatlarga ega. Ma’lumki, ayiq bahaybat va qo‘pol yovvoyi hayvon hisoblanadi. Badiiy adabiyotlarda bu hayvon tasviri katta jismoniy kuchga ega bo‘lganligi uchun yovuzlardan atrofdagilarni va o‘zini himoya qiluvchi sifatida gavdalantiriladi. Ayniqsa, g‘azablangan ayiq barcha to‘siqlarni supurib tashlashga, har qanday raqibni yengishga qodirligini ko‘rishimiz mumkin. Nemis tili va adabiyotida mard, jasur va kuchli insonlarga nisbatan “*ein Bär von einem Menschen*” - haqiqiy ayiq, “*er ist stark wie ein Bär*” - u ayiqdek kuchli, u haqiqiy ayiq iboralari qo‘llaniladi. Shuningdek, o‘zbek adabiyotida ham ayiq obraziga nisbatan shunday o‘xshatishlarni uchratishimiz mumkin. Masalan, “*Ba’zan nozik siyosiy masalalarda, qaltis vaziyatlarda go‘yo shisha buyumlar do‘koniga kirib qolgan ayiqdek hamma yerni chil - parchin qilib yuboradilar*”[1]. Yuqoridagi keltirilgan parchada ayiqni jahldor, kuchli va jasur kabi sifatlar bilan tasvirlagan. Lekin o‘zbek adabiyotlarida ayiq ko‘proq “*qo‘pol*”, “*qo‘rs*”, “*beso‘naqay*”, “*ovsar*”, “*dangasa*” insonlarga nisbatan ko‘proq ishlatilish holatlari kuzatiladi. Quyida keltirilgan parchalarda buni yaqqol ko‘rishimiz mumkin: *Bunaqa bo‘lishini kutmagan Musurmon uni tashlab yuborib, xona ichida ari talagan ayiqdek lapanglab qochar, ikki barmog‘i bilan burnining uchini qisib, ikki lunjini do‘mbiraday shishirib olgandi*[2], *Uning ro‘parasida o‘tirgan ayiqdek beso‘naqay, yuzi xunuk, lablari do‘rdoq yigit siyrak tishlari sarg‘aygan og‘zini ochib, sassiz kulardi* [3] *Grisha bolari uyasini kavlab qo‘yib ariga talangan ayiqdek, lapanglab qochdi* [4]. *Changalini ochib ayiqdek taypanglab kelayotgan Xudobandani ko‘rgan Jonnigor nimanidir sezib qichqirmoqchi bo‘lar, ammo ovozi chiqmadi* [5]. O‘zbeklar singari, nemislar ham, o‘zini qanday tutishni bilmaydigan, bezori, qo‘pol odamni tavsiflash uchun ham ayiq qiyofasiga murojaat qilishadi: “*ein ungeleckter Bär*”– qo‘pol, beadab odam, “*er ist plump wie ein Bär*”- u ayiq kabi qo‘pol ya’ni norozilik ohangida ishlatiladi.

Ma’lumki, ayiq butun qishni uyasida qish uyqusida o‘tkazadi va panjasini so‘rib yotadi. Shu munosabat bilan o‘zbek tilida ham, nemis frazeologiyasida ham ayiq dangasalik qiyofasi bilan bog‘liq: panjasini so‘rish ya’ni “*auf der Bärenhaut liegen*” ayiqdek dam olmoq, uxlamoq iborasi ishlatiladi. “*Tojulislomning qishlog‘ini olib berganimdan so‘ng, ul nafsi buzuq mullo bo‘lgan ayiqdek qo‘limni yalaydurgan bo‘lib qoldi* [6]. *O‘zi nazar bo‘lmasa shu ekan: ayiqdek barmog‘ingni so‘rib, yalpayib yotaverasan ekan* [7]. Yuqoridagi keltirilgan parchalardan ko‘rish mumkinki, ayiqdek ishlab, mehnat qilib dam olib yotgan insonlar tasvirlangan. Aslini olganda, o‘zbek adabiyotida ham bejizga “*Yaxshi dam – mehnatga hamdam*” deyilmagan. O‘zbek tili manbalarida ayiq tasviri bilan bog‘liq bo‘lgan zoomorfizimlar nemis tilidagidek ko‘plab uchramaydi. Yuqorida ko‘rsatilib o‘tilganidek o‘zbek madaniyatida ayiq dangasa hayvon sifatida namoyon bo‘ladi, lekin uning bu xususiyati bu tilning frazeologik birliklarida deyarli aks etmaydi. Ikkala tilning frazealogiyasida ham eng ko‘p uchraydigan hayvon tasviri bu it bo‘lib, bu hayvon har ikkala tilning ijtimoiy turmush madaniyatida o‘ziga xos ahamiyatiga ega. Masalan, it (*der Hund*) bilan bog‘liq bo‘lgan zoomorfizm o‘zbek va nemis adabiyotlarida o‘ziga xos bo‘lgan nomlar bilan kundalik turmush tarzida keng qo‘llaniladi. Nemis xalqi o‘zlarining itlarga bo‘lgan munosabati va g‘amxo‘rligi bilan boshqa xalqlardan alohida ajralib turadi. Chunki ular itlarni sevib, ularga o‘zgacha mehr bilan munosabatda bo‘lishadi. Nemis xalqi uchun itlar, birinchi navbatda, sodiq hamrohdir. U qadim zamonlardan to hozirgi kungacha insonlarga hamroh bo‘lib kelmoqda. Shunday bo‘lishiga qaramasdan, ba’zi bir nemis lingvistik madaniyat namunalarida itning tasviri noaniq va ba’zan salbiy xususiyatlar bilan ifodalangan. Buni quyidagi salbiy frazeologik birliklarda ko‘rishimiz mumkin: Masalan, “*Kein bunter Hund schaut dich an*” – sen hech kimga kerak emassan, hech kim senga e’tibor bermaydi. Bundan ko‘rinib turibdiki, it obrazi har doim ham ijobiy tasvirlanmaydi. Ba’zan “*der Hund*” zoomorfizmi orqali bu hayvonga xos bo‘lmagan dangasalik, ishonchsizlik kabi sifatlar insonlardagi ba’zi salbiy xusisiyatlarni ochib berish uchun qo‘llaniladi. Masalan, “*den Hund hinken lassen*” insonlardagi “dangasalik”, “makkorlik”, “ishonchsizlik” kabi xususiyatlarni ifodalash uchun ishlatiladi. O‘zbek xalqi uchun ham it - bu uy hayvoni, insonning eng qadimgi va birinchi do‘sti, ovda yordamchi, qo‘riqchi, yo‘lboshchi hisoblanadi. Shunday bo‘lishiga qaramasdan ba’zan ko‘plab salbiy o‘xshatishlar bilan ifodalanishi ham uchrab turadi. Masalan, “*Mana, yuribsan, itning keyingi oyog‘i bo‘lib*”[8] iborasi hamma ishda orqada qolgan, dangasa, ishyoqmas insonlarga nisbatan qo‘llaniladi yoki “*Qo‘tir itdek bir ko‘ylakda dildirab turibman*” [9] gapida nochor, yupun, bechorahol kabi holatlardagi insonlar tasvirlanadi. “*O‘zing Ibrohimbekni bu yerdan daydi itdek haydab yuborgan ekansan - ku*?” [10]. O‘zbek tilida boshpanasiz, hech kimga kerak bo‘lmagan, g‘arib kimsalarga nisbatan “daydi it” zoomorfizmi qo‘llaniladi.

Shu bilan birga, o‘zbek xalqida boshqalarga nisbatan g‘azablangan va tajovuzkor holatdagi odamlarni tavsiflash

uchun ham itning tasviriga murojaat qilishlari mumkin. Masalan: "*qoraxitoylar bilan mo'g'ullar ham ulardan qolishmaydigan darajada ko'ppakdek tajovuzkor ekan. Bo'lmasa, Chingizxonning mag'rib sari sudralib kelishi - ularning qonida bor. Bunda o'zlariga go'r topadilar! Yahudiylar raqibiga qopog'on itdek, to'satdan tashlanib qolishar ekan*". Keltirilgan misoldan ko'rish mumkinki, bu yerda ko'ppak-it obrazini salbiy bo'yoqdorligini yanada oshirgan. "J*angari ko'ppakdek tashlandi unga qoni ko'pirgan To'lqinboy*" [11]. "*Birovlarga laychadek yaltoqlangan bu xumpar, egasi olqishlasa , boshqalarni quturgan ko'ppakdek qopishdan toymaydi-da! Mana shunisidan qo'rqqulik*"[12]. O'zbek tilining izohli lug'atida keltirilishicha, "*ko'ppak*" so'zi ikki xil ma'noda qo'llaniladi:

1. *Qo'riqlovchi itlarning xashaki bir zoti. [Madina] Zanjirini uzib yuborguday tashlanib vovullayotgan so'qimdek ko'ppakning dag'dag'asiga ham qaramay, ichkariga kirdi* (Mirmuhsin, Chodrali ayol).

2. Shunday itga nisbatli haqoratni (nisbatlashni) bildiradi. Ali meshkobchi ichida: Sen ko'ppakning qo'lingdan shu ish keladi, albatta, dedi-yu, indamay jo'nab ketdi (Mirmuhsin, *Me'mor — Ha noinsof, ha ko'ppak! — Qoratoy boyni so'ka boshladi* (Oybek, Tanlangan asarlar) [13]. Shuningdek, o'zbek tilidagi singari nemis frazeologiyasida ham bu hayvonning tajovuzkorligini ko'rsatadigan iboralar uchraydi. Masalan, "*Stumme Hunde beißen gern*" iborasi jimgina yurib ishini bitiradigan insonlarga nisbatan qo'llaniladi: "*hat man so vor ihrem Zorn keine Not bellenden Hunden stopft man das Maul mit Brot es wird nichts so heiß gegessen, wie es gekocht wird hüte dich vor Katzen, die vorne lecken und hinten kratzen stumme Hunde beißen gern wer droht*" [14].

O'zbek va nemis madaniyatida ham it zoomorfizm sifatida "charchagan", "horg'in", "ishi ko'p" insonlarga nisbatan ham qo'llaniladi. Masalan, "*So'ng yovdan qochayotgandek og'zini kuydirib , shoshib - pishib ovqat ichayotgan eriga qarab , uning rostdan ham itdek charchab kelishiga ishonsa ham , shu safar dili og'ridi: Men o'ynab kelyapmanmi*?"[15]. Nemis tilida ba'zan boshqalar bilan kelisha olmaydigan, tezda murosaga kela olmaydigan odamlarga nisbatan "*leben wie Hund und Katze*" iborasi qo'llaniladi. O'zbek tilining izohli lug'atida keltirilishcha, "*it – mushuk*" iborasi bir - biri bilan hech chiqishmaydigan, janjalli munosabatga ega kishilarga nisbatan ishlatiladi: "*Aleksandr masala jiddiyligini tushundi, chunki er-xotin ikkovi it-mushuk bo'lib otasining avvalgi urishganda ham Mariya biron marta Aleksandrni nonushtasiz qoldirmagandi*" [16].

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, nemis tilidagi ba'zi frazeologik birliklardagi nomlari keltirilgan hayvonlarning matn ma'nosi bilan bilan hech qanday aloqasi bo'lmaydi. Masalan: "*vor die Hunde gehen*" iborasi it bilan emas balki tog'-kon metallurgiyasi bilan bog'liq birlik hisoblanadi. Avvalgi paytlarda yaxshi ishlamagan konchilar jarimaga tortilgan. Ayblanuvchi orqasidan "*Hunte*" deb nomlangan og'ir aravani tortib yurishi kerak edi. Bunday anglashilmovchilik natijasida yuqoridagi ibora vujudga kelgan. Bunday xatoliklar nafaqat nemis balki boshqa xalqlarning tillarida ham uchraydi. V.Kramer va V.Sauyer kabi nemis tilshunos olimlari yuqorida keltirilgan etimologik noto'g'ri qo'llaniladigan tushunchalarni tadqiq qilganlar.

Bo'rsiqni ko'pincha mahalliy aholi qashqaldoq deb atashadi. U sut emizuvchilar turkumining susarsimonlar oilasiga mansub yirtqich hayvondir. Bo'rsiqlar aslida tabiatan juda ehtiyotkor hayvon hisoblansa-da lekin uning bu xislati zoomorfizm sifatida qo'llanilmaydi. Shuning uchun o'zbek adabiyotida bu hayvon nomi bilan bog'liq tasvirlar juda kam uchraydi. Balkim bu hayvon mamlakatimizda kam uchraganligi buning asosiy sabablaridan biridir. Shunday bo'lsada uning ko'rinishi tasviri insonlarga nisbat berish uchun qo'llaniladi. O'zbek tilining izohli lug'atida keltirilishicha, bo'rsiq haddan ortiq semiz va yumaloq insonlarni tasvirlash uchun qo'llaniladi: "*Otlarni dala boshida yotgan eski molaga qo'shib bo'rsiqday ko'pchib yotgan tuproqni molalashga kirishadi*" [17]. *Bo'rsiqday yum - yumaloq, bir savat paxta kabi* [18]. Aksincha, o'zbek tilidan farqli ravishda nemis tili va adabiyotida bo'rsiq hayvoni bilan bog'liq zoomorfizmlarni ko'proq uchratishimiz mumkin. Chunki bu hayvon butun Yevropa bo'ylab keng tarqalgan. Qolaversa, nemis xalq ertaklarida ham bu hayvonni ko'proq uchratishimiz mumkin. Bo'rsiq yer ostining kovak qismlarida yashab qish faslini "siyrak" uyqu bilan o'tkazadi. Uning aynan shu xislati tufayli u bilan bog'liq zoomofizmlar uchraydi. Masalan, "*schlafen wie ein Dachs*"- bo'rsiqdek uxlamoq kabi.

Yuqorida keltirilgan hayvon tasvirlari singari o'zbek va nemis tillarida ho'kiz (Ochse) tasviri ham keng qo'llaniladi. Ho'kiz dunyo xalqlari orasida qadim-qadimdan beri insonlar tomonidan boqilib va uning mehnatidan foydalanib kelingan. Shuning uchun mazkur qiyoslanayotgan tillarda bu hayvon xususiyati bilan bog'liq bo'lgan ko'plab zoomorfizmlar uchraydi. Masalan, o'zbek tilidagi "ho'kizdek ishladi" birikmasiga nemis tilidagi "*arbeiten wie ein Ochse*" iborasi mos keladi. Buni quyidagi badiiy adabiyotlarda keltirilgan namunalardan ham ko'rishimiz mumkin: "*Millionerlar! Zavodda ertadan kechgacha ho'kizdek ishlab, uch yuz so'm maosh olib ko'rchi, ming kishini to'plab to'y qila olarmikansan*"[1], "*Kechqurun kulbasiga kun bo'yi juvoz tortgan ho'kizday tolib qaytdi*". Bu yerda mehnatkash, og'ir mehnat qilib charchagan, horg'in holatdagi kishilar obrazini ochib berish uchun yuqoridagi zoomorfizmlar qo'llanilgan. Mazkur o'xshatishlar ho'kizning xususiyatiga nisbatan qiyoslangan bo'lsa, ba'zi quyidagi jumlalarda uning tashqi qiyofasiga nisbatan ishlatiladigan tasvirlarni uchratamiz. Ho'kizning bahaybat va qo'pol ko'rinishi inson harakati va qiyofasiga nisbatan qo'llaniladi. Ko'pincha ho'kizning tashqi ko'rinishiga qiyoslangan zoomorfizmlarda salbiy bo'yoqdorlik ko'zga tashlanadi. Masalan, "*Siyaman, desang o'lasanmi, ho'kizdek bola! Arillama! Otangdan nima rohat ko'rdimu, sen nima karomat ko'rsatarding*" [11], "Toshmamat uning badbashara yuzi, ho'kizdek bo'yniga qarab ko'ngli aynidi" [19] kabilar shular jumlasidandir. *"Er konnte arbeiten wie ein Ochse"*, "*Wenn sie arbeiten wie ein Ochse und das gut hinkriegen, können Sie über Ihren Leistungsgehaltsanteil ordentlich verdienen und eventuell aufsteigen*". Mazkur nemis tilidagi jumlalarni quyidagicha tarjima qilishimiz mumkin. "*U eshshakday ishlaydi, agar siz eshshakday ishlasangiz va o'z ishingizni mahorat bilan uddalasangiz, shunga yarasha maosh olishingiz va ishingizda yuqori marralarni qo'lga kiritishingiz mumkin*". Bu frazeoligizmni o'zbekchagasiga eshakdek ishladi deb tarjima qilsak ham maqsadga muvofiq bo'ladi. Yuqoridagi namunalardan ko'rinib turibdiki bu hayvon ikki tilda ham mehnatkash insonlarga nisbatan ishlatiladi.

Xulosa qilib aytganda, badiiy adabiyotda insonga xos xarakter va xususiyatlarni hayvonlar obrazi orqali tasvirlanishi asarga estetik zavq bag'ishlaydi hamda uning ta'sirchanlik darajasini oshirishga xizmat qiladi. Zoomorfizmlar insonlarning hayvonlardagi har doim ham ko'zga tashlanavermaydigan o'xshashliklarini hisobga olib yondoshishga asoslanadi. Muloqot jarayonida o'zga tilli zoomorfizmni qo'llashda uning lingvopragmatik xususiyatlaridan kelib chiqqan holda muloqot davomida o'ta ehtiyotkor bo'lish talab etiladi. Zero, har bir mamlakatning madaniyati, urf -odatlarini chuqur o'rgangan holdagina ushbu iboralardan foydalanish lozim. O'rganishlar natijasida olingan ma'lumotlar xorijiy tillarni o'rganuvchilarga zoomorfik frazeologik birliklarning ma'nosini yaxshiroq tushunishga va tarjimada xatolardan qochishga imkon beradi.

## Adabiyotlar

1. Mansurov Shomuhiddin. Istiqlol yo‘li. –T.: «O‘zbekiston”, 1995. 157-b.
2. Islom Xolboy. Tanazzul: tuzoq. –Toshkent: 2020. 157-b.
3. Tarik Dursun. Dengiz komida. –T.: 1990. 271-b.
4. O‘tkir Hoshimov. Tushda kechgan umrlar. 1994. 52-b.
5. Muhammad Ali. Sarbadorlar. –T.: 1997. 290-b.
6. Ma’suma Ahmedova. Qaldirg‘ochlar. 1987. 154-b.
7. Said Ahmad. Qorako‘z majnun (hikoya). –T.: O‘zbekiston NMIU, 2001. 126-b.
8. Mixail Zoshchenko. Mojaro: Hikoyalar [Rus tilidan N. Aminov tarj.] –Toshkent: “Adabiyot va san’at”, 1988.
9. Mixail Zoshchenko. Mojaro. 1998. 110-b.
10. Shukur Xolmirzayev, Toxhir Usmonov. Ko‘chki:qissalar. -Toshkent: “Yosh gvardiya”. 1990. 106-b.
11. Yamin Qurbon. Qari qiz oyga chiqdi. -T.: “O‘zbekiston”, 2010. 124-b.
12. Rahimjon Otayev. “Surnay navolari” qissalar va turkum badialar to‘plami. -Toshkent: 1991. 124-b.
13. https://savodxon.uz/iz
14. //“Sharq yulduzi”.–Toshkent: “Sharq”. 1990. 137-b.
15. Abdulaziz Safiy. E’tiqod: fitratga qaytib. –Toshkent: «Hilol-nashr” 2022. 112-b.
16. Маковский М.М. «английская этимология». -М.: “Высшая школа”. 1986.
17. Madvaliyev A va boshqalar. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. –Toshkent: “O‘zbekiston”. 2021.
18. Nurali Qobul. Oq kaptarlar: hikoyalar, qissalar. –Toshkent: “O‘zbekiston”, 1990, 30-b.
19. G‘afur Ghulom. Tanlangan asarlar (2-tom). 1957.

**REZYUME.** Ushbu maqolada o‘zbek va nemis tillaridagi zoomorfizmlar va ularning milliy, madaniy xususiyatlari tahlil qilingan. Qiyoslanayotgan tillarning madaniyati va ijtimoiy turmush tarzidan kelib chiqqan holda o‘ziga xos bo‘lgan zoomorfizmlarning ishlatilishi keltirilgan. O‘rganilayotgan frazeologik birliklarni yaratish uchun asos bo‘lib xizmat qilgan zoomorfik tasvirlar ya’ni hayvonlarga xos bo‘lgan xususiyatlar qiyosiy tahlillar orqali ochib berilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируются зооморфизмы узбекского и немецкого языков и их национальные, культурные особенности. Приводится использование зооморфизмов, свойственных культуре и социальному образу жизни сравниваемых языков. Особенности, присущие животным зооморфным образам, послужившим основой для создания изучаемых фразеологизмов, выявляются путём сравнительного анализа.

**SUMMARY.** This article analyzes the zoomorphic of the Uzbek and German languages and their national, cultural characteristics. The use of zoomorphism peculiar to the culture and social lifestyle of the compared languages is given. The features inherent in animal zoomorphic images, which served as the basis for the creation of the studied phraseological units, are revealed by comparative analysis.

# NAMANGANLÍ QARAQALPAQLAR

**A.Prekeeva** - *filologiya ilimleriniń kandidatı*
*Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filialı*

**Tayanch so‘zlar:** turkiy tillar, qoraqalpoq tili, yuqori qoraqalpoqlar tarixi, Mingbuloqli qoraqalpoqlar, Qo‘qon xonligi, dialektologiya, ajiralgan sheva.

**Ключевые слова:** тюркские языки, каракалпакский язык, история верхних каракалпаков, мингбулакские каракалпаки, Кокандское ханство, диалектология, отдельный говор.

**Key words:** turkic languages, the Karakalpak language, history of the upper Karakalpaks, Mingbulak Karakalpaks, Kokand Khanate, dialectology, separate dialect.

Namangan wálayatınıń Mıńbulaq rayonında on bes mıńǵa jaqın qaraqalpaqlar jasaydı. Bul jerge Jiydeli baysınnan kóship kelgenimiz awızdan-awızǵa ótip, biziń kúnimizge jetip kelgen deydi. Ata-babalarımız dáriya jaǵalap jawgershilik, asharshılıq sebebinen hár jaqqa tarap, bólinip ketken dep túsindiredi ózleriniń tariyxın. Biraq qaysı jerde jasaytuǵın qaraqalpaqlar bolmasın ata jurtın Ámiwdáriyanıń Aral teńizine quyar ayaǵı dep túsinedi.

Ilimniń rawajlanıwı menen bul másele tilshi,tariyxshı,adebiyatshı ilimpazlardı qızıqtırıp, joqaǵı qaraqalpaqlardıń tariyxı, tili, awızeki adebiyatı boyınsha ilimiy hám publicistikalıq maqalalar, monografiyalar jazıldı, ilimiy izertlewler júrgizildi. Degen menen,bul izertlewler Ózbekstan aymaǵındaǵı barlıq qaraqalpaqlardıń tili, ádebiyatı, tariyxı qamtıp alındı dep ayta almaymız. Ele izertleniwi tiyis máseleler júdá kóp. Mine, Mıńbulaqlı qaraqalpaqlar da solar qatarında.

Qaraqalpaq til iliminde Qaraqalpaqstannan sırtta jasaytuǵın qaraqalpaqlardıń tili haqqında prof. D.S.Nasırovtıń miynetinde joqarı qaraqalpaqlardıń tilin „boleklengen soylesim”dep kórsetedi. Sonday-aq, ilimpaz Ferǵana, Samarqand, Tashkent hám Afǵanstan qaraqalpaqlarınıń til ózgeshelikleri boyınsha ózbek hám rus alımlarınıń miynetlerin birme-bir atap ótedi [1].

Ilimpaz L.Tolstova Ferǵana oypatını qaraqalpaqlarınıń 1897-jılǵı xalıqtıń esabın alıw waqtında 18500 qaraqalpaq,olar Ferǵana, Namangan, Andijan wálayatlarında jasaydı dep kórsetkenin aytadı. Sonnan Namangan wálayatınıń Zadárya (házirgi Mıńbulaq) rayonında Nayman, Jumashuy, Mamaxan, Dawduk, Yakka tut, Mexnat abat, Namangan rayonınıń Besh kepe, Shor qıshlaq, Narın rayonınıń Kema bashi awıllarında jasaydı [2].

Ándijannıń Moskva rayonınıń Qaraqalpaq, Siza awıllarında, Shınabad rayonınıń Shınabad, Xojabad, Etti Kashka, Axunbabaev, Qoshtepa saray, Balıqshı rayonınıń Alimbek,Ormanbek awıllarında, Ferǵana wálayatınıń Oymawıt, Shorqıshlaq, Eskiqıshlaq, Xojaqıshlaq, Alakamak, Mulkabad, Qudıq, Yangishek, Amidjan awılı Taypaq awıl keńesinde, Katta Aq tepa,Kishik Aq tepa, Telimıń, Jabı, Qapa – qalpaq - Kurǵansha Voroshilov awıl keńesinde, Katta Qaraqalpaq awılı Yangi hayot awılı Frunze rayonında bunnan tısqarı, Yazyaban hám Buvayda rayonlarında da qaraqalpaqlar jasaytuǵının atap ótedi. Ilimpaz bul dáwirde qaraqalpaqlardıń milliy sana-sezimin saqlap kelgenin, biraq keyingi jas áwladtıń ózbek tilinde bilim alǵanlıqtan ózbek tilinde sóyleydi, hátteki bazılarınıń pasportın ózbek dep jazılǵanlıǵın da atap ótedi [3].

L.S.Tolostova „Joqarı qaraqalpaqlar” hám “Каракалпаки Ферганской долины”degen miynetinde Ózbekstan aymaǵında hám Ferǵana oypatındaǵı qaraqalpaqlar, olardıń urıwları jasaw orınları, jaǵdayları haqqında keń tariyxıy maǵlıwmat beredi [2.3].

Buxara qaraqalpaqlarınıń tili boyınsha akademik H.Xamidovtıń maqalasında birinshi márte joqarı qaraqalpaqlardıń tilinen maǵlıwmatlar jıynaǵan [4].

Buxara qaraqalpaqlarınıń, Kenimex rayonınıń tili arnawlı izertlew obyekti bolıp, 2012-jılı „Kenimexli qaraqalpaqlardıń sóylesimi” dep ilimiy jaqtan dáliyllenedi [5]. Biraq Kenimex qaraqalpaqlarınıń tilinen basqa joqarǵı qaraqalpaqlardıń tili arnawlı izertlew obyekti bolmadı.

Mıńbulaqlı qaraqalpaqlar ata-babalarınıń bul jerlerge Sırdáriya átirapınan kóship kelgenine 300 jıllarǵa shamalas waqıt bolǵan dep shamalaydı.

Ata-babalarımız jawgershilik saldarınan ózleriniń ata mákanın taslap, Qoqanǵa kelip xanı Narbota biyden jer soraydı. Narbota biy xalıqtıń sharwashılıq penen shuǵıllanatuǵının bilgen soń, Sırdáriya átirapındaǵı otlaqlı jerlerden orın beredi. Sonnan ata-babalarımız usı jerge qonıslasadı.

Qaraqalpaqlardıń bul jerlerge kóship kelgen dáwirleri 1764-1800 jıllarǵa tuwra keledi. 1764 –jılda Qoqan taxtına Abdiraxmanbiydiń ulı Narbota biy otıradı [6]. Bizler esimizdi bilgeli Qaraqalpaqstan menen baylanıs bolǵanın esitpegenmen. Men tariyxıy kitaplardan oqıwım boyınsha 1723 - jıllardaǵı shabıwıllar sebepli xalqımız ján-jaqqa bolinip ketken. Bizlerdiń tariyxımız haqqında ilimpaz L.S.Tolstova degen ilimpaz «Ferǵana oypatı qaraqalpaqları» degen kitap jazǵan eken. Bul haqqında jurnalist Mamasali Abduraxmanov Mıńbulaq tariyxın jazǵanda paydalanǵan, biraq men bul kitaptı taba almay júrmen. Tolstovanıń kelgenin kórgenler ótip ketken. Bizlerdiń qıshlaǵımız haqqında da maǵlıwmat bar ekenligin jurnalist Abduraxmanov aytıp ótken. Men de tariyxımızǵa baylanıslı esitkenlerimdi, oqıǵanlarımdı kitap etip jazǵanman. Bul hákimiyat tapsırması menen jazıldı. Sebebi el aǵası marhum M.Erniyazov Prezidentimizge Namanganda bizlerdiń de elatlarımız jasaydı, solardan xabar alsańız, degen eken.Sonnnan Prezidenttiń járdemshileri kelip náwbetten tısqarı qıshlaǵımız abadanlastırıldı. Bul da bassılarımızdıń tariyxımızǵa qızıǵıwı hám qádirlewinen derek beredi. Bizlerdiń tilimiz ózgergen, sebebi jasaǵan ortalıq, qaraqalpaqlar menen baylanıstıń bolmawı, aralıqtıń uzaq bolıwı, bilimdi ózbek tilinde alıwımız, ǵalaba xabar quralları sıyaqlı kóplegen tásirlerdiń nátiyjesi dep esaplayman. Biziń qıshlaǵımızda qaraqalpaq urıwlarınan jiydeli, bessarı, mańǵıt, qıpshaq.iyiriwshi, nayman, keneges,qırq, jamashoy urıwları bar. Usı waqıtqa shekem jamashoy degen urıw atamasınıń kelip shıǵıwın tájik tili menen baylanıstırıp kóremen, jáne bul jerde tájikler jasamaǵan ǵo - dep juwap taba almay júrip edim. Bul qaraqalpaqlardıń jamansha degen urıwı eken. Sebebi bul jerlerde de qaraqalpaqlar jasaydı. Bul sóz fonetikalıq ózgeriske ushıraǵan. (inf. K.Mamatov, urıwı jiydeli, 1959- jılı tuwılǵan joqarı maǵlıwmatlı, Namangan pedinstitutınıń ózbek filologiyası fak. tamamlaǵan. Qalǵandáriya qısh).

Haqıyqatında da, til hár qıylı jaǵdaylar tásirinen ózgerip otırıwı tábiyiy qubılıs. Mıńbulaq rayonında jasaytuǵın qaraqalpaqlarda iyiriwshi degen urıw bar. Bul sheriwshi urıwınıń ózbekshe aytılıwı, sebebi qaraqalpaq tilinde sh hám j seslerinen baslanatuǵın sózler ózbek tilinde ye sesinen baslanadı. Mıs, sheshim-yechim, jel-yel,shesh-yech hám .t.b. (P.A)

Qara dáriya, Sırdáriya, Narın dáriyası boyındaǵı xalıqtıń barlıǵı qarılpaqlar Meniń anam sartlardan,anamnıń tórkinine barsaq bizlerge – Ha qarılpaqlar keldińiz be? - deytuǵın edi. Bizlerdi bul jerde heshkim ózbek demeydi. Biraq pasportımızǵa ózbek dep jazılǵan. Biziń APJ ımızda 3200 puqara jasaydı. Usı xalıqtıń barlıǵı qaraqalpaqlar. Sonday-aq, bizlerde joqarı oqıwǵa qızıǵıwshılıq júdá joqarı. Qıshlaǵımızdan oqımıslı adamlar kóp shıqqan.

Tilimiz ózgergen degenimiz benen qaraqalpaqshılıq belgiler ushırasadı. Kátte analarımızǵa elege shekem qayınukálari "jańasha" (jeńge) deydi. Bul bizlerdiń qaraqalpaqsha belgimiz, onnan soń bizler ata-analarımızǵa, ózimizden úlkenlerge sen dep múrájáát etemiz, usılay aytsaq, ózimizge jaqın alǵanımız dep esaplaymız. Keyin biziń analarımız atamnıń ukalarınıń isimlerin aytpaydı. Hay bala yamasa qara bala, málle bala dep aytadı, Ismin aytıw uyat bolǵan. Bul ózgeshelikler tek qaraqalpaqlarda bar. Jaqınǵa shekem basqaǵa qız berip, qız alıspadıq.Biraq endi-endi aralasıp atırmız. (inf. U.Hamdamov, urıwı qıpshaq, 1967-jılı tuwılǵan Mamaxan qısh, joqarı maǵlıwmatlı).

Bizlerdiń urıwımız mańǵıt bolıwı kerek. Ata-babalarımız mańǵıt bolǵan, - dep atam aytatuǵın edi. Bizler onsha itibar bermegenbiz, endi ballarımızǵa jeti atamızdı, urıwımızdı úyretip atırmız. Usı waqıtqa deyin qarılpaqpız dep júre bergenbiz. Urıwımız onsha aytıla bermeytuǵın edi. Úlken áwlad urıwların bilgen dá bizlerdiń kátte analarımız, atalarımız j menen sóyleytuǵın edi. Pasportımızǵa ózbek dep jazılǵanı menen, hámme bizlerdi qaraqalpaq deydi. (inf Álixanov Shákirali. urıwı mańǵıt, 1970 - jılı tuwılǵan, Mamaxan qısh, joqarı maǵlıwmatlı, tariyx páni oqıtıwshısı).

Bizler qarılpaqlardıń beshinshi áwladı bolamız, urıwımız nayman, qońıratlardan ekenbiz, bunı bizge atalarımız aytıp ketken. Sır boyına kelip ornalasqan, usı jerde mákan basıp, otırıqshı turmıs keshirgen. Bizdi tilimiz "j" lawshı shebada sóyleymiz. Bul qubılıs, ásirese, jası úlken áwladtıń tilinde sezirerli dárejede, keyingi jaslar ádebiy tilde sóylesedi. Biziń kátte atalarımız sap qarılpaq tilinde sóyleytuǵın edi. Máselen, jeysanmi, júr, je, sózlerin qollanatuǵın edi. Olar ótip ketti, eger maǵlıwmattı olardan alǵanıńızda basqasha bolar edi. Bári bir bizlerdiń tilimizde, úrp-ádet dástúrlerimizde ózgeshelik bar, lekin sizlerdiń dástúrlerińizdey me ol jaǵın bilmedik. Burın bizlerde babalarımızdıń dáwirinde qız urlaw dástúri bolǵan. Jigit penen qız bir-biri menen sóylesip júrip qızdı urlap keler eken, úyine qoyıp keyin sawshılıqqa barılar eken. Házir bul jaǵday ushıraspaydı. Eger qız benen jigit birin - biri unatıp qalsa, úyine sawshı baradı. Sawshı barǵannan birden ırazılıq berile qoymaydı, bir-eki ret sorap keledi. Kóshelerde soylesip júriw biziń qaraqalpaqlarda joq. Ata-anası az ǵana ırazılıq bildirse, kelgenlerge aq material beriledi. Bul kelisim berilgeninen derek beredi. Qız benen jigittiń bası baylanǵan boladı. Kúyew qızdı úyine alıp keledi. Ertesine kúyewdi ata úyine «kúyew shaqırdı» qıladı. Onnan soń ata kúyew úyine keledi. Ata qızın joqlap keledi. Qızına hár qıylı nársáler menen keledi, televizor, kir mashın. Biz qız bererde jeti áwladın ábden sorastıramız. Eger áwladlarında urlıq-ǵarlıq basqa da jaman illettegi adamlar bolsa qızımızdı bermeymiz. Ulımızǵa qız alarda da usılayınsha sorastıramız.

Biziń dáwirimizde aqlıq aldı, bas baylar, pátiya toy, káttá toy, tabaq qayttı sıyaqlı dástúrler bolatuǵın edi. Kelin shımıldıqqa kirgiziler edi. Házir bul dástúrler júdá ańsatlasıp ketti. Toylarımız zamanagóylesip ketken soń, dástúrler de ózgerip baratır. Men kelin kelgende aq kóylek emes ózimizdiń milliy kiyimlerimizdi kiyiwin qáler edim. Qaraqalpaqlarda qanday, milliy kiyimler kiyile me?

Mıńbulaqlı qaraqalpaqlar kempir apasın - káttá ana, anasın - ena, ákesin - ata, ájapasın-apa dep aytadı eken. Eki ta qaynaǵam bar, erimizdiń inilerin mırzaǵa, sińlilerin hay qız dep shaqıramız, birew bul kim dep sorasa qayın sińlim deymiz. Meniń atam aytar edi, bul jayǵa Qońırat elatı kóship kelatırǵan waqıtta qońırattıń bayları kóshken eken. Sonda qalǵan kámmaǵalları nege biziń baylarımızdı o tamanǵa jónetip jiberdiń dep aspanǵa balta atıp, qudaǵa nalıs etken eken - atam aytar edi. (inf Lutfiya urıwı nayman, 1959 - jılı tuwılǵan Nayman qısh. joqarı maǵlıwmatlı Namangan universitetinii filologiya fak pitkergen.)

Bizlerdiıń pasrortımızda milleti degen jayǵa ózbek dep jazılǵan, biraq bizlerdi bul jayda hesh kim ózbek demeydi. Házir qıshlaǵımızda 1940 – 1950 - jıllarda tuwılǵanlardıń pasportında barlıǵında qaraqalpaq dep jazılǵanın kóriwińiz múmkin. Biziń ata-analarımız qaraqalpaqsha sóyleytuǵın edi. Olardıń tili bizlerdiń tilimizden ádewir ózgeshelenetuǵın edi. Sol dáwirdegi hayal - qızlar ismlerin Júrsinay dep te qoyatuǵın edi, eger shaqalaǵı turmasa. Házirgi kúnde ádebiy tildiń tásiri hámme jaydı qamrap almaqta. Kem-kemnen til joǵalıp baratır, tek kátte jastaǵı kisilerdiń tiliniń fonetikasında qaraqalpaq tiliniń ózgesheliklerin seziwińiz múmkin. Bizlerdiń bala waqtımızdaǵı úrp - ádet dástúrlerimizdiń ózgeriske ushıraǵanın kóremiz. Qatnas baylanıs bolmaǵan soń, ózbeklesip ketkenbiz. (inf Qoshqarov Artıqali 1957 j, ózbek tili hám adebiyatı oqıtıwsnısı, Mamaxan qısh.)

Meniń atamnıń urıwları qırq bolǵan,qıshlaǵımızdıń atı da Qırqshek dep ataladı. (Bul atama qaraqalpaqlardıń qırq urıwı menen baylanıslı. Shek sózi qırq urıwına tiyisli, qırqlardıń payına tiygen jer mánisin ańlatqan bolıwı itimal. Sebebi qaraqalpaqlar dáriya boyına urıw-urıw bolıp jaǵalap qonıs basqan). Meniń anam Qırǵızstannıń ózbek

máhállesinen boǵan. Urıs dáwirinen keyin atam asharshılıq sebepli qırǵızlarǵa barıp, sol jaqta úylenip men 6 jasqa shıqqanımda jurtıǵa qaytıp kelgen. 1951 - jılı tuwılǵanman. Atamnıń anaları da qaraqalpaq bolǵan, Bayqozı baydıń qızları bolǵan. Atam ómir boyı qolqozda boyrashı bolıp, boyra toqıǵan. Buerdegilerdiń barlıǵı boyra toqıydı qamısh bolsa, házir qamısh joq.

Anamnıń jurtıǵa barǵanda jeyman, júr otır dep sóylesek, nimaga yeyman demaysizlar – deydi da hazil qılıp, - Ha bizler qaraqalpaqpız da - der edik.

Bizlerde qızlardı uzatıwda bittadan sandıq, bitta shalsha ottı aylandırıp, at arbada áketetuǵın edi. Ózimizdi káttá gruzaboy mashında áketken. Xojayınım ekewmiz apa-sińliniń nemerelerimiz, xojayınım apaniki, men sińliniń nemeresimen. Xojayınım turmıs qurǵanımızdan soń oqıdı, matematika páni oqıtıwshısı, házir pensiyada, qudaǵa shúkir, onta balanı úyli-jaylı qıldıq, men onınshı klasstı oqıǵanman.

Meniń káttá atam dál qaraqalpaqsha sóyleytuǵın edi. - Ata nege bunday etip sóyleysiz - der edik bizler bala waqtımızda. - Meniń ózimniń tilim dá, balam - der edi. Jası káttálardıń tilinde saqlanǵan edi dá, balam. Degen menen, jaslarda da qaraqalpaqshılıq belgiler ushırasadı. Olar sen dep sóylesedi. Bári bir tilimiz tartadı qaraqalpaq tili.

Atam dáriyadan káttá-káttá balıq tutardi. U balıqtı qazanǵa tuwrap salıp, qaynatar edik. Balıqtıń shorbasıǵa un salıp, qamır qılardık. Qazanǵa qamırdı kishkene - kishkene qılıp úzip-úzip taslar edik, onı kyrtik der edik. Keyin aq júgárini túyip, un qılıp zaǵara kúlshá (qq-sha júweri gúrtik) mayda - mayda qılıp, mınday-mınday qılıp domalaqlap kúlshsha qılıp, tawıq shurbaǵa, balıq shurbasına salıp ishine piyaz, shalǵam hámmesin salıp, pisken soń lágenge súzip alıp, góshin hámmesin tuǵrap - tuǵrap aralastırıp narınǵa usatıp jer edik. Aq júgarini un qılıp qazandaǵı balıq shurbadan quyıp qamır qılıp, qolımızda sıǵıp - sıǵıp, shurbaǵa salıp qaynatamız, sonday awqat qılardik. Bunı sıqman deymiz. Káttá analarımız sonday awqat qılar edi. Házir biz de bunday awqatlardı pisirip turamız, balıqtan, qoy góshinen, tawıq góshinen, qızım. Qanday qılıp úyrengensiz deydi kelinlerim, Káttá anamlardıń qasında otırıp kórip úyrengenmen deymen olarǵa. Tawıq soysaq, kúlshetay qılamız, shalım jaqsı kóredi.

Mal tuwsa uwız qılamız, qatıq uytamız, ayran qılıp pisip, suzmasini suzip qurt qılamız.Qurtı shirin boladı. Seperattıń qurtı shirin bolmaydı,suzmanıń qurtınday.

Jizzaqqa sanotoriyaǵa barǵanda Qaraqalpaqtan ekki sińli tawıp aldım. Telefonda sóylesip turamız.

Biziń analarımız qaynaǵa, mırzaǵa, qaymbiyke, qayınsińil der edi. Bizlerde erimizdiń jaqınlarınıń ismlerin aytpaymız. Hay qız, hay bala deymiz, atın aytpaymız. Aytsaq ayıp boladı. - Haliyam qız deysiz be - dep kúledi esitkenler. - Ha qızda deymiz. (inf. Matkarimova Ímıgúlsın urıwı qırq, 1951-jılı tuwılǵan, Qırq shek qıshlaǵı, sawatı 10-klass).

Men Seyitmuratova Maxsuda 1946-jılı Qoǵalı kólde tuwılǵanman. Házirgi kúnde Máhálle hám nuranıylardı qollap quwatlaw bólim baslıǵınıń orınbasarı másláhátshisi, nuranıylar keńesiniń baslıǵıman. Meniń turmısh ortaǵım vrach edi. 1968-jılı Nayman qıshlaǵına kelin bolıp túskenmen

Ol waqıtları kúlshetay qılar edik. Qamırdı tórt múyesh etip kesip, qazanǵa shurbaǵa salar edik, keyin súzip jer edik. Sonnan soń kóje as qılar edik. Qazanǵa suwdı qaynatıp, aq jugarini túyip salar edik. Bunı kóje as der edik, qatıq sap isherdi. Men kelin bop kegende mal kóp boǵan. Qatıqtan kúbi qılıp sarı yaǵ, ayrandan qurt qılardik. Bizde kelindi Anjanda kelinbuwi deydi dá. Naymanǵa barǵanımda meni jańasha der edi. Keyin men kóship Tashkenge kettim. Ballarım menen qıshlaqqa kelsek, jańasha dese olar túsinbey,sizdi sókip atır ma – dep sorap júrer edi. Biz kúler edik, onday emes dep. Naymanǵa kegenimde sóylesiwleri jep otır, júripsammá j benen sóyleser edi. Kiyiniwleri de ápiwayı boǵan, shashlarına teńgelerdi káttá kempirler kóyleklerine káttá pistalar taǵıp júrer edi. Olardıń tilinde qaraqalpaqshılıq ele bar, ásirese, Qalǵandáriya, Qırq shek, Mamaxan, Qoǵalı kólde de az bolsa da til bar. Qayraǵash awıl, Shardáne Kurtepa, balant Kurtepada da burın Xorezm kolxozı edi. Usı jaylarda da qaraqalpaqlar bar. Bul jayda jasawshı xalıqlardıń barlıǵı qaraqalpaqlar ekenin hámme biledi.

Xalqımızdıń bir párshesi bolǵan joqarı qaraqalpaqlardıń Namangan wálayatı Mıńbulaq rayonınıń Qalǵandáriya, Mamaxan, Nayman, Qırq shek awıllarında jasaytuǵın qaraqalpaqlar menen ushırasıp, olardıń tilinen, tariyxınan az bolsa da maǵlıwmatlar jıynaldı.

Juwmaqlastırıp aytqanda, til iliminiń leksika tarawı júdá ózgermeli taraw. Mıńbulaqlı qaraqalpaqlardıń tiliniń ortalıqqa beyimlesiwi tábiyiy jaǵday bolıp sanaladı. Degen menen, olar ózleriniń tilindegi ayırım ayrıqshalıqlardı qaraqalpaqshılıq belgimiz dep túsúnedi hám ózleriniń tariyxın, urıwların biledi.

Házirgi globallasıw dáwirinde til soylesimlerin úyreniw, olardı saqlap qalıw,ilimiy aylanısqa túsiriw qaraqalpaq dialektologiyası iliminiń aktual máseleriniń biri. Sonlıqtan joqarı qaraqalpaqlardıń tilin barınsha úyreniw sheshimin kútip turǵan wazıypalardan esaplanadı.

**Ádebiyatlar**


1. Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус: «Қарақалпақстан», 1976, 288-б; Поливанов Е.Д. Некоторые фонетические особенности каракалпакского языка. -Казань: -С. 27.; Yunusov G. A. Oʻzbek lahjalarini tasnifida bir tajriba. - Toshkent: 1935.; Ibragimov T. Qaraqalpaq shevasining bazi bir xususiyatlari. - Sb. Til problemalari, son II. – Toshkent: 1935, Samarkand. B. 3-41.; Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров. - Известия АН УзССР. -Ташкент: 1953, №5. -С. 72-73.; Решетов В.В. Некоторые замечания о каракалпаках Ташкентского оазиса и их яхыке. -Бюллетень АН УзССР. -Ташкент: 1947, № 3. -С. 18-19.

2. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. Каракалпакское государственное издательство. – Нукус: 1959, 4-5-б.

3. Tolstova L.S. Joqarǵı qaraqalpaqlar. – Nókis: «Bilim», 2021, 208-b.

4. Хамидов У. Бухара қарақалпақлардың тили бойынша бақлаўлар. //Вестник КК ФАН, УзССР. –Нукус: 1964, №3, 42-47-б.

5. Прекеева А. Конимех қорақалпоқлари шеваси. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Нукус: 2012. 19-б.

6. Eshov B.J., Odilov A.A. Oʻzbekiston tarixi. – Toshkent: «Donishmand Ziosi», 2020, 312-b.



**REZYUME**. Ushbu maqola Qoraqalpoǵiston Respublikasidan boshqa viloyatlarda yaʼni Namangan viloyati Mingbuloq tumani qopaqalpoqlari tarixiga,urf dasturlariga va tili masalasiga baǵishlanadi.

**РЕЗЮМЕ.** Это статья посвящена истории, обычаям и традициям, вопросам языка каракалпаков, живущих за пределами Каракалпакстана, в Мынбулакском районе Наманганской области.

**SUMMARY.** This article is devoted to the history, customs and traditions, language issues of the Karakalpaks living outside of Karakalpakstan, in the Minbulak district of Namangan region.

# A.QOSIMOV, M.QOSIMOVA MUALLIFLIGIDAGI “INGLIZCHA-O‘ZBEKCHA-RUSCHA, O‘ZBEKCHA-INGLIZCHA-RUSCHA” ANATOMIK TERMINLAR LUG‘ATINING TUZILISH TAMOYILLARI

**Sh.S.Ruzimov –** *tayanch doktorant*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** terminologiya, polisemiya, ma’nodosh, anatomik, tamoyillar, tanqidiy, takliflar, ishlab chiqmoq, yaxlit tizim, ilmiy.
**Ключевые слова:** терминология, полисемия, синоним, анатомический, принципы, критически, рекомендации, разрабатывать, целая система, научный.
**Key words:** terminology, polysemy, synonym, anatomic, principles, critically, recommendations, work out, whole system, scientific.

Hozirgi kunda terminologik so‘zlarni oddiy izohli yoki boshqa turdagi lug‘atlardan topish qiyin yoki, umuman topib bo‘lmaydi. Bu esa o‘z navbatida terminologik ya’ni ma’lum soha doirasidagina ishlatiladigan so‘zlarni o‘z ichiga qamrab olgan lug‘atlarga bo‘lgan ehtiyojni yanada kuchaytiradi.

Bugun aynan Azimjon Qosimov va Muattar Qosimovalarning muallifligidagi respublikadagi ilk terminologik lug‘atlardan hisoblanmish qo‘llanmani tahlil qilishga bel bog‘laymiz. Bir qarashda oson ko‘ringan bu lug‘atni o‘rganish jarayonida shunga amin bo‘lish mumkinki, qo‘llanma yaratilishiga salmoqli kuch, sabr va soha hodimlari, olimlar bilan alohida hamkorlik talab qilingan desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Lug‘atni ko‘rib chiqar ekanman, mualliflar o‘z ishining uddasidan chiqa olganligiga guvoh bo‘ldim.

Lug‘at uch tilda inglizcha, o‘zbekcha va rus tilidagi muqobillari bilan berilgan va shu bilan bir qatorda “o‘zbekcha - inglizcha - ruscha” muqobilida ham 4500 dan ortiq anatomik tushunchalar berilgan. Lug‘at maqolachalari alifbo tartibida joylashtirilgan. Kitob boshida uchta tilning ham alifbosi keltirilgan. O‘zbek tili (kirill yozuvida, А. Б. В...Ҳ), ingliz tili (A. B. C…Z), rus tili (А. Б. В…ъ) ko‘rinishida.

O‘zbek, rus va yoki ingliz tilidagi ikki va ko‘p tilli lug‘atlar talaygina. Ammo ularning ko‘pchiligi o‘rganilayotgan tilning kundalik hayotda ishlatiladigan so‘zlardan tashkil topgan. Aynan A. Qosimov va M. Qosimovalarning ushbu lug‘ati boshqa lug’atlardan farqli o‘laroq tibbiyot sohasidagi terminlarning boshqa tillardagi muqobilini ochib berish bilandir. Ushbu lug‘at tibbiyot sohasidagi jamiyki talabalar, kollej va maktab o‘quvchilari, tibbiyot sohasida ilmiy ish olib borayotganlar va albatta, shifokorlarga ham anchayin foydali.

Lug‘at maqolachalari alifbo tartibida berilgan va so‘zlarning muqobili uchun qo‘yilgan birinchi tili ingliz tili va kitob yarmidan boshlab o‘zbek tilidagi maqolachalar ajralib turishi uchun qora rang bilan ajratib qo‘yilgan.

Joiz deb o‘tilgan joylarda atamalarning ruscha va o‘zbekcha muqobilining yonida og‘ma harflar yordamida so‘zlarga izoh berib ketilgan. Bu o‘z navbatida lug‘atning sohani endi o‘rganayotgan talabalar uchun yanada samarador ishlashiga imkon yaratadi.

Masalan: **amebocyte –** амебоцит (*адашган ҳужайра*) – амебоцит [1:8]

Ba’zi so‘zlarning ma’nolarini yanada yoritib berish uchun ushbu so‘z qatnashgan iboralar berilgan.

Masalan: **arch -** гумбаз …

**arch of foot –** оёқ панжа гумбази – свод стопы [1:11]

So‘zlarning boshqa tillardagi muqobili berilganda, masalan o‘zbek tilidagi muqobili berilganda uning ko‘p ma’noliligi aks ettirilib so‘zlarning boshqa tillarda bir necha ma’noni anglatilishi 1), 2), 3) holatida havola qilib ketilgan.

Masalan: **articulation** – 1) бўғим, диартроз, синовиал битишма; 2) битишма, зичлашма (тиш қаторларида); 3) артикуляция – 1) сустав, диартроз, синовиальная соединение; 2) смыкание; 3) артикуляция [1:12]

Ma’nodosh (sinonim) so‘zlar qatori keng yoritilib berilgan.

Ko‘p ma’noli so‘zlar juda ko‘p ishlatilgan va har bir ma’no yozilib ketilgan. Shu bilan birga ko‘p hollarda bir so‘zning turli xil atamalar bilan qo‘llanilish holatidagi so‘z yozilib, yonida () belgisi ichida uning boshqacha nomlanishi berilib ketilgan.

Masalan: **веноз қон** – black (blue) blood – венозная кровь [1:104]

Ko‘p hollarda so‘zlarning muqobili berilganda (asosan, o‘zbekchasida) uning rasmiy shakli va shu bilan bir qatorda aholi tushunadigan so‘z shaklida ham og‘ma harflarda berilib ketilgan. Bu esa lug‘at tuzishdagi yana bitta yutuqdan dalolat beradi.

Masalan: **olfactory region -** ҳид билиш соҳаси **(***бурун шиллиқ пардаси***)**-обонятельная область [1:69].

Ba’zi anatomik so‘zlar faqat maxsus a’zolargagina ishlatilishi mumkin. Ushbu lug‘atda esa aynan qaysi tana a’zosi uchun ishlatiladigan so‘z ekanligi () belgisi ichida og‘ma harflar yordamida ta’kidlanib o‘tilgan.

Masalan: **philtrum -** лаб нови **(***бурун остидаги***) -** губний желобок, подносовой желобок

**plexus -** чигал **(***нерв ёки томирники***)** – сплетение [1:63].

Ko‘plik shaklda kela oladigan atamalar so‘z yonida () belgisi ichida “*кўп.*” so‘zidan keyin berilib ketilgan: **plexus- (***кўп.* plexuses**), pollex (***кўп.* pollicis**)**

Shu bilan bir qatorda shuni aytib o‘tish joizki, qo‘llanmada lug‘atning asosiy shartlaridan bo‘lmish transkripsiya berilmagan. Bu esa o‘z navbatida to‘g‘ri talaffuz qilish bilan bog‘liq muommolarni keltirib chiqaradi. Lug‘atdagi har bir maqolachadan keyin uning o‘qilish (transkripsiyasi)ini havola qilib ketilsa maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Masalan, **apex** [ˈeɪ.peks] *noun* [ C ] *plural* **apexes** or **apices –** 1) чўққи, 2) ўпка чўққси, 3) тиш илдизи чўққиси – 1) верхушка, 2) верхушка лёгкого, 3) верхушка корня зуба.

Ushbu lug‘atda so‘zlarning qaysi so‘z turkumiga kirishi ham berilib ketilmagan. Terminologik lug‘atlarida ko‘pincha ot va sifat so‘z turkumiga oid so‘zlar beriladi. Buni ma’lum qilishda mualliflar sal boshqacharoq yo‘ldan foydalanishgan. Ot so‘z turkumida kelgan so‘zni o‘z holida qo‘yib aynan shu otdan yasalgan sifat ham yonida alohida berilib ketilgan. Va o‘zbekcha muqobilidan keyin uchta nuqta qo‘yilib ‘- i, (-si)’ kabi qo‘shimchalar qo‘yilib ketilgan.

**Masalan, zygoma –** 1) ёноқ суяги; ...

**zygomatic –** ёноқ ... -и (-си) - скуловой [1:92]

Bu holat lug‘at o‘rganuvchiga bir qarashda ozgina tushunmovchilikni yuzaga keltiradi.

A.Qosimov va M. Qosimovaning tuzgan lug‘atining ijobiy taraflari:

Ba’zi so‘zlarning ma’lum bir birikmalar bilan maxsus ishlatilish hollarida takrorga yo‘l qo‘yilgan ya’ni har bir ibora bilan qo‘llanilishi uchun so‘zni yana va yana takror yozilavergan. Takrorning oldini olish maqsadida ko‘plab lug‘atlardan andoza olgan holda takrorlanuvchi so‘z o‘rniga ‘~’ belgisi qo‘yib ketilsa maqsadga muvofiq bo‘lardi.

Masalan: **apex -** чўққи, ~ **of fand**- тиш илдизи чўққиси, ~ **of heart -** юрак чўққиси

**bulb -** пиёзча-луковица**, ~ of aorta -** аорта пиёзчаси **-** луковица аорты**, ~ of eye -** кўз соққаси **-** глазное яблоко**, ~ of penis -** сийдик чиқариш канали пиёзчаси **-** луковица мочеиспускательного канала.

Qo‘llanmada tilning eng kichik yoki ahamiyatsiz birligi bo‘lib ko‘ringan qismi ham keltirilib o‘tilmasa ba’zi muommolarga sabab bo‘lishi mumkin. Yana bir ko‘zga

ko‘rinarli kamchiliklardan biri shuki A.Qosimov va M.Qosimovaning lug‘atida mundarija berilmagan.

Kitob yarmidan boshlab “o‘zbekcha - inglizcha - ruscha” lug‘at berilib ketilgan. Mundarijaning foydali taraflaridan biri shuki biron bir terminni izlashda vaqtni tejashda yordam beradi.

Ushbu bo‘limda berilgan deyarli barcha o‘zbek tilidagi lug‘at maqolachalarida avvalgi tartib ya’ni ma’nodoshlik tartibi saqlab qolingan. Bir tarafdan olib qaraganda bu yaxshi lekin lug‘at maqolachasida bitta inglizcha so‘zning bir necha o‘zbek tilidagi muqobili berilib ketilmasligi aksincha o‘z holida alifbo tartibida o‘z navbati kelganda yozlib ketilsa maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Lug‘atda quyidagicha berilgan:

**1) бош мия; 2) интеллект; ақл, ақлий қобилият, ақл-идрок** - brain- 1) головой мозг; 2) интелект; ум; умственние способности; разум.

Bu yerda birinchi o‘zbekcha so‘z turibdi agar foydalanuvchi aynan “bosh miya” so‘zini emas balki “aql” so‘zining inglizcha muqobilini bilmoqchi bo‘lsa albatta uni alifbo tartibi bo‘yicha “A” harfi qatorini izlaydi natijada izlagan so‘zini topa olmasligi aniq. Ushbu muammolar “idrok”, “aqliy qobiliyat” so‘zlarida ham kelib chiqishi tayin. Agar “aql” so‘zini “A” harfi qatoriga yozsa va unga “-ga qaralsin” so‘zi bilan “brain' so‘ziga havola qilib qo‘ysa yanada qulayroq bo‘ladi. Ya’ni: **ақл - brain** ga qaralsin, **ақлий қобилият - brain** ga qaralsin kabi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish kerakki, lug‘atdagi ba’zi kamchilklarga qaramasdan qo‘llanma yillar davomida o‘z foydalanuvchilariga ega va shuni aytib o‘tish joizki filologiya fanlari doktori, professor R. Doniyorov shunday ta’kidlagan: “Lug‘atda atigi 4500 ta anatomik termin va ularning o‘zbekcha, ruscha va inglizcha tarjimalari o‘z ifodasini topgan. Vaholanki, amalda odam 20 mingga yaqin katta-yu kichik a’zolardan tashkil topgan. Insonning birgina skeleti 200 dan ortiqroq suyaklardan iborat. Shunday ekan kelajakda ushbu sohadagi lug‘atlarning yanada yirikroq hajmdagilarining tuzilishi tarafdorimiz, albatta”.

**Adabiyotlar**

1. “Inglizcha - o‘zbekcha - ruscha, o‘zbekcha – inglizcha - ruscha” A. Qosimov, M. Qosimova (Maxsus muharrir: filol. fanlari doktori, professor R. Doniyorov, Taqrizchilar: tibbiyot fanlari doktori, professor N. H. Shomirzayev, filol. fanlari nomzodlari: S. S. Kim, Z. Mirahmedova, Dotsentlar: O. Mo‘minov, E. D. Murodova, K. Nabiyevalar bilan hamkorlik asosida) tuzilgan anatomik terminlar lug‘ati 2006-yil Toshkent “Mehrigiyo” nashriyoti O‘z.R.F.A. Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot instituti Ilmiy kengashi maslaxati bilan nashr qilingan.

2. Shavkat Butayev “inglizcha-o‘zbekcha”. (80000 so‘z va ibora) “O‘QITUVCHI” nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Toshkent: 2013.

3. Ulug‘bek Isaqov, Mansur Rahimov, Burxon Sobirov, Sanjar Temirov, Shavkat Isaqov “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (20000 so‘z va fe’lli birikma) “Yangi asr avlodi” nashriyot-matbaa markazida tayyorlangan. “Yoshlar matbuoti” bosmaxonasida bosilgan. -T.: 2005.

4. Akbar Kholmuradov, R. Azizov INGLIZCHA-O‘ZBEKCHA LUG‘AT (20 mingga yaqin so‘z va ibora). -Toshkent: «Tamaddun», 2012. 504-b.

5. Jo‘rayev Lutfullo Husanovich “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at (8000 so‘z). –Toshkent: “Davr” 2013.

6. Sanjar Nazarov, Feruza Nazarova, Nigora Adizova, Dilbar Poltayeva. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (35000 so‘z va ibora). –T.: “Niso Poligraf”. 2013.

7. Mirzarahimova M., Poltayeva D. “inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora). -Toshkent: “Akademnashr”. 2014.

8. Raxmonov G‘., A’zamov A., Kadirbekova D. “Inglizcha-o‘zbekcha” lug‘at. (15000 so‘z va ibora). –Toshkent: “Talqin”, 2014.

**REZYUME.** Maqolada inglizcha-o‘zbekcha-ruscha (A. Qosimov, M. Qosimova) lug‘at tuzilish tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi va yutuq va kamchiliklarini misollar bilan ko‘rsatgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье исследованы принципы составления англо-узбекско-русского (А. Косимов, М. Косимова) словаря, показаны его преимущества и недостатки на примерах и выработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения.

**SUMMARY.** In this article compiling principles of English-Uzbek-Russian (A. Qosimov, M. Qosimova) dictionary were investigated and shown its advantages and disadvantages with examples Practical recommendations are presented for improving compiling principles of the next generation of dictionaries were worked out.

## ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ДИАЛЕКТАЛ ФРАЗЕМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Б.Н.Сайфуллаев** - *мустақил тадқиқотчи*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети*

**Tayanch so‘zlar:** frazeologiya, lug‘at, semantika, dialekt, ibora, paradigma, komponent.

**Ключевые слова:** фразеология, лексика, семантика, диалект, фраза, парадигма, компонент.

**Key words:** phraseology, vocabulary, semantics, dialect, phrase, paradigm, component.

**Кириш.** Диалектал фразеологизмларнинг маъно таркиби, маъно тараққиёти, ҳосил бўлиш йўллари кабилар ўз тадқиқотчиларини ҳанузгача кутмоқда. Шундай экан, диалектал фразеологизмларни монографик йўсинда тадқиқ этиш эса тилшунослик учун муайян аҳамият касб этади.

Ўзбек ва қозоқ тилшунослигида диалектал фразеологизмларни тадқиқ қилиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга масалалардан биридир. Бугунги кунда фразеологик бирликлар келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий бўлса-да, уларни илмий ва амалий тадқиқ этиш нисбатан ёш ҳисобланади.

Фразеология фан сифатида фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа тил бирликлари сатҳидаги ўрнини белгилайди, тилнинг бошқа бирликлари билан ўзаро алоқасини аниқлайди, шунингдек, фразеологик бирликларнинг семантик, структурал-грамматик, эмоционал-экспрессив, услубий моҳиятини, нутқда қўлланишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни таснифлаш, фразеологик бойликнинг манбалари ва уларни янада бойитиш йўлларини тадқиқ этади [5:21].

**Асосий қисм.** Кейинги йилларда ўзбек ва қозоқ адабий тили фразеологияси бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар қилинди, бир неча фразеологик ва фразеологик изоҳли луғатлар яратилди, номзодлик ва докторлик диссертациялар ёқланди [9:97]. Лекин шевалар лексикасининг узвий қисми бўлган ва халқ орасида кўплаб ишлатиладиган фразеологик ибораларни ўрганиш олимларимиз эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бу борада шевашунос олимларнинг айрим илмий мақолаларини кўрсатиш мумкин.

Шевалардаги фразеологизмларни ўрганиш, биринчидан, халқимизнинг тил бойлигини ва жавоҳирларини йиғиш бўлса, иккинчидан, қардош ўзбек ва қозоқ адабий тилида мавжуд бўлган фразеологик ва идиоматик бирикмаларнинг келиб чиқиши, уларнинг туб маъноларини аниқлашда ёрдам беради ҳамда ўзбек-қозоқ шевалари луғатини тузишда амалий аҳамият касб этади.

Қозоқ тилининг фразеологик бирликлари таркибида диалектал иборалар билан бир қаторда адабий тилда учрайдиган ва учрамайдиган шева сўзлари ҳам мавжуд. Диалектал сўзлар каби диалектал фразеологизмлар ҳам универсал эмас, фақат маълум бир маҳаллий ҳудудга хослари ҳам бор. Адабий тилдаги фразеологик бирликлар шу тилда сўзловчилар учун умумийдир. Диалектал фразеологизмларнинг қўлланиш доираси эса чегараланган.

Ўзбек ва қозоқ тилида фразеологик шаклланиш масалалари қатор тилшунос олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган, жумладан, Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, А.Рафиев, Б.Йўлдошев, Я.Д.Пинхасов, Ш.Алмаматова, С.Кенгесбаев, Р.А.Авакова, А.Болғанбаев, Ғ.Қалиев, Ў.Айтбаев, Г.Смағулова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини киритиш мумкин [1:15].

Айтиш жоизки, ўзбек ва қозоқ диалектал фразеологиясининг кўпгина жиҳатлари тилшунос олимларининг эътиборидан четда қолаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Шулардан бири сифатида диалектал фразеологик қатламларини белгилаш, нутқ жараёнидаги ўзига хос қўлланиш хусусиятлари, фразеологизмлар ўзлаштириш каби масаладир.

Диалектал фразеологизмларнинг шаклланиши диалектал сўзларнинг шаклланишидан бир қадар фарқланади. Уларнинг шаклланиши турли даврларда ва ҳар хил ижтимоий-ҳаётий тажрибаларнинг умумлашуви асосида рўй беради. Диалектал фразеологизмлар ҳам маълум бир образ асосига қурилади ва шу образни гавдалантиришда ҳар хил предмет, воқеа-ҳодиса, тасаввурлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам фраземаларни шаклланиш доираси жиҳатидан ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга[4:28].

Диалектал фразеологик бирикмаларда адабий тил фразеологиясига семантик парадигмалари ўхшаш, лекин диалектал фразелогизм адабий тилдаги доимий ибoралардан таркибий қисмлардаги сўзлари ва маъноси билан фарқ қилади.

Ўзбек фразеологик шеваларини ўрганиш бўйича С.Аширбоев ва З.Хидралиевалар мақоласида қуйидагиларга асосий диққатни қаратади:

1. Ҳар бир шевада қўлланадиган барча фраземалар шу шеванинг хусусиятини акс эттиради, уларнинг катта қисми адабий тилда ҳам қўлланади ва муайян қисми эса фақат айрим шеваларгагина хос бўлади.

2. Шевалардаги фраземалар ўрганилганда, адабий тилда ҳам қўлланадиган, лекин фонетик структураси шева хусусиятини кўрсатадиган фраземалар тадқиқот материали сифатида олинмаслиги керак, бунда фраземанинг шу шевагагина хос эмаслиги эътиборга олинади.

3. Шева фразеологиясини ўрганишда адабий тилда қўлланмайдиган фраземалар тадқиқот материали сифатида олиниши мақсадга мувофиқ. Бундай фраземалар шеваларда кўплаб топилади, уларни йиғиш ва илмий тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлади.

Қозоқ диалектологлари Ш.Сарибаев ва О.Нақисбековлар эса қозоқ тилининг минтақавий луғат таркибини таҳлил қилиб, диалектал фразеология адабий тилдаги оддий сўз бирикмаларидан таркибий қисмидаги сўзлар ва маъно жиҳатидан фарқ қилиши, шунингдек, диалектал фразеологик бирликларнинг луғавий таркибидаги ўзига хосликларни икки гуруҳга ажратади.

1. Умумий луғат элементларидан тузилган ва шевада бошқа маънода қўлланган фразеологик иборалар. Мисоли, *тиш қоққан* – кўп нарсани кўрган, *оягидан тозу* – ҳаддан ташқари кўп юриш маъносида. Бундай фразеологик бирликларнинг биз кўрсатган маъноси адабий тилда қўлланмайди, балки улар шевалардагина муомалада бор.

2. Адабий тилда умуман учрамайдиган, фақат диалектал элементлардан ташкил топган фразеологизмлар. Мисоли, *парт болу* – жаҳли чиқиш маъносида қўлланилган.

Кўранадики, диалектал фраземаларни ўрганишда шева хусусиятларини уни шева фраземаси деб белгилашда муаммо мавжудлигини қайд қилиш мумкин. Шу муносабат билан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. **Шевалардаги фразеологик иборалар** таркибида ё ўзбек тилида, ёки ўрганаётган қозоқ шевасида адабий тилда учрамайдиган сўз бўлади, биз қозоқ адабий тилида учрамайдиган сўз мавжуд диалектал фраземаларни келтирамиз: оёғини бир этикка тиқмоқ - *зобалаң салу,* оғзи қулоғида - *авзы вочақадай,* ишнинг кўзи–*иштиң һәдиси,* димоғи баланд–*дабарасы ер йарады // дабарасы джер джарады, боши қотди - башы чақчадай қатув* ва бошқалар. *Зобалаң (*қисташ маъносини англатади), *вочақа* (катта оғиз маъносида ), *иш* (жумис) сўзлари қозоқ адабий тилида йўқ.

2. **Шевалардаги фразеологик бирлашмалар таркибидаги сўзлар** адабий тилда бўлса ҳам, адабий тилдаги фразеологик бирлашма таркибидаги сўзлар билан тенг келмайди. Шу сабабдан уларнинг маъноси ҳам ўхшамайди: *гөзи дөрт болув* - кутмоқ, *тувбасына тайанмоқ* - бойнига олдирмоқ, *от басқандай* - чаққон ва бошқалар.

Туркий тиллар, унинг ичида ўзбек ва қозоқ тиллари ҳам фразеологизмларга бойлиги юқорида айтилди. Қадимдан халқ тилида қўлланиб келаётган фразеологизмларнинг, бинобарин, диалектал фразеологизмларнинг ўзига хос экспрессивлик буёқлари, ўткир маънолиги ва таъсирчанлиги билан нутқни безаши ҳам адабиётларда ўз аксини топган. [5:9].

Диалектал фразеологизмларнинг компонент таркиби умумхалқ ва диалектал сўзлардан иборат, аксарият ҳолларда фраземалар таркибидаги диалектал сўз фраземанинг белгиловчи маъносини ифодалашда таянч вазифа бажаради. Бунга ўзбек тилидан ўзлашган *тас кесе кемирип, сув кесе симирип* (қийинчиликларга бардош бермок) бирикмасини келтирамиз.

Диалектал фразеологизмларнинг шаклланиши ҳам ўзига хос тарихга эга. Уларнинг шаклланиши турли даврларда ва ҳар хил ижтимоий-ҳаётий тажрибаларнинг умумлашуви асосида рўй беради. Диалектал фразеологизмлар ҳам маълум бир образ асосига қурилади ва шу образни гавдалантиришда ҳар хил предмет, воқеа-ҳодиса, тасаввурларнинг номларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам, "фраземаларни шаклланиш доираси жиҳатидан ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга" [10:59].

Диалектал фразеологизмларнинг семантикасидаги ўзига хосликлар ҳамон тадқиқот ишини талаб қилади. Бунда уларни фарқлаш учун тилдаги турғун ибoраларнинг фразеологизм сифатида тан олинишига қўйиладиган талаблар сингари улар ифодалаган семантикасининг образлилигига, шунингдек, фразеологизмларнинг таркибидаги сўзларнинг маъно муносабатларига эътибор қаратиш лозим. Мисоли, шевада *ўтакаси ёрилмоқ сўзи* адабий тилда *юраги ёрилмоқ* деб *қўрқмоқ* маъносида қўлланилади.

Адабий тилдаги фразеологизмлар каби диалектал фраземаларнинг тематик-семантик гуруҳлари бир-бирига ўхшашдир. Шева маълумотлари сифатида тўпланиб, луғатларда қайд этилган фразеологизмлар халқ ва уларнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, менталитетини акс эттириб, уни бошқа зоналардан ажратиб туради. Мисоли, *патир ушатмоқ, калла пиширмоқ, патаки пайтава бўлмоқ, кўкдан тўйган куррадай, калла қўймоқ, қырық ямов* сингари бир қатор иборалар фразеологизмларнинг мавжуд изоҳли луғатларида кузатилмасада халқ тилида кўп қўлланилмоқда.

**Хулоса.** Диалектал фразеологиянинг икки тил кесимидаги хусусиятларини ўрганиш, хусусан, ўзбек ва қозоқ умумхалқ адабий тилининг ички қурилишини, туркий тиллар ўртасида тутган ўрнини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, ўзбек, қозоқ тилларидаги лаҳжа ва шевалардаги фразеологизмлар ўтмиш тарихи, урф-одатлар, фольклор материаллари, топишмоқлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар билан боғлиқдир. Лекин улар ҳар бир шеванинг ўз хусусиятларини ўзида акс эттиради ва уларнинг материаллари ҳисобланади.

**Адабиётлар**


1. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол.фан.ном....дисс.автореф. –Тошкент: 2006.
2. Ashirboev S. O‘zbek dialektologiyasi. - Toshkent: «Nodirabegim», 2021.
3. Болғанбаев А., Қалиев Ғ. Ҳозирги қозоқ тилининг лексикологияси ва фразеологияси. – Алмата: 2003.
4. Виноградов В.В. Об основных типах фразелогических единиц в русском языке. // В.В. Лексикология и лексикография: Избр. труды. -М.: 1986.
5. Йўлдошев Б. Ўзбек фразелогияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. –Самарқанд: 2013.
6. Кеңесбаев І. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. -Алматы:...., 1977.
7. Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. Монография. –Т.: «Наврўз», 2019.
8. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразелогизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.ном...дисс.автореф. –Т.: 2000.
9. Рахматуллаев Ш. Лексикология билан фразеология. //Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: 1992, 59-б.
10. Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: «Фан», 1966.
11. Смағұлова Г. Фразеологизмдердің варианттылығы. – Алматы: «Санат», 1996.
12. Туркистон аҳолиси тилининг хусусиятлари. фил.ном.канд... автореф.: 10.02.02. – Алмата: 2003. 26-б.
13. Ҳожиев А., Бегматов Е. Ҳозирги ўзбек тили ва уни ўрганишнинг актуал масалалари. Ўзбек адабиёти, 1992.



**РЕЗЮМЕ.** Фразеология туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек ва қозоқ тилшунослигида адабий тил нуқтаи назардан етарли даражада ўрганилган, лекин диалектал фразеология, айниқса, диалектал фразеологиянинг туркий тиллари шеваларида қўлланиши қиёсий планда ўрганилган эмас. Ушбу муаммо тақдим этилаётган мақолада ўзбек ва қозоқ тилларининг Юқори Чирчиқ туманидаги ўзбек ва қозоқ шеваларида қўлланиши мисолида ўрганиш тажриба қилинмоқда. Унда ўзбек ва қозоқ тиллари шеваларидаги фраземаларнинг ўрганилиши, диалектал фраземаларнинг таркиби, адабий тилдан фарқ қиладиган хусусиятлари, уларда сўз танлаш масаласи ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**. Фразеология достаточно изучена в языкознании тюркских языков, в том числе узбекского и казахского, с точки зрения литературного языка, но диалектная фразеология, особенно употребление диалектной фразеологии в диалектах тюркских языков, сравнительно не исследована. В представленной статье эта проблема исследуется на примере использования узбекского и казахского языков и говорах Верхнечирчикского района. Она охватывает изучение фразеологизмов в узбекском и казахском диалектах, состав диалектных фразеологизмов, их особенности, отличные от литературного языка, и вопрос выбора слов в них.

**SUMMARY.** Phraseology has been sufficiently studied in the linguistics of Turkic languages, including Uzbek and Kazakh, from the point of view of literary language, but dialectal phraseology, especially the use of dialectal phraseology in of Turkic dialects, has not been comparatively studied. In the presented article, this problem is studied on the example of the use of the Uzbek and Kazakh languages and dialects of the Upper Chirchik district. It covers the study of phrases in the Uzbek and Kazakh dialects, the composition of dialectal idioms, their features that differ from the literary language, and the issue of word choice in them.


## ТИЛЕЎБЕРГЕН ЖУМАМУРАТОВ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА ФОНЕТИКА-СЕМАНТИКАЛЫҚ ҚУБЫЛЫСЛАР


**И.Е.Сейтназарова** – *филология илимлериниң кандидаты, доцент*
*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*



**Таянч сўзлар:** поэтик фонетика, позициявий товушлар ўзгариши, эмоционал-экспрессив маъно, аллитерация, ассонанс.
**Ключевые слова:** поэтическая фонетика, изменение позиции звуков, эстетический вкус, эмоционально - экспрессивный смысл, аллитерация, ассонанс.
**Key words:** poetic phonetics, change in the position of sounds, emotional -expressive meaning, alliteration, assonance.


Тилдиң материаллық тәрепин сеслер қурайды екен, тилдеги сөзлер, сөз дизбеклери, гәплер ҳәм сеслер арқалы пайда болады. Сөйлеўдеги сеслик қураллар айырым жағдайларда стильлик хызметлерди де атқарады. Әдетте, көркем шығармаларда, әсиресе, лирикалық шығармаларда сеслер, сеслердеги пәт, интонация − сөйлеўдеги тәсиршеңликти асырыўшы қураллар есапланады. Илимпазлар «сөздиң экспрессивлик, тәсирлилик дәрежеси менен оның сеслик формасын аңлататуғын фонетикалық мәни ортасында тиккелей байланыс болатуғынын» көрсетип өтеди [1:4].

«Сөйлеў сеслериндеги эмоционаллық, тәсиршеңлик, еситиўдеги жағымлылық, баянлаўдағы көтериңкилик, олардың көркемлилиги, эстетикалық роли – фонетикалық стилистиканың үйренетуғын объекти есапланады» [2].

Рус тил билиминде Л.В.Щерба, Р.И.Аванесов, М.В.Панов, Л.Р.Зиндер ҳәм т.б алымлардың мийнетлеринде фоностилистикаға байланыслы бир қанша илимий пикирлер берилген [3]. Қарақалпақ тил билиминде бул бойынша арнаўлы түрде изертлеўлер аз. Тек филология илимлериниң докторы Ш.Абдиназимовтың «Лингвопоэтика», Б.Юсупованың «Фоностилистика». (Ш.Сейтовтың «Халқабад» романы тили фразеологиясының фоностилитикалық анализи) мийнетлерин көрсетиў мүмкин [4]. Әдебиятшы илимпазлардан Қ.Жәримбетов, Қ.Оразымбетов, Б.Генжемуратов, А.Досымбетовалардың мийнетлеринде аллитерация, ассонанс, диссонанс қубылыслары әдебият теориясына байланыслы басқа да мәселелер менен бирге сөз етилгеу [5:188].

Фоностилистикалық қураллар аўызеки сөйлеўде толығырақ көринеди. Бирақ, сондай болса да, Т.Жумамуратов шығармаларында фонетикалық қураллардың стильлик хызмет атқарып, лингвопоэтикалық жақтан тексттиң тәсиршеңлигин арттырыўы өзине тән усыллар арқалы берилген.

Фонетика тараўы тилди системалы ҳәм структуралық бағдарда үйренеди. Поэтикалық тилдеги ең майда элемент – сес қосық қурылысындағы ырғақ, сеслик тәкирар, сеслик үнлесликти пайда етиў арқалы қосықтың қонымлылығын пайда етеди. Сеслерди арнаўлы түрде таңлап алыў ҳәм тәртиплестириў арқалы уйқасымлы қосық қәлиплеседи. Көркем текстте олар қатар, шөлкемлескен характерде қолланыўы, арнаўлы түрде таңлап алыныўы ҳәм сеслердиң жайласыўы менен өзгешеликке ийе болады. Бирақ бундай өзгешелик тек формалық жақтан болып қалмастан, поэтикалық тилде ҳәм оның тийкарында шөлкемлескен көркем тексттиң қурамалы идеялық-тематикалық, композициялық, поэтикалық- семантикалық қурылысында да әҳмийетли орын ийелейди. Бундай жағдайда фонетикалық факторлар экспрессивлик, эстетикалық, семантикалық мәниге ийе болып, поэтикалық мазмунды ашып бериўдиң бир түри сыпатында хызмет атқарады [6:23].

Көркем тексттиң қурылысындағы фонетикалық факторларға, басқаша айтқанда, тексттиң сеслик жақтан шөлкемлестирилиўин сестиң мәнилик ҳәм фонетика-семантикалық байланысларын сәўлелендирилиўши

түрлерине – аллитерация ҳәм ассонанс киреди. Сондай-ақ, паронимия да сеслик дүзилиске байланыслы пайда болатуғын қубылыс есапланады.

**Аллитерация, ассонанс**. Биргелкили даўыссыз сеслердиң қайталаныўы аллитерация қубылысы болып, бунда сеслик тәкирарлар вертикаль ҳәм горизонталь түрде қолланылып, фонетика-семантикалық байланыслардың пайда болыўында әҳмийетли мәниге ийе болады [7].

Т.Жумамуратов шығармаларында төмендеги даўыссыз сеслердиң тәкирары ушырасады:

**1) «Б» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**Б**илгенлер де, **б**илмеслер де гәп табар,
**Б**илимпаздың **б**ир қәтеси **б**илинсе. [9:26]
**Б**иреў айтар: – **Б**үгин қызық көрдим, – деп,
**Б**иреў айтар: – **Б**алықты көп **б**ердим, – деп. [9:75]

**2) «Ж» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

Ядымда тур, мен баяғы **ж**етиммен,
**Ж**етимлерден талай **ж**айсаң **ж**етилген. [10:84]
Балалықты ғаррылықтан **ж**ек көрдим,
**Ж**ек көрмедим, уўайымын **ж**еп көрдим.
**Ж**үз **ж**астағы ғаррылықтың қайғысын,
Бес **ж**астағы балалықта өткердим. [10:84]
**Ж**ылан да **ж**ылжып киралмас,
**Ж**аздың **ж**ақсы күнинде,
**Ж**арғанат ушып **ж**үралмас [9: 121]

**3) «К» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

Қуўдың **к**өрки – **к**өк шалғынлы **к**өл менен,
Елдиң **к**өрки адам менен ел менен
Еле талай қарызым **к**өп бермеген… [10: 84]
Егиз туўған қуўаныш ҳәм қапалық,
**К**үн артынан **к**үнлер **к**елер тақалып,
**К**үнлер өтти, **к**өрген түстей белгисиз,
**К**үнлер өтти қайтып оны **к**өргисиз [10:84]

**4) «Қ» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**Қ**айғы оты туншықтырды анамды,
**Қ**ара үйди **қ**аплады тас **қ**араңғы.
Булағайлы **қ**арлы боран түнлерде,
Зарланады суў **қ**орғағай деп баламды. [10:82]
**Қ**ыяллардан **қ**ыял туўар шақалап,
Ели-журтым хызметимди баҳалап,
**Қ**уўатыма **қ**уўат **қ**осып келмекте,
**Қ**аршығадай гүрилдескен шапала**қ**. [9:134]

**5) «М» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**М**инези шеп бар екен деп,
**М**ың тоқсан бир семьяға.
Жаманынан жақсысы көп,
**М**әлел тийер жақсыға да. [10:58]
**М**үмкин бир нәрсени күткен,
**М**әгар исти алмаспаққа [10:89]

**6) «С» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**С**ырттан қатты ура-ура,
**С**ындырды **с**ол терезени. [10:78]
**С**ағыныштың жалынына жанса да,
**С**ыр **с**андықта **с**ақлады қыз бар уўын. [10:38]

**7) «Т» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**Т**аў баўырында жайсаң жыра,
**Т**армақ-**т**армақ қуўыслары.
**Т**арқалып қараңғы думан,
**Т**өбемизге **т**үсти жақты [10:73]
**Т**арийхы – **т**еңиз Жайхунның Сырдың,
**Т**уран деп бурын атапты атын,
**Т**уркестан екен бул ата журтым,
Жутыпты сансыз өмирдиң татын. [10:136]

**8) «Ш» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

Мийўе берди **ш**абытымның жемиси,
Нағыз **ш**ыңға **ш**ыққан гезим ең усы [11:134]
Ал **ш**алынды! **Ш**апшып қаны атылды,
Патша **ш**оршып, күшин жыйнап ақырғы. [10:15]

**9) «Ҳ», «Х» даўыссыз сесиниң тәкирары:**

**Ҳ**адал адам болсын сениң шын достың,
**Х**алық массасы пикириңе үн қоссын.
**Х**алтурщиктиң **ҳ**ийлелерин талқанла,
Иси менен көринбесе гүм болсын. [12:14]

Т.Жумамуратов шығармаларында аллитерация төмендегише формаларда берилген:

**1) Бирдей сеслердиң қосық қатарларының дәслепки үш қатарының басында қайталаныўы:**

**Б**ир ҳәриптен барып-барып,
**Б**ир роман қуралар,
**Б**ир гербиштен жалғанысып,
Питер бийик биналар. [13:15]

**2) Биргелкили бирдей даўыссызлардың қосық қатарларының дәслепки еки қатарында қайталаныўы:**

**Ж**етим қалды жалғыз қызы,
**Ж**аңа жеткен бес жасына,
Еңиреген соң жалғыз өзи,
Семен алған өз қасына [10:63]

**3) Бирдей сеслердиң қосық қатарларының кейинги еки қатарында қайталаныўы:**

Өткенликтен қызға қайғы-салмағы,
Радиоға да ол нәзер салмады.
**Б**ир ўақытта шалып кетти қулағын,
**Б**ир әжайып қуўаныштың салмағы. [10:31]

**4) Биргелкили бирдей сеслердиң қосық қатарларының кейинги үш қатарында қайталаныўы:**

Сезбеди душпан екен деп,
**Қ**арайды қайта еркелеп.
**Қ**ыялы бузық сум қасқыр,
**Қ**арсы жүрди ентелеп. [14:5]

**5) Бирдей даўыссызлардың қосық қатарларының барлық қатарында қайталаныўы:**

**Т**утасып жерлер шәҳәрлер менен мунардан,
«**Т**оқпақтан минген мышықлар шығып Бухардан,
**Т**олысқан шақта, аждарҳа жутып ақырып,
**Т**алай бир сапар ўайранын халықтың шығарған [10:228]

**6) Қосық қатарларының даслепки еки қатарында бирдей даўыссызлар ҳәм соңғы еки қатарында да бирдей даўыссызлардың қайталаныўы:**

**Ж**ан Москва! Сайран етип мен Сизде,
**Ж**үргенимди умытпаспан ҳеш гезде.
**Ҳ**әр музейиң үлкен тарийх арнасы,
**Ҳ**әр бир көшең бир әжайып көргизбе. [13:9]

**7)Қосық қатарларының 1-3-4-қатарларында бирдей даўыссызлардың қайталаныўы:**

**Қ**урал етип қурықты,
Суўға қулаш урыпты,
**Қ**урықты белден илдирип,
**Қ**ырға қарай бурыпты. [10:34]

**8) Қосық қатарларының 1-2-4-қатарларында бирдей даўыссызлардың қайталаныўы:**

**С**онлықтан қыз қуўанды алақайлап,
**С**оңынан былай деди бир ис ойлап:
- Қәйтеди Сизди утқан киси менен
**С**ынассам бир сапарға өзим ойнап? [10:146]

Аллитерация сөйлеўдиң экспрессивлиги, эмоционаллығы ҳәм эстетикалық тәсиршеңлигин күшейтиўши қурал болып хызмет етеди.

**Қ**әўип **қ**азаны **қ**айнап-**қ**айнап,
**К**екли **қ**ыял бийлеп **к**етер.
**Қ**ырағы **к**өз оттай жайнап,
Жигер артар оннан бетер. [10:43]

Бул қатарларда биргелкили «қ», «к» сеслериниң жийи қолланылып, горизонталь үнлесиўи ушырасады.

Бул мысаллар сеслик символизмди өзинде сәўлелендирип келген. Қатар келген сөзлердиң басында тәкирарланып келген сеслер жаңа мәнини пайда етпейди, олар тексттиң мазмунлық ҳәм фонетикалық тәреплериниң өз ара тәсири тийкарында акустикалық жақтан тәсиршеңликти күшейтип келген.

Дизбеклесип келген сөзлердиң басында бирдей ямаса уқсас даўыслы сеслерди көркемлик, стильлик

мақсетте тәкирарлап қолланыў усылы ассонанс термини арқалы аңлатылады. Б.Юсупованың илмий мийнетинде төмендеги пикирди ушыратамыз: «Қарақалпақ тилиниң лингвистикалық сөзликлеринде «Ассонанс – турақлы сөз дизбеклеринде гезлесетуғын даўыслылардың үнлеслиги», рус тил билиминдеги сөзликлерде «Ассонанс – тексттиң экспрессивлигин арттырыў ушын бирдей даўыслы сеслерди қатар фраза, строфада тәкирарлаў» деп анықлама берилген [8:27-28].

Т.Жумамуратов қосық қатарларында қарақалпақ тилиниң сеслик қурамында көркемлик, күшли экспрессияны, пайда етиў мақсетинде бирдей ямаса бир-бирине айтылыўы, еситилиўи уқсас болған даўыслы сеслердиң қатар келген сөзлердиң басында тәкирарланып қолланылыўы – ассонанс қубылысын көркемлеў қуралы сыпатында шебер пайдаланған. Оның төмендеги формаларын көриўге болады:

**1) «А» сесиниң қайталаныўы:**

**А**лып Иван түсти жолға,
**А**л, Аяп дем алып жатты,
**А**здан кейин жүрмек бул да. [10:50]
**А**лымларды **а**лдыртыпты **а**лыстан,
**А**раб, парсы, қытай, юнон, орыстан. [10:133]

**2) «Е» сесиниң қайталаныўы;**

**Е**ринлери кемсең-кемсең,
**Е**ңирегенде жас баладай,
**Е**гленип кеп залым Хусен,
Күлди ғарқылдап ғарғадай [10:107]

**3) «О» сесиниң қайталаныўы:**

**О**н бес жигит, **о**н бес қыз,
**О**тырыспа қурыпты.
**О**лар бәри жарақсыз,
Бара салдық қурықты. [10:220]

**4) «Ү» сесиниң қайталаныўы:**

**Ү**ш жигирма бес жасты өткерип бастан,
**Ү**ш жүз жыллық тарийх көрген бүлбүлим [15:98]

**5) «И» сесиниң қайталаныўы;**

**И**йеледиң неше түрли саласын,
**И**лимди бир дәрья десек мысалы,
Дүркин-дүркин қарақалпақ баласын,
Шарықлаттың ашып илим қушағын [15:104]

**6) «Ө» сесиниң қайталаныўы:**

**Ө**скен еди бир гөззал болып,
**Ө**ткирлиги таўдың тасындай. [15:107]

**7) «Е» хәм «Ө» сеслериниң қайталаныўы:**

**Е**рмен десең душпанға,
**Е**ки көзди жумбағыл.
**Ө**тип кеткен ис ушын,
**Ө**кинип бала турмағыл [15:147]

Ассонанс қубылысы арқалы шайыр пикирди көркемлеп жеткериўге урынғанын, сөзлердиң тәсир етиўшилигин күшейткенин көремиз.

Солай етип биз, ҳәзирги қарақалпақ поэзиясының ең ири тулғаларының бири, Т.Жумамуратовтың шығармаларының тилин фонетика-семантикалық, стилистикалық аспектте лингвопоэтикалық жақтан үйрениў барысында төмендегидей жуўмақларға келдик:

- Шайыр өзиниң қосықларында тек сөз таңлаўға үлкен итибар берип қоймастан, ҳәр бир сести шебер қолланыў арқалы қосықтың идеялық-көркемлик дәрежесиниң артыўына ҳәм эстетикалық гөззаллық пайда етиўге, қосықтың эмоциональ-экспрессивлик тәсирлилигиниң артыўына ерискен.

- Шайыр биргелкили даўыссыз сеслердиң қайталаныўы – аллитерация, қатар келген сөзлердиң басында бирдей ямаса уқсас даўыслы сеслердиң қолланыўы – ассонанс қубылысларын вертикаль ҳәм горизонталь түрде қолланыў арқалы фонетика-семантикалық байланыслардың пайда болыўына ерискен.

**Әдебиятлар**


1. Ваулина И.А. Фоносемантическая экспрессивность русского слова: лингвистический и психо-лингвистический аспекти: Автореф.дисс. …канд.фил.наук. – Екатеринбург: 2017.
2. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. –Тошкент: "Ўқитувчи", 1985.
3. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М: Учпедгиз, 1957; Аванесов Р.И. Русское литературное произношение. – М.: Просвещение, 1984; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: «Высшая школа», 1979; Панов М.В. Современный русский язык. Фонетика. –М.: «Высшая школа», 1979.
4. Абдиназимов Ш. Лингвопоэтика. – Ташкент: 2020. ; Юсупова Б. Фоностилистика. –Тошкент: 2021.
5. Жәримбетов Қ. XIX әсир Қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. –Нөкис: «Билим», 2004; Әдебияттаныўдан сабақлар. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 2012; Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. I, II том. –Нөкис: «Билим», 2018.; Генжумаратов Б. Әжинияз лирикасының поэтикасы. –Нөкис: «Билим», 1997.; Dosımbetova A. Ádebiyatta kórkemlew quralları. – Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2017.
6. Абдиназимов Ш. Лингвопоэтика. – Ташкент: «Yoshlar nashriyot uyı», 2020.
7. Насыров Д., Бекбергенов А., Жәримбетов А. Русша-қарақалпақша лингвистикалық терминлер сөзлиги. –Нөкис: 1979.
8. Юсупова Б. Фоностилистика. –Ташкент: 2021.
9. Жумамуратов Т. Аралға келдим оралып. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2015.
10. Жумамуратов Т. Шығармалар жыйнағының 3 томлығы. I том. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 1978.
11. Жумамуратов Т. Дослық ҳаққында қосықлар. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988.
12. Жумамуратов Т. Мениң заманласларым. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1962.
13. Жумамуратов Т. Жүрек муҳаббаты. – Нөкис: 1956
14. Жумамуратов Т. Шайыр мийрасы. –Нөкис: 2015.
15. Жумамуратов Т. Толқында. – Нөкис: "Қарақалпақстан", 1970.



**РЕЗЮМЕ.** Мақолада ҳозирги қорақалпоқ поэзиясининг йирик вакилларидан бири Т. Жумамуратов асарлари тилининг фонетик поэтикаси лингвопоэтик аспектда ўрганилган. Шоирнинг шеър яратишда ҳар бир товушни қўллаш маҳорати, жарангсиз товушларнинг такрори-аллитерация, кетма кет келган сўзларнинг бошида бир ёки ўхшаш жарангли товушларнинг вертикал ва горизонтал тарзда қўлланиши орқали фонетик-семантик муносабатларнинг пайдо бўлиш масалалари ҳақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ.** В статье изучена фонетическая поэтика языка произведений одного из самых крупных представителей каракалпакской поэзии Тлеубергена Жумамуратова в лингвопоэтическом аспекте. Статья широко раскрывает мастерство поэта в использовании каждого звука, повторение одинаковых согласных звуков- аллитерации, использование одинаковых или схожих гласных звуков в словах, идущих подряд, а также вопросы возникновения фонетико- семантических связей посредством использования явления ассонанса в горизонтальной и вертикальной форме.

**SUMMARY.** The article studies the phonetic poetics of the language of the works of one of the largest representatives of the Karakalpak poetry Tleubergen Zhumamuratov in the linguistic and poetic aspect. The article widely reveals the poet's mastery in the use of each sound, the repetition of the same consonant sounds-alliterations, the use of the same or similar vowels in consecutive words, as well as the issues of the emergence of phonetic-semantic connections through the use of the phenomenon of assonance in horizontal and vertical form.

# HAYDAR XORAZMIYNING "GULSHAN UL – ASROR" MASNAVIYSIDA FORSCHA O'ZLASHMA QATLAMGA OID LEKSEMALAR IFODASI

**N.Ch.Tashmatova** – *o'qituvchi*
*Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti*

**Tayanch so'zlar:** turkiy til, o'zbek tili, forscha, o'zlashma, masnaviy, so'z, ibora,leksema, til.
**Ключевые слова:** турецкий язык, узбекский язык, персидский язык, адаптация, Маснави, слово, словосочетание, лексема, язык.
**Key words:** turkish language, Uzbek language, Persian, adaptation, Masnavi, word, phrase, lexeme, language.

Tarixiy taraqqiyot jarayonida dunyo xalqlari o'rtasida o'zaro iqtisodiy,siyosiy,ilmiy,madaniy aloqalar sodir bo'ladi. Buning natijasida tillarning lug'at tarkibi yangi tushunchalar va ularni ifodalovchi so'zlar bilan boyib boradi. Darhaqiqat, o'zbek xalqi bilan hamohang tarzda o'zbek tili ham o'zining tarixiy rivojlanishida ko'plab boshqa xalqlar tillari bilan aloqada bo'ldi. Shu bois,o'zbek tili lug'at tarkibining ma'lum qismini o'zlashgan so'zlar tashkil etadi [8].

O'zbek tili lug'at tarkibining boyishida ichki imkoniyatlar muhim manba hisoblanadi. Shunga qaramasdan,dunyodagi hech bir til o'z ichki imkoniyatlariga tayanib ish ko'rmaganidek, o'zbek tili uchun ham faqat o'z so'zlari va imkoniyatlarigina kifoya qilmaydi. O'zbek tili so'z boyligining takomillashuvida tashqi manba katta rol o'ynaydi. Umuman, har qanday til sof holda yashay olmaydi [5].

Boshqa qardosh turkiy tillar singari o'zbek adabiy tili uchun ham so'z o'zlashtirish xarakterli hisoblanadi. XI asrga oid o'zlashmalarning o'zbek adabiy tiliga kirib kelishida fors-tojik va arab tilidan o'zbekchaga o'girilgan badiiy tarjimalarning roli sezilarli edi. Fors-tojik tili: bu davrda ma'muriy, huquqiy, tijoriy, ilmiy, diniy tushunchalarni ifodalovchi sharq tillari so'zlarining o'zbek adabiy tiliga o'zlashishida vositachi vazifasini bajaradi. Tabiiyki, chet so'zlarning turli soha leksikasiga o'zlashishi farqlanadi.Jumladan,harbiy terminologiya mo'g'ulcha so'zlar hisobiga kengaygan bo'lsa,ma'muriy, siyosiy, tijoriy-moliyaviy, ilmiy, diniy leksika esa asosan arabcha, forscha-tojikcha o'zlashmalar orqali boyigan.Umuman,turkiy tillar leksikasidagi chet so'zlarni ikki guruhga taqsimlab tahlil etish maqsadga muvofiq:

1) qadimiy (islomgacha bo'lgan) davr.Bunga sanskritcha, sug'dcha va xitoycha unsurlar xos;

2) nisbatan yangi (islom hamda mo'g'ullar istilosidan keyingi) davr.Mazkur guruhdan arabcha, fors-tojikcha va mo'g'ulcha o'zlashmalar o'rin egallaydi.

Turkiy tillar so'z boyligida sug'dcha, sanskritcha, xitoycha o'zlashmalarning paydo bo'lishiga turkiy xalqlarning qadimdan sug'd, hind, xitoy, xorazm xalqlari bilan yaqin aloqalari mahsuli sifatida baho beriladi [6]. XIV asr oxiri va XV asr boshlarida yashab ijod etgan Haydar Xorazmiy "Gulshan ul-asror" masnaviysida ham o'zlashma qatlamga doir leksemalar o'z ifodasini topgan.Bu esa o'sha davr leksikasi haqida oz bo'lsada ma'lumotga ega bo'lish imkonini beradi.Biz ushbu tadqiqotimizda masnaviyda keltirilgan o'zlashma qatlamga oid leksemalarning nisbatan yangi (islom hamda mo'g'ullar istilosidan keyingi) davr holatini o'rganamiz. Mazkur guruhdan arabcha, fors-tojikcha va mo'g'ulcha o'zlashmalar o'rin egallaydi.

XIV-XV asrlarda turkigo'y adiblar fors-tojik tilini yaxshi bilganlar va har ikkala tilda ijod qilganlar. Demak, forscha-tojikcha so'zlarning o'zbek tiliga o'zlashishida quyidagi omillar muhim rol o'ynagan:a) o'zbek va tojik xalqlarining qadimdan bir (yoki qo'shni) hududda, bir xil ijtimoiy tuzum, iqtisodiy va madaniy-ma'naviy muhitda yashab kelayotganligi; b) o'zbek-tojik va tojik-o'zbek ikki tilliligining (blingvizmining) keng tarqalganligi; v) tojik va fors tillarida ijod qilish an'analarining uzoq yillar davom etganligi; g) Qo'qon xonligi va Buxoro amirligida tojik tilining alohida mavqega ega bo'lganligi; d) adabiyot, san'at, madaniyat, urf-odatdagi mushtaraklik [7]. Alisher Navoiy asarlari leksikasida 5489 ta sof fors-tojikcha so'z qo'llangan bo'lsa [3], Rabg'uziyning "Qisasi Rabg'uziy" asarida 321 ta sof fors-tojikcha, arabcha o'zlashmalardan yasalgan 9 ta fors-tojikcha leksema ishlatilgan [2]. Haydar Xorazmiyning "Gulshan ul-asror" masnaviysida ham fors-tojikcha o'zlashmalar ancha faol qo'llangan bo'lib, 310 ta leksemani tashkil qiladi.

**Payg'ambar** leksemasi (payg'om- "xabar, mujda") "Xudoning xohish-irodasini bandalarga yetkazuvchi kishi " ma'nosida ifodalangan va asosan sarlavhalarda keltirilgan: Sulaymon payg'ambar haqida hikoyat 15A-7.Masnaviy lug'at boyligida o'zlashmaning arabcha **nabiy**,**nabi**: *Bir nechani dunyoda qildi nabiy, Bir nechaning otini qo'ydi valiy.* 1A-11. *Su bila kelturdilar ul ko'zani, Ochti Sulaymon nabi ro'zani.* 15B-5. ;**rasul:** *Andaki Ya'qubi Rasuli Amin,Hajr ichida yer edi Yusuf g'amin.* 21B-8. kabi sinonimlarini ham ko'rish mumkin.

Asarda "Xudoga itoatli kishi"ni **banda** deya zikr yetilgan: *Qudrat iyosidurur u Biru Bor, Banda sirini bilur ul oshkor.*1A-9. Leksema Rabg'uziyning "Qisasi Rabg'uziy"da ham ushbu ma'noda ifodalangan: T*äŋrining bandasimän, birlikiŋä kitäb (169v16) [2]*. Masnaviy lug'at tarkibida tekshirilayotgan terminning ***qul*** sinonimi ham ko'zga tashlanadi: *Borchasig'a qullug' uchun amri shar', Kashf bo'lib vahy bila aslu far'.*1B-7. O'z navbatida, ushbu ***qul*** leksemasining "qul, xizmatkor" semasi ham mavjud bo'lib, bu sema masnaviyda ifoda etilmagan.

**Dehqon** so'zi fors-tojik tili zaminida yasalib, keyinchalik turkiy tillarga o'tib o'zlashgan va yerga ishlov beruvchi,urug' ekib hosil oluvchi shaxsni ifodalovchi leksema hisoblanadi, masnaviy leksikasida ham ushbu ma'noni ifodalab kelgan: *To'kmasa dehqon araqi poy bil, Yemishining foidasin tobmas el!* 6A-6. **Dehqon** so'zi VII-XIII asrlarda ham turkiy xalqlar tilida qo'llangan bo'lishi kerak. Lekin u O'rxun-Yenisey yozma manbalarida, Mahmud Qoshg'ariy lug'atida, "Qipchoq tili lug'ati"da qayd etilmagan.Faqat XIV asrda yaratilgan turkiy yozma manbalar – XIV asr Xorazm yozma yodgorliklarida ***dehqan***, Alisher Navoiy asarlarida ***dehqon*** shaklida uchraydi: *Chu men bir jom uchun dehqon asirimen, ajab ermas, Libosim tok bargi rishta belbog'larga tok o'lmoq (*G'.S. 337). So'zning strukturasi qo'shma bo'lib, u ikki mustaqil til birligidan tashkil topgan. Fors-tojik tilining yozma manbalarida X asrlardan boshlab qayd qilingan yozma yodgorliklarda quyidagi ma'nolarda qo'llangan: 1) qishloq arbobi, qishloq xo'jayini; yer egasi, boy; 2)yer ishlari bilan shug'ullanuvchi; 3) fors, tojik xalqi; 4) tarixni biluvchi, qissa aytuvchi (F.Z.T. 1, 1969, 365). ***Dehqon*** so'zi semit tillari oilasiga kiruvchi hozirgi arab tilida ham دهقان ko'pligi دَهَاقَنَة yoki دَهَاقِينو kabi shakllarda qo'llanib, dohiy, yo'lboshchi, sarkarda, mashhur va ulug' kishi ma'nolarini bildiradi. Bu fakt shuni tasdiqlaydiki, ***dehqon*** so'zi arab tiliga VII-X asrlarda o'tib o'zlashgan bo'lishi kerak. Chunki bu so'zning daslabki shakli ***deh*** + ***xoon-xon*** va qishloq xoni, qishloq shoxi ma'nosini anglatgan bo'lishi kerak. Keyinchalik esa yana yangi qo'shimcha ma'nolar bildira boshlagan. ***Dehqon*** so'zining strukturasi tarixan qo'shma bo'lib, u fors-tojik tili zaminida yasalgan. Uning birinchi kompinenti fors-tojikcha (***deh*** – qishloq) va ikkinchi komponenti ***qon*** < ***qoon*** < ***xoon*** < ***xon*** turkiy tildan o'tib o'zlashgan til birligidir [4].

**Kabob** so'zi masnaviy leksikasida ma'no ko'chish hodisasini izohlab kelgan bo'lsada, cho'g'da pishirib tayyorlanadigan ovqat semasini ifodalagan:*Ko'z yoshidin-boda, bag'irdin-kabob, Dardi dilim-nuqlu, fig'onim-rubob.* 3B-1.Fors-tojik leksikasi bo'lgan bu so'z eski o'zbek tiliga o'tib o'zlashgan. Alisher Navoiy asarlarida *kabob* tarzida qo'llangan: *Ikki o'tlug' nargisingkim qildilar bag'rim kabob, Biridur ayni xumor, ichinda biri masti xob* (G'.S. 61). O'rxun-Yenisey yozma manbalarida qayd etilmagan. Mahmud Qoshg'ariy lug'atida *kabob* so'zining sinonimi turkiycha formasi *suk\unchu* – kabob (MK.,III. 357) shaklida uchraydi. *Kabob* so'zi tarixan yasama bo'lib, u ikki mustaqil so'z – *kam* va *ob* – suv elementlarining qo'shilishidan yasalgan. Kabob bir necha usulda tayyorlanadi. Bu usullarning barchasida ham suv kam qo'llanadi.Mana shu belgi asosida tayyor bo'lgan ovqat ham

*kam+ob<kabob* deb nomlangan. Hozirgi tillarda *shashlikning kabob* deb atalishi bu tildagi keyingi hodisadir.Kabob so‘zi sostavida yuz bergan fonetik o‘zgarish (*m> b; b> v; a >o*)larning barchasi fonetik qonunlarga mos keladi [4].

**Meva** so‘zi masnaviyda quyidagi ma’nolarni bildirib kelgan:”ba’zi daraxt va butalarning hosili” *Sarvtek ozoda bo‘l-u rostkor, Yo o‘riku olma bikin mevador.* 14B-5, “ko‘chma ma’noda” *Ahli nazar shevasini so‘z bila, Nuri basar mevasini ko‘z bila.* 3A-3 . Bu so‘z fors-tojikcha, eski o‘zbek tiliga o‘tib o‘zlashgan va hozirgi o‘zbek tilida ham aktiv qo‘llanadi. Ammo O‘rxun-Yenisey yozma manbalari, Mahmud Qoshg‘ariy lug‘ati, “Tafsir”da qayd etilmagan. Alisher Navoiy asarlarida: *Ey chuchuk jonim sening shirin labing, Mevai jonim turunji g‘abg‘abing.*(G‘S.359) formasida keladi. Eski va hozirgi tojik tilida **meva** (Ibn Sino asarlarida bu so‘z qayd qilingan), fors tilida ميوه **mive** variantida ifodalangan. Eroniy tillardagi **meva-mive** ,turkiy tillardagi *mive-mөmө-mive-miyo‘s-meyva-mive-meyve-mögä* variantlarini o‘zaro qiyoslaganda, ushbu so‘zning yasamaligi seziladi. So‘zda ikki komponent bo‘lib, ular keyinchalik o‘zaro kirishib ketgan va o‘zaklar orasida morfologik qayta bo‘linish hodisasi yuz bergan.Ikki mustaqil so‘z bir so‘z holiga kelib qolgan. Bu holatni tadrijiy ravishda ko‘rsatganda, u ***meva<me(h)+va<me(h)+ba:< meh+ba(r)<beh+bar<bor*** bo‘lishi kerak**.** ***Meh-beh*** so‘zi forscha bo‘lib, yaxshi, yoqimli, mazali, bar-bor so‘zi ham meva, hosil ma’nosida kelgan. Meva so‘zi shirin, mazali, yoqimli, samar, hosil demakdir [4].

Masnaviyda keltirilgan o‘zlashma leksemalar o‘sha davr ma’naviy, madaniy, iqtisodiy, siyosiy hayotini o‘zida aks ettirish bilan birga tildagi o‘zgarishlarni ham ifodalab berishga xizmat qiladi. Har qanday tilning so‘z boyligida o‘zlashmalarning paydo bo‘lishi xalqlarning yaqin aloqalari mahsuli hisoblanadi.

**Adabiyotlar**


1. Haydar Xorazmiy. “Gulshan ul-asror” (Mahzan ul-asror) qo‘lyozmasi. O‘zRFA Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi. № 37.
2. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. –Т.: Академия, 2008
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: “Фан”, 1983
4. Бафоев Б. “Кўҳна сўзлар тарихи”. –Т.: “Фан”, 1991
5. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.:Фан, 1985.
6. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: “Ёзувчи”, 1991.
7. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ ,2004.-Б.55.
8. Йўлдошев И.Ўзбек китобатчилик терминологияси. –Т.: “Фан”,2004.



**REZYUME.** Ushbu maqolada Haydar Xorazmiyning “Gulshan ul-asror” masnaviysida ifodalangan o‘zlashma so‘zlar tasnif va tahlil etilgan. Biz ushbu tadqiqotimizda masnaviyda keltirilgan o‘zlashma qatlamga oid leksemalarning nisbatan yangi (islom hamda mo‘g‘ullar istilosidan keyingi) davr holatini o‘rganamiz. Mazkur guruhdan arabcha, fors-tojikcha va mo‘g‘ulcha o‘zlashmalar o‘rin egallaydi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье классифицируются и анализируются идиомы, выраженные в маснави «Гюльшан ул-асрар» Гейдара Хоразми. В данном исследовании мы изучаем состояние представленных в маснави лексем самоидентификационного слоя в относительно новый (после исламского и монгольского завоевания) период. В эту группу входят арабские, персидско-таджикские и монгольские адаптации.

**SUMMARY.** In this article, the idioms expressed in the masnavi "Gulshan ul-asrar" by Heydar Khorazmi are classified and analyzed. In this research, we study the state of the lexemes of the self-identification layer presented in the Masnavi in a relatively new (after the Islamic and Mongol conquest) period. This group includes Arabic, Persian-Tajik and Mongolian adaptations.


## ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНДЕГИ ӨЗЛЕСТИРИЛГЕН СӨЗЛЕРДИҢ ҚУРЫЛЫСЫ ҲАҚҚЫНДА


**Г.У.Темирханова -** *еркин излениўши*

*Өзбекстан Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты*



**Таянч сўзлар:** ўзлашма сўзлар, билингвизм, лексик ўзлашган сўзлар, морфологик, бирлик

**Ключевые слова:** заимствованные слова, билингвизм, лексическое заимствование, морфология, единица.

**Key words:** borrowed words, bilingualism, lexical borrowing, morphology, unit


Қарақалпақ тили қурамындағы шет тили лексикасы, лингвистлерде дәстүрий қызығыўшылықты оятады. Ҳәр қыйлы тиллик системалардың өз-ара ҳәрекетлериниң байланысы нәтийжесинде теориялық ҳәм әмелий машқалалардың изертлениўи ҳәзирги ўақытта мәдениятлар ара активлилик себебинен әҳмийетке ийе болып келеди. Тиллик байланыслар – бул бир бирине тәсир етиўши бир неше тиллердиң өз-ара ҳәрекети болып есапланады. Тиллик байланыстың ең көп қолайлы жағдайларының бири бул билингвизм болып есапланады, яғный индивидуумның еки тилге түсиникли болыў қәбилети. Соны да айтып өтиўимиз керек, бул берилген түсиник биринши гезекте, тилдиң түрли дәрежелеринде, атап айтатуғын болсақ структуралық өзлесиў имканияты менен белгиленетуғын тил турақлылығы дәрежеси менен байланыслы. Лексикалық өзлесиў болса да, сөзлер қабыл етип атырған тилге ең дәслеп өмирдиң ҳәр түрли тараўларынан кирип келгенинде, ең кең тарқалған өзлесиў түрлериниң бири болып қалса да, қарақалпақ тили де структуралық өзлесиў сыяқлы процесс пенен белгиленеди.

Шет тилиндеги сөздиң қурылысы оның пүтинлигин тәмийинлейтуғын бөлеклериниң жайласыўы, тәртиби ҳәм сыртқы көринисте сүўретленетуғын лексикалық бирликтиң сыртқы дүзилиси сыпатында түсиниледи. Бирақ соны да есте тутыўымыз керек, ҳәр қыйлы тил ўәкиллери өзлестирилген сөзлердиң морфемалық қурылысын олардың лингвистикалық компетенциясы ҳәм лингвистикалық қәбилетине байланыслы өзине сай дәрежеде түсиниўи мүмкин. М.Мартысюктиң пикиринше «заманагөй тилдеги көплеген өзлестирме сөзлер морфологиялық тәрептен бир-биринен ажралмайды» деп көрсетеди [3:89]. Қандай да бир шет тилин билетуғын тил ўәкиллерине тән болған басқаша көз қараста қарайтуғын болсақ, өзлестирме сөзлерди ажратыўға болады деп есаплаў мүмкин ҳәм бул бизлердиң пикиримизше дурыс деп есаплаўға болады. Мәселен, Э.Хауген, өзлестирме сөзлерди қурылыслы белгилерге сай классификациялай отырып, гибридли өзлесиўлерди (жетилиспеген көширме) яғный, шет тилинен кирип келген ҳәм түпкиликли элементлерден қуралған сөзлерди айырып көрсетеди [4:344-382].

Қарақалпақ тили қурамындағы шет тили лексикасын қурылыслы бөлиниўшилик ҳәм бөлинбеўшилик көз қарасынан көрип шығып, бизлер төмендеги тийкарғы қурылыслы түрлерди ажратамыз.

*1. Транслитерация етилмейтуғын өзлестирме сөзлер*

Ең биринши гезекте соны айтып өтиў керек, яғный лексикалық бирликлерди бирлемши ямаса екилемши

өзлесиў көз қарасынан көрип шығыў мүмкин. Сөзлер узақ ўақыт даўамында өзлесиўди қабыл етип атырған тилде қурылыслы дүзилиў тенденциясын сақлап қалыўы мүмкин. Транслитерация етилмейтуғын өзлестирме сөзлер – булар фонетикалық ҳәм графикалық тәрепинен дерек тилине туўры келетуғын өзлестирме сөзлер болып есапланады. Оларды шет тилиндеги қосындылардан ажратыў керек, олардан пайдаланыў қандай да бир халық ямаса мәмлекет өмирин, үрип-әдетлерин, өзин тутыўы ҳәм дәстүрлерин сүўретлеў зәрүрлиги менен байланыслы. Егер де, бул лексикалық бирликлер топары қарақалпақ тилинде графикалық жазыўларға ийе болса яки аўдармаға мүтәж болмаса, оны шет тили қосындылары менен байланыстырып болмайды. Бундай жағдайда транслитерация етилмеген өзлестирме сөзлер ҳаққында айтыўымыз керек. Мысал ретинде мына сөзлерди ҳәм шәртли қысқартыўларды алып қараўымызға болады: CD (инглизше, compact disk) - компакт-диск, bye (инглизше, хош бол, көрискенше), Ltd (инглизше, limited) – жуўапкершилиги шекленген жәмийет, OK (инглизше, яқшы, болады), VIP (инглизше, very important person) – жүдә әҳмийетли адам, game over (инглизше) – ойын таман болды [2:778].

2. *Прототиплерге қурылыслы рәўиште сай келетуғын транслитерацияланған өзлестирме сөзлер*

Транслитерация ўақтында шет тилиндеги сөз, ана тили қағыйдаларына муўапық ҳалда айтылады, бирақ графикалық ассимиляцияға ушрайды. Бул сөзлер топарына соның менен бирге, қарақалпақ тилинде фонематикалық бийимлесиўден өткен өзлестирме сөзлерди де айтыў логикалық жақтан туўра келеди (яғный, олар қарақалпақ тилине шет тили лексикасының кирип келиў өзгешеликлери менен байланыслы болған фонемаларда туўры келмеўшиликлерге ийе) [1:128]. Мысал ретинде қарайтуғын болсақ транслитерация жәрдеминде төмендеги сөзлер өзлескен: бестселлер (инглизше «bestseller» көп тиражда сатылатуғын китап), ананас (немисше «ananas» тропикалық өсимлик ҳәм оның мийўасы), скрининг (инглизше «screening» жергиликли халықты медициналық көриктен өткериў ямаса шериклердиң кредитке болған уқыплылығын тексериў), аллегри (италянша «allegri» билетти сатып алғаннан кейин бирден ойын өткизилетуғын лоторея), ломбард (французша «Lombard» кредит мекемеси), презент (французша «présent» саўға), сироп (французша «sirop» концентрацияланған мазалы еритпе), новатор (латынша «novator» прогрессивли принциплерди орынлаўшы адам), скриншот (инглизше «screenshot» пайдаланыўшы монитор экранында көрип турған көринис), круиз (инглизше «cruise» жаўық маршрут бойлап теңиз саяхаты), motel (инглизше «motel» автотуристлер ушын мийманхана), мускат (французша «muscat» жузим ҳәм десертли вино сорты), полтергейст (немисше «Poltergeist» ғайрытәбийғый ҳәдийсе), адресат (немисше «Adressat» қабыллаўшы, алыўшы), шорт-трек (инглизше «short track» конкида ушатуғын спорттың бир түри) ҳәм тағы басқалар.

Соның менен бирге меншиклик атлардың көпшилиги өзлесиў ўақтында транслитерацияланған. Мәселен, Вашингтон (инглизше «Washington»), Лондон (инглизше «London»), Миссисипи (инглизше «Missisipy»), Рэй Чарльз (инглизше «Ray Charles») ҳәм тағы басқалар.

3. *Грамматикалық алмастырылыўы арқалы транслитерация етилген өзлестирме сөзлер*

А. Қабыл етиўши тилине аффикслердиң қосылыўы менен транслитерация етилген өзлестирме сөзлер. Бул топарды қураўшы лексикалық бирликлер қабыл қылыўшы тилине соншелли дәрежеде бийимлескен, себеби олар қарақалпақ тилиндеги сөз жасалыў процессинде де қатнаса баслады. Бул қабыл етиўшиниң аффикслери менен безетилген ямаса алмастырылған сөзлерди өз ишине алады. Мысал сыпатында тартинка (француз тилиндеги «tartine» бир зат қосылған ямаса жағылған нан бөлеклери), мариновать етиў (французша «mariner» бир затты маринадта таярлаў), панировкилеў (немисше «panieren» қуўырыўдан алдын сухарикке ямаса унға былғап алыў) [1:177], фрикаделька (немисше «Frikadelle» фарштан исленген шарик) ҳәм тағы да басқа сөзлерди атап өтиўимизге болады.

Б. Тийкарғы аффикслердиң қысқарыўы менен транслитерация етилген өзлестирме сөзлер. Бундай жағдайда қарақалпақ тилиндеги лексикалық бирлик өзине тән «қысқарған» форманы алады. Мәселен: пломбир (французша «plombières») – қаймақ ҳәм мәйектиң сарыўзынан таярланған музқаймақ; профи (немисше «Professional») - профессионал; тату (французша «tatouage») – тери астына бояўларды жағыў арқалы адам денесине сызыў; параметр (грекше «parametron») - формулаларға киритилген ямаса процесстиң ямаса заттың қандай да бир қәсийетин тәрийиплеп бериўши муғдар; инфаркт (латынша «infarctus») – қан айланысы бузылғанлығы себепли тоқымаларда некроз ошағы ҳәм тағы басқалар.

4. *Шет тили аты ҳәм қабыл етиўши тилдиң анықлаўшы сөздиң бирикпеси*

Этимологиялық көз-қарастан қарайтуғын болсақ, қарақалпақ тилиниң сөз анықлылығы ең дәслеп қарақалпақша болмаўы да мүмкин, бирақ ол тилге жүдә ерте киргенлиги ямаса өмирдиң ҳәр түрли тараўларында белсенди қолланылғаны себепли сөйлеўшилер тәрепинен сондай қабыл етиледи. Бундай ўақытта адъектив (келбетлик) шет тили түсинигин конкретлестириў мақсетинде ислетиледи. Мысал ретинде мына сөзлерди алып қараўымызға болады: лимонлы карамел (французша); липа шайы (түркше); қәрелили, алмалы (тийкарғы қурамы бойынша) соус (французша); голландлы, татарда ислеп шығарылған (миллий компонент бойынша) кетчуп (инглизше); женевалы, римли (үлкен шет ел қалалары атлары менен аталған); лионлы, гасконлы, провансаллы (Франция ўалаятлары ҳәм қалалары атлары менен). Субстантив шет тилиндеги ат пенен биргеликте анықластырыў ўазыйпасын да орынлаўы мүмкин: караоке (японша) приставкасы, эконом (грекше) тармақ, чек (инглизше) қағаз ҳәм тағы басқалар.

5. *Шет тили түсинигин қарақалпақша эквивалент комбинация менен алмастырыў*

Соны да айтып өтиўимиз керек, шет тили сөзиниң қарақалпақ тилине кириўиниң дәслепки басқышында ондағы еки варианттың бар екенлиги болып есапланады, яғный өзлестирме сөзлер ҳәм қарақалпақ тилиндеги сөз дизбеклери. Мысалы, винегрет (французша) - француз окрошкасы, помидор (италянша) – жасыл алма, картофель (немисше) – жер алмасы.

Солай екен, ҳеш бир тил структуралық тәрептен толығы менен изоляцияланыўшы, агглютинативли ямаса

флективли емеслигин ҳақыйқат сыпатында қабыл етиўимиз керек.

Соның ушында, шет тилиниң лексикасы қарақалпақ тили системасына бийимлесип;

- ҳәр қыйлы тараўларда динамиканы көрсетеди;

- белгили өзгерислерге ушрайды; ҳәм баскада бир-затларды қойып дәл корсетин

-Тиллер ара структуралық сәйкес келмеўшиликлерди анализлеў тилдиң раўажланыўын диахроияда көрип шығыў имканын береди.

**Әдебиятлар**

1. Бахтина С.И. Структурно-семантические особенности заимствованной лексики (на примере тематической группы «Пища и напитки»). // «Вестник» Чебоксарского филиала Московского государственного гуманитарного университета им. М.А. Шолохова. 2008. № 5. –С. 128, 177.

2. Зенович Е.С. Словарь иностранных слов и выражений. -М.: КРПА «Олимп», 2002. –С.778.

3. Мартысюк М. Характеристика немецких заимствований имен существительных в русском языке: фонетика, акцентуация, морфология, семантика. Poznan: Widawnistwo Naukowe Uniwersytetu im. Adama Mickiewicza. 1978. –С.89.

4. Хауген Э. Процесс заимствования. // Новое в лингвистике. Языковые контакты. -М.: «Прогресс», 1972. Вып. 6. -С. 344-382.

**РЕЗЮМЕ.** Бу мақолада қорақалпоқ тилига кириб келган ўзлашма сўзларнинг структуравий фарқлари кўриб чиқилади, шунингдек, лексик ва морфологик ўзлашувлар ҳамда уларнинг қорақалпоқ тилига кириб келиши изоҳланади.

**РЕЗЮМЕ.** Данная статья рассматривает структурные дифференции заимствованных слов в каракалпакском языке, а также толкуются лексические и морфологические заимствования и их проникновения в каракалпакский язык.

**SUMMARY.** This article examines the structural differences of borrowed words in the Karakalpak language, and also interprets lexical and morphological borrowings and their penetration into the Karakalpak language. Borrowed words are those words that entered the Karakalpak language without translations, but with meanings and explanations from foreign languages.

# OLIY TA’LIM TEXNIKA YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARNING O‘ZBEK TILIDAGI MULOQOT MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH

**D.Ya.Shermatova** – *katta o‘qituvchi*
*Namangan muhandislik-qurilish instituti*

**Tayanch so‘zlar:** nutq, nutqiy faoliyat, nutqiy vaziyat, diqqat, xotira, tasavvur va tafakkur, diolog, polilog, muloqot muhiti, nutqiy madaniyat, adabiy til va dialektal til.

**Ключевые слова:** речь, речевая деятельность, речевая ситуация, внимание, память, воображение и мышление, диалог, полилог, среда общения, культура речи, литературный язык и диалектный язык.

**Key words:** speech, speech activity, speech situation, attention, memory, imagination and thinking, dialogue, polylogue, communication environment, speech culture, literary language and dialectal language.

Muloqot – ko‘p o‘lchamli, serqirra jarayon. Fikr ifodalash vositalari, fikr mahsuli unda obyektiv va subyektiv omillar bilan uyg‘unlashgan holda amalga oshadi. Har bir insonning betakrorligi, uning ruhiy, aqliy, ma’naviy, jismoniy va boshqa xususiyatlari muloqot jarayoni ibtidosi-yu intihosi, uslubi, natijasini belgilashda muhim ahamiyatga ega. Shu bilan birga muloqot yo‘nalishi, natijasi ustida yana cheksiz tashqi omillar: nutq sharoiti, vaziyati, hududiy o‘ziga xoslik, madaniy muhit, sotsial farq mavjudligini tasavvur qilsak, muloqotni so‘zlovchi va tinglovchining shunchaki axborot almashinuvi deb baholash mumkin emas. Muloqotga kirishuvchilar va ularning fikr mahsuli, muloqot vaziyati, muloqot muhiti hisobga olinmas ekan, sifatli muloqot amalga oshmaydi. Shuningdek, muloqot tizimida ulardan birortasining bo‘lmasligi ham mumkin emas.

Respublikamizdagi texnika yo‘nalishida tahsil olayotgan talabalarning muloqot madaniyatini rivojlantirish xususida fikr yuritilganda, albatta, quyidagilar bilan fikrlashish, o‘rtoqlashish lozim va maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

